



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ  
СТАТИСТИКА АГЕНТЛИГИ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ  
ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ ҲОЛАТИ**

**2022-ЙИЛ  
ЯНВАРЬ-ДЕКАБРЬ**

**Тошкент – 2023-й.**



Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий-иқтисодий ҳолати – Ўзбекистоннинг ижтимоий–иқтисодий ривожланиши, иқтисодиёт тармоқлари ва ҳудудлар ҳолатини комплекс тавсифловчи Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Статистика агентлигининг чорақлик нашри ҳисобланади. Статистик ахборотномада 2022- йилнинг январь-декабрь ойлари яқунлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг асосий статистик кўрсаткичлари чоп этилган.

Нашр 19 та тематик қисмлардан ташкил топган бўлиб, у асосий макроиқтисодий индикаторларни, шунингдек, ялпи ички маҳсулотни ишлаб чиқариш, корхоналар ва ташкилотлар, жумладан кичик тадбиркорлик субъектларининг иқтисодий фаолияти, инвестицион фаоллик, қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги, саноат, қурилиш, бозор хизматларининг ривожланиш динамикаси тўғрисидаги статистика маълумотларини ўз ичига олади.

Ахборотномада саноат, қурилиш, қишлоқ хўжалиги, транспорт ва алоқа, ички ва ташқи савдо, улгуржи ва чакана савдо, нарх, меҳнат бозори, аҳоли турмуш даражаси ва демографик ҳолат тўғрисидаги таҳлилий маълумотлар кенг ёритилган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Статистика агентлиги томонидан шакллантириладиган маълумотлар қаторида Ўзбекистон Республикасининг қатор вазирлик ҳамда идоралар маълумотлари ҳам келтирилган.

Тезкор ҳисоблар асосидаги маълумотларга келгусида аниқлик киритилиши мумкин бўлган кўрсаткичлар келтирилмоқда.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Статистика  
агентлиги директори, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор  
Б.А. Бегаловнинг  
умумий таҳрири остида**

Таҳрир хайъати:

**А.А. Икромов** – Директорнинг иқтисодий статистика  
бўйича ўринбосари

**З.М. Зияев** – Директорнинг ахборот-коммуникатсия технологиялари  
ва ахборот хавфсизлиги масалалари бўйича ўринбосари

## МУНДАРИЖА

Номи	бет.
<b>МАКРОИҚТИСОДИЙ КЎРСАТКИЧЛАР</b>	<b>8</b>
<b>I. ЯЛПИ ИЧКИ МАҲСУЛОТ</b>	<b>9-58</b>
<i>Макроиқтисодий индикаторлар ва миллий ҳисоблар бошқармаси бошлиғи – А.А. Мамаджанов</i>	
1. Ўзбекистон Республикаси ялпи ички маҳсулоти	9-28
2. Ўзбекистон Республикаси ялпи ҳудудий маҳсулоти	29-58
<b>II. САНОАТ</b>	<b>59-90</b>
<i>Саноат статистикаси бошқармаси бошлиғи – С.Б. Жўраев</i>	
1. Республикада фаолият кўрсатаётган ва янги ташкил этилган саноат корхоналари	59
2. Ўзбекистон Республикаси саноатнинг асосий кўрсаткичлари	60-61
3. Саноат ишлаб чиқаришининг асосий тармоқлари	62-82
4. Истеъмол маҳсулотлари ишлаб чиқариш	83-88
5. Тайёр маҳсулотлар, бутловчи қисмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастурининг амалга оширилиши	89-90
<b>III. ҚИШЛОҚ, ЎРМОН ВА БАЛИҚ ХЎЖАЛИГИ</b>	<b>91-130</b>
<i>Қишлоқ хўжалиғи ва экология статистикаси бошқармаси бошлиғи – Ш.А. Гуломов</i>	
1. Қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиғи маҳсулот (хизмат)лар ҳажми	92-104
2. Дехқончилик маҳсулотлари	105-113
3. Чорвачилик маҳсулотлари	114-121
4. Чорва моллари ва паррандалар бош сони	122-130
<b>IV. ИНВЕСТИЦИЯ ВА ҚУРИЛИШ ИШЛАРИ</b>	<b>131-161</b>
<i>Инвестициялар ва қурилиш статистикаси бошқармаси бошлиғи – М.М. Жомолов</i>	
1. Асосий капиталга ўзлаштирилган инвестициялар	131-145
2. Асосий капиталга ўзлаштирилган хорижий инвестиция ва кредитлар	146-148
3. Ижтимоий соҳа объектларининг қурилиши	148-151
4. Ўзбекистон республикасида фаолият қоратаётган қурилиш корхоналари	151-152
5. Қурилиш ишлари	152-161

Номи	бет.
<b>В. ХИЗМАТЛАР</b>	<b>162-186</b>
<i>Хизматлар соҳаси статистикаси бошқармаси бошлиғи – А.Ю. Мирзахидов</i>	
1. Хизматлар соҳасида фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотлар тўғрисида маълумот	162-163
2. Худудлар кесимида хизматлар соҳасининг ривожланиши	164-166
3. Хизматлар соҳаси ривожланишининг асосий кўрсаткичлари	167-168
4. Иқтисодий фаолият турлари бўйича ишлаб чиқарилган хизматлар	168-186
<b>ВИ. ТРАНСПОРТ ВА АЛОҚА</b>	<b>187-213</b>
<i>Хизматлар соҳаси статистикаси бошқармаси бошлиғи – А.Ю. Мирзахидов</i>	
1. Фаолият кўрсатаётган ва янги ташкил этилган транспорт корхоналари сони	187
2. Ўзбекистон Республикасида транспорт фаолиятининг асосий кўрсаткичлари	188-192
3. Юк ташиш ва юк айланмаси	193-195
4. Йўловчи ташиш ва йўловчи айланмаси	195-203
5. Транзит ташувлар	203
6. Йўл-транспорти ҳодисалари	204-206
7. Алоқа ва коммуникация соҳаси	207-213
<b>ВИИ. ИСТЕЪМОЛ БОЗОРИ</b>	<b>214-221</b>
<i>Ташқи иқтисодий фаолият ва савдо статистикаси бошқармаси бошлиғи – Б.С. Иргашев</i>	
1. Фаолият кўрсатаётган савдо корхоналари	214
1. Чакана савдо товар айланмаси	215-219
3. Улгуржи савдо айланмаси	219-221
<b>ВИИИ. ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ</b>	<b>222-249</b>
<i>Ташқи иқтисодий фаолият ва савдо статистикаси бошқармаси бошлиғи – Б.С. Иргашев</i>	
1. О‘збекистон республикасининг ташқи савдо айланмаси иштирокчилари сони	222
2. Ўзбекистон Республикаси ташқи савдо айланмаси	223-230
3. Ўзбекистон Республикаси экспорти	230-240
4. Ўзбекистон Республикаси импорти	240-249

Номи	бет.
<b>ИХ. КИЧИК ТАДБИРКОРЛИК</b>	<b>250-280</b>
<i>Ишбилармонлик муҳити кузатувлари, тадбиркорликни ривожлантириш статистикаси бошқармаси бошлиғи – М.А. Сатимов</i>	
1. Кичик тадбиркорлик субъектларининг сони таҳлили	250-258
2. Кичик тадбиркорлик субъектларининг асосий иқтисодий кўрсаткичлари	258-271
3. Кичик корхона ва микрофирмаларнинг танланма кузатувлари	272-280
<b>Х. НАРХЛАР СТАТИСТИКАСИ</b>	<b>281-325</b>
<i>Нархлар статистикаси бошқармаси бошлиғи – М.Т. Умаров</i>	
1. Истеъмол нархлари	281-305
2. Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар нархлари индекси	306-325
<b>ХИ. КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАРНИНГ МОЛИЯВИЙ НАТИЖАЛАРИ</b>	<b>326-343</b>
<i>Ишбилармонлик муҳити кузатувлари, тадбиркорликни ривожлантириш статистикаси бошқармаси бошлиғи – М.А. Сатимов</i>	
1. Корхона ва ташкилотларнинг молиявий натижалари	326-332
2. Корхона ва ташкилотларнинг дебиторлик қарздорлиги ҳолати	332-339
3. Корхона ва ташкилотларнинг кредиторлик қарздорлиги ҳолати	339-343
<b>ХИИ. КОРХОНА ВА ОБЕКТЛАРНИ ХУСУСИЙЛАШТИРИШ</b>	<b>344-347</b>
<i>Ишбилармонлик муҳити кузатувлари, тадбиркорликни ривожлантириш статистикаси бошқармаси бошлиғи – М.А. Сатимов</i>	
<b>ХИИИ. КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАР ФАОЛИЯТИНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ</b>	<b>348-377</b>
<i>Статистик регистрларни юритиш ва тизимли хизмат кўрсатиш бошқармаси бошлиғи – Н.А. Шералиев</i>	
1. Ўзбекистон Республикаси бўйича корхона ва ташкилотлар сони	350-355
2. Корхона ва ташкилотларнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича маълумотлар	356-363
3. Тадбиркорлик субъектларининг ташкилий-ҳуқуқий шакли бўйича маълумотлар	364-370
4. Хорижий капитал иштирокидаги корхона ва ташкилотлар тўғрисида маълумотлар	371-377

Номи	бет.
<b>ХИВ. АҲОЛИНИНГ УМУМИЙ ДАРОМАДЛАРИ</b>	<b>378-405</b>
<i>Аҳоли турмуш даражаси ва кузатувлари статистикаси бошқармаси бошлиғи – У.К. Мадаминов</i>	
1. Аҳоли умумий даромадлари таркиби	378-396
2. Худудлар кесимида аҳоли даромадлари тўғрисида маълумот	396-402
3. Умумий даромадлар таркибидан, кичик тадбиркорликдан олинган даромадлар	402-405
<b>ХВ. ЮРИДИК ШАҲС МАҚОМИГА ЭГА БЎЛГАН ҚОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАРДА ИШЛОВЧИ ХОДИМЛАРНИНГ ЎРТАЧА ОЙЛИК НОМИНАЛ ҲИСОБЛАНГАН ИШ ҲАҚИ</b>	<b>406-431</b>
<i>Демография ва меҳнат статистикаси бошқармаси бошлиғи – З.Т. Юлдошев</i>	
1. Ўзбекистон Республикаси бўйича ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи	406-413
2. Иқтисодий фаолият турларида ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи	414-431
<b>ХВИ. ДЕМОГРАФИК ҲОЛАТ</b>	<b>432-463</b>
<i>Демография ва меҳнат статистикаси бошқармаси бошлиғи – З.Т. Юлдошев</i>	
1. Ўзбекистон республикасининг демографик ҳолати	432-453
2. Худудлар бўйича демографик ҳолат	454-463
<b>ХВИИ. ҲУҚУҚБУЗАРЛИК</b>	<b>464-484</b>
<i>Ижтимоий соҳа ва барқарор ривожланиш статистикаси бошқармаси бошлиғи – Д.Е. Қирғизов</i>	
1. Ўзбекистон Республикасида рўйхатга олинган жиноятлар сони	464-474
2. Ўзбекистон Республикасида жиноят содир этган шахслар сони	475-484
<b>ХВИИИ. ТУРИСТИК ОҚИМ</b>	<b>485-502</b>
<i>Ижтимоий соҳа ва барқарор ривожланиш статистикаси бошқармаси бошлиғи – Д.Е. Қирғизов</i>	
1. Ўзбекистон Республикасига туристик мақсадларда келган чет эл фуқаролари	486-493
2. Туристлик мақсадларда кетган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари	494-502
<b>ХИХ. ТАЪЛИМ ТИЗИМИ</b>	<b>503-526</b>
<i>Ижтимоий соҳа ва барқарор ривожланиш статистикаси бошқармаси бошлиғи – Д.Е. Қирғизов</i>	
1. Ўзбекистон республикасида умумий ўрта таълим	504-513
2. Ўзбекистон республикасида ўрта махсус таълим	514-516
3. Ўзбекистон республикасида профессионал таълим	517-519
4. Ўзбекистон республикасида олий таълим	520-526

Қисқартма ва шартли белгилар

%	–	фоиз	м.	–	марта
млрд.	–	миллиард	-	–	кўрсаткичнинг йўқлиги
млн.	–	миллион	га	–	гектар
млн.АҚШ долл.	–	миллион АҚШ доллари	т	–	тонна
минг	–	минг	дона	–	дона
кв.	–	квадрат	йўловчи/км	–	йўловчи-километр
км	–	километр	Мбит/с	–	Мегабит /сония
м	–	метр	1), 2), 3) , , .....	–	изоҳнинг мавжудлиги
ф.п.	–	фоиз пункт	ф.д.	–	фоиз даража
0,0	–	катта бўлмаган микдор			

**Макроиктисодий кўрсаткичлар**  
(2022- йил январь-декабрь)

	Млрд. сўм	2021- йил январь-декабрга нисбатан % ҳисобида
Ялпи ички маҳсулот	888 341,7	105,7
Саноат маҳсулоти	551 050,9	105,2 <sup>1)</sup>
Истеъмол товарлари	197 892,7	119,4
Қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги маҳсулот (хизмат)лари	364 522,8	103,6
Асосий капиталга киритилган инвестициялар	269857,5	100,9
Қурилиш ишлари	130 767,1	106,6
Юк айланмаси (млн. т/км)	75 185,4	100,5
Йўловчи айланмаси (млн. йўловчи/км)	144 693,6	105,6
Кўрсатилган бозор хизматлари, жами	357 554,5	115,9
Чакана савдо товар айланмаси	319 288,2	112,3
Ташқи савдо айланмаси, (млн. АҚШ. долл) <sup>2)</sup>	50 008,4	118,6
Экспорт	19 309,1	115,9
Импорт	30 699,3	120,4
Салдо (+,-)	-11 390,2	х
Истеъмол нархлари индекси ( 2021- йилнинг декабрь ойига нисбатан, %.)	х	112,3

<sup>1)</sup> ФҲИ

<sup>2)</sup> Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Божхона қўмитасининг аниқлаштирилган маълумотларини ҳисобга олган ҳолда



## I. ЯЛПИ ИЧКИ МАҲСУЛОТ


### 1-БЎЛИМ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЯЛПИ ИЧКИ МАҲСУЛОТИ

2021-2022 йилларда Ўзбекистон Республикаси  
бўйича ялпи ички маҳсулот<sup>1</sup>

	Ҳажми, млрд. сўм		Таркиби, %да		Ўсиш суръатлари, % да	
	2021	2022	2021	2022	2021	2022
<b>I. ЯИМ, жами</b>	<b>738 425,2</b>	<b>888 341,7</b>	<b>100,0</b>	<b>100,0</b>	<b>107,4</b>	<b>105,7</b>
<i>шу жумладан:</i>						
тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати	686 432,4	828 054,2	93,0	93,2	107,6	106,2
маҳсулотларга соф солиқлар	51 992,8	60 287,5	7,0	6,8	104,6	99,2
<b>II. Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати</b>	<b>686 432,4</b>	<b>828 054,2</b>	<b>100,0</b>	<b>100,0</b>	<b>107,6</b>	<b>106,2</b>
қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги	181 787,7	208 452,9	26,5	25,1	104,0	103,6
саноат (қурилишни қўшган ҳолда)	232 535,6	276 227,0	33,9	33,4	108,4	105,5
қурилиш	45 557,4	55 522,7	6,6	6,7	106,8	106,6
хизматлар	272 109,1	343 374,3	39,6	41,5	109,5	108,5
савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	46 750,0	57 801,7	6,8	7,0	113,6	109,3
ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа	47 934,3	57 776,5	7,0	7,0	117,8	114,7
бошқа хизмат тармоқлари	177 424,8	227 796,1	25,8	27,5	106,3	106,6

<sup>1</sup> Бу ерда ва кейинги ўринларда 2018-2021 йиллар учун аниқлик киритилган маълумотлар келтирилган.

2018-2022 йилларда Ўзбекистон Республикаси  
бўйича ялпи ички маҳсулот




Дастлабки маълумотларга кўра, 2022 йилда Ўзбекистон Республикаси ЯИМи ҳажми жорий нархларда 888 341,7 млрд. сўмни ташкил этди ва 2021 йил билан таққослаганда 5,7 % га ўсди. ЯИМ дефлятор индекси 2021 йилдаги нархларга нисбатан 113,8 % ни ташкил этди.

■ ЯИМ ҳажми, млрд сўм    ■ ЯИМ ўсishi суръати, % да


*Ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) иқтисодий резидент-бирликлар ишлаб чиқариши фаолиятининг якуний натижасини ифодаловчи ва ушбу бирликлар томонидан якуний фойдаланиш учун ишлаб чиқарилган товарлар ва хизматлар қиймати орқали ўлчанадиган Миллий ҳисоблар тизими (МХТ)нинг асосий кўрсаткичларидан биридир.*

2018-2022 йилларда Ўзбекистон Республикаси бўйича ЯИМ  
(жорий нархларда, трлн. сўм)



ЯИМ таркибида товарлар ишлаб чиқаришда 484 679,9 млрд. сўм, хизматлар кўрсатиш соҳасида – 343 374,3 млрд. сўм миқдоридан ялпи қўшилган қиймат яратилди, маҳсулотларга соф солиқлар эса 60 287,5 млрд. сўмни ташкил этди.

2018-2022 йилларда Ўзбекистон Республикаси ЯИМи  
(млрд. АҚШ долларида)



**Маълумот учун:** 2022 йилда АҚШ долларининг сўмга нисбатан ўртача расмий курси 11 051,2 сўм, 2021 йилда 10 610,0 сўм, 2020 йилда 10 055,8 сўм, 2019 йилда 8 839,0 сўм, 2018 йилда 8 068,9 сўмга тенг бўлган.

Жорий даврда ўртача алмашув курси бўйича ҳисобланган номинал ЯИМ ҳажми 80 384,0 млн. АҚШ долларини ташкил этди.

МДХ давлатлари ЯИМининг ўсиш (камайиш) суръатлари<sup>2</sup>,  
ўтган йилнинг мос даврига нисбатан % да




**Маълумот учун:** Жаҳон банкининг ҳисоб-китобларига кўра, 2021 йилда Ўзбекистон Республикасининг харид қобилияти паритети (ХҚП) бўйича ЯИМ ҳажми 296,7 млрд АҚШ долларини ташкил этди. 2021 йилда МДХнинг бошқа давлатларида ХҚП бўйича ҳисобланган ЯИМ ҳажми қуйидагича: Россия Федерациясида – 4 793,5 млрд. АҚШ долл.; Украинада – 588,4 млрд. АҚШ долл.; Қозоғистонда – 545,0 млрд. АҚШ долл.; Беларус Республикасида – 202,7 млрд. АҚШ долл.; Озарбайжонда – 160,7 млрд. АҚШ долл.; Арманистонда – 43,5 млрд. АҚШ долл.; Тожикистонда – 41,8 млрд. АҚШ долл.; Молдовада – 40,2 млрд. АҚШ долл.; Қирғиз Республикасида – 35,4 млрд. АҚШ долл.

**Манба:** [хтмлс://www.worldbank.org/](http://www.worldbank.org/)

<sup>2</sup>Миллий статистика хизматларининг расмий сайтларидан олинган маълумотлари асосида

2020-2022 йилларда МДХ давлатлари ЯИМнинг ўсиш (камайиш)  
суръатлари<sup>3</sup>, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан % да



<sup>3</sup> Миллий статистика хизматларининг расмий сайтларидан олинган маълумотлар асосида

<sup>4</sup> 2022 йилнинг январь-сентябрь ойлари учун

<sup>5</sup> Тожикистоннинг 2022 йил январь-сентябрь ойлари учун маълумотлари мавжуд эмас

2018-2022 йилларда иқтисодий фаолият турлари бўйича  
ЯИМни ишлаб чиқариш, млрд. сўм

	2018	2019	2020	2021	2022
<b>ЯИМ</b>	426 641,0	532 712,5	605 514,9	738 425,2	888 341,7
<i>шу жумладан:</i>					
<b>тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати</b>	381 065,2	487 449,8	561 153,4	686 432,4	828 054,2
қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги	113 327,4	129 885,0	150 493,7	181 787,7	208 452,9
саноат	94 266,7	134 185,8	150 275,1	186 978,2	220 704,3
қурилиш	21 958,5	30 449,9	37 334,8	45 557,4	55 522,7
<b>хизматлар</b>	151 512,6	192 929,1	223 049,8	272 109,1	343 374,3
савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	26 510,1	32 179,7	36 662,8	46 750,0	57 801,7
ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа	30 095,3	36 028,6	38 313,1	47 934,3	57 776,5
бошқа хизмат тармоқлари	94 907,3	124 720,8	148 073,9	177 424,8	227 796,1
<b>маҳсулотларга соф солиқлар</b>	45 575,8	45 262,7	44 361,5	51 992,8	60 287,5

Иқтисодиётнинг барча тармоқларида яратилган ялпи қўшилган қиймат ҳажми ЯИМ умумий ҳажмининг 93,2 % ини ташкил этди ва 6,2 % га ўсди (ЯИМ мутлақ ўсишига таъсири 5,8 фоиз пунктни ташкил этди). Маҳсулотларга соф солиқларнинг ЯИМ таркибидаги улуши 6,8 % ни ташкил этди ва 2021 йил билан таққослаганда 0,8 % га камайти (ЯИМ мутлақ ўсишига таъсири – -0,1 ф.п.).

**2018-2022 йилларда ЯИМнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича ўсиш (камайтиш) суръатлари (ўтган йилга нисбатан % ҳисобида)**

	2018	2019	2020	2021	2022
<b>ЯИМ</b>	<b>105,5</b>	<b>106,0</b>	<b>102,0</b>	<b>107,4</b>	<b>105,7</b>
<i>шу жумладан:</i>					
<b>тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати</b>	<b>105,5</b>	<b>106,1</b>	<b>102,0</b>	<b>107,6</b>	<b>106,2</b>
қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги	100,3	103,1	102,9	104,0	103,6
саноат	110,8	105,0	100,9	108,8	105,2
қурилиш	114,3	122,9	109,5	106,8	106,6
<b>хизматлар</b>	<b>105,7</b>	<b>106,7</b>	<b>101,1</b>	<b>109,5</b>	<b>108,5</b>
савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	105,3	107,1	101,3	113,6	109,3
ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа	106,8	106,6	99,9	117,8	114,7
бошқа хизмат тармоқлари	105,5	106,7	101,4	106,3	106,6
<b>маҳсулотларга соф солиқлар</b>	<b>105,9</b>	<b>104,7</b>	<b>101,6</b>	<b>104,6</b>	<b>99,2</b>

*ЯИМ физик ҳажм индекси (ўсиш суръати) доимий нархларда, яъни ўтган йилнинг мос даври нархларида ҳисобланган ҳисобот даври ЯИМ (реал ЯИМ)ни жорий нархлардаги ўтган йилнинг мос даври ЯИМига нисбати орқали ҳисобланади.*

2018-2022 йилларда ЯИМ ўсишида тармоқларнинг ҳиссаси  
(жамига нисбатан % да)




ЯИМ ўсишига қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги тармоғи 0,9 ф.п., саноат тармоғи – 1,3 ф.п., қурилиш тармоғи – 0,4 ф.п. ва хизмат кўрсатиш тармоғи 3,2 ф.п. ижобий ҳисса қўшди. Маҳсулотларга соф солиқларнинг камайиши ҳисобига ЯИМ 0,1 ф.п. га пасайди.

2018-2022 йилларда иқтисодий фаолият турлари бўйича  
ЯИМ таркиби (жамига нисбатан % да)

	2018	2019	2020	2021	2022
<b>I. ЯИМ, жами</b>	<b>100,0</b>	<b>100,0</b>	<b>100,0</b>	<b>100,0</b>	<b>100,0</b>
<i>шу жумладан:</i>					
тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати	89,3	91,5	92,7	93,0	93,2
маҳсулотларга соф солиқлар	10,7	8,5	7,3	7,0	6,8
<b>II. Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати</b>	<b>100,0</b>	<b>100,0</b>	<b>100,0</b>	<b>100,0</b>	<b>100,0</b>
қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги	29,7	26,6	26,8	26,5	25,1
саноат (қурилишни қўшган ҳолда)	30,5	33,8	33,5	33,9	33,4
қурилиш	5,8	6,2	6,7	6,6	6,7
хизматлар	39,8	39,6	39,7	39,6	41,5
савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	7,0	6,6	6,5	6,8	7,0
ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа	7,9	7,4	6,8	7,0	7,0
бошқа хизмат тармоқлари	24,9	25,6	26,4	25,8	27,5

2022 йил якунларига кўра, ЯИМ таркибида катта бўлмаган ўзгаришлар кузатилди. ЯИМ (ЯҚК) таркибида хизматлар соҳасининг улуши 39,6 % дан 41,5 % га, қурилиш тармоғининг улуши 6,6 % дан 6,7 % га ошди. Шу билан бирга, қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалигининг улуши 26,5 % дан 25,1 % га камайди. Саноатнинг (қурилишни қўшган ҳолда) улуши эса 33,4 % ни ташкил этди.

**2018-2022 йилларда аҳоли жон бошига ЯИМ**  
(жорий нархларда, минг сўм)



**2018-2022 йилларда аҳоли жон бошига ЯИМнинг ўсиш суръатлари**  
(ўтган йилга нисбатан % ҳисобида)



2022 йилда аҳоли жон бошига ҳисобланган ЯИМ ҳажми жорий нархларда 24 919,7 минг сўмни (ёки 2 254,9 АҚШ доллари эквивалентида) ташкил этди.

**Маълумот учун:**  
Ўзбекистон Республикаси доимий аҳолисининг ўртача сони 2018 йилда 32 956,1 минг киши, 2019 йилда 33 580,4 минг киши, 2020 йилда 34 232,1 минг киши, 2021 йилда 34 915,1 минг киши ва 2022 йилда 35 648,1 минг кишини ташкил этган.

Куйида келтирилган диаграммадан кўриниб турганидек, 2022 йилда аҳоли жон бошига ЯИМ ҳажмининг реал ўсиши 2021 йилга нисбатан 3,5 % ни, 2018 йилга нисбатан эса 13,4 % ни ташкил этди.

**Аҳоли жон бошига ЯИМ (ЯҲМ) муайян даврда жорий нархлардаги ЯИМ (ЯҲМ) ҳажмини мамлакат (ҳудуд)нинг ўртача аҳолиси сонига бўлиши орқали аниқланади.**



2018-2022 йилларда яратилган қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик  
хўжалигининг ялпи қўшилган қиймати



2022 йил якунларига кўра, **қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалигида** 3,6 % (2021 йилда – 4,0 %, 2020 йилда – 2,9 %, 2019 йилда – 3,1 %, 2018 йилда – 0,3 %) даражасида ижобий ўсиш қайд этилди.

Ушбу ижобий ўсиш суръатлари чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқаришнинг 3,4 % (2021 йилда – 3,5 %, 2020 йилда – 2,1 %, 2019 йилда – 1,6 %, 2018 йилда – 5,7 %) га ҳамда деҳқончилик маҳсулотларини ишлаб чиқаришнинг 3,8 % (2021 йилда 4,3 % га ўсиш, 2020 йилда 3,2 % га ўсиш, 2019 йилда – 4,8 % га ўсиш, 2018 йилда – 4,2 % га камайиш) га ўсиши билан боғлиқ.


**Маълумот учун:** дастлабки маълумотларга кўра, 2022 йилда натура шаклида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажми ва ўсиш суръатлари қуйидагича бўлган:

	Маҳсулот номи	Маҳсулот ҳажми	Ўсиш суръати, % да	
	Сабзавотлар	11 163,0 минг т.	102,9	
	Полиз экинлари	2 420,7 минг т.	105,9	
	Картошка	3 441,7 минг т.	104,7	
	Гўшт (тирик вазнда)	2 726,0 минг т.	103,4	

давоми

	Маҳсулот номи	Маҳсулот ҳажми	Ўсиш суръати, % да	
	Мевалар	2 983,5 минг т.	104,6	
	Дон	7 994,9 минг т.	104,7	
	Узум	1 760,6 минг т.	103,9	
	Сут	11 629,4 минг т.	103,2	
	Тухум	8 129,3 млн. дона	104,4	

2018-2022 йилларда яратилган саноат тармоғининг ялпи қўшилган қиймати



2018-2022 йилларда саноат тармоғининг ялпи қўшилган қиймати динамикаси


Тоғ-кон саноати ва очиқ конларни ишлаш



Ишлаб чиқарадиган (қайта ишлаш) саноат



Саноатнинг бошқа тармоқлари



■ Ҳажми, млрд. сўм


○ Ўсish (камайishi) суръати, % да

2018-2022 йилларда саноат тармоғи ялпи қўшилган қиймати таркиби (жаммига нисбатан % да)


Тоғ-кон саноати ва очиқ конларни ишлаш



Ишлаб чиқарадиган (қайта ишлаш) саноат



Саноатнинг бошқа тармоқлари




2022 йил якунларига кўра, **саноат тармоғи** қўшилган қийматида 5,2 % га ўсиш кузатилган. Ушбу тармоқдаги ижобий динамика, асосан тоғ-кон саноати ва очиқ конларни ишлаш тармоғининг қўшилган қиймати 2,1 % га ҳамда ишлаб чиқарадиган (қайта ишлаш) саноатнинг 5,3 % га ўсиши ҳисобига таъминланди. Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш тармоғида ҳам 12,7 % га ижобий ўсиш қайд этилди. Шунингдек, сув билан таъминлаш, канализация тизими, чиқиндиларни йиғиш ва утилизация қилиш тармоғи қўшилган қийматида эса 8,0 % га камайиш кузатилди.

**Маълумот учун:** дастлабки маълумотларга кўра, 2022 йилда йирик корхоналар томонидан натура шаклида саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми ва ўсиши (камайиши) суръатлари куйидагича бўлган:



2021 йил билан таққослаганда 2022 йилда **қурилиш ишлари** ҳажми 6,6 % га ўсди. Жумладан, ўсиш суръатлари бино ва иншоотлар қурилишида 104,2 % ни ташкил этди. Шунингдек, фуқаролик объектлари қурилишида 102,9 % ва ихтисослаштирилган қурилиш ишларида 137,8 % ни ташкил этган.

2018-2022 йилларда яратилган қурилиш тармоғининг  
ялпи қўшилган қиймати

	Млрд. сўм	Ўсиш суръати, % да
2022	55 522,7	106,6
2021	45 557,4	106,8
2020	37 334,8	109,5
2019	30 449,9	122,9
2018	21 958,5	114,3

2018-2022 йилларда қурилиш тармоғи ялпи қўшилган  
қиймати динамикаси



*Маълумот учун: 2022 йилда қурилиш ишлари ҳажми 130 767,1 млрд. сўмни ташкил этди. Қурилиш ишларининг умумий ҳажмида йirik қурилиш ташиклотларининг улуши 28,4 %, кичик корхоналар ва микрофирмаларнинг улуши 52,7 %, жисмоний шахсларнинг улуши 18,9 % ни ташкил этди.*

**2022 йилда қурилиш тармоғи ялпи қўшилган қиймати таркиби**  
(жамига нисбатан % да)

Бинолар ва иншоотлар қуриш



Фуқаролик объектлари қуриш



Ихтисослаштирилган қурилиш ишлари



2018-2022 йилларда яратилган хизматлар соҳасининг  
ялпи қўшилган қиймати




2018-2022 йилларда хизматлар соҳасининг ялпи қўшилган қиймати  
таркиби (жамига нисбатан % да)



2022 йил якунларига кўра, **хизмат кўрсатиш соҳасининг** ялпи қўшилган қиймати ҳажми 343 374,3 млрд. сўмни ташкил этди ва 2021 йилга нисбатан 8,5 % га ўсди. Шу жумладан, савдо хизматлари 8,9 % га, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар 13,1 % га, ташиш ва сақлаш хизматлари 11,5 % га, ахборот ва алоқа хизматлари 24,6 % га, бошқа хизматлар 6,6 % га ўсди.

2018-2022 йилларда яратилган савдо тармоғининг  
ялпи қўшилган қиймати




2018-2022 йилларда савдо тармоғининг ялпи қўшилган қиймати  
таркиби динамикаси (жамига нисбатан % да)

**Автотранспорт**  
воситаларининг улгуржи ва  
чакана савдоси (уларни  
таъмирлашни қўшган  
ҳолда)

**Улгуржи савдо**  
(автотранспорт воситалари  
савдосидан ташқари)

**Чакана савдо**  
(автотранспорт  
воситалари савдосидан  
ташқари)



2022 йилда **савдо** тармоғининг ялпи қўшилган қиймати таркибида энг катта улуш чакана савдо (автотранспорт воситалари савдосидан ташқари)га тўғри келди ва 66,1 % ни ташкил этди. Улгуржи савдо (автотранспорт воситалари савдосидан ташқари)нинг улуши 27,3 % ни, автотранспорт воситаларининг улгуржи ва чакана савдоси ҳамда уларни таъмирлашнинг улуши 6,6 % ни ташкил қилди.

2018-2022 йилларда яратилган ташиш ва сақлаш тармоғининг  
ялли қўшилган қиймати



2018-2022 йилларда ташиш ва сақлаш тармоғи қўшилган қиймати  
таркиби (жамига нисбатан % да)




2022 йил якун-ларига кўра, ташиш ва сақлаш тармоғининг Ўзбекистон Республикаси ЯИМидаги улуши 5,2 % ни ташкил этди. Ташиш ва сақлаш тармоғининг қўшилган қиймати таркибида энг кўп улуш автомобил транспортига тўғри келди ва 56,7 % ни ташкил этди. Мазкур тармоқ умумий қўшилган қийматида қувур транспортининг улуши 12,6 %, темир йўл транспортининг улуши 10,1 %, ёрдамчи транспорт фаолиятининг улуши 12,9 %, ҳаво транспортининг улуши 7,7 % ни ташкил этди.



2018-2022 йилларда яратилган ахборот ва алоқа тармоғининг  
ялпи қўшилган қиймати



2018-2022 йилларда ахборот ва алоқа тармоғининг  
ялпи қўшилган қиймати таркиби (жамига нисбатан % да)



2022 йилда **ахборот ва алоқа тармоғи**нинг мамлакат иқтисодиётидаги улуши 1,8 % ни ташкил этди. Мазкур тармоқ ялпи қўшилган қиймати таркибида асосий улуш алоқа хизматларига (симли ва мобил алоқа хизматлари, интернет тармоғи ва бошқаларга) тўғри келди ва 61,7 % ни ташкил этди.

Тармоқда яратилган ялпи қўшилган қийматнинг қолган 38,3 фоизи ахборот ва алоқанинг бошқа тармоқлари (нашриёт фаолияти, компьютер дастурлаштириш соҳасидаги фаолият, дастурлар яратиш бўйича фаолият, телекўрсатув ва радиоэшиттириш в.б.) ҳиссасига тўғри келди.

2022 йилда **ахборот-коммуникация технологиялари (АКТ) хизматлари**нинг мамлакат иқтисодиётидаги улуши 1,7 % ни ташкил этди. Тармоқда яратилган ялпи қўшилган қиймат ҳажмининг 66,5 фоизи алоқа хизматлари, 19,4 фоизи компьютер дастурлаштириш, маслаҳат бериш ва бошқа ёрдамчи хизматлар, 7,0 фоизи маълумотларни жойлаштириш ва ишлов бериш бўйича хизматлар, Веб-порталлар, 4,7 фоизи компьютерлар ва алоқа ускуналарини таъмирлаш хизматлари, қолган 2,4 фоизи дастурий таъминотни чиқариш ҳиссасига тўғри келган.

2020-2022 йилларда АКТ  
хизматларининг ялпи  
қўшилган қиймати, млрд. сўм

2020-2022 йилларда АКТ  
хизматларининг ЯИМдаги  
улуши, ЯҚҚга нисбатан % да



2022 йилда кичик тадбиркорлик (бизнес)да яратилган ЯҚҚнинг  
иқтисодий фаолият турлари бўйича таркиби (жамига нисбатан % да)

Кичик тадбиркорлик (бизнес) субъектлари улуши иқтисодиётнинг асосий тармоқлари бўйича қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалигида 95,9 %, қурилишда 73,6 %, хизматлар соҳасида 41,1 % ва саноатда 21,5 % ни ташкил этди.

Қишлоқ, ўрмон ва  
балиқчилик хўжалиги

46,6 %

Саноат

11,0 %

429 292,7  
млрд. сўм

2022 йил якунлари бўйича кичик тадбиркорлик (бизнес) субъектлари томонидан 429 292,7 млрд. сўм миқдорида қўшилган қиймат ёки иқтисодиётдаги ялпи қўшилган қийматнинг 51,8 % и яратилган.

Қурилиш

9,5 %

Хизматлар

32,9 %

Шундан 46,6 % и қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги, 11,0 % и саноат, 9,5 % и қурилиш тармоқлари ва 32,9 % и хизматлар соҳасига тўғри келди.

2022 йилда иқтисодий фаолият турлари бўйича ЯИМда кичик  
тадбиркорлик (бизнес)нинг улуши (ЯҚҚга нисбатан % да)

## Қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги



## Саноат



## Қурилиш



## Хизматлар



*Маълумот учун:* 2022 йилда 90,2 мингта янги кичик корхона ва микрофирмалар (деҳқон ва фермер хўжаликларидан ташқари) ташкил этилди. Уларнинг энг кўп сони савдо (38,1%), саноат (18,0%), қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги (13,3%), яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар (6,4%), қурилиш (5,3%), ташиш ва сақлаш (3,7%), ахборот ва алоқа (2,9%) соҳаларида ташкил этилди.

2022 йилда ЯИМ **дефлятор индекси** 2021 йилдаги нархларга нисбатан 113,8% ни ташкил этди. Тармоқлар кесимида дефлятор индексининг юқори кўрсаткичлари қурилишда – 114,3% ҳамда бошқа хизмат тармоқларида 120,5% қайд этилди.

Республиканинг ўртача даражаси (113,8%)дан паст бўлган дефлятор индекси савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматларда – 113,1%, саноатда – 112,2%, қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалигида – 110,7%, ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқада – 105,1% қайд этилди.

Шу билан бирга, маҳсулотларга соф солиқларнинг дефлятор индекси 116,9% ни ташкил этган.


**ЯИМ дефлятор индекси** иқтисодиётда нархларнинг ўртача ўзгаришини ифодалайди ва номинал ЯИМ (жорий нархлардаги ҳисобот даври ЯИМ)нинг реал ЯИМга нисбати орқали ҳисобланади.

*Маълумот учун:* 2022 йилда Ўзбекистонда истеъмол нархлари индекси (ИНИ) 2021 йилга нисбатан 111,4% ни ташкил этди. Товарлар бўйича ИНИ 112,8% ни, хизматлар бўйича эса 107,0% ни ташкил этди. Кузатилаётган даврда 2021 йил билан таққослаганда, озиқ-овқат маҳсулотлари нархлари 15,1% га, ноозиқ-овқат маҳсулотлар нархи эса 9,9% га ўсди.

2018-2022 йилларда ЯИМнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича  
дефлятор индекси динамикаси (ўтган йилга нисбатан % ҳисобида)



**ЯИМ**




**Қишлоқ, ўрмон ва  
балиқчилик хўжалиги**




**Саноат**



**Қурилиш**




**Савдо, яшаш ва овқатланиш  
бўйича хизматлар**




**Ташиш ва сақлаш,  
ахборот ва алоқа**



**Бошқа хизмат  
тармоқлари**



**Маҳсулотларга  
соф солиқлар**




## 2-БЎЛИМ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЯЛПИ ҲУДУДИЙ МАҲСУЛОТИ

Давлат статистика ишлари дастурига мувофиқ, Давлат статистика қўмитаси томонидан 2022 йил учун Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бўйича ялпи ҳудудий маҳсулот (ЯҲМ)ни дастлабки баҳолаш ишлари амалга оширилди.

*Ялпи ҳудудий маҳсулот (ЯҲМ) миллий ҳисоблар тизимининг асосий кўрсаткичи бўлиб, муайян даврда минтақанинг иқтисодий ҳудудида жойлашган резидент - институционал бирликлар ишлаб чиқариш фаолиятининг якуний натижасини ифодалайди.*

2022 йилда ЯИМни<sup>6</sup> шакллантиришда ҳудудларнинг иштироки  
(жамига нисбатан % да)



2022 йилда Республика бўйича ЯИМнинг шаклланишида Тошкент шаҳри 16,6 % улуш билан энг катта ҳисса қўшди. Тошкент ва Навоий вилоятлари 10,5 % ва 7,5 % кўрсаткичлари билан кейинги ўринларни эгаллаб турибди. Республика ЯИМини шакллантиришда энг кам улуш Сирдарё (2,0 %) ва Жиззах (3,1 %) вилоятларига тўғри келган.

<sup>6</sup> Бу ерда ва кейинги ўринларда 2018-2021 йиллар учун аниқлик киритилган маълумотлар келтирилган.

**ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**  
**ЯЛПИ ҲУДУДИЙ МАҲСУЛОТИ**

Дастлабки маълумотларга кўра, 2022 йилда **Қорақалпоғистон Республикасида** ЯҲМ ҳажми 4,0 % га ўсди ва 29 925,4 млрд. сўмни ташкил этди. ЯҲМнинг ўсиши қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалигида 103,3 % (ЯҲМ таркибидаги улуши – 29,6 %), саноатда 100,6 % (23,6 %), қурилишда 107,7 % (8,3 %) ва хизматлар соҳасида 106,0 % (38,5 %)ни ташкил этди. Аҳоли жон бошига ЯҲМ 2,6 % га ўсди ва 15 249,4 минг сўмни ташкил этди.

**2018-2022 йилларда аҳоли жон бошига ҳисобланган ЯҲМ ҳажми ва ўсиш суръатлари**



**2018-2022 йилларда ЯҲМнинг тармоқлар бўйича таркиби (ЯҚҚга нисбатан % да)**



**2018-2022 йилларда ЯҲМ ҳажми, млрд. сўм**

	ЯҲМ	Қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги	Саноат	Қурилиш	Хизматлар	Маҳсулотларга соф солиқлар
2022	29 925,4	8 164,1	6 499,7	2 284,8	10 618,0	2 358,8
2021	25 681,8	7 040,8	6 127,0	1 923,7	8 817,0	1 773,3
2020	21 661,9	5 987,1	5 333,1	1 735,9	7 158,1	1 447,7
2019	19 557,0	5 015,5	5 016,7	1 448,9	6 346,1	1 729,8
2018	15 622,6	3 993,1	4 314,7	960,5	5 120,6	1 233,7

2018-2022 йилларда ЯХМнинг ўсиш суръатлари,  
ўтган йилга нисбатан % да



2018-2022 йилларда ЯХМ ўсишида тармоқларнинг ҳиссаси  
(жамига нисбатан % да)

Йил	ЯХМ	Қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги	Саноат	Қурилиш	Хизматлар	Маҳсулотларга соф солиқлар
2022	4,0	0,9	0,2	0,6	2,0	0,3
2021	7,6	0,9	1,8	0,3	4,1	0,5
2020	2,0	0,7	0,6	0,5	-0,2	0,4
2019	7,0	1,9	1,4	1,7	1,4	0,6
2018	5,8	0,4	1,0	1,5	2,4	0,5

**АНДИЖОН ВИЛОЯТИ**  
**ЯЛПИ ХУДУДИЙ МАҲСУЛОТИ**

Андижон вилоятида ЯҲМ ҳажми жорий нархларда 54 464,0 млрд. сўми ташкил этди ва 2021 йил билан таққослаганда 8,6 % га ўсди. Қуйидаги асосий тармоқларда ижобий ўсиш кузатилди: қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалигида 103,5 % (ЯҲМ таркибидаги улуши – 41,3 %), саноатда 122,6 % (23,4 %), қурилишда 107,2 % (5,6 %) ва хизматлар соҳасида 106,2 % (29,7 %). Аҳоли жон бошига ҳисобланган ЯҲМ 16 564,0 минг сўми ташкил этди ва 2021 йилга нисбатан 6,4 % га ўсди.

**2018-2022 йилларда аҳоли жон бошига ҳисобланган ЯҲМ ҳажми ва ўсиш суръатлари**



**2018-2022 йилларда ЯҲМнинг тармоқлар бўйича таркиби (ЯҚҚга нисбатан % да)**




**2018-2022 йилларда ЯҲМ ҳажми, млрд. сўм**

Йил	ЯҲМ	Қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги	Саноат	Қурилиш	Хизматлар	Маҳсулотларга соф солиқлар
2022	54 464,0	21 544,9	12 208,8	2 926,3	15 528,5	2 255,5
2021	43 332,5	18 232,0	8 450,2	2 454,5	12 983,9	1 211,9
2020	38 008,5	15 485,1	8 289,3	2 042,9	10 435,3	1 755,9
2019	33 581,3	14 006,6	7 662,6	1 563,7	9 191,9	1 156,5
2018	27 017,7	11 792,5	5 910,8	1 264,5	7 415,4	634,5



2018-2022 йилларда ЯҲМнинг ўсиш суръатлари,  
ўтган йилга nisbatan % да



2018-2022 йилларда ЯҲМ ўсишида тармоқларнинг ҳиссаси  
(жамига nisbatan % да)

	ЯҲМ	Қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги	Саноат	Қурилиш	Хизматлар	Маҳсулотларга соф солиқлар
2022	8,6	1,5	4,4	0,4	1,9	0,4
2021	4,8	1,8	-0,3	0,5	2,6	0,2
2020	2,7	0,6	1,4	0,4	0,0	0,3
2019	5,8	1,2	3,2	0,0	1,2	0,2
2018	9,6	3,1	4,2	0,9	1,1	0,3

**БУХОРО ВИЛОЯТИ  
ЯЛПИ ҲУДУДИЙ МАҲСУЛОТИ**

Бухоро вилоятида ЯҲМ 45 797,3 млрд. сўми ташкил этди ва 2021 йил билан таққослаганда 4,4 % га ўсди. Ўсиш суръатлари қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалигида 103,6 % (ЯҲМ таркибидаги улуши – 44,7 %), саноатда 106,2 % (18,0 %), қурилишда 100,2 % (8,2 %) ва хизматларда 105,5 % (29,1 %)ни ташкил этди. Аҳоли жон бошига ЯҲМ 2,8 % га ўсди ва 22 975,6 минг сўми ташкил этди.

**2018-2022 йилларда аҳоли жон бошига ҳисобланган ЯҲМ ҳажми ва ўсиш суръатлари**



**2018-2022 йилларда ЯҲМнинг тармоқлар бўйича таркиби (ЯҚҚга нисбатан % да)**



**2018-2022 йилларда ЯҲМ ҳажми, млрд. сўм**

	ЯҲМ	Қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги	Саноат	Қурилиш	Хизматлар	Маҳсулотларга соф солиқлар
2022	45 797,3	19 564,8	7 883,6	3 576,8	12 737,3	2 034,8
2021	38 350,1	16 807,7	6 086,1	3 145,2	10 892,7	1 418,4
2020	31 334,2	13 977,4	5 097,4	2 423,3	8 787,4	1 048,7
2019	27 963,2	11 137,1	4 890,7	1 903,3	7 826,5	2 205,6
2018	21 817,4	9 973,4	2 643,9	1 570,6	6 286,8	1 342,7

2018-2022 йилларда ЯҲМнинг ўсиш суръатлари,  
ўтган йилга нисбатан % да



2018-2022 йилларда ЯҲМ ўсишида тармоқларнинг ҳиссаси  
(жамига нисбатан % да)

	ЯҲМ	Қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги	Саноат	Қурилиш	Хизматлар	Маҳсулотларга соф солиқлар
2022	4,4	1,5	1,0	0,0	1,6	0,3
2021	6,5	2,2	0,0	0,9	3,2	0,2
2020	2,8	0,8	0,3	1,2	0,0	0,5
2019	6,3	1,5	1,3	1,1	1,8	0,5
2018	5,3	1,4	0,2	1,3	1,9	0,5

**ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ**  
**ЯЛПИ ҲУДУДИЙ МАҲСУЛОТИ**

Жиззах вилоятида ЯҲМ ҳажми 4,7 % га ўсди ва 27 140,8 млрд. сўмни ташкил этди. ЯҲМнинг тармоқлар таркибида ўсиш суръатлари: қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалигида 103,5 % (ЯҲМ таркибидаги улуши – 51,9 %), саноатда 107,8 % (13,1 %), қурилишда 106,5 % (5,6 %) ва хизматлар соҳасида 105,2 % (29,4 %)ни ташкил этди. Аҳоли жон бошига ЯҲМ 2,4 % га ўсди ва 18 596,0 минг сўмни ташкил этди.

**2018-2022 йилларда аҳоли жон бошига ҳисобланган ЯҲМ ҳажми ва ўсиш суръатлари**



**2018-2022 йилларда ЯҲМнинг тармоқлар бўйича таркиби (ЯҚҚга нисбатан % да)**



**2018-2022 йилларда ЯҲМ ҳажми, млрд. сўм**

Йил	ЯҲМ	Қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги	Саноат	Қурилиш	Хизматлар	Маҳсулотларга соф солиқлар
2022	27 140,8	13 719,0	3 473,8	1 487,8	7 747,9	712,3
2021	23 274,3	12 146,5	2 764,6	1 335,3	6 473,7	554,2
2020	18 441,7	9 720,9	2 006,3	1 191,5	5 165,6	357,4
2019	16 056,1	8 170,4	1 546,8	1 112,8	4 537,3	688,8
2018	12 715,6	6 887,8	1 142,2	700,8	3 627,3	357,5

2018-2022 йилларда ЯҲМнинг ўсиш суръатлари,  
ўтган йилга нисбатан % да



2018-2022 йилларда ЯҲМ ўсишида тармоқларнинг ҳиссаси  
(жамига нисбатан % да)

Йил	ЯҲМ	Қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги	Саноат	Қурилиш	Хизматлар	Маҳсулотларга соф солиқлар
2022	4,7	1,8	0,9	0,4	1,5	0,1
2021	7,7	2,2	1,1	1,1	3,2	0,1
2020	4,8	1,5	1,8	0,1	0,9	0,5
2019	8,3	3,4	0,3	2,6	1,7	0,3
2018	3,9	-0,3	0,7	1,4	1,8	0,3

**ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ  
ЯЛПИ ҲУДУДИЙ МАҲСУЛОТИ**

Қашқадарё вилоятида ЯҲМ ҳажми 49 520,8 млрд. сўми ташкил этди ва 2021 йил билан таққослаганда 5,6 % га ўсди. ЯҲМнинг тармоқлар таркибида ижобий ўсиш суръатлари: қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалигида 103,6 % (ЯҲМ таркибидаги улуши – 41,2 %), саноатда 110,5 % (17,2 %), қурилишда 105,8 % (7,0 %) ва хизматлар соҳасида 105,1 % (34,6 %)ни ташкил этди. Аҳоли жон бошига ЯҲМ 3,4 % га ўсди ва 14 372,6 минг сўми ташкил этди.

**2018-2022 йилларда аҳоли жон бошига ҳисобланган ЯҲМ ҳажми ва ўсиш суръатлари**




**2018-2022 йилларда ЯҲМнинг тармоқлар бўйича таркиби (ЯҚҚга нисбатан % да)**



**2018-2022 йилларда ЯҲМ ҳажми, млрд. сўм**

	ЯҲМ	Қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги	Саноат	Қурилиш	Хизматлар	Маҳсулотларга соф солиқлар
2022	49 520,8	19 481,4	8 125,3	3 331,9	16 325,4	2 256,8
2021	42 560,2	17 120,6	6 902,2	2 697,3	13 934,1	1 906,0
2020	35 351,5	14 419,0	5 754,4	2 097,5	11 756,3	1 324,3
2019	32 223,0	12 154,3	5 272,1	1 891,0	10 272,4	2 633,2
2018	26 438,9	10 646,6	4 416,1	1 618,4	8 223,9	1 533,9

2018-2022 йилларда ЯҲМнинг ўсиш суръатлари,  
ўтган йилга нисбатан % да



2018-2022 йилларда ЯҲМ ўсишида тармоқларнинг ҳиссаси  
(жамига нисбатан % да)

	ЯҲМ	Қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги	Саноат	Қурилиш	Хизматлар	Маҳсулотларга соф солиқлар
2022	5,6	1,5	1,7	0,4	1,6	0,4
2021	6,8	0,8	2,5	1,1	2,1	0,3
2020	2,7	1,5	0,5	-0,1	0,6	0,2
2019	1,8	0,5	-1,0	0,2	2,0	0,1
2018	2,0	-1,4	0,7	0,6	1,8	0,3

**НАВОИЙ ВИЛОЯТИ**  
**ЯЛПИ ҲУДУДИЙ МАҲСУЛОТИ**

Навоий вилоятида ЯҲМ ҳажми 66 685,4 млрд. сўмга етди ва ўсиш 5,5 % ни ташкил этди. ЯҲМнинг ўсиши ҳудуд иқтисодиёти тармоқларидаги ижобий ўсиш суръатлари билан боғлиқдир. Ўсиш суръатлари қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалигида 104,0 % (ЯҲМ таркибидаги улуши – 13,9 %), саноатда 105,7 % (69,3 %), қурилишда 109,3 % (4,0 %) ва хизматларда 105,2 % (12,8 %)ни ташкил этди. Аҳоли жон бошига ҳисобланган ЯҲМ 3,4 % га ўсди ва 63 832,1 минг сўмни ташкил этди.

**2018-2022 йилларда аҳоли жон бошига ҳисобланган ЯҲМ ҳажми ва ўсиш суръатлари**



**2018-2022 йилларда ЯҲМнинг тармоқлар бўйича таркиби (ЯҚҚга нисбатан % да)**




**2018-2022 йилларда ЯҲМ ҳажми, млрд. сўм**

	ЯҲМ	Қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги	Саноат	Қурилиш	Хизматлар	Маҳсулотларга соф солиқлар
<b>2022</b>	66 685,4	9 077,2	45 325,0	2 589,0	8 453,4	1 240,8
<b>2021</b>	58 730,3	8 607,8	39 830,4	2 194,0	7 087,8	1 010,3
<b>2020</b>	49 780,4	6 834,2	34 626,5	1 676,1	5 722,1	921,5
<b>2019</b>	36 224,3	5 741,7	22 911,1	1 473,9	5 012,0	1 085,6
<b>2018</b>	22 573,3	5 038,3	11 918,4	980,0	3 904,2	732,4



2018-2022 йилларда ЯҲМнинг ўсиш суръатлари,  
ўтган йилга нисбатан % да



2018-2022 йилларда ЯҲМ ўсишида тармоқларнинг ҳиссаси  
(жамига нисбатан % да)

Йил	ЯҲМ	Қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги	Саноат	Қурилиш	Хизматлар	Маҳсулотларга соф солиқлар
2022	5,5	0,6	3,9	0,3	0,6	0,1
2021	7,3	0,6	4,8	0,6	1,1	0,2
2020	6,6	0,5	5,8	-0,2	0,2	0,3
2019	5,2	0,3	2,3	1,1	1,3	0,2
2018	4,8	0,6	0,8	1,9	1,3	0,2

**НАМАНГАН ВИЛОЯТИ  
ЯЛПИ ХУДУДИЙ МАҲСУЛОТИ**

Наманган вилоятида ЯҲМ 41 098,2 млрд. сўми ташкил этди, бу эса 2021 йил маълумотларига нисбатан 6,6 % га кўпдир. ЯҲМнинг ўсиш суръати қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалигида 104,2 % (ЯҲМ таркибидаги улуши – 40,3 %), саноатда 109,4 % (15,0 %), қурилишда 110,3 % (7,3 %) ва хизматлар соҳасида 107,1 % (37,4 %) кузатилган ижобий ўсиш суръатлари билан боғлиқдир. Аҳоли жон бошига ЯҲМ 4,3 % га ўсди ва 13 864,4 минг сўми ташкил этди.

**2018-2022 йилларда аҳоли жон бошига ҳисобланган ЯҲМ ҳажми ва ўсиш суръатлари**



**2018-2022 йилларда ЯҲМнинг тармоқлар бўйича таркиби (ЯҲҚга нисбатан % да)**



**2018-2022 йилларда ЯҲМ ҳажми, млрд. сўм**

	ЯҲМ	Қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги	Саноат	Қурилиш	Хизматлар	Маҳсулотларга соф солиқлар
2022	41 098,2	16 055,1	5 979,6	2 923,6	14 921,6	1 218,3
2021	34 194,1	13 731,7	4 845,1	2 410,2	12 219,8	987,3
2020	27 863,0	11 488,9	3 714,4	2 039,0	9 882,4	738,3
2019	23 764,0	9 870,3	2 902,4	1 534,9	8 538,8	917,6
2018	18 809,6	8 346,3	2 317,0	1 004,4	6 658,9	483,0

2018-2022 йилларда ЯҲМнинг ўсиш суръатлари,  
ўтган йилга нисбатан % да



2018-2022 йилларда ЯҲМ ўсишида тармоқларнинг ҳиссаси  
(жамига нисбатан % да)

	ЯҲМ	Қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги	Саноат	Қурилиш	Хизматлар	Маҳсулотларга соф солиқлар
2022	6,6	1,7	1,3	0,7	2,6	0,3
2021	9,7	2,7	2,4	0,7	3,6	0,3
2020	5,1	1,6	1,9	1,2	-0,1	0,5
2019	7,4	1,1	1,3	2,2	2,5	0,3
2018	4,0	1,0	1,2	1,0	0,6	0,2

**САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ  
ЯЛПИ ҲУДУДИЙ МАҲСУЛОТИ**

Самарқанд вилоятида ЯҲМ ҳажми 62 440,3 млрд. сўми ташкил этди ва бу эса 2021 йил маълумотларига нисбатан 5,8 % га кўпдир. Ушбу ҳудудда қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалигида 103,6 % (ЯҲМ таркибидаги улуши – 40,5 %), саноатда 109,0 % (16,0 %), қурилишда 110,1 % (6,1 %) ва хизматлар соҳасида 106,3 % (37,4 %) ўсиш суръатлари кузатилди. Аҳоли жон бошига ЯҲМ 3,6 % га кўпайди ва 15 323,2 минг сўми ташкил этди.

**2018-2022 йилларда аҳоли жон бошига ҳисобланган ЯҲМ ҳажми ва ўсиш суръатлари**



**2018-2022 йилларда ЯҲМнинг тармоқлар бўйича таркиби (ЯҲҚга нисбатан % да)**



**2018-2022 йилларда ЯҲМ ҳажми, млрд. сўм**

	ЯҲМ	Қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги	Саноат	Қурилиш	Хизматлар	Маҳсулотларга соф солиқлар
2022	62 440,3	24 652,2	9 731,6	3 742,9	22 739,5	1 574,1
2021	52 893,6	22 672,3	7 359,6	3 163,5	18 589,0	1 109,2
2020	43 023,2	19 225,8	6 183,2	2 471,7	14 234,2	908,3
2019	38 765,9	16 862,4	5 201,1	2 004,9	13 583,3	1 114,2
2018	32 681,7	15 295,1	4 729,8	1 486,9	10 595,9	574,0

2018-2022 йилларда ЯҲМнинг ўсиш суръатлари,  
ўтган йилга нисбатан % да



2018-2022 йилларда ЯҲМ ўсишида тармоқларнинг ҳиссаси  
(жамига нисбатан % да)

Йил	ЯҲМ	Қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги	Саноат	Қурилиш	Хизматлар	Маҳсулотларга соф солиқлар
2022	5,8	1,5	1,3	0,6	2,2	0,2
2021	8,5	1,5	1,6	1,0	4,2	0,2
2020	1,8	1,2	0,7	0,6	-0,9	0,2
2019	5,4	1,4	0,8	1,2	1,9	0,1
2018	0,7	-2,7	1,5	0,8	1,0	0,1

**СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ**  
**ЯЛПИ ҲУДУДИЙ МАҲСУЛОТИ**

Сурхондарё вилоятида ЯҲМ 4,0 % га ўсди ва 34 858,5 млрд. сўмни ташкил этди. ЯҲМнинг ўсишига қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалигида 102,6 % (ЯҲМ таркибидаги улуши – 47,7 %), саноатда 104,4 % (6,9 %), қурилишда 102,0 % (8,3 %) ва хизматлар соҳасида 106,3 % (37,1 %) кузатилган ижобий ўсиш суръатлари таъсир қилди. Аҳоли жон бошига ЯҲМ 12 561,6 минг сўмни ташкил этди ва 1,6 % га ўсди.

**2018-2022 йилларда аҳоли жон бошига ҳисобланган ЯҲМ ҳажми ва ўсиш суръатлари**




**2018-2022 йилларда ЯҲМнинг тармоқлар бўйича таркиби (ЯҚҚга нисбатан % да)**



**2018-2022 йилларда ЯҲМ ҳажми, млрд. сўм**

	ЯҲМ	Қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги	Саноат	Қурилиш	Хизматлар	Маҳсулотларга соф солиқлар
2022	34 858,5	16 200,0	2 331,2	2 835,4	12 597,7	894,2
2021	29 693,2	13 811,5	2 107,7	2 524,5	10 553,0	696,5
2020	24 625,6	11 610,2	1 668,0	2 058,9	8 586,9	701,6
2019	22 288,1	10 680,8	1 385,6	1 715,8	7 625,3	880,6
2018	18 592,5	9 169,3	1 197,0	1 254,5	6 443,0	528,7

2018-2022 йилларда ЯХМнинг ўсиш суръатлари,  
ўтган йилга нисбатан % да



2018-2022 йилларда ЯХМ ўсишида тармоқларнинг ҳиссаси  
(жамига нисбатан % да)

	ЯХМ	Қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги	Саноат	Қурилиш	Хизматлар	Маҳсулотларга соф солиқлар
2022	4,0	1,2	0,3	0,2	2,2	0,1
2021	7,9	1,9	0,7	1,1	4,0	0,2
2020	4,4	2,6	0,4	0,7	0,3	0,4
2019	3,7	1,5	0,5	1,4	0,2	0,1
2018	4,5	-1,4	0,3	1,7	3,5	0,4

**СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ**  
**ЯЛПИ ҲУДУДИЙ МАҲСУЛОТИ**

Сирдарё вилоятида ЯҲМ ҳажми 18 136,8 млрд. сўмни ташкил этди ва 2021 йил маълумотлари билан таққослаганда 5,0 % га кўпайди. ЯҲМнинг ўсишига қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалигида 103,3 % (ЯҲМ таркибидаги улуши – 39,4 %), саноатда 109,5 % (24,9 %), қурилишда 100,5 % (8,0 %) ва хизматлар соҳасида 105,0 % (27,7 %) кузатилган ижобий ўсиш суръатлари таъсир қилди. Аҳоли жон бошига ЯҲМ 20 433,5 минг сўмни ташкил этди ва 2,9 % га ўсди.

**2018-2022 йилларда аҳоли жон бошига ҳисобланган ЯҲМ ҳажми ва ўсиш суръатлари**



**2018-2022 йилларда ЯҲМнинг тармоқлар бўйича таркиби (ЯҚҚга нисбатан % да)**



**2018-2022 йилларда ЯҲМ ҳажми, млрд. сўм**

	ЯҲМ	Қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги	Саноат	Қурилиш	Хизматлар	Маҳсулотларга соф солиқлар
<b>2022</b>	18 136,8	6 905,7	4 375,3	1 404,4	4 855,5	595,9
<b>2021</b>	15 071,5	5 901,6	3 483,1	1 154,5	4 101,7	430,6
<b>2020</b>	12 803,8	4 938,3	2 929,7	1 056,5	3 498,6	380,7
<b>2019</b>	11 865,2	4 553,9	2 663,3	846,6	3 003,4	798,0
<b>2018</b>	8 532,7	3 506,1	1 722,0	446,0	2 408,2	450,4



2018-2022 йилларда ЯҲМнинг ўсиш суръатлари,  
ўтган йилга нисбатан % да



2018-2022 йилларда ЯҲМ ўсишида тармоқларнинг ҳиссаси  
(жамига нисбатан % да)

	ЯҲМ	Қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги	Саноат	Қурилиш	Хизматлар	Маҳсулотларга соф солиқлар
2022	5,0	1,3	2,2	0,0	1,3	0,2
2021	9,0	1,5	4,2	0,8	2,2	0,3
2020	1,8	0,7	0,2	0,7	-0,1	0,3
2019	9,5	3,2	0,6	3,0	2,1	0,6
2018	3,4	-1,2	0,8	1,8	1,6	0,4

**ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ**  
**ЯЛПИ ҲУДУДИЙ МАҲСУЛОТИ**

Тошкент вилоятида ЯҲМ 5,1 % га ўсган ҳолда 93 433,1 млрд. сўмни ташкил этди. Ушбу ҳудудда қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалигида 104,0 % (ЯҲМ таркибидаги улуши – 22,1 %), саноатда 105,1 % (47,9 %), қурилишда 107,7 % (5,8 %) ва хизматлар соҳасида 105,4 % (24,2 %) ижобий ўсиш суръатлари кузатилди. Аҳоли жон бошига ЯҲМ 2021 йилга нисбатан 3,3 % га ўсди ва 31 499,2 минг сўмни ташкил этди.

**2018-2022 йилларда аҳоли жон бошига ҳисобланган ЯҲМ ҳажми ва ўсиш суръатлари**



**2018-2022 йилларда ЯҲМнинг тармоқлар бўйича таркиби (ЯҲМга нисбатан % да)**



**2018-2022 йилларда ЯҲМ ҳажми, млрд. сўм**

	ЯҲМ	Қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги	Саноат	Қурилиш	Хизматлар	Маҳсулотларга соф солиқлар
2022	93 433,1	19 843,6	42 981,3	5 175,3	21 786,4	3 646,5
2021	82 221,8	17 795,7	38 866,6	4 002,6	18 411,6	3 145,3
2020	64 407,6	14 461,0	29 311,3	3 032,3	14 780,3	2 822,7
2019	54 759,3	12 417,5	23 469,6	2 409,8	12 886,7	3 575,7
2018	39 989,9	11 011,5	15 308,0	1 298,3	10 079,3	2 292,8

2018-2022 йилларда ЯҲМнинг ўсиш суръатлари,  
ўтган йилга нисбатан % да



2018-2022 йилларда ЯҲМ ўсишида тармоқларнинг ҳиссаси  
(жамига нисбатан % да)

	ЯҲМ	Қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги	Саноат	Қурилиш	Хизматлар	Маҳсулотларга соф солиқлар
2022	5,1	0,8	2,4	0,4	1,2	0,3
2021	10,4	1,0	5,8	0,7	2,4	0,5
2020	2,9	0,1	2,5	0,3	-0,3	0,3
2019	7,3	0,2	2,8	1,8	1,9	0,6
2018	6,6	-0,3	4,4	0,9	0,9	0,7

**ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ**  
**ЯЛПИ ҲУДУДИЙ МАҲСУЛОТИ**

Фарғона вилоятида ЯҲМ ҳажми 4,6 % га ўсди ва 55 972,1 млрд. сўмни ташкил этди. Ўсиш суръати қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалигида 103,6 % (ЯҲМ таркибидаги улуши – 35,1 %), саноатда 104,8 % (19,5 %), қурилишда 112,7 % (6,8 %) ва хизматлар соҳасида 103,8 % (38,6 %)ни ташкил этди. Аҳоли жон бошига ЯҲМ 2,5 % га ўсди ва 14 219,1 минг сўмни ташкил этди.

**2018-2022 йилларда аҳоли жон бошига ҳисобланган ЯҲМ ҳажми ва ўсиш суръатлари**




**2018-2022 йилларда ЯҲМнинг тармоқлар бўйича таркиби (ЯҚҚга нисбатан % да)**



**2018-2022 йилларда ЯҲМ ҳажми, млрд. сўм**

	ЯҲМ	Қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги	Саноат	Қурилиш	Хизматлар	Маҳсулотларга соф солиқлар
2022	55 972,1	19 032,9	10 565,9	3 666,5	20 952,4	1 754,4
2021	47 760,5	16 129,7	9 558,7	3 008,7	17 385,6	1 677,8
2020	37 216,2	12 551,1	7 455,1	2 386,0	13 529,3	1 294,7
2019	32 520,8	10 859,5	6 344,3	1 824,6	11 779,5	1 712,9
2018	27 523,9	10 214,0	5 136,9	1 308,3	9 495,8	1 368,9

2018-2022 йилларда ЯҲМнинг ўсиш суръатлари,  
ўтган йилга нисбатан % да



2018-2022 йилларда ЯҲМ ўсишида тармоқларнинг ҳиссаси  
(жамига нисбатан % да)

	ЯҲМ	Қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги	Саноат	Қурилиш	Хизматлар	Маҳсулотларга соф солиқлар
2022	4,6	1,2	0,9	0,8	1,4	0,3
2021	8,2	1,0	1,7	1,0	4,2	0,3
2020	4,8	1,7	0,8	0,9	0,8	0,6
2019	4,4	1,2	0,5	0,9	1,5	0,3
2018	7,4	3,3	1,1	0,9	1,8	0,3

**ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ**  
**ЯЛПИ ҲУДУДИЙ МАҲСУЛОТИ**

Хоразм вилоятида ЯҲМ ҳажми 5,7% га ўсди ва 31 963,1 млрд. сўмни ташкил этди. ЯҲМнинг ўсиши қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалигида 103,3% (ЯҲМ таркибидаги улуши – 46,0%), саноатда 115,1% (14,4%), қурилишда 102,1% (6,9%) ва хизматлар соҳасида 105,4% (32,7%)ни ташкил этди. Аҳоли жон бошига ЯҲМ 3,9% га ўсди ва 16 465,7 минг сўмни ташкил этди.

**2018-2022 йилларда аҳоли жон бошига ҳисобланган ЯҲМ ҳажми ва ўсиш суръатлари**




**2018-2022 йилларда ЯҲМнинг тармоқлар бўйича таркиби (ЯҚҚга нисбатан % да)**



**2018-2022 йилларда ЯҲМ ҳажми, млрд. сўм**

	ЯҲМ	Қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги	Саноат	Қурилиш	Хизматлар	Маҳсулотларга соф солиқлар
<b>2022</b>	31 963,1	14 212,1	4 436,7	2 117,1	10 129,8	1 067,4
<b>2021</b>	26 464,3	11 789,7	3 325,8	1 824,9	8 634,9	889,0
<b>2020</b>	21 315,4	9 794,6	2 521,9	1 241,0	7 143,3	614,6
<b>2019</b>	19 129,1	8 414,9	2 265,6	1 098,1	6 508,6	841,9
<b>2018</b>	15 900,1	7 453,5	1 970,2	832,4	5 148,0	496,0

2018-2022 йилларда ЯҲМнинг ўсиш суръатлари,  
ўтган йилга нисбатан % да



2018-2022 йилларда ЯҲМ ўсишида тармоқларнинг ҳиссаси  
(жамига нисбатан % да)

Йил	ЯҲМ	Қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги	Саноат	Қурилиш	Хизматлар	Маҳсулотларга соф солиқлар
2022	5,7	1,5	1,9	0,2	1,7	0,4
2021	8,1	1,5	2,0	1,8	2,5	0,3
2020	1,3	1,0	0,7	-0,1	-0,4	0,1
2019	5,7	1,9	0,9	1,0	1,7	0,2
2018	3,0	-0,9	0,9	0,7	2,1	0,2


**ТОШКЕНТ ШАҲРИ  
ЯЛПИ ҲУДУДИЙ МАҲСУЛОТИ**

Тошкент шаҳрида ЯҲМ ҳажми 147 414,6 млрд. сўмни ташкил этди ва 2021 йил билан таққослаганда 7,9% га ўсди. Саноат тармоғида 106,0% (ЯҲМ таркибидаги улуши – 33,5%), қурилиш тармоғида 101,1% (10,1%) ва хизматлар соҳасида 109,9% (56,4%) ўсиш суръати кузатилди. Аҳоли жон бошига ЯҲМ 50 675,3 минг сўмни ташкил этди ва 4,6% га ўсди.

**2018-2022 йилларда аҳоли жон бошига ҳисобланган ЯҲМ ҳажми ва ўсиш суръатлари**



**2018-2022 йилларда ЯҲМнинг тармоқлар бўйича таркиби (ЯҚҚга нисбатан % да)**




**2018-2022 йилларда ЯҲМ ҳажми, млрд. сўм**

	ЯҲМ	Саноат	Қурилиш	Хизматлар	Маҳсулотларга соф солиқлар
2022	147 414,6	44 533,9	13 422,9	74 867,8	14 590,0
2021	121 779,8	38 622,2	11 092,1	60 448,0	11 617,5
2020	95 247,8	29 419,1	8 093,4	47 817,5	9 917,8
2019	84 720,4	26 672,8	6 936,7	41 652,3	9 458,6
2018	63 509,2	19 943,2	4 685,2	33 505,9	5 374,9



2018-2022 йилларда ЯҲМнинг ўсиш суръатлари,  
ўтган йилга нисбатан % да



2018-2022 йилларда ЯҲМ ўсишида тармоқларнинг ҳиссаси  
(жамига нисбатан % да)

	ЯҲМ	Саноат	Қурилиш	Хизматлар	Маҳсулотларга соф солиқлар
2022	7,9	1,9	0,1	4,9	1,0
2021	16,0	5,0	1,5	7,9	1,6
2020	2,4	0,1	0,5	1,3	0,5
2019	8,5	1,7	2,6	3,4	0,8
2018	11,0	3,2	2,1	4,6	1,1

## Статистик кўрсаткичларга изоҳлар

**Ялпи ички маҳсулот (ЯИМ)** – иқтисодий резидент-бирликлар ишлаб чиқариш фаолиятининг якуний натижасини ифодаловчи ва ушбу бирликлар томонидан якуний фойдаланиш учун ишлаб чиқарилган товарлар ва хизматлар қиймати орқали ўлчанадиган МХТнинг асосий кўрсаткичларидан биридир.

**Ялпи ҳудудий маҳсулот (ЯҲМ)** – миллий ҳисоблар тизимининг асосий кўрсаткичи бўлиб, муайян даврда минтақанинг иқтисодий ҳудудида жойлашган резидент - институционал бирликлар ишлаб чиқариш фаолиятининг якуний натижасини ифодалайди.

**Аҳоли жон бошига ЯИМ (ЯҲМ)** – муайян даврда жорий нархлардаги ЯИМ (ЯҲМ) ҳажмини мамлакат (ҳудуд)нинг ўртача аҳолиси сонига бўлиш орқали аниқланади.

**Ялпи қўшилган қиймат (ЯҚК)** – ишлаб чиқарилган товарлар ва хизматлар қиймати (ишлаб чиқариш) ва ишлаб чиқариш жараёнида тўлалигича истеъмол қилинган товарлар ва хизматлар қиймати (оралиқ истеъмол) ўртасидаги фарқ орқали аниқланади.

**Маҳсулотлар учун солиқлар** – товар ёки хизматнинг бир бирлигига, яъни резидентлар томонидан ишлаб чиқариладиган, сотиладиган ёки импорт қилинадиган товарлар ва хизматларнинг миқдори ёки қийматига мутаносиб тарзда солинадиган солиқлар. Уларга қўшилган қиймат солиғи, акцизлар, экспорт ва импорт учун солиқлар ва бошқалар киради.

**Маҳсулотлар учун субсидиялар** – давлат бюджетидан товарлар ёки хизматларнинг бир бирлигига, яъни резидентлар томонидан ишлаб чиқариладиган, сотиладиган ёки импорт қилинадиган товарлар ва хизматларнинг миқдори ёки қийматига мутаносиб тарзда тўланадиган маблағлар (субсидиялар).

**Маҳсулотлар учун соф солиқлар** – маҳсулотлар учун солиқлардан маҳсулотлар учун субсидияларни айириш орқали аниқланади.

**ЯИМ физик ҳажм индекси (ўсиш суръати)** – доимий нархларда, яъни ўтган йилнинг мос даври нархларида ҳисобланган ҳисобот даври ЯИМ (реал ЯИМ)ни жорий нархлардаги ўтган йилнинг мос даври ЯИМга нисбати орқали ҳисобланади.

**ЯИМ дефлятор индекси** – иқтисодиётда нархларнинг ўртача ўзгаришини ифодалайди ва номинал ЯИМ (жорий нархлардаги ҳисобот даври ЯИМ)нинг реал ЯИМга нисбати орқали ҳисобланади.

## II. САНОАТ

### 1-БЎЛИМ. РЕСПУБЛИКАДА ФАОЛИЯТ КЎРСАТАЁТГАН ВА ЯНГИ ТАШКИЛ ЭТИЛГАН САНОАТ КОРХОНАЛАРИ

(2023 йил 1 январь ҳолатига кўра)

Бугунги кунда республикада 98,8 мингта саноат корхоналари фаолият кўрсатмоқда, шундан 16,8 мингтаси (рўйхатдан ўтган корхоналар умумий сонининг 17,0 % и) Тошкент шаҳрига, 11,1 мингтаси (11,2 %) Фарғона вилоятига, 10,0 мингтаси (10,1 %) Тошкент вилоятига, 9,9 мингтаси (10,0 %) Андижон вилоятига ва 8,9 мингтаси (9,0 %) Самарқанд вилоятига тўғри келмоқда.

#### Жами фаолият юритаётган (1 январь ҳолатига кўра)




#### Жами янги ташкил этилган (1 январь ҳолатига кўра)



## 2-БЎЛИМ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ САНОАТИНИНГ АСОСИЙ КЎРСАТКИЧЛАРИ

Дастлабки маълумотлар бўйича 2022 йилнинг январь-декабрь ойларида республика корхоналари томонидан 551,1 трлн. сўмлик саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилган бўлиб, 2021 йилнинг январь-декабрь ойига нисбатан саноат ишлаб чиқаришининг физик ҳажми индекси 105,2 % ни ташкил этди.

Саноат ишлаб чиқаришининг физик ҳажми индекси ишлаб чиқарилган маҳсулотлар (ишлар, хизматлар) ҳажмининг таққосланадиган даврлардаги ўзгаришини тавсифловчи нисбий кўрсаткичдир.




Аҳоли жон бошига тўғри келадиган саноат маҳсулотлари  
ишлаб чиқариш, ҳудудлар кесимида

Аҳоли жон бошига саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг тақсимланиши, йирик саноат корхоналари жойлашганлиги ҳисобига Навоий вилоятида (80 546,7 минг сўм), Тошкент шаҳрида (36 873,8 минг сўм) ҳамда Тошкент вилоятида (31 354,3 минг сўм) ўртача республика даражаси кўрсаткичидан (15 458,1 минг сўм) сезиларли даражада юқорилигини кўрсатмоқда.




### 3-БЎЛИМ. САНОАТ ИШЛАБ ЧИҚАРИШИНИНГ АСОСИЙ ТАРМОҚЛАРИ

Саноат ишлаб чиқариши таркибида энг катта улуш ишлаб чиқарадиган саноат ҳиссасига тўғри келиб, 458,2 трлн. сўмни, жами саноат ишлаб чиқаришидаги улуши 83,2 % ни ташкил этди.



2022 йилнинг январь-декабрь ойларида республикада жами саноат ишлаб чиқаришидаги юқори улуш Тошкент шаҳри (19,5 %), Тошкент вилояти (16,9 %), Навоий вилояти (15,3 %), Андижон вилояти (9,8 %) ҳамда Фарғона (5,5 %) вилоятлари ҳиссасига тўғри келди.


Шунингдек, ўтган йилнинг тегишли даврига нисбатан юқори ФХИ, Андижон вилоятида (122,6 %), Хоразм вилоятида (115,1 %) ҳамда Қашқадарё (110,5 %) вилоятларида кузатилди.




### Тоғ-кон саноати ва очик конларни ишлаш, ҳудудлар кесимида

**Тоғ-кон саноати ва очик конларни ишлаш** – табиатда қаттиқ жинслар шаклида учрайдиган (кўмир, руда), суюқ ҳолатда учрайдиган (нефт) ёки газсимон ҳолатда учрайдиган (табиий газ) фойдали қазилмаларни қазиб олишни ўз ичига олади.

Тоғ-кон саноати ва очик конларни ишлаш корхоналари томонидан 2022 йилнинг январь-декабрь ойларида ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳажми 52,5 трлн. сўм ёки жами ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотлари ҳажмидаги улуши 9,5 % га тўғри келди.



январь-декабрь ойларида йирик корхоналар бўйича  
(Ўтган йилнинг тегишли даврига нисбатан % да\*)



Ишлаб чиқарадиган саноатда йирик саноат корхоналари томонидан  
айрим турдаги маҳсулотларни ишлаб чиқариш

Саноат маҳсулотлари	2021 йил январь-декабрь	2022 йил январь-декабрь	Фарқи +/-
Кўмир минг т.	5 056,3	5 356,2	299,9
Нефт, минг т.	774,0	787,8	13,8
Табиий газ, млн. куб.м	53 802,0	51 664,5	- 2 137,5
Газ конденцати, минг т.	1 323,9	1 287,1	- 36,8


\* тегишли давр учун саноат ишлаб чиқариши ҳажмини ҳисоблаш методикасига кўра



### Ишлаб чиқарадиган саноат ҳудудлар кесимида

**Ишлаб чиқарадиган саноат** – янги маҳсулот чиқариш мақсадида модда ёки компонентларни, материалларни физик ёки кимёвий қайта ишлашни, гарчи ишлаб чиқаришнинг маълум тури учун бирдан-бир тўлиқ меъзон ҳисобланмаса ҳам, ўз ичига олади.

2022 йилнинг январь-декабрь ойларида ишлаб чиқарадиган саноат корхоналари томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳажми 458,2 трлн. сўмни ёки жами саноат маҳсулотларининг 83,2 % ини ташкил этди.



Ишлаб чиқарадиган саноатда йирик корхоналар томонидан ишлаб  
чиқарилган айрим турдаги маҳсулотларнинг ўсиш суръати  
(Ўтган йилнинг мос даврига нисбатан, % да\*)



Ўтган йилнинг мос даври билан солиштирганда ишлаб чиқарадиган саноат таркибида юқори технологияли тармоқнинг улуши 2,1 % ни (2021 йилнинг январь-декабрь ойларида – 2,7 %), ўрта-юқори технологияли – 23,2 % (20,3 %), ўрта-қуйи технологияли – 36,4 % (39,7 %) ва қуйи технологияли тармоқ улуши – 38,3 % (37,2 %)ни ташкил қилди.




Жами ишлаб чиқарадиган саноат таркибида машина ва асбоб-ускуналар ишлаб чиқариш, таъмирлаш ва ўрнатиш, автотранспорт воситалари, ярим тиркамалар ва бошқа тайёр буюмларни ишлаб чиқариш соҳасининг улуши – 20,3 % (2021 йилнинг январь-декабрь ойларига нисбатан физик ҳажм индекси 112,8 %), металлургия саноатининг улуши – 23,2 % (2021 йилнинг январь-декабрь ойларига нисбатан физик ҳажм индекси 103,9 %), тўқимачилик, кийим, тери маҳсулотларини ишлаб чиқаришнинг улуши – 17,9 % (2021 йилнинг январь-декабрь ойларига нисбатан физик ҳажм индекси 108,6 %)га тўғри келди.

\* тегишли давр учун саноат ишлаб чиқариши ҳажмини ҳисоблаш методикасига кўра

**Ишлаб чиқарадиган саноатда йирик корхоналар томонидан ишлаб  
чиқарилган айрим турдаги маҳсулотларнинг ўсиш суръати**  
(Ўтган йилнинг мос даврига нисбатан, % да\*)

Шунингдек, ишлаб чиқарадиган саноат таркибида озиқ-овқат, ичимликлар ва тамаки маҳсулотларини ишлаб чиқаришнинг улуши – 17,2 % (2021 йилнинг январь-декабрь ойларига нисбатан физик ҳажм индекси 109,2 %), кимё маҳсулотлари, резина ва пластмасса буюмларини ишлаб чиқаришнинг улуши – 9,2 % (2021 йилнинг январь-декабрь ойларига нисбатан физик ҳажм индекси 97,7 %)ни ташкил этди.



2022 йилнинг январь-декабрь ойларида ишлаб чиқарадиган саноатда 1 257,7 минг тонна автомобил бензини (2021 йилнинг январь-декабрь ойларига нисбатан 11,5 % га кўпайган), 584,4 минг тонна калава ип (17,6 % камайган), 217,3 млн. литр пиво маҳсулотлари (3,2 % га кўпайган) ҳамда 1 690,8 минг тонна юмшоқ буғдой ва спелта уни (9,5 % га камайган) ишлаб чиқарилган.

**Ишлаб чиқарадиган саноатда йирик саноат корхоналари томонидан  
айрим турдаги маҳсулотларни ишлаб чиқариш**


Саноат маҳсулотлари	2021 йил январь-декабрь	2022 йил январь-декабрь	Фарқи +/-
Енгил автомобиллар, (махсус енгил автомобиллардан ташқари) дона	219 360	307 177	87 817
Юк автомобиллари, дона	4 433	4 094	-339
Автомобил двигателлари минг дона	160,4	225,4	65,0
Юмшоқ буғдой ва спелта уни, минг т.	1 868,7	1 690,8	-177,9
Пахта толаси минг т.	710,6	678,9	-31,7

\* тегишли давр учун саноат ишлаб чиқариши ҳажмини ҳисоблаш методикасига кўра

### Юк автомобиллари ишлаб чиқариш (2022 йил январь-декабрь ойларида)

**Юк автомобиллари** – барча турдаги юкларни ташиш учун мўлжалланган дизел ёки бошқа турдаги ёқилғи ёрдамида ҳаракатланувчи транспорт воситаси.


Республикада 2022 йил январь-декабрь ойларида йирик корхоналар бўйича жами 4 094 дона юк автомобиллари ишлаб чиқарилди. Юк автомобиллари ишлаб чиқаришда ўтган йилнинг тегишли даврига нисбатан 7,6 % га камайиши кузатилди.



### Автобус ишлаб чиқариш (2022 йил январь-декабрь ойларида)

**Автобус** – 9 ва ундан ортиқ ўринли йўловчилар ташийдиган техник жиҳатдан механик моторли транспорт воситаси.

Республикада 2022 йилнинг январь-декабрь ойларида йирик корхоналар бўйича жами 1 357 дона автобус ишлаб чиқарилиб, ушбу кўрсаткич ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 35,3 % га кўпайганлиги кузатилди.




\* тегишли давр учун саноат ишлаб чиқариши ҳажмини ҳисоблаш методикасига кўра

**Йирик корхоналар томонидан енгил автомобиллар ишлаб чиқариш**  
(2022 йил январь-декабрь ойларида)

**Енгил автомобиллар** – умумий ёки "махсус енгил автомобиллар"га бўлиниб 2 кишидан 8 кишигача мўлжалланган транспорт воситаси.


Автомобил ишлаб чиқариш саноатида 2022 йилнинг январь-декабрь ойларида 101 617 дона "Кобалт" (ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 43,0 % га ошди), 22 245 дона "Нексия Т-250" (29,3 % га камайди), 87 105 дона "Ласетти-Джентра" (70,6 % га ошди), 14 464 дона "Спарк" (45,9 % га ошди), 20 941 дона махсус енгил автомобиллар (21,0 % га ошди), 72 235 дона "Дамас" (31,2 % га ошди) ҳамда 9 088 дона Трескер автомобиллари ишлаб чиқарилди.



**Автомобил двигателлари ишлаб чиқариш**  
(2022 йил январь-декабрь ойларида)

**Автомобил двигатели** – автомобилни ҳаракатга келтирувчи асосий қурилма бўлиб, 2,3,4 ва ундан ортиқ цилиндрли бўлиши мумкин.


Республиканинг машинасозлик саноатида йирик корхоналар томонидан 225,4 минг дона двигателлар ишлаб чиқарилиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 40,5 % га ошган.



**Сеялкалар ишлаб чиқариш**  
(2022- йил январь-декабрь ойларида)

**Сеялка** – қишлоқ хўжалиги екинлари ва дарахтлар уруғини муайян чуқурликда текис экиш, экинларни ўғитлаш учун мўлжалланган қишлоқ хўжалиги машинаси.

Республиканинг машинасозлик саноатида йирик корхоналар томонидан 555 дона сеялкалар ишлаб чиқарилган бўлиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 2,7 мартага ошган.




\* тегишли давр учун саноат ишлаб чиқариши ҳажмини ҳисоблаш методикасига кўра


### Аккумулятор ишлаб чиқариш (2022 йил январь-декабрь ойларида)

**Аккумулятор** – кейинчалик фойдаланиш мақсадида энергияни тўплаш ва сақлаш учун мўлжалланган қурилма.

2022 йилнинг январь-декабрь ойларида машинасозлик саноатида, жами йирик корхоналар томонидан 920,1 минг дона аккумуляторлар ишлаб чиқарилди, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 21,1 % га кўпайган.



ўсиш суръати, % да




### Совутгич ва музлатгичлар ишлаб чиқариш (2022 йил январь-декабрь ойларида)

**Совутгич** – иссиқлик изоляция қилинган хонада паст ҳароратни сақлайдиган қурилма. **Музлатгич** бу – алоҳида жиҳоз ёки музлатгичнинг ажралмас қисми, музлатиш ва сақлаш учун мўлжалланган.

2022 йилнинг январь-декабрь ойларида жами йирик корхоналар томонидан 709,1 минг дона совутгич ва музлатгичлар ишлаб чиқарилган бўлиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 51,2 % га ошган.



ўсиш суръати, % да



\* тегишли давр учун саноат ишлаб чиқариши ҳажмини ҳисоблаш методикасига кўра


Ишлаб чиқарадиган саноатда йирик саноат корхоналари томонидан  
айрим турдаги маҳсулотларни ишлаб чиқариш

Саноат маҳсулотлари	2021 йил январь-декабрь	2022 йил январь-декабрь	Фарқи +/-
Акрил ва винил полимерлари асосидаги бўёқлар ва лаклар, сув муҳитида, т.	15 488,2	15 821,3	333,1
Портландцемент, минг т.	11 823,4	11 359,5	- 463,9
Тамаки маҳсулотлари, млн.дона	10 297,0	11 269,5	972,5
Дизел ёқилғиси, минг т.	755,4	800,1	44,7
Автомобил бензини, минг т.	1 128,2	1 257,7	129,5

Технологик жиҳозларни капитал қайта тиклаш ишлари, кимё корхоналарида ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш ҳажмини ошириш имконини бериб, динарий карбонати ишлаб чиқариш (2021 йилнинг январь-декабрь ойларига нисбатан 111,5 %) ҳамда калий хлорид ишлаб чиқариш 101,0 % ни ташкил этди.

Ишлаб чиқарадиган саноатда йирик саноат корхоналари томонидан  
айрим турдаги маҳсулотларни ишлаб чиқариш

(Ўтган йилнинг мос даврига нисбатан, % да\*)




\* тегишли давр учун саноат ишлаб чиқариши ҳажмини ҳисоблаш методикасига қўра



## Металлургия саноати

**Металлургия саноати** – чўян ишлаб чиқариш ва қора ва рангли металлларни қайта ишлаш, жумладан куйма чўян ва тоза металлларга кимёвий элементлар қўшган ҳолда суперқотишмалар ишлаб чиқаришни ўз ичига олади.


2022 йилнинг январь-декабрь ойлари якунларига кўра, металлургия саноатининг ишлаб чиқарадиган саноат таркибидаги улуши 23,2 % бўлиб, физик ҳажм индекси эса, 3,9 % га ўсди ва ишлаб чиқариш ҳажми 106 443,8 млрд. сўмни ташкил этди. 2021 йилнинг январь-декабрь ойларида ишлаб чиқарадиган саноат таркибида металлургия саноатининг улуши 25,6 % ни ташкил етиб, унинг физик ҳажм индекси 8,1 % га ошган.



## Бошқа нометалл минерал маҳсулотлар ишлаб чиқариш

**Бошқа нометалл минерал маҳсулотлар ишлаб чиқариш** – минераллар асосида маҳсулотлар ишлаб чиқаришга тегишли бўлган ишлаб чиқариш турларини ўз ичига олиб, шиша ва шишадан маҳсулотлар, керамик буюмлар, полга ўрнатиладиган қопламалар, кафел, черепица, терракота буюмлар, цемент ва хомашёдан тайёр маҳсулотгача ишлаб чиқаришни ўз ичига олади.


2022 йилнинг январь-декабрь ойлари якунларига кўра, бошқа нометалл минерал маҳсулотлар ишлаб чиқаришнинг ишлаб чиқарадиган саноат таркибидаги улуши 4,9 % бўлиб, ўтган йилга нисбатан физик ҳажм индекси эса 3,5 % га камайди ва ишлаб чиқариш ҳажми 22 374,0 млрд. сўмга тўғри келди. 2021 йилнинг январь-декабрь ойларида ишлаб чиқарадиган саноат таркибида бошқа нометалл минерал маҳсулотлар ишлаб чиқаришнинг улуши 5,5 % ни, унинг физик ҳажм индекси эса 108,6 % ни ташкил этган.



### Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш

**Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш** – йейиладиган қишлоқ хўжалиги, ўрмон ва балиқ-чилик (озиқ-овқат) маҳсулотларни, спиртсиз ичимликларни, минерал сувларни ва бошқа идишдаги сувларни ўз ичига олади


2022 йилнинг январь-декабрь ойлари якунларига кўра, озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг улуши 13,0 % бўлса, ўтган йилга нисбатан физик ҳажм индекси 6,2 % га ошди ва ишлаб чиқариш ҳажмида 59 421,9 млрд. сўм кузатилди. 2021 йилнинг январь-декабрь ойларида ишлаб чиқарадиган саноат таркибида озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг улуши 12,9 % га, унинг физик ҳажм индекси эса 104,2 % га тўғри келди.



### Ичимликлар ишлаб чиқариш саноати

**Ичимликлар ишлаб чиқариш саноати** – спиртсиз ичимликлар ва минерал сувларни ишлаб чиқаришни, спиртли ичимликларни ишлаб чиқаришни, асосан ферментация методи орқали; пиво ва вино, шунингдек, дистилланган алкохол ичимликлар ишлаб чиқаришни ўз ичига олади.

2022 йилнинг январь-декабрь ойлари якунларига кўра, ичимлик маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг улуши 3,6 % бўлиб, ўтган йилга нисбатан физик ҳажм индекси эса 117,6 % ни ва ишлаб чиқариш ҳажми 16 336,3 млрд. сўм эканлиги кузатилди. 2021 йилнинг январь-декабрь ойларида ишлаб чиқарадиган саноат таркибида ичимлик маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг улуши 2,7 %, унинг физик ҳажм индекси эса 118,0 % эканлиги кузатилди.



### Тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш

Тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш – тўқимачилик толасини тайёрлаш ва йиғириш, шунингдек, тўқимачилик газламаларини ва тайёр тўқимачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш, тўқимачилик маҳсулотларига ва кийимларга безак бериш, кийимлардан ташқари тайёр тўқимачилик маҳсулотларини ишлаб чиқаришни ўз ичига олади.

2022 йилнинг январь-декабрь ойларида тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг улуши 13,7 % ни ташкил этган, физик ҳажм индекси 9,8 % га ўсган бўлса, ишлаб чиқариш ҳажмида 62 757,0 млрд. сўм кузатилди. Шунингдек, 2021 йилнинг январь-декабрь ойларида ишлаб чиқарадиган саноат таркибида тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг улуши 13,8 % ни ташкил этган бўлса, унинг физик ҳажм индекси 119,5 % эканлиги кузатилди.



### Кийим ишлаб чиқариш

Кийим ишлаб чиқариш – барча материаллардан (масалан, тери, тўқимачилик газламалари, тўқилган ва трикотаж газламалари ва ҳ.к.) барча тикиш маҳсулотларини (тайёр ёки алоҳида буюртма бўйича қилинган), кийимларнинг барча турлари (масалан, устки кийим, эркаклар, аёллар ва болалар учун ички кийимлар, иш, офис, кундалик ёки спорт кийимлари ва ҳ.к.) ва аксессуарларни ишлаб чиқаришни ўз ичига олади.


2022 йилнинг январь-декабрь ойларида кийим ишлаб чиқариш саноатининг ишлаб чиқарадиган саноатдаги улуши 3,8 %, физик ҳажм индекси 105,5 % ни, ишлаб чиқариш ҳажмида эса 17 210,1 млрд. сўм кузатилди. 2021 йилнинг январь-декабрь ойлари якунларига кўра, кийим ишлаб чиқариш саноатининг ишлаб чиқарадиган саноат таркибидаги улуши 3,6 % га, физик ҳажм индекси эса 118,7 % га тўғри келди.



### Кимё маҳсулотлари ишлаб чиқариш

**Кимё маҳсулотлари ишлаб чиқариш** – кимёвий жараёнлар ёрдамида органик ва ноорганик хомашё, материалларни қайта ишлашни ва тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни ўз ичига олади.


2022 йилнинг январь-декабрь ойлари якунларига кўра, кимё маҳсулотлари ишлаб чиқариш саноатининг ишлаб чиқарадиган саноатдаги улуши 7,3 % ни, физик ҳажм индекси 97,4 % ни ҳамда ишлаб чиқариш ҳажми 33 350,2 млрд. сўмни ташкил этган. Шунингдек, 2021 йилнинг январь-декабрь ойларида ишлаб чиқарадиган саноатдаги улушида 7,4 % физик ҳажм индексида эса 107,0 % бўлганлиги кузатилди.



### Кокс ва нефтни қайта ишлаш маҳсулотлари ишлаб чиқариш

**Кокс ва нефтни қайта ишлаш маҳсулотлари ишлаб чиқариш** – фойдаланиш учун тайёр бўлган хом нефт ва кўмир маҳсулотларини қайта ишлашни ўз ичига олади. Асосий фаолияти бу - хом нефтни компонентларга ажратиш сепарациясида бўлган крекинг ва дистилляциялаш йўли билан нефтни тозалаш. Шунингдек метан, пропан ва бутан каби газ маҳсулотларини, шу билан биргаликда нефтни қайта ишлаш заводи маҳсулотларини ўз ичига олади.


2022 йилнинг январь-декабрь ойлари якунларига кўра, кокс ва нефтни қайта ишлаш маҳсулотлари ишлаб чиқариш саноатининг ишлаб чиқарадиган саноатдаги улуши 3,3 % ни, физик ҳажм индекси 103,9 % ни ташкил этди ҳамда ишлаб чиқариш ҳажми 15 064,1 млрд. сўмга тўғри келди. Шунингдек, 2021 йилнинг январь-декабрь ойларида ишлаб чиқарадиган саноатдаги улуши 3,0 % ни, физик ҳажм индекси эса 71,0 % ни ташкил этган.



### Резина ва пластмасса буюмлар ишлаб чиқариш

**Резина ва пластмасса буюмлар ишлаб чиқариш** – резина ва пластикдан маҳсулот ишлаб чиқаришни ўз ичига олиб, ишлаб чиқаришда фойдаланадиган хомашё материалларини ўз ичига олади. Лекин бу бўлимга ишлаб чиқаришнинг барча турлари ва материаллари киради дегани эмас.


2022 йилнинг январь-декабрь ойлари якунларига кўра, резина ва пластмасса буюмлар ишлаб чиқариш саноатининг ишлаб чиқарадиган саноатдаги улуши 1,9 % ни, физик ҳажм индекси 98,9 % ни ташкил қилди ҳамда ишлаб чиқариш ҳажмида 8 917,0 млрд. сўм кузатилди. Шунингдек, 2021 йилнинг январь-декабрь ойларида резина ва пластмасса буюмлар ишлаб чиқариш саноатининг ишлаб чиқарадиган саноатдаги улуши 2,2 % га физик ҳажм индекси эса 101,3 % га тўғри келган.



### Электр ускуналари ишлаб чиқариш

**Электр ускуналари ишлаб чиқариш** – электр энергиясини ишлаб чиқарувчи ва тақсимловчи маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ўз ичига олади. Шунингдек, бу бўлим электр ёритувчи, сигнал ускуналари ва маиший электр асбоблари ишлаб чиқаришни ўз ичига олади.


2022 йилнинг январь-декабрь ойлари якунларига кўра, ишлаб чиқарадиган саноатда электр ускуналари ишлаб чиқариш саноатининг улуши 3,1 % ни, физик ҳажм индекси 105,4 % ни ташкил этди ҳамда ишлаб чиқариш ҳажми 14 302,4 млрд. сўм экани кузатилди. Шунингдек, 2021 йилнинг январь-декабрь ойларида ишлаб чиқарадиган саноатдаги улуши 3,0 % ни физик ҳажм индекси эса 93,0 % ни ташкил этган.



### Машина ва усқуналардан ташқари тайёр металл буюмлар ишлаб чиқариш

**Машина ва усқуналардан ташқари тайёр металл буюмлар ишлаб чиқариш** – “тоза металлдан аралашмасиз” буюмлар ишлаб чиқариш (жумладан, эҳтиёт қисмлари, контейнерлар ва мосламалар), одатда стационар, фақат электр, электрон ёки оптик асбоблар учун радио-приборлар, узатиш мосламалари каби, кўрсатилган металллар (баъзида бошқа металллар билан) ва анча мураккаб бирикмалар қотишмаларини ишлаб чиқаришни ўз ичига олади.


2022 йилнинг январь-декабрь ойлари яқунларига кўра, машина ва усқуналардан ташқари тайёр металл буюмлар ишлаб чиқариш саноатининг ишлаб чиқарадиган саноатдаги улуши 2,6 % ни, физик ҳажм индекси 100,7 % ни ҳамда ишлаб чиқариш ҳажми 11 892,2 млрд. сўмни ташкил этди. Шунингдек, 2021 йилнинг январь-декабрь ойларида машина ва усқуналардан ташқари тайёр металл буюмлар ишлаб чиқариш саноатининг ишлаб чиқарадиган саноатдаги улуши 2,9 % га физик ҳажм индекси эса 120,5 % га тўғри келди.



### Автотранспорт воситалари, трейлерлар ва ярим тиркамалар ишлаб чиқариш

**Автотранспорт воситалари, трейлерлар ва ярим тиркамалар ишлаб чиқариш** – йўловчилар ёки юкларни ташиш учун автотранспорт воситалари ишлаб чиқаришни ўз ичига олиб, турли бутловчи қисмлар ва аксессуарлар, шунингдек, трейлер ва ярим тиркамаларни ишлаб чиқаришни ҳам ўз ичига олади.

2022 йилнинг январь-декабрь ойлари яқунларига кўра, автотранспорт воситалари, трейлер ва ярим тиркамалар ишлаб чиқариш саноатининг ишлаб чиқарадиган саноатдаги улуши 11,1 %, физик ҳажм индекси 39,0 % га ошди ҳамда ишлаб чиқариш ҳажми 51 065,5 млрд. сўмни ташкил этди. Шунингдек, 2021 йилнинг январь-декабрь ойларида ишлаб чиқарадиган саноатдаги улуши 8,5 %, физик ҳажм индекси эса 94,8 % экани кузатилди.



Электр, газ буг билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш,  
худудлар кесимида

Электр, газ, буг билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш – электр энергияси-ни, табиий газни, бугни, иссиқ сувни ва шу кабиларни доимий тармоқлар – кабеллар, кувурлар, сув кувурлари орқали етказиб бериш билан боғлиқ фаолиятни ўз ичига олади.

Электр, газ, буг билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш корхоналари томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳажми 37,5 трлн. сўмни (жами ишлаб чиқарилган sanoat маҳсулотлари ҳажмининг 6,8 % ини) ташкил этган.



Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш  
соҳасида йирик саноат корхоналари томонидан саноат маҳсулотларини  
ишлаб чиқариш

2022 йилнинг январь-декабрь ойларида ўтган йилнинг мос даврига нисбатан электроэнергия ишлаб чиқариш 99,8 % ни, иссиқлик энергияси ишлаб чиқариш эса 97,5 % ни ташкил этди.

Саноат маҳсулотлари	2021 йил январь-декабрь	2022 йил январь-декабрь	Фарқи +/-
Электроэнергия, млн.кВт.с	71 103,7	70 995,4	- 108,3
Иссиқлик энергияси, минг гкал	26 690,0	26 025,1	- 664,9


(Ўтган йилнинг мос даврига нисбатан, % да\*)



Электроэнергия



Иссиқлик энергияси




\* тегишли давр учун саноат ишлаб чиқариши ҳажмини ҳисоблаш методикасига кўра



Сув билан таъминлаш, канализация тизими, чиқиндиларни йиғиш  
ва утилизация қилиш, ҳудудлар кесимида

Сув билан таъминлаш, канализация тизими, чиқиндиларни йиғиш  
ва утилизация қилиш – қаттиқ ва суюқ, саноат ва маиший, шунингдек,  
заҳарланган чиқиндиларнинг барча турларига ишлов бериш (йиғиш, қайта  
ишлаш ва йўқотиш)ни ўз ичига олади.

Сув билан таъминлаш, канализация тизими, чиқиндиларни йиғиш ва утили-  
зация қилиш корхоналари томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳажми  
2,9 трлн.сўмга (жами ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотлари ҳажмининг  
0,5 % ига) тўғри келди.



млрд. сўмда — ФХИ, % да


**Сув билан таъминлаш, канализация тизими, чиқиндиларни йиғиш  
ва утилизация қилиш корхоналари томонидан саноат маҳсулотларини  
ишлаб чиқариш**

Ўтган йилнинг мос даврига нисбатан ахлат ўраларни, тиндиргичларни ва септикларни бўшатиш, тозалаш ва ишлов бериш бўйича хизматлар 5,5 % га, тўқимачилик чиқиндиларининг 10,4 % га ўсиши кузатилди. Шу билан бирга оқова сувларни йўқотиш, транспортировка қилиш ва ишлов бериш бўйича хизматлар 1,2 % га пасайиши кузатилди.


Саноат маҳсулотлари	2021 йил январь-декабрь	2022 йил январь-декабрь	Фарқи +/-
Оқова сувларни йўқотиш, транспортировка қилиш ва ишлов бериш бўйича хизматлар, млрд.сўм	384,3	379,8	-4,5
Ахлат ўраларни, тиндиргичларни ва септикларни бўшатиш, тозалаш ва ишлов бериш бўйича хизматлар млн.сўм	490,1	517,0	26,9
Тўқимачилик чиқиндилари, т	14 706,9	16 231,6	1 524,7

(Ўтган йилнинг мос даврига нисбатан, % да\*)

Оқова сувларни йўқотиш, транспортировка қилиш ва ишлов бериш бўйича хизматлар



Ахлат ўраларни, тиндиргичларни ва септикларни бўшатиш, тозалаш ва ишлов бериш бўйича хизматлар млн.сўм



\* тегишли давр учун саноат ишлаб чиқариши ҳажмини ҳисоблаш методикасига кўра

#### 4-БЎЛИМ. ИСТЕЪМОЛ ТОВАРЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ

Тайёр маҳсулот турларини кенгайтириш ва ишлаб чиқарилишини қўллаб-қувватлаш бўйича амалга ошириб келинаётган чора-тадбирлар натижасида, 2022 йилнинг январь-декабрь ойларида истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажми 197,9 трлн.сўмни ташкил этиб, 2021 йилнинг мос даврига нисбатан ўсиш суръати 119,4 % га, унинг жами sanoatдаги улуши эса 35,9 % га тўғри келди.


##### Озиқ-овқат маҳсулотлари



2022 йилнинг январь-декабрь ойларида республикада 67,6 триллион сўмлик озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарилиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан ўсиш суръати 17,5 % га ошди.

2021 йилнинг шу даврига нисбатан республика бўйича ўртача истеъмол товарлари ишлаб чиқаришда Андижон вилояти (143,1 %), Сирдаё вилояти (125,8 %) ҳамда Хоразм (125,5 %) вилояти корхоналари томонидан юқори ўсиш суръати кузатилди.

##### Ноозиқ-овқат маҳсулотлар



Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш таркибида озиқ-овқат маҳсулотлари 34,2 %, ноозиқ-овқат маҳсулотлар 65,8 % ни ташкил этди. 2021 йилнинг январь-декабрь ойларида истеъмол товарларининг умумий ҳажмида озиқ-овқат маҳсулотларининг улуши 35,1 %, ноозиқ-овқат маҳсулотлар улуши 64,9 % ни ташкил этди.

Шу билан бирга, 2021 йилнинг мос даврига нисбатан озиқ-овқат маҳсулотларининг ўсиш суръати 117,5 %, ноозиқ-овқат маҳсулотлар ўсиш суръати 120,4 % га етди.


Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, ҳудудлар кесимида

**Истеъмол товарлари** – биринчи навбатда, шахсий истеъмол учун ёки фойда олиш билан боғлиқ бўлмаган бошқа мақсадларда ишлатиладиган саноат маҳсулотлари.

Ҳудудлар кесимида истеъмол товарлари ишлаб чиқарилишининг республика жами ҳажмидаги энг юқори улуши Тошкент шаҳрига тўғри келиб 23,5 %, шунингдек, Андижон вилояти 20,6 %, Тошкент вилояти 11,6 %, Самарқанд вилояти 9,3 % эканлиги кузатилди.




январь-декабрь  
трлн. сўмда




Жами саноат ишлаб чиқариши ҳажмида  
истеъмол товарларининг улуши

январь-декабрь  
ўсиш суръати, % да




Аҳоли жон бошига тўғри келадиган истеъмол товарлари  
ишлаб чиқариш, ҳудудлар кесимида

Республика бўйича аҳоли жон бошига истеъмол товарлари ишлаб чиқарилиши 5 551,3 минг сўм бўлгани ҳолда, Тошкент шаҳрида – 15 964,9 минг сўм, Андижон вилоятида – 12 418,7 минг сўм, Тошкент вилоятида – 7 723,6 минг сўм ва Хоразм вилоятида – 5 906,8 минг сўм эканлиги кузатилди.





Худудлар бўйича ноозиқ-овқат маҳсулотлар ишлаб чиқариш  
ҳажми, таркиби ва ўсиш суръати

Худудлар кесимида ноозиқ-овқат маҳсулотлар ишлаб чиқарилишининг республика жами ҳажмидаги энг юқори улуши Андижон вилоятига тўғри келиб, 29,3 %, шунингдек, Тошкент шаҳри 19,7 % ни, Тошкент вилояти 9,1 % ни, Самарқанд вилояти 8,9 % ни ташкил этди.



Худудлар бўйича озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш  
ҳажми, таркиби ва ўсиш суръати

Худудлар кесимида озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарилишининг республика жами ҳажмидаги энг юқори улуши Тошкент шаҳрига тўғри келиб, 30,7 % ни, Тошкент вилоятига 16,3 % ва Самарқанд вилоятига 10,0 % эканлиги кузатилди.




жами истеъмол товарлари ишлаб  
чиқариш ҳажмидаги улуши




Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришда кичик бизнеснинг улуши  
(2022 йил январь-декабрь ойларида)

Ҳисобот даврида кичик тадбиркорлик субъектлари томонидан 142,6 трлн. сўмлик саноат маҳсулоти ишлаб чиқарилиб, унинг умумий ишлаб чиқариш ҳажмидаги улуши 25,9 % ни ташкил этган бўлиб, 2021 йилнинг январь-декабрь ойларида кичик бизнес субъектларининг умумий ишлаб чиқаришдаги улуши 27,4 % га тўғри келди.

январь-декабрь  
млрд. сўмда



январь-декабрь  
улуши, % да




млрд. сўмда

Улуши, % да



## 5-БЎЛИМ. ТАЙЁР МАҲСУЛОТЛАР, БУТЛОВЧИ ҚИСМЛАР ВА МАТЕРИАЛЛАР ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ МАҲАЛЛИЙЛАШТИРИШ ДАСТУРИНИНГ АМАЛГА ОШИРИЛИШИ

Республикада саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг юқори ўсиш суръатларига эришишда Тайёр маҳсулотлар, бутловчи қисмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастурининг амалга оширилиши ҳам ўз таъсирини кўрсатди. Мазкур дастур доирасида киритилган 2 310 та лойиҳа бўйича 49,3 трлн. сўмлик маҳсулотлар ишлаб чиқарилди. Маҳаллийлаштириш дастури доирасида ишлаб чиқарилган маҳсулотлардан 638,2 млн. АҚШ доллари миқдорида экспорт қилинди. Шу билан бирга 10 570 та янги иш ўринлари яратилди.



## Статистик кўрсаткичларга изоҳлар

Саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми – корхона томонидан ишлаб чиқарилган тайёр маҳсулотлар, ярим тайёр, четга сотишга мўлжалланган, носаноат бўлинмаларга ва капитал курилишга мўлжалланган маҳсулотлар ҳажмини ўз ичига олади: ишлаб чиқарилиши ҳисобот даврида тугалланмаган узоқ муддатли маҳсулотларни ишлаб чиқариш бўйича ишлар; саноат тусидаги ишлар (хизматлар).

Саноат ишлаб чиқаришида ўзгариш индекслари – солиштирма даврларда маҳсулотлар (ишлар, хизматлар) физик ҳажмининг ўзгаришини тавсифловчи нисбий кўрсаткичдир.

Истеъмол товарлари – асосан шахсий истеъмол ёки фойда олиш билан боғлиқ бўлмаган бошқа мақсадларда фойдаланадиган саноат маҳсулотлари; истеъмол моллари ишлаб чиқариш ҳажми амалдаги нархларда (ҚҚС ва аксизлар бундан мустасно) ҳисоблаб чиқилади.

Натура кўринишида саноат ишлаб чиқариши ҳажми – бошқа корхоналарга жўнатиш учун ёки ишлаб чиқаришга мўлжалланган маҳсулотларни, шу жумладан, корхонанинг саноат эҳтиёжлари учун сарфланган маҳсулотларни ўз ичига олади, яъни ялпи маҳсулот.

Ишлаб чиқаришни технологик ривожланиш даражасига кўра гуруҳлаш Евростат технологик фаолиятининг таснифи асосида ишлаб чиқилган.

Маҳаллийлаштириш даражаси – ишлаб чиқаришда ишлатиладиган маҳаллий материаллар, меҳнат ва интеллектуал ресурсларнинг улушини белгилайди; маҳаллийлаштириш даражасини ҳисоблашда харажатлар, солиқ тўловлари ва ишлаб чиқариш жараёнига бевосита алоқадор бўлмаган бошқа имтиёзлар ҳисобга олинмайди.

Маҳсулот сотиш ҳажми – савдо нархларида келтирилади (ҚҚС ва аксиялар бундан мустасно).

Миллий валютада экспорт қилинадиган маҳсулотларнинг қиймати – Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг курси бўйича ҳисоб-китоб қилган ҳолда тўлдирилади.

Тоғ-кон саноати ва очик конларни ишлаш – табиатда қаттиқ жинслар шаклида уйчрайдиган (кўмир, руда), суюқ ҳолатда учрайдиган (нефт) ёки газсимон ҳолатда учрайдиган (табиий газ) фойдали қазилмаларни казиб олишни ўз ичига олади.

Ишлаб чиқарадиган саноат – янги маҳсулот чиқариш мақсадида модда ёки компонентларни, материалларни физик ёки кимёвий қайта ишлашни, гарчи ишлаб чиқаришнинг маълум тури учун бирдан – бир тўлиқ меъзон ҳисобланмаса ҳам, ўз ичига олади.

Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш – электр энергиясини, табиий газни, буғни, иссиқ сувни ва шу кабиларни доимий тармоқлар – кабеллар, қувурлар, сув қувурлари орқали етказиб бериш билан боғлиқ фаолиятни ўз ичига олади.

Сув билан таъминлаш, канализация тизими, чиқиндиларни йиғиш ва утилизация қилиш – қаттиқ ва суюқ, саноат ва маиший, шунингдек, захарланган чиқиндиларнинг барча турларига ишлов бериш (йиғиш, қайта ишлаш ва йўқотиш)ни ўз ичига олади.

### III. ҚИШЛОҚ, ЎРМОН ВА БАЛИҚЧИЛИК ХЎЖАЛИГИ

2023 йил 1 январь ҳолатига қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалигида фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотлар (фермер ва деҳқон хўжаликларидан ташқари) сони – 53 808 тани, шундан деҳқончилик ва чорвачилик, овчилик ва ушбу соҳаларда кўрсатилган хизматларда – 49 859 тани, ўрмон хўжалигида – 268 тани ҳамда балиқчилик хўжалигида – 3 681 тани ташкил этди.

Ушбу кўрсаткич ҳудудлар кесимида таҳлил қилинганда, энг кўп корхона ва ташкилотлар Қашқадарё вилоятида – 7 742 тани ёки республика бўйича мазкур соҳада фаолият кўрсатаётган жами корхона ва ташкилотларнинг 14,4 % ини ташкил этган бўлса, аксинча энг кам корхона ва ташкилотлар Тошкент шаҳрида – 1 074 та (2,0 %) қайд этилди.

**Қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалигида фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотлар (фермер ва деҳқон хўжаликларидан ташқари) сони**



1. Деҳқончилик ва чорвачилик, овчилик ва ушбу соҳаларда кўрсатилган хизматлар
2. Ўрмон хўжалиги
3. Балиқчилик хўжалиги

Ўтган йилнинг мос даври билан солиштирилганда, қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалигида фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотлар сони – 7 307 тага, шундан деҳқончилик ва чорвачилик, овчилик ва ушбу соҳаларда кўрсатилган хизматларда – 6 931 тага, ўрмон хўжалигида – 46 тага ҳамда балиқчилик хўжалигида – 330 тага кўпайган.

**Худудлар кесимида фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотлар сони (2023 йил 1 январь ҳолатига)**

Қорақалпоғистон Респ.	3 826
Андижон	3 685
Бухоро	3 542
Жиззах	4 655
Қашқадарё	7 742
Навоий	3 098
Наманган	3 137
Самарқанд	4 333
Сурхондарё	4 187
Сирдарё	2 541
Тошкент	6 184
Фарғона	2 469
Хоразм	3 335
Тошкент ш.	1 074

## 1- БЎЛИМ. ҚИШЛОҚ, ЎРМОН ВА БАЛИҚЧИЛИК ХЎЖАЛИГИ МАҲСУЛОТ (ХИЗМАТ)ЛАРИ ҲАЖМИ

Қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги маҳсулот (хизмат)лари ялпи ишлаб чиқариши – соҳада ўз истеъмоли ва сотиш учун яратилган маҳсулот ва хизматларнинг умумий қиймати. Қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги маҳсулот (хизмат)лари ялпи ишлаб чиқариши деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулот (хизмат)лари ялпи ишлаб чиқариши, овчилик хўжалигида, ўрмончилик ва ёғоч тайёрлаш, балиқ овлаш ва аквакультура соҳасида етиштирилган маҳсулот (хизмат)лар қиймати асосида шакллантирилади.

Дастлабки маълумотларга кўра, 2022 йилнинг январь-декабрь ойларида қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги маҳсулот (хизмат)ларининг умумий ҳажми 364,5 трлн. сўмни, шу жумладан, деҳқончилик ва чорвачилик, овчилик ва ушбу соҳаларда кўрсатилган хизматлар – 352,1 трлн. сўмни, ўрмон хўжалиги – 9,2 трлн. сўмни, балиқчилик хўжалиги – 3,2 трлн. сўмни ташкил қилди.

### Ўзбекистон Республикаси қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги маҳсулот (хизмат)ларининг умумий ҳажми (январь–декабрь, трлн. сўм)

	2018 йил	2019 йил	2020 йил	2021 йил	2022 йил
<b>Жами</b>	<b>195,1</b>	<b>224,3</b>	<b>261,9</b>	<b>317,0</b>	<b>364,5</b>
<i>шу жумладан:</i>					
Деҳқончилик ва чорвачилик, овчилик ва ушбу соҳаларда кўрсатилган хизматлар	189,0	217,3	253,2	306,9	352,1
<i>шундан:</i>					
қишлоқ хўжалиги маҳсулоти	187,4	216,3	250,3	303,4	347,6
Ўрмон хўжалиги	5,1	5,5	6,8	7,5	9,2
Балиқчилик хўжалиги	1,0	1,5	1,9	2,6	3,2

2022 йилнинг январь-декабрь ойларида қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги маҳсулот (хизмат)лари ҳажми ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 103,6 % ни (2021 йилнинг январь-декабрь ойлари мос равишда 2020 йилнинг январь-декабрь ойига нисбатан – 104,0 %), шу жумладан, деҳқончилик ва чорвачилик, овчилик ва ушбу соҳаларда кўрсатилган хизматлар – 103,6 % (103,9 %)ни, ўрмон хўжалиги – 102,3 % (103,0 %)ни, балиқчилик хўжалиги – 101,9 % (118,0 %)ни ташкил қилди.

**Ўзбекистон Республикаси қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги  
маҳсулот (хизмат)лари ҳажмининг ўсиш суръати**

Деҳқончилик ва чорвачилик,  
овчилик ва ушбу соҳаларда  
кўрсатилган хизматлар

Ўрмон  
хўжалиги

Балиқчилик  
хўжалиги



**Қишлоқ, ўрмон ва  
балиқчилик**



**Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари** – ҳисобот даврида фермер хўжаликларида, деҳқон ва томорқа хўжаликларида ҳамда қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотларда етиштирилган деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотларининг жами қийматини белгилаб, қишлоқ хўжалигида маҳсулот етиштиришнинг умумий ҳажмини ифодалайди.


**Овчилик хўжалиги** — овчилик ва ёввойи ҳайвонларни тутиш, бу соҳаларда хизмат кўрсатиш шунингдек, парваришхона ва фермаларда ҳайвонларни сақлаш, кўпайтириш ва даволаш харажатлари ҳисобга олинади.

**Ўрмон хўжалиги** – фаолият тури ўрмон ресурсларини такрор ишлаб чиқариш ва ўрмон ресурсларидан фойдаланиш, хусусан ўрмончилик, ўрмонзорларни барпо этиш ва ёғочни қайта ишлаш тармоқлари учун бинокорлик думалоқ ёғочларини етиштириш, шунингдек, ёввойи ҳолда ўсувчи ўрмон маҳсулотларини йиғиш билан боғлиқ бўлган соҳа.

**Балиқчилик хўжалиги** – балиқ овлаш ва сув биоресурсларини, аквакултурани сақлаш, сув биоресурсларидан олинadиган балиқ ва бошқа маҳсулотларни етиштириш ва сотиш бўйича фаолият тури

2022 йилнинг январь-декабрь ойлари якунларига кўра, қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги маҳсулот (хизмат)лари умумий ҳажмининг 96,6 % и – деҳқончилик ва чорвачилик, овчилик ва ушбу соҳаларда кўрсатилган хизматлар (2021 йилнинг январь-декабрь ойларида 96,8 %), 2,5 % и – ўрмон хўжалиги (2,4 %) ва 0,9 % и – балиқчилик хўжалиги (0,8 %) ҳиссасига тўғри келди.

**Ўзбекистон Республикасининг қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги маҳсулот (хизмат)лари умумий ҳажмининг тақсимланиши, % да**




**Ялпи ички маҳсулот (ЯИМ)** – иқтисодий резидент-бирликлар ишлаб чиқариш фаолиятининг якуний натижасини ифодаловчи ва ушбу бирликлар томонидан якуний фойдаланиш учун ишлаб чиқарилган товарлар ва хизматлар қиймати орқали ўлчанадиган МҲТнинг асосий кўрсаткичларидан биридир.

2022 йилнинг январь-декабрь ойлари якунларига кўра, ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) (ялпи қўшилган қиймат (ЯҚҚ)) таркибида қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалигининг улуши 25,1 % ни ташкил қилди.

**Ялпи ҳудудий маҳсулот (ЯҲМ)** – ҳудуднинг ривожланишини умумлаштирувчи кўрсаткич. ЯҲМ иқтисодий моҳиятига кўра ЯИМ га тенг кўрсаткич ҳисобланади, яъни у ушбу ҳудуднинг резидентлари бўлган иқтисодий бирликлар томонидан якуний фойдаланиш учун ишлаб чиқарилган товарлар ва хизматлар қийматини ифодалайди.

Ялпи ҳудудий маҳсулот таркибида қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалигининг улушини ҳудудлар кесимида таҳлил қилар эканмиз, энг юқори улуш Жиззах вилоятига (51,9 %) тўғри келса, аксинча кам улушга эга ҳудудга Навоий вилоятини (13,9 %) келтириб ўтиш мумкин.

Қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги тармоғининг  
ЯХМ таркибидаги улуши, % да



ялпи ҳудудий маҳсулот таркибида қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалигининг улуши




ялпи ҳудудий маҳсулот таркибида бошқа тармоқларнинг улуши

2022 йилнинг январь-декабрь ойларида ҳудудлар кесимида қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги маҳсулот (хизмат)ларининг энг юқори ҳажми Самарқанд (43 933,0 млрд. сўм), Андижон (37 403,9 млрд. сўм), Тошкент (35 184,1 млрд. сўм), Бухоро (34 102,9 млрд. сўм), Фарғона (33 395,3 млрд. сўм) ва Қашқадарё (33 384,6 млрд. сўм) вилоятларида қайд этилди. Аксинча кам ҳажмга эга ҳудудларга Сирдарё вилояти (12 342,0 млрд. сўм), Қорақалпоғистон Республикаси (14 359,1 млрд. сўм) ва Навоий вилоятини (16 070,5 млрд. сўм) келтириб ўтиш мумкин.

2022 йилнинг январь-декабрь ойларида, Самарқанд ва Андижон вилоятлари қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги маҳсулот (хизмат)ларининг умумий ҳажми бўйича Республикада етакчи ўринларни эгаллаши, мазкур ҳудудларнинг гўшт, сут, картошка, сабзавотлар, узум, мева ва резаворлар каби қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришда ҳудудлар орасида юқори улушга эга бўлганлиги билан изоҳланади.

Аксинча, гўшт, сут, тухум, картошка, сабзавотлар, узум, мева ва резаворлар каби қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришда ҳудудлар орасида Сирдарё вилояти ва Қорақалпоғистон Республикасининг кам улушга эга эканлигини қайд этиш лозим.

**Ҳудудлар кесимида қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги маҳсулот (хизмат)ларининг ҳажми, млрд. сўм**




Ҳудудлар бўйича қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги маҳсулот (хизмат)ларининг ўтган йилнинг мос даврига нисбатан ўсиш суръати таҳлил қилинганда, юқори ўсиш суръатлари Наманган (104,2 %), Тошкент (104,1 %), Навоий (103,9 %), Самарқанд ва Қашқадарё (103,7 %) вилоятларида қайд этилди.

Сурхондарё (102,5 %), Қорақалпоғистон Республикаси (103,3 %), Сирдарё, Хоразм ва Жиззах вилоятларида (103,4 %) эса аксинча ўсиш суръатлари пастлиги кузатилди.




Худудлар бўйича қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик  
хўжалиги маҳсулот (хизмат)ларининг ўсиш суръати, % да



Республиканинг қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги маҳсулот (хизмат)ларининг умумий ҳажмида Самарқанд вилоятининг улуши 12,0 % ни ташкил этди ва худудлар бўйича етакчилик қилмоқда. Андижон ва Тошкент вилоятлари мос равишда 10,3 % ва 9,6 % кўрсаткич билан кейинги ўринларни эгаллади. Энг кам улуш Сирдарё вилояти (3,4 %), Қорақалпоғистон Республикаси (3,9 %) ва Навоий вилоятида (4,4 %) қайд этилди.

Қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги маҳсулот (хизмат)лари умумий  
ҳажмининг худудлар кесимида тақсимланиши, % да



Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги маҳсулот (хизмат)ларининг умумий ҳажми 347 222,0 млрд. сўмни, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 103,4 % ни ташкил этди.

Республиканинг қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги маҳсулот (хизмат)ларининг умумий ҳажмида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг улуши 95,3 % ни ташкил этди, Ушбу кўрсаткични ҳудулар бўйича таҳлил қилар эканмиз, жами тармоққа нисбатан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг юқори улушига Жиззах (98,3 %), Қашқадарё (98,1 %), Навоий (97,6 %), Бухоро (97,4 %) ва Сурхондарё (97,2 %) вилоятларини келтиришимиз мумкин.

**Қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги  
маҳсулот (хизмат)ларининг умумий ҳажмида  
кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик**

	<i>Ҳажми млрд. сўм</i>	<i>Ўсиш суръати, % да</i>	<i>Жамига нисбатан улуши, % да</i>
<b>Ўзбекистон Республикаси</b>	<b>347 222,0</b>	<b>103,4</b>	<b>95,3</b>
Қорақалпоғистон Республикаси	13 502,7	102,9	94,0
Андижон	36 105,6	103,7	96,5
Бухоро	33 212,0	103,6	97,4
Жиззах	23 601,7	103,5	98,3
Қашқадарё	32 740,7	103,2	98,1
Навоий	15 686,1	104,0	97,6
Наманган	26 208,5	104,8	94,6
Самарқанд	41 249,8	102,3	93,9
Сурхондарё	27 239,2	104,1	97,2
Сирдарё	11 462,3	101,8	92,9
Тошкент	30 568,4	102,5	86,9
Фарғона	31 921,5	103,7	95,6
Хоразм	23 723,5	103,3	96,4


### Аҳоли жон бошига қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги маҳсулот (хизмат)лари ҳажми

2022 йилларнинг январь-декабрь ойларида Ўзбекистон Республикасининг аҳоли жон бошига қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги маҳсулот (хизмат)лари ҳажми жорий нархларда 10 225,6 минг сўмни, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан ўсиш суръати 101,5 % ни ташкил этди.

Аҳоли жон бошига қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги маҳсулот (хизмат)лари ҳажми жорий нархлардаги тармоқ умумий ҳажмини мамлакатнинг ҳисобот давридаги ўртача аҳолиси сонига бўлиш йўли билан аниқланади.

Ўзбекистон Республикаси доимий аҳолисининг ўртача сони 2022 йилнинг январь-декабрида 35 648,1 минг кишини ташкил этган.

### Худудлар кесимида аҳоли жон бошига ҳисобланган қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги маҳсулот (хизмат)лари ҳажми




Ҳисобот даврида худудлар кесимида аҳоли жон бошига қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги маҳсулот (хизмат)лари ҳажмининг ўтган йилнинг мос даврига нисбатан ўсиш суръатини таҳлил қилар эканмиз:


Энг юқори ўсиш суръатини қайд этган худудларга Бухоро вилояти (102,0 %), Наманган вилояти (101,9 %), Қорақалпоғистон Республикаси (101,9 %), Навоий вилояти (101,8 %) ва Хоразм вилоятларини (101,7 %) келтириб ўтишимиз мумкин.

Аксинча ўсиш суръати паст худудларга Сурхондарё (100,2 %), Жиззах (101,1 %), Сирдарё (101,3 %) ва Андижон (101,4 %) вилоятларини келтириб ўтишимиз мумкин.

Ўзбекистон Республикаси аҳоли жон бошига қишлоқ, ўрмон  
ва балиқчилик хўжалиги ҳажмининг ўсиш суръатларини  
йиллар бўйича динамикаси



Ўзбекистон Республикаси қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик  
хўжалиги тармоғининг аҳоли жон бошига  
тўғри келиши динамикаси, *минг сўм*




### Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари

2022 йилнинг январь-декабрь ойларида ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳажми 347 564,4 млрд, сўмни ёки 2021 йилнинг мос даврига нисбатан 103,6 % ни, шу жумладан, деҳқончилик маҳсулотлари – 179 853,4 млрд, сўмни (103,8 %), чорвачилик маҳсулотлари – 167 711,0 млрд, сўмни (103,4 %) ташкил қилди.

Худудлар кесимида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг энг юқори ҳажми Самарқанд (41 833,9 млрд. сўм), Андижон (35 811,3 млрд. сўм) ва Бухоро (33 255,9 млрд. сўм) вилоятларида қайд этилди. Аксинча кам ҳажмга эга худудларга Сирдарё вилоятини (11 465,3 млрд. сўм), Қорақалпоғистон Республикаси (13 389,0 млрд. сўм) ва Навоий вилоятини (15 266,7 млрд. сўм) келтириб ўтиш мумкин. Юқори ўсиш суръатлари Наманган (104,3 %), Самарқанд (103,9 %), Навоий (103,9 %) ва Тошкент (103,8 %) вилоятларида қайд этилди.




### Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ҳажмида деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотларининг улуши



Республикадаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари таркибини худудлар кесимида таҳлил қилар эканмиз энг катта улуш Самарқанд (12,0 %), Андижон (10,3 %) ва Бухоро (9,6 %) вилоятларига тўғри келганлигини кузатишимиз мумкин.



Етиштирилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳажмининг  
худудлар кесимида тақсимланиши, % да



Етиштирилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари умумий ҳажмини худудлар кесимида таҳлил қилар эканмиз, деҳқончилик маҳсулотининг улуши юқори бўлган худудларга Андижон (63,3 %), Фарғона (59,8 %), Сирдарё (59,5 %), Наманган (58,3 %), Самарқанд (54,3 %), Сурхондарё (53,4 %) ва Бухоро (52,0 %) вилоятларини аксинча, чорвачилик маҳсулотининг улуши юқори бўлган худудларга Навоий (64,5 %), Қашқадарё (59,3 %), Жиззах (59,1 %), Хоразм (53,9 %), Тошкент (50,6 %) вилоятларини ҳамда Қорақалпоғистон Республикасини (50,5 %) келтиришимиз мумкин.

Етиштирилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг хўжалик  
тоифалари бўйича тақсимланиши, % да




Хўжалик тоифалари бўйича таҳлиллар, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари умумий ҳажмининг 62,2 % и – деҳқон ва томорқа хўжаликлари, 31,4 % и – фермер хўжаликлари, 6,4 % и – қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотларга тўғри келишини кўрсатмоқда.

Асосий турдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришда деҳқон ва томорқа хўжалиқларининг улуши куйидагича:

✓	Сут	—	93,4 %
✓	Гўшт (тирик вазнда)	—	87,9 %
✓	Картошка	—	72,2 %
✓	Тухум	—	61,9 %

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари улушининг ҳудудлар бўйича хўжалик тоифалари кесимида тақсимланиши таҳлил қилинганда, энг юқори кўрсаткичлар барча ҳудудларда деҳқон ва томорқа хўжалиқларига тўғри келиши кузатилди.

**Етиштирилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг ҳудудлар бўйича хўжалиқлар тоифалари кесимида тақсимланиши, % да**




- Фермер хўжалиқлари
- Деҳқон ва томорқа хўжалиқлари
- Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар

2022 йилнинг январь-декабрь ойлари якунига кўра, ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари таркибидаги фермер хўжалиklarининг улуши бўйича энг юқори кўрсаткич Самарқанд ва Фарғона вилоятларида (39,5 %), деҳқон ва томорқа хўжалиklarининг энг юқори улуши Навоий вилоятида (70,8 %), қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотларнинг энг юқори улуши Тошкент вилоятида (16,5 %) қайд этилди.


Фермер хўжалиklarининг қишлоқ хўжалиги маҳсулоти таркибидаги улуши бўйича энг кам кўрсаткич Тошкент вилоятида (17,0 %), деҳқон ва томорқа хўжалиklarининг энг кам улуши Сирдарё вилоятида (50,3 %), қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотларнинг энг кам улуши Самарқанд вилоятида (3,2 %) қузатилди.

**Деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотларини етиштиришда хўжалик тоифаларининг улуши**


**Деҳқончилик маҳсулотлари**



Фермер хўжаликлари



Деҳқон ва томорқа хўжаликлари




Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар

**Чорвачилик маҳсулотлари**



Фермер хўжаликлари



Деҳқон ва томорқа хўжаликлари




Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар




## 2- БЎЛИМ. ДЕҲҚОНЧИЛИК МАҲСУЛОТЛАРИ

Худудлар кесимида деҳқончилик маҳсулотларининг энг юқори ҳажми Самарқанд (22 721,9 млрд. сўм), Андижон (22 651,9 млрд. сўм) ва Фарғона (19 414,1 млрд. сўм) вилоятларида қайд этилди. Аксинча кам ҳажмга эга худудларга Навоий вилояти (5 419,5 млрд. сўм), Қорақалпоғистон Республикаси (6 631,8 млрд. сўм) ва Сирдарё вилоятини (6 818,8 млрд. сўм) келтириб ўтиш мумкин. Юқори ўсиш суръатлари Бухоро (105,2 %), Тошкент (104,8 %), Наманган ва Фарғона (104,7 %) вилоятларида қайд этилди.



**Деҳқончилик маҳсулотлари** – жорий йил ҳосилидан олинган барча қишлоқ хўжалиги экинларининг мевалар ва резаворлар, узум, озуқа экинлари, уруғлик ва ўтказиладиган кўчат материаллари, шунингдек, деҳқончиликда тугалланмаган ишлаб чиқариш, деҳқончиликнинг бошқа турдаги маҳсулотлари қийматларини ўз ичига олади.



Етиштирилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг умумий ҳажмида деҳқончилик маҳсулотларининг улуши 51,7 % ни ташкил қилди.

Республикадаги деҳқончилик маҳсулотлари таркибини худудлар кесимида таҳлил қилар эканмиз, энг катта улуш Самарқанд (12,6 %), Андижон (12,6 %), Фарғона (10,8 %) ва Бухоро (9,6 %) вилоятларига тўғри келганлигини кузатишимиз мумкин.



## ДЕҲҚОНЧИЛИК МАҲСУЛОТЛАРИ ЕТИШТИРИШ

2022 йилнинг январь-декабрида барча тоифадаги хўжаликлар томонидан 7 994,9 минг т. донли экинлар (2022 йилнинг январь-декабрига нисбатан 4,7 % га кўп), 3 441,7 минг т. картошка (4,7 % га кўп), 11 163,0 минг т. сабзавотлар (2,9 % га кўп), 2 420,7 минг т. полиз (5,9 % га кўп), 2 983,5 минг т. мева ва резаворлар (4,6 % га кўп), 1 760,6 минг т. узум (3,9 % га кўп) етиштирилди.


### 2022 йил январь-декабрь ойларида етиштирилган асосий турдаги деҳқончилик маҳсулотлари

	Барча тоифадаги хўжаликлар		шу жумладан:					
			фермер хўжаликлари		деҳқон ва томорқа хўжаликлари		қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташиқлотлар	
	минг тонна	ўсиш суръати % да	минг тонна	ўсиш суръати % да	минг тонна	ўсиш суръати % да	минг тонна	ўсиш суръати % да
Донли экинлар	7 994,9	104,7	6 299,7	102,7	777,8	104,0	917,4	121,5
Сабзавотлар	11 163,0	102,9	4 066,9	102,7	6 767,1	103,0	329,0	102,5
Картошка	3 441,7	104,7	890,3	116,2	2 484,0	100,9	67,4	118,8
Полиз экинлари	2 420,7	105,9	1 289,5	107,5	1 039,2	101,9	92,0	139,7
Мева ва резаворлар	2 983,5	104,6	1 292,7	106,8	1 595,6	102,2	95,2	118,0
Узум	1 760,6	103,9	795,8	105,1	920,3	102,6	44,5	107,6

**Фермер хўжалиги** – ижарага берилган ер участкаларидан фойдаланган ҳолда қишлоқ хўжалиги маҳсулотини етиштириш ҳамда қонунчиликда тақиқланмаган бошқа фаолият турлари билан шуғулланувчи тадбиркорлик субъектидир.

**Деҳқон хўжалиги** – мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ёки ижара (иккиламчи ижара) ҳуқуқи асосида деҳқон хўжалиги бошлиғига берилган ер участкасида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришни ва реализация қилишни деҳқон хўжалиги аъзоларининг меҳнати асосида амалга оширувчи хўжалиқдир.

2022 йил январь-декабрь ойларида етиштирилган асосий турдаги деҳқончилик маҳсулотларида хўжалик тоифаларининг улуши



2022 йил январь-декабрь ойларида етиштирилган асосий турдаги деҳқончилик маҳсулотлари тўғрисидаги маълумотларни хўжалик тоифалари бўйича таҳлил қилар эканмиз, донли экинлар етиштиришнинг 78,8 % и фермер хўжаликлари ҳиссасига, 9,7 % и деҳқон ва томорқа хўжаликларига, 11,5 % и қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотларга тўғри келишини қайд этиб ўтиш лозим. Шунга мос равишда сабзавотларнинг 36,4 % и фермер хўжаликларига, 60,6 % и деҳқон ва томорқа хўжаликларига, 3,0 % и қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотларга тўғри келди, шунингдек, картошканинг 25,9 % и фермер хўжаликларига, 72,2 % и деҳқон ва томорқа хўжаликларига, 1,9 % и қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотларга тўғри келди, полиз экинларининг 53,3 % и фермер хўжаликларига, 42,9 % и деҳқон ва томорқа хўжаликларига, 3,8 % и қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотларга тўғри келди, мева ва резаворларнинг 43,3 % и фермер хўжаликларига, 53,5 % и деҳқон ва томорқа хўжаликларига, 3,2 % и қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотларга тўғри келди, узумнинг 45,2 % и фермер хўжаликларига, 52,3 % и деҳқон ва томорқа хўжаликларига, 2,5 % и қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотларга тўғри келди.


### Республикада етиштирилган донли экинлар



2022 йил январь-декабрь ойларида барча вилоятдаги хўжаликларда етиштирилган донли экинлар 7 994,9 минг тоннани, ёки 2021 йилнинг мос даври билан солиштирганда 104,7 % ни ташкил этди.

2021 йилга нисбатан кўрсатиб ўтилган даврларда, фермер хўжаликларидан 2,7 %, деҳқон ва томорқа хўжаликларидан 4,0 % ва қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотларда 21,5 % ўсиш қайд этилди.

### Худудлар бўйича донли экинлар етиштириш



Дон экинларини етиштириш бўйича худудлар ўртасида пешқадамликни Фарғона вилояти эгаллади. Унинг, дон экинлари умумий ҳажмидаги улуши 10,8 % ни ташкил қилди.

Шу билан бир қаторда, юқори улуш Самарқанд (10,5 %), Қашқадарё (9,7 %), Сурхондарё (9,1 %), Андижон (8,8 %) ва Жиззах (8,7 %) вилоятларида қайд этилди.

Умумий ҳажмдаги паст улуш, Навоий вилояти (3,1 %) ва Қорақалпоғистон Республикаси (3,6 %)да кузатилди.

Юқори ўсиш суръатлари Фарғона (112,2 %), Наманган (108,8 %), Тошкент (108,0 %), Сирдарё (107,3 %), Хоразм (106,6 %) вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикасида (105,9 %) қайд этилди.


### Республикада етиштирилган сабзавотлар



2022 йил январь-декабрь ойларида барча тоифадаги хўжаликларда етиштирилган сабзавотлар 11 163,0 минг тоннани, ёки 2021 йилнинг мос даври билан солиштирганда 102,9 % ни ташкил этди.

2021 йилга нисбатан кўрсатиб ўтилган даврларда, фермер хўжаликларида 2,7 %, деҳқон ва томорқа хўжаликларида 3,0 % ва қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотларда 2,5 % ўсиш қайд этилди.

### Худудлар бўйича сабзавотлар етиштириш



Худудлар ўртасида сабзавот етиштириш таркибининг асосий қисмини Андижон вилояти эгалламоқда, унинг улуши 15,3 % га тенг бўлди. Шунингдек, юқори улуш Самарқанд (14,9 %), Фарғона (11,0 %), Сурхондарё (10,3 %) ва Тошкент (9,6 %) вилоятларида қайд этилди.

Паст кўрсаткичлар Сирдарё вилояти (2,6 %) ва Қорақалпоғистон Республикасида (2,8 %) кузатилди.

Юқори ўсиш суръатлари Бухоро (106,3 %), Навоий (105,2 %), Наманган (105,1 %), Қашқадарё (104,5 %) вилоятлари, Қорақалпоғистон Республикаси (104,3 %), Сурхондарё (104,3 %) ва Жиззах (103,0 %) вилоятларида қайд этилди.


### Республикада етиштирилган картошка



2022 йил январь-декабрь ойларида барча тоифадаги хўжаликларда етиштирилган картошка 3 441,7 минг тоннани, ёки 2021 йилнинг мос даври билан солиштирганда 104,7 % ни ташкил этди.

2021 йилга нисбатан кўрсатиб ўтилган даврларда, фермер хўжаликларида 16,2 %, дехқон ва томорқа хўжаликларида 0,9 % ва қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотларда 18,8 % ўсиш қайд этилди.

### Худудлар бўйича картошка етиштириш



Картошка етиштириш умумий ҳажмининг энг юқори улуши Самарқанд вилояти (20,9 %) ҳиссасига тўғри келди. Бундан ташқари, Андижон (12,2 %), Тошкент (10,9 %), Фарғона (10,5 %) ва Сурхондарё (10,2 %) вилоятларида ҳам картошка етиштиришнинг юқори кўрсаткичлари қайд этилди.

Картошка етиштиришнинг умумий ҳажмидаги улушининг энг паст кўрсаткичлари Сирдарё (1,9 %), Навоий (2,5 %) вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикаси (2,6 %)га тўғри келди.

Жорий даврда юқори ўсиш суръатлари Хоразм (110,8 %), Самарқанд (107,2 %), Тошкент (107,0 %), Бухоро (106,2 %), Фарғона (105,6 %) ва Навоий (105,3 %) вилоятларида қайд этилди.

### Республикада етиштирилган полиз экинлари



2022 йил январь-декабрь ойларида барча тоифадаги хўжаликларда етиштирилган полиз экинлари 2 420,7 минг тоннани, ёки 2021 йилнинг мос даври билан солиштирганда 105,9 % ни ташкил этди.

2021 йилга нисбатан кўрсатиб ўтилган даврларда, фермер хўжаликларида 7,5 %, деҳқон ва томорқа хўжаликларида 1,9 % ва қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотларда 39,7 % ўсиш қайд этилди.

### Худудлар бўйича полиз маҳсулотлари етиштириш



Полиз маҳсулотлари етиштириш умумий ҳажмининг энг катта улуши Сурхондарё вилояти (13,6 %) ҳиссасига тўғри келди. Шу билан бир қаторда, Жиззах (11,6 %), Сирдарё (11,5 %), Андижон (8,3 %), Бухоро (8,2 %), Қашқадарё (7,6 %) вилоятларида юқори кўрсаткичлар қайд этилди.

Шунингдек, полиз маҳсулотлари умумий ҳажмида энг кам улуш, Тошкент (2,7 %), Навоий (4,1 %) ва Наманган (5,3 %) вилоятлари ҳиссасига тўғри келди.

Жорий даврда юқори ўсиш суръатлари Тошкент (119,2 %), Самарқанд (112,5 %), Бухоро (110,8 %), Қашқадарё (108,0 %), Сирдарё (106,9 %) ва Фарғона (106,1 %) вилоятларида қайд этилди.


### Республикада етиштирилган мева ва резаворлар



2022 йил январь-декабрь ойларида барча тоифадаги хўжаликларда етиштирилган мева ва резаворлар 2 983,5 минг тоннани, ёки 2021 йилнинг мос даври билан солиштирилганда 104,6 % ни ташкил этди.

2021 йилга нисбатан кўрсатиб ўтилган даврларда, фермер хўжаликларида 6,8 %, деҳқон ва томорқа хўжаликларида 2,2 % ва қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотларда 18,0 % ўсиш қайд этилди.

### Худудлар бўйича мева ва резаворлар етиштириш



Етиштирилган мева ва резаворлар умумий ҳажмида худудлар бўйича энг катта улуш Андижон (22,9 %), Фарғона (12,9 %), Самарқанд (12,4 %), Наманган (11,0 %) ва Бухоро (9,7 %) вилоятлари ҳиссасига тўғри келди.

Шу билан бирга, мева ва резаворлар умумий ҳажмида энг кам улуш, Сирдарё вилояти (1,4 %) ва Қорақалпоғистон Республикасида (2,2 %) кузатилди.

Кўрсатиб ўтилган даврларда юқори ўсиш суръатлари Бухоро (108,1 %), Сирдарё (106,3 %), Самарқанд (106,2 %), Қашқадарё (105,9 %), Наманган (105,0 %) вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикасида (104,7 %) қайд этилди.




### Республикада етиштирилган узум



2022 йил январь-декабрь ойларида барча тоифадаги хўжаликларда етиштирилган узумлар 1 760,6 минг тоннани, ёки 2021 йилнинг мос даври билан солиштирганда 103,9 % ни ташкил этди.

2021 йилга нисбатан кўрсатиб ўтилган даврларда, фермер хўжаликларида 5,1 %, деҳқон ва томорқа хўжаликларида 2,6 % ва қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотларда 7,6 % ўсиш қайд этилди.

### Худудлар бўйича узум етиштириш



Етиштирилган узум умумий ҳажмининг қарийб учдан бир қисми Самарқанд вилояти (35,5 %) ҳиссасига тўғри келди. Шунингдек, юқори улуш Бухоро (12,4 %), Фарғона (10,4 %), Наманган (8,1 %), Қашқадарё (6,0 %) ва Сурхондарё (6,0 %) вилоятларида қайд этилди.

Шу билан бирга, узум етиштириш умумий ҳажмидаги энг кам улуш Қорақалпоғистон Республикасида (0,7 %), Сирдарё вилоятида (0,8 %) кузатилди.


2021 йилга нисбатан юқори ўсиш суръатлари Бухоро (106,4 %), Навоий (105,9 %), Сирдарё (105,8 %), Қашқадарё (105,4 %), Хоразм (104,5 %) ва Самарқанд (103,9 %) вилоятларида қайд этилди.

### 3- БЎЛИМ. ЧОРВАЧИЛИК МАҲСУЛОТЛАРИ

Худудлар кесимида чорвачилик маҳсулотларининг энг юқори ҳажми Самарқанд (19 112,0 млрд. сўм), Қашқадарё (19 099,4 млрд. сўм) ва Тошкент (16 623,8 млрд. сўм) вилоятларида қайд этилди. Аксинча кам ҳажмга эга худудларга Сирдарё вилояти (4 646,5 млрд.сўм), Қорақалпоғистон Республикаси (6 757,2 млрд. сўм) ва Навоий вилоятини (9 847,2 млрд. сўм) келтириб ўтиш мумкин. Юқори ўсиш суръатлари Андижон (105,2 %), Самарқанд (104,4 %) ва Навоий (104,2 %) вилоятларида қайд этилди.



**Чорвачилик маҳсулотлари** –қишлоқ хўжалиги ҳайвонлари, паррандалари, асаларилари ва ипак куртини ўстириш ва урчитиш билан боғлиқ бўлган қишлоқ хўжалиги соҳаси.



Етиштирилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг умумий ҳажмида чорвачилик маҳсулотларининг улуши 48,3 % ни ташкил этди.

Республика чорвачилик маҳсулотлари таркибида худудларнинг энг катта улуши Самарқанд (11,4 %), Қашқадарё (11,4 %), Тошкент (9,9 %) ва Бухоро (9,5 %) вилоятларига тўғри келди.



### Чорвачилик ва балиқ маҳсулотлари етиштириш

Чорвачилик соҳасининг ички имкониятларини ошириш бўйича чоратадбирларнинг изчил амалга оширилиб борилаётганлиги, шунингдек, уларга давлат томонидан тизимли ёрдам кўрсатилиб келинаётганлиги чорва моллари бош сонининг кўпайишига, ички истеъмол бозорларини чорвачилик маҳсулотлари билан тўлдиришга имкон яратди.

2022 йилнинг январь-декабрь ойларида барча тоифадаги хўжаликлар томонидан тирик вазнда 2 726,0 минг т. гўшт, 11 629,4 минг т. сут, 8 129,3 млн. дона тухум, 37,3 минг т. жун, 1 302,3 минг дона қоракўл тери етиштирилди ва 177,4 минг т. балиқ овланди.

Ҳисобот даврида тирик вазнда етиштирилган гўшт ҳажми ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 103,4 % ни, соғиб олинган сут – 103,2 % ни, олинган тухум – 104,4 % ни, қирқиб олинган жун – 102,5 % ни, олинган қоракўл тери – 104,0 % ни ҳамда овланган балиқлар – 103,2 % ни ташкил қилди.

#### 2022 йил январь-декабрь ойларида етиштирилган асосий турдаги чорвачилик маҳсулотлари ва овланган балиқлар

	Барча тоифадаги хўжаликлар		шу жумладан:					
			фермер хўжаликлари		деҳқон ва томорқа хўжаликлари		қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташиқлотлар	
	минг тонна	ўсиш суръати % да	минг тонна	ўсиш суръати % да	минг тонна	ўсиш суръати % да	минг тонна	ўсиш суръати % да
Гўшт (тирик вазнда)	2 726,0	103,4	159,2	116,0	2 395,9	101,6	170,9	122,1
Сут	11 629,4	103,2	632,2	111,9	10 861,4	102,6	135,8	114,6
Тухум, млн. дона	8 129,3	104,4	1 203,4	111,6	5 032,3	103,2	1 893,6	103,3
Жун	37,3	102,5	4,3	107,9	31,0	101,7	2,0	105,7
Қоракўл тери, минг дона	1 302,3	104,0	128,7	109,6	1 047,7	101,4	125,9	124,2
Балиқ	177,4	103,2	90,6	107,0	10,1	99,4	76,7	99,5

2022 йил январь-декабрь ойларида етиштирилган чорвачилик маҳсулотлари тўғрисидаги маълумотларни хўжалик тоифалари бўйича таҳлил қилар эканмиз, гўшт етиштиришнинг 5,8 % и фермер хўжаликлари ҳиссасига, 87,9 % и деҳқон ва томорқа хўжаликларига, 6,3 % и қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи

ташкilotларга тўғри келишини қайд этиб ўтиш лозим.

Шунга мос равишда соғиб олинган сутинг 5,4 % и фермер хўжаликлари, 93,4 % и деҳқон ва томорқа хўжаликлари, 1,2 % и қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкilotлар ҳиссасига тўғри келди.


Шу билан бирга, олинган тухумнинг 14,8 % и фермер хўжаликларига, 61,9 % и деҳқон ва томорқа хўжаликларига, 23,3 % и қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкilotларга тўғри келди.

Шунингдек, қирқиб олинган жуннинг 11,5 % и фермер хўжаликлари, 83,3 % и деҳқон ва томорқа хўжаликлари, 5,2 % и қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкilotлар ҳиссасига тўғри келди.

Бундан ташқари, олинган қоракўл терининг 9,9 % и фермер хўжаликларига, 80,4 % и деҳқон ва томорқа хўжаликларига, 9,7 % и қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкilotларга тўғри келди.

Ўз навбатида, овланган балиқларнинг 51,1 % и фермер хўжаликларига, 5,7 % и деҳқон ва томорқа хўжаликларига, 43,2 % и қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкilotларга тўғри келганлигини қайд этиш лозим.


#### 2022 йил январь-декабрь ойларида етиштирилган асосий турдаги чорвачилик маҳсулотларида хўжалик тоифаларининг улуши



### Республикада етиштирилган гўшт (тирик вазнда)

2022 йилнинг январь-декабрь ойларида Республикада 2 726,0 минг тонна гўшт етиштирилган бўлиб, ушбу кўрсаткич 2021 йилнинг мос даврига нисбатан 103,4 % ни ташкил қилди.

Хўжалик тоифалари бўйича таҳлил қилар эканмиз гўшт етиштириш 2021 йилнинг мос даврига нисбатан, фермер хўжаликларида 16,0 %, деҳқон ва томорқа хўжаликларида 1,6 % ва қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотларда 22,1 % ўсиш қайд этилди.




### Худудлар бўйича гўшт (тирик вазнда) етиштириш

	Ҳажми, минг т.	Ўсиш суръати, % да	Худудларнинг улуши, % да
<b>Ўзбекистон Республикаси</b>	<b>2 726,0</b>	<b>103,4</b>	<b>100,0</b>
Қорақалпоғистон Республикаси	120,5	103,5	4,4
Андижон	185,6	104,9	6,8
Бухоро	284,9	102,3	10,5
Жиззах	237,8	103,2	8,7
Қашқадарё	315,8	103,5	11,6
Навоий	180,6	104,3	6,6
Наманган	168,0	104,4	6,2
Самарқанд	313,2	104,3	11,5
Сурхондарё	209,8	103,6	7,7
Сирдарё	70,5	102,2	2,6
Тошкент	283,6	102,0	10,4
Фарғона	181,1	102,0	6,6
Хоразм	174,6	104,8	6,4

### Республикада етиштирилган сўт

2022 йилнинг январь-декабрь ойларида Республикада 11 629,4 минг тонна сўт етиштирилган бўлиб, ушбу кўрсаткич 2021 йилнинг мос даврига нисбатан 103,2 % ни ташкил қилди.

Хўжалик тоифалари бўйича таҳлил қилар эканмиз сўт етиштиришда 2021 йилнинг мос даврига нисбатан, фермер хўжаликларида 11,9 %, деҳқон ва томорқа хўжаликларида 2,6 % ва қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотларда 14,6 % ўсиш қайд этилди.




### Худудлар бўйича сўт етиштириш

	Ҳажми, минг т.	Ўсиш суръати, % да	Худудларнинг улуши, % да
<b>Ўзбекистон Республикаси</b>	<b>11 629,4</b>	<b>103,2</b>	<b>100,0</b>
Қорақалпоғистон Республикаси	434,0	103,6	3,7
Андижон	1 038,0	104,1	8,9
Бухоро	1 053,3	103,2	9,1
Жиззах	673,8	103,6	5,8
Қашқадарё	1 277,6	103,1	11,0
Навоий	520,6	104,6	4,5
Наманган	758,1	102,7	6,5
Самарқанд	1 378,4	104,3	11,9
Сурхондарё	936,3	102,9	8,0
Сирдарё	382,4	102,6	3,3
Тошкент	974,6	101,5	8,4
Фарғона	1 104,9	102,7	9,5
Хоразм	1 097,4	102,4	9,4

### Республикада етиштирилган тухум

2022 йилнинг январь-декабрь ойларида Республикада 8 129,3 млн. дона тухум етиштирилган бўлиб, ушбу кўрсаткич 2021 йилнинг мос даврига нисбатан 104,4 % ни ташкил қилди.

Хўжалик тоифалари бўйича таҳлил қилар эканмиз тухум етиштириш 2021 йилнинг мос даврига нисбатан, фермер хўжаликларида 11,6 %, деҳқон ва томорқа хўжаликларида 3,2 % ва қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотларда 3,3 % ўсиш қайд этилди.




### Худудлар бўйича тухум етиштириш

	Ҳажми, млн. дона	Ўсиш суръати, % да	Худудларнинг улуши, % да
<b>Ўзбекистон Республикаси</b>	<b>8 129,3</b>	<b>104,4</b>	<b>100,0</b>
Қорақалпоғистон Республикаси	387,0	101,9	4,8
Андижон	748,9	101,6	9,2
Бухоро	519,7	108,8	6,4
Жиззах	386,6	88,1	4,7
Қашқадарё	544,5	107,5	6,7
Навоий	385,4	106,5	4,7
Наманган	651,1	108,3	8,0
Самарқанд	1 281,0	106,9	15,7
Сурхондарё	542,0	104,0	6,7
Сирдарё	193,4	103,2	2,4
Тошкент	1 452,9	105,1	17,9
Фарғона	557,9	104,0	6,9
Хоразм	478,9	104,3	5,9

### Республикада овланган балиқлар

2022 йилнинг январь-декабрь ойларида Республикада 177 417 тонна балиқ овланган бўлиб, ушбу кўрсаткич 2021 йилнинг мос даврига нисбатан 103,2 % ни ташкил қилди.

Хўжалик тоифалари бўйича таҳлил қилар эканмиз овланган балиқлар 2021 йилнинг мос даврига нисбатан, фермер хўжаликларида 7,0 %, ўсиш қайд этилди, аксинча, деҳқон ва томорқа хўжаликларида 0,6 % ва қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотларда 0,5 % камайиш кузатилди.



### Худудлар бўйича овланган балиқлар

	Ҳажми, т.	Ўсиш суръати, % да	Худудларнинг улуши, % да
<b>Ўзбекистон Республикаси</b>	<b>177 417</b>	<b>103,2</b>	<b>100,0</b>
Қорақалпоғистон Республикаси	11 149	88,2	6,3
Андижон	21 939	108,7	12,4
Бухоро	9 822	90,3	5,5
Жиззах	13 993	102,2	7,9
Қашқадарё	5 151	96,8	2,9
Навоий	13 995	109,6	7,9
Наманган	14 153	118,0	8,0
Самарқанд	16 825	86,1	9,5
Сурхондарё	6 004	109,6	3,4
Сирдарё	6 596	102,5	3,7
Тошкент	15 233	115,1	8,6
Фарғона	12 992	106,9	7,3
Хоразм	29 565	107,0	16,6



### Республикада етиштирилган пилла

2022 йилнинг январь-декабрь ойларида Республикада 24 300,2 тонна пилла етиштирилган бўлиб, ушбу кўрсаткич 2021 йилнинг мос даврига нисбатан 106,7 % ни ташкил қилди.

Хўжалик тоифалари бўйича таҳлил қилар эканмиз пилла етиштириш умумий ҳажмининг 59,5 % и – фермер хўжаликларига, 40,5 % и – қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотларга тўғри келганлигини кўрсатмоқда.



### Худудлар бўйича етиштирилган пилла

	Ҳажми, т.	Ўсиш суръати, % да	Худудларнинг улуши, % да
<b>Ўзбекистон Республикаси</b>	<b>24 300,2</b>	<b>106,7</b>	<b>100,0</b>
Қорақалпоғистон Республикаси	802,1	106,6	3,3
Андижон	3 115,2	107,0	12,8
Бухоро	2 574,4	107,9	10,6
Жиззах	802,7	106,5	3,3
Қашқадарё	2 295,8	107,2	9,5
Навоий	1 022,2	106,8	4,2
Наманган	2 031,5	102,1	8,4
Самарқанд	3 159,5	107,0	13,0
Сурхондарё	1 832,1	106,8	7,5
Сирдарё	665,6	106,7	2,7
Тошкент	1 742,7	110,2	7,2
Фарғона	2 241,0	105,8	9,2
Хоразм	2 015,3	106,8	8,3

#### 4- БЎЛИМ. ЧОРВА МОЛЛАРИ ВА ПАРРАНДАЛАР БОШ СОНИ

2023 йилнинг 1 январь ҳолатига барча тоифадаги хўжаликларда йирик шохли қорамоллар бош сони 13 857,6 минг бошга етди, (2022 йилнинг 1 январь ҳолатига нисбатан 2,3 % га кўп), сигирлар 4 965,7 минг бошга (2,1 % га кўп), қўй ва эчкилар 23 623,7 минг бошга (2,8 % га кўп), отлар 269,1 минг бошга (3,4 % га кўп), паррандалар 97 310,2 минг бошга (5,8 % га кўп) етди.


#### 2023 йилнинг 1 январь ҳолатига хўжаликлар тоифалари бўйича чорва моллари ва паррандалар бош сони

	Барча тоифадаги хўжаликлар		шу жумладан:					
			фермер хўжаликлари		деҳқон ва томорқа хўжаликлари		қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташиқлотлар	
	минг бош	ўсиш суръати % да	минг бош	ўсиш суръати % да	минг бош	ўсиш суръати % да	минг бош	ўсиш суръати % да
Йирик шохли қорамоллар	13 857,6	102,3	951,3	107,0	12 664,9	101,9	241,4	107,6
шундан, сигирлар	4 965,7	102,1	366,9	105,6	4 517,1	101,7	81,7	112,5
Қўй ва эчкилар	23 623,7	102,8	3 506,1	107,2	18 531,7	101,6	1 585,9	109,3
Отлар	269,1	103,4	62,5	106,3	190,7	102,1	15,9	108,2
Паррандалар	97 310,2	105,8	16 043,9	106,5	51 518,9	100,4	29 747,4	116,4

**Томорқа хўжалиги** – шахсий томорқа ер участкаларида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ҳам эркин савдо учун, ҳам оила эҳтиёжлари учун етиштириш (қайта ишлаш) билан боғлиқ меҳнат фаолиятидир.

**Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташиқлотлар** – қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчи, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришига хизмат қилувчи, хўжалик юритиш жараёнида ерга ҳамда бошқа ишлаб чиқариш мулкларига эгалик қилувчи юридик шахс ҳуқуқига эга хўжалик юритувчи субъект ҳисобланади.

2023 йилнинг 1 январь ҳолатига мавжуд чорва моллари ва паррандалар  
бош сонининг хўжаликлар тоифалари бўйича улуши




2023 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, йирик шохли қорамоллар бош сони тўғрисидаги маълумотларни хўжалик тоифалари бўйича таҳлил қилар эканмиз, йирик шохли қорамолларнинг 6,9 % и фермер хўжаликлари ҳиссасига, 91,4 % и деҳқон ва томорқа хўжаликларига, 1,7 % и қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотларга тўғри келишини кайд этиб ўтиш лозим, шунга мос равишда сигирларнинг умумий сонидан 7,4 % и фермер хўжаликларига, 91,0 % и деҳқон ва томорқа хўжаликларига, 1,6 % и қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотларга тўғри келди, шунингдек, қўй ва эчкиларнинг умумий сонидан 14,8 % и фермер хўжаликларига, 78,5 % и деҳқон ва томорқа хўжаликларига, 6,7 % и қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотларга тўғри келди, отларнинг умумий сонидан 23,2 % и фермер хўжаликларига, 70,9 % и деҳқон ва томорқа хўжаликларига, 5,9 % и қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотларга тўғри келди, паррандалар умумий сонидан 16,5 % и фермер хўжаликларига, 52,9 % и деҳқон ва томорқа хўжаликларига, 30,6 % и қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотларга тўғри келди.

### Республикада мавжуд йирик шохли қорамоллар бош сони

2023 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, Республикада йирик шохли қорамолларнинг умумий бош сони 13 857,6 минг бошга етди.

2022 йилнинг мос даври билан солиштирилганда барча тоифадаги хўжаликларда йирик шохли қорамоллар умумий бош сони – 313,2 минг бошга (2,3 %) кўпайди.

Хўжалик тоифалари бўйича таҳлил қилар эканмиз йирик шохли қорамоллар умумий бош сони 2022 йилнинг мос даврига нисбатан, фермер хўжаликларида 7,0 %, дехқон ва томорқа хўжаликларида 1,9 % ва қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотларда 7,6 % ўсиш қайд этилди.



### Худудлар бўйича йирик шохли қорамоллар бош сони

	Сони, минг бош	Ўсиш суръати, % да	Худудларнинг улуши, % да
<b>Ўзбекистон Республикаси</b>	<b>13 857,6</b>	<b>102,3</b>	<b>100,0</b>
Қорақалпоғистон Республикаси	1 208,7	102,8	8,7
Андижон	1 130,6	102,5	8,2
Бухоро	1 328,9	103,4	9,6
Жиззах	943,1	102,7	6,8
Қашқадарё	1 688,8	101,6	12,2
Навоий	541,7	102,5	3,9
Наманган	760,0	102,7	5,5
Самарқанд	1 694,0	102,2	12,2
Сурхондарё	1 044,9	102,1	7,5
Сирдарё	492,3	102,4	3,6
Тошкент	987,7	102,4	7,1
Фарғона	1 075,2	101,9	7,8
Хоразм	961,7	101,4	6,9

### Республикада мавжуд сигирлар бош сони

2023 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, Республикада сигирларнинг умумий бош сони 4 965,7 минг бошга етди.

2022 йилнинг мос даври билан солиштирилганда барча тоифадаги хўжаликларда сигирлар умумий бош сони – 102,5 минг бошга (2,1 %) кўпайди.

Хўжалик тоифалари бўйича таҳлил қилар эканмиз сигирлар умумий бош сони 2022 йилнинг мос даврига нисбатан, фермер хўжаликларида 5,6 %, деҳқон ва томорқа хўжаликларида 1,7 % ва қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотларда 12,5 % ўсиш кузатилди.



### Худудлар бўйича сигирлар бош сони

	Сони, минг бош	Ўсиш суръати, % да	Худудларнинг улуши, % да
<b>Ўзбекистон Республикаси</b>	<b>4 965,7</b>	<b>102,1</b>	<b>100,0</b>
Қорақалпоғистон Республикаси	350,2	102,8	7,1
Андижон	389,5	102,3	7,8
Бухоро	434,7	102,9	8,8
Жиззах	265,5	102,5	5,3
Қашқадарё	558,4	102,0	11,2
Навоий	218,4	101,5	4,4
Наманган	260,5	102,4	5,2
Самарқанд	736,7	101,8	14,8
Сурхондарё	400,6	101,1	8,1
Сирдарё	177,0	103,2	3,6
Тошкент	421,5	102,4	8,5
Фарғона	387,6	102,2	7,8
Хоразм	365,1	101,1	7,4

### Республикада мавжуд қўй ва эчкилар бош сони

2023 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, Республикада қўй ва эчкиларнинг умумий бош сони 23 623,7 минг бошга етди.

2022 йилнинг мос даври билан солиштирилганда барча тоифадаги хўжаликларда қўй ва эчкилар умумий бош сони – 653,4 минг бошга (2,8 %) кўпайди.

Хўжалик тоифалари бўйича таҳлил қилар эканмиз қўй ва эчкилар умумий бош сони 2022 йилнинг мос даврига нисбатан, фермер хўжаликларида 7,2 %, деҳқон ва томорқа хўжаликларида 1,6 % ва қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотларда 9,3 % ўсиш қайд этилди.



### Худудлар бўйича қўй ва эчкилар бош сони

	Сони, минг бош	Ўсиш суръати, % да	Худудларнинг улуши, % да
<b>Ўзбекистон Республикаси</b>	<b>23 623,7</b>	<b>102,8</b>	<b>100,0</b>
Қорақалпоғистон Республикаси	1 213,8	103,0	5,1
Андижон	1 526,5	102,4	6,5
Бухоро	2 416,0	104,9	10,2
Жиззах	2 320,5	102,9	9,8
Қашқадарё	4 919,5	102,8	20,8
Навоий	2 378,6	102,5	10,1
Наманган	825,0	102,7	3,5
Самарқанд	2 607,3	102,4	11,0
Сурхондарё	2 535,4	102,3	10,7
Сирдарё	378,8	104,4	1,6
Тошкент	1 098,8	101,7	4,7
Фарғона	918,4	102,8	3,9
Хоразм	485,1	102,9	2,1

### Республикада мавжуд отлар бош сони

2023 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, Республикада отларнинг умумий бош сони 269,1 минг бошга етди.

2022 йилнинг мос даври билан солиштирилганда барча тоифадаги хўжаликларда отлар умумий бош сони – 8,8 минг бошга (3,4 %) кўпайди.

Хўжалик тоифалари бўйича таҳлил қилар эканмиз отлар умумий бош сони 2022 йилнинг мос даврига нисбатан, фермер хўжаликларида 6,3 %, деҳқон ва томорқа хўжаликларида 2,1 % ва қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотларда 8,2 % ўсиш кузатилди.



### Худудлар бўйича отлар бош сони

	Сони, минг бош	Ўсиш суръати, % да	Худудларнинг улуши, % да
<b>Ўзбекистон Республикаси</b>	<b>269,1</b>	<b>103,4</b>	<b>100,0</b>
Қорақалпоғистон Республикаси	27,6	103,4	10,2
Анджон	7,2	101,7	2,7
Бухоро	7,2	106,5	2,7
Жиззах	29,0	103,7	10,8
Қашқадарё	35,6	104,8	13,2
Навий	21,5	101,6	8,0
Наманган	7,0	104,7	2,6
Самарқанд	28,7	103,2	10,7
Сурхондарё	16,2	104,6	6,0
Сирдарё	16,2	106,7	6,0
Тошкент	56,7	101,4	21,1
Фарғона	10,4	104,7	3,8
Хоразм	5,8	101,5	2,2

### Республикада мавжуд паррандалар бош сони

2023 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, Республикада паррандаларнинг умумий бош сони 97 310,2 минг бошга етди.

2022 йилнинг мос даври билан солиштирилганда барча тоифадаги хўжаликларда паррандалар умумий бош сони – 5 375,2 минг бошга (5,8 %) кўпайди.

Хўжалик тоифалари бўйича таҳлил қилар эканмиз паррандалар умумий бош сони 2022 йилнинг мос даврига нисбатан, фермер хўжаликларида 6,5 %, деҳқон ва томорқа хўжаликларида 0,4 % ва қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотларда 16,4 % ўсиш қайд этилди.



### Худудлар бўйича паррандалар бош сони

	Сони, минг бош	Ўсиш суръати, % да	Худудларнинг улуши, % да
<b>Ўзбекистон Республикаси</b>	<b>97 310,2</b>	<b>105,8</b>	<b>100,0</b>
Қорақалпоғистон Республикаси	5 196,9	102,8	5,3
Андижон	10 536,7	111,7	10,8
Бухоро	6 721,2	107,8	6,9
Жиззах	3 944,6	108,3	4,1
Қашқадарё	6 402,6	104,9	6,6
Навоий	3 403,1	104,8	3,5
Наманган	6 066,4	107,1	6,2
Самарқанд	14 278,5	105,4	14,7
Сурхондарё	5 128,2	100,4	5,3
Сирдарё	4 315,3	105,6	4,4
Тошкент	16 299,6	104,7	16,8
Фарғона	8 499,1	104,4	8,7
Хоразм	6 518,0	106,8	6,7



## Статистик кўрсаткичларга изоҳлар

**Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари** – ҳисобот даврида фермер хўжаликларида, деҳқон ва томорқа хўжаликларида ва қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотларда етиштирилган деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотларининг жами қийматини белгилаб, қишлоқ хўжалигида етиштиришнинг умумий ҳажмини ифодалайди.

**Деҳқончилик маҳсулоти** – ҳисобот даврида етиштирилган қишлоқ хўжалиги экинларининг ялпи ҳосили ва бошқа деҳқончилик маҳсулотларининг қийматини ҳамда кўп йиллик ёш кўчатларни ўстириш қиймати ва йил бошидан йил охиригача тугалланмаган етиштириш қийматларининг ўзгариши йиғиндисидир.

**Чорвачилик маҳсулоти** – моллар, паррандалар ва бошқа чорва молларини ўстириш, сут, тухум, жун, асал ва бошқа чорвачилик маҳсулотлари етиштириш қийматларини ўз ичига олади.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳажми индексларини ҳисоблашда уларнинг солиштирма нархлардаги қийматидан фойдаланилади.

**Овчилик** – овчилик ва ёввойи ҳайвонларни тутиш, бу соҳаларда хизмат кўрсатиш шунингдек, парваришхона ва фермаларда ҳайвонларни сақлаш, кўпайтириш ва даволаш харажатлари ҳисобга олинади.

**Ўрмон хўжалиги** – ўрмон ва ўрмон ресурсларидан фойдаланиш каби фаолият турларини ўз ичига олади. Ўрмон хўжаликлари томонидан олиб борилаётган ишларга ўрмонларнинг ҳолатини яхшилаш, уларни узлуксиз янгилаш, зараркунандалар, касалликлар ва ноқонуний кесишдан ҳимоя қилиш, санитария ва ёнғинга қарши дастурларни ишлаб чиқиш киради. Ўрмон хўжалиги маҳсулотларига терак, эман, қайин, сосна, қорақарағай ва бошқа шу каби дарахтлар кўчатларини олиш ва етиштириш ҳам ҳисобга олинади. Шунингдек, ёввойи ҳолда ўсувчи кўзикорин ва трюфеллар, резавор мевалар, ёнғоқлар ва бошқаларни териб олингани ушбу тармоқда ҳисобга олинади.

**Балиқчилик хўжалиги** – овланган балиқ, сув биоресурслари ва аквакултура соҳаларининг маҳсулоти ва кўрсатилган хизматлар ҳажмини шунингдек, ушбу соҳани ривожлантириш, захираларни кўпайтириш ва яхшилашни ўз ичига олади.

**Қишлоқ хўжалиги экинларининг йиғилган ялпи ҳосили** қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар, фермер ва деҳқон ва томорқа хўжаликларида асосий ва такрорий, боғларнинг қатор ораларидаги қишлоқ хўжалиги экинларидан йиғиб олинган маҳсулотлар ҳажмини ўз ичига олади.

**Фермер хўжаликлари** – ижарага берилган ер участкаларидан фойдаланган ҳолда қишлоқ хўжалиги маҳсулотини етиштириш ҳамда қонун ҳужжатларида таъқиқланмаган бошқа фаолият турлари билан шуғулланувчи тадбиркорлик субъектидир.

**Дехқон ва томорқа хўжаликлари** – оилавий майда товар хўжалиги бўлиб, оила аъзоларининг шахсий меҳнати асосида, мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш учун оила бошлиғига берилган ер участкасида қишлоқ хўжалиги маҳсулоти етиштиради ва реализация қилади.

Дехқон хўжалигидаги фаолият тадбиркорлик фаолияти жумласига киради ҳамда деҳқон хўжалиги аъзоларининг истагига кўра юридик шахс ташкил этган ҳолда ва юридик шахс ташкил этмасдан амалга оширилиши мумкин.

**Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар** – қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчи, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришига хизмат қилувчи, хўжалик юритиш жараёнида ерга ҳамда бошқа ишлаб чиқариш мулкларига эгалик қилувчи юридик шахс ҳуқуқига эга хўжалик юритувчи субъект ҳисобланади.

**Моллар бош сони** – хўжалик тоифалари бўйича барча ёш гуруҳларидаги асосий турдаги чорва молларини ўз ичига олади (йирик шохли қорамоллар, шу жумладан сигирлар, қўй ва эчкилар, чўчқалар ва ҳ.к.)

**Гўшт етиштириш** – сўйиш учун сотилган ҳамда ўз хўжалигида сўйилган барча турдаги қишлоқ хўжалиги ҳайвонлари ва паррандаларнинг тирик вазнини ўз ичига олади.

**Сут етиштириш** – ёш молларга ичириш учун соғиб олинган сут ва оғиз сутини қўшган ҳолда, ҳақиқатда соғиб олинган сигир, эчки, қўй, бия ва туя сутлари билан аниқланади. Бузоқлар эмган сут ялпи етиштиришга киритилмайди.

**Тухум етиштириш** – барча турдаги паррандалардан олинган ҳамда қурқ товуклар билан ва инкубаторда жўжа очиш учун сарфланган тухумлар миқдорини ўз ичига олади.

**Жун етиштириш** – хўжаликнинг ички эҳтиёжларига сарфлангани ҳамда жунни сақлаш ва ташиш жараёнида йўқотилганини қўшган ҳолда, қўй, эчки, туялардан ҳақиқатда қирқиб олинган натура вазндаги (қирқиб олингандан кейинги вазнда) барча жунларни ўз ичига олади, бунга туллаш жуни, эчки тивити ҳамда такрорий қирқиб олинган жунлар ҳам қўшилади.

## IV. ИНВЕСТИЦИЯ ВА ҚУРИЛИШ ИШЛАРИ

### 1- БЎЛИМ. АСОСИЙ КАПИТАЛГА ЎЗЛАШТИРИЛГАН ИНВЕСТИЦИЯЛАР

2022 йилнинг январь-декабрь ойларида Ўзбекистон Республикасида иқтисодий ва ижтимоий соҳаларни ривожлантириш учун жами молиялаштириш манбалари ҳисобидан 269,9 трлн. сўм инвестиция ўзлаштирилган бўлиб, 2021 йилга нисбатан 100,9 % ни ташкил этди.


#### Молиялаштириш манбалари бўйича асосий капиталга ўзлаштирилган инвестициялар

Барча молиялаштириш манбалари ҳисобидан	Марказлашган инвестициялар	Марказлашмаган инвестициялар
Инвестициялар ҳажми <b>269 857,5</b> млрд. сўм 2021 йилга нисбатан <b>100,9 %</b> Улуши <b>100 %</b>	Инвестициялар ҳажми <b>41 436,4</b> млрд. сўм 2021 йилга нисбатан <b>80,4 %</b> Улуши <b>15,4 %</b>	Инвестициялар ҳажми <b>228 421,1</b> млрд. сўм 2021 йилга нисбатан <b>105,8 %</b> Улуши <b>84,6 %</b>
Республика бюджети	Сув таъминоти ва канализация тизимларини ривожлантириш жамғармаси	Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси
Инвестициялар ҳажми <b>20 910,1</b> млрд. сўм 2021 йилга нисбатан <b>84,4 %</b> Улуши <b>7,8 %</b>	Инвестициялар ҳажми <b>2 873,6</b> млрд. сўм 2021 йилга нисбатан <b>92,0 %</b> Улуши <b>1,1 %</b>	Инвестициялар ҳажми <b>2 470,8</b> млрд. сўм 2021 йилга нисбатан <b>73,5 %</b> Улуши <b>0,9 %</b>
Кафолат остидаги хорижий кредитлар	Корхона маблағлари	Аҳоли маблағлари
Инвестициялар ҳажми <b>15 181,9</b> млрд. сўм 2021 йилга нисбатан <b>74,9 %</b> Улуши <b>5,6 %</b>	Инвестициялар ҳажми <b>84 516,0</b> млрд. сўм 2021 йилга нисбатан <b>110,6 %</b> Улуши <b>31,3 %</b>	Инвестициялар ҳажми <b>25 738,1</b> млрд. сўм 2021 йилга нисбатан <b>103,2 %</b> Улуши <b>9,5 %</b>
Тўғридан-тўғри ва кафолатланмаган хорижий инвестиция ва кредитлар	Тижорат банклари кредитлари ва бошқа қарз маблағлари	Корхоналар сони
Инвестициялар ҳажми <b>97 037,6</b> млрд. сўм 2021 йилга нисбатан <b>104,3 %</b> Улуши <b>36,0 %</b>	Инвестициялар ҳажми <b>21 129,4</b> млрд. сўм 2021 йилга нисбатан <b>98,7 %</b> Улуши <b>7,8 %</b>	Йирик ташкилотлар <b>3 650</b> та Кичик бизнес ( <i>Инвестиция дастури доирасидаги лойиҳалар ижрочилари</i> ) <b>1 910</b> та

**Асосий капиталга инвестициялар** – янги асосий фондларни сотиб олиш ва такрор ишлаб чиқаришга йўналтирилган харажатлар мажмуини билдиради.


Сўнгги 6 йилдаги асосий капиталга инвестициялар ҳажми динамикаси шуни кўрсатмоқдаки, у деярли 4 мартага кўпайиб, ўсиш тенденциясига эга бўлмоқда.

**Асосий капиталга инвестицияларнинг ҳажми динамикаси, трлн. сўм**



Сўнгги йиллардаги уларнинг ўсиш суръатларини кўрадикан бўлсак, 2019 йилгача ўсиб боргани ва 138,1 % га етгани, 2020 йилда кескин тушгани – 95,6 % ҳамда ҳозирги давргача яна ўсиш тенденциясига эга бўлаётганини кўриш мумкин – 100,9 %.

**Асосий капиталга инвестициялар ўсиш суръатлари динамикаси, % да**



Жами инвестициялар ҳажмида, марказлашган молиялаштириш манбалари ҳисобидан молиялаштирилган асосий капиталга инвестицияларнинг улуши, 2021 йилга нибатан 3,8 % пунктга камайиб, 15,4 % ни ёки 41,5 трлн. сўмни ташкил этди. Мос равишда, марказлашмаган молиялаштириш манбалари ҳисобидан 228,4 трлн. сўм ёки жами инвестицияларнинг 84,6 % инвестициялари ўзлаштирилиб, 2021 йилга нисбатан 3,8 % пунктга кўпайди.




2022 йилнинг январь-декабрь ойларида асосий капиталга инвестицияларнинг 59,1 % и ёки 159,6 трлн. сўми жалб этилган маблағлар ҳисобидан молиялаштирилган бўлса, корхона, ташкилот ва аҳолининг ўз маблағлари ҳисобидан 40,9 % ёки 110,3 трлн. сўм молиялаштирилди.


**Марказлашган молиялаштириш манбалари ҳисобидан  
асосий капиталга инвестициялар**



Ўсиш суръатлари, % да




Жамига нисбатан, % да



Статистик таҳлилни ўтказиш мақсадларида асосий капиталга инвестициялар қуйидаги асосий кесимларда шаклланади: қўйилма турлари, технологик, такрор ишлаб чиқариш таркиблари, иқтисодий фаолият турлари, молиялаштириш манбалари бўйича.

**Йиллар кесимида марказлашган молиялаштириш манбалари ҳисобидан асосий капиталга инвестицияларнинг улушлари, % да**




2022 йил январь-декабрь ойларида Ўзбекистон Республикаси кафолати остидаги хорижий кредитлар ҳисобидан 15,2 трлн. сўм инвестициялар ўзлаштирилиб, 2021 йилга нисбатан 74,9 % ни ташкил этди. Уларнинг жами ҳажмидаги улуши эса 2,0 % пунктга камайиб, 5,6 % даражасида қайд этилди.

**2022 йилнинг январь-декабрь ойларида Ўзбекистон Республикаси давлат кафолати остидаги хорижий кредитлар ҳисобидан амалга оширилган инвестиция лойиҳалари**




Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси ҳисобидан ўзлаштирилган инвестициялар ҳажми 2,5 трлн. сўми (доллар эквивалентида 223,6 млн. АҚШ доллари) ва жами инвестициялардаги улуши 2021 йилнинг мос давридаги кўрсаткичга нисбатан 0,3 % пунктга камайиб, 0,9 % ни ташкил этди. Шунингдек, мазкур жамғарма ҳисобидан молиялаштирилган инвестициялар ҳажми 2021 йилга нисбатан 73,5 % ни ташкил этди.

**2022 йилнинг январь-декабрь ойларида Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилган йирик инвестиция лойиҳалари:**



Ўзбекистон Республикаси бўйича Республика бюджетидан молиялаштириладиган инфраструктура, иқтисодий ва ижтимоий соҳани ривожлантиришга йўналтирилган инвестициялар ҳажми 2021 йилга нисбатан 84,4 % ни ёки 20,9 трлн. сўми ташкил этди. Шунингдек, сув таъминоти ва канализация тизимини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан инвестициялар 2021 йилга нисбатан 92,0 % ни, 2,9 трлн. сўми ташкил этди. Уларнинг жами инвестициялардаги улуши, мос равишда 0,1 % пунктга камайиб, 1,1 % ни ташкил этди.

**Йиллар кесимида марказлашмаган молиялаштириш манбалари ҳисобидан асосий капиталга инвестицияларнинг улушлари, % да**




Асосий капиталга инвестицияларнинг статистик ҳисоби, қўшимча қиймат солиғини қўшган ҳолда, ҳисобот даврида амалдаги нархларда, тўлов амалга оширилган пайтдан қатъий назар, ҳақиқатда ўзлаштирилган ҳажм миқдорида амалга оширилади.

**Марказлашмаган молиялаштириш манбалари ҳисобидан асосий капиталга инвестициялар, трлн. сўм**



2022 йилнинг январь-декабрь ойларида корхона ва ташкилотларнинг ўз маблағлари ҳисобидан молиялаштирилган асосий капиталга инвестициялар — 84,5 трлн. сўм ёки жами асосий капиталга инвестицияларнинг 31,3 % ини ташкил этди.

Бевосита тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳисобидан молиялаштирилган инвестициялардан Ўзбекистон Республикаси бўйича 37,0 трлн. сўм, ёки 2021 йилга нисбатан 1,2 % пунктга қўпайган ҳолда жами улуши 13,7 % га тенг инвестициялар ўзлаштирилди.





Асосий капиталга ўзлаштирилган инвестицияларни молиялаштириш манбалари бўйича энг юқори кўрсаткичлар ва ўсиш суръатлари корхона ва ташкилотларнинг ўз маблағлари ҳисобига тўғри келиб, 2021 йилга нисбатан 110,6 фоизни ташкил этди.

Кафолатланмаган ва бошқа хорижий инвестиция ва кредитлар ҳисобидан 60,0 трлн. сўм инвестициялар ўзлаштирилиб, жами асосий капиталга инвестициялар ҳажмидаги улуши 22,3 % ни ташкил этди.

**Тўғридан-тўғри ва кафолатланмаган хорижий кредитлар ҳисобидан қуйидаги йирик инвестиция лойиҳалари амалга оширилди:**

- 1 Сирдарё вилоятида қуввати 1500 МВт бўлган янги электр станциясини қуриш;
- 2 Сирдарё вилоятида қуввати 220 МВт бўлган газ-поршенли электр станциясини қуриш;
- 3 2017-2021 йилларда углеводород хом ашёси қазиб чиқариш ҳажмларини кўпайтириш бўйича Дастур;
- 4 2021-2022 йилларда республика магистрал газ узатиш тизимини модернизация қилиш ва самарадорлигини ошириш дастури;
- 5 Самарқанд вилоятининг Нуробод туманида қуввати 100 МВт бўлган қуёш фотоэлектр станциясини қуриш;
- 6 Бухоро вилоятида қуввати 270 МВт бўлган газ-поршенли электр станциясини қуриш;
- 7 “Мустақилликнинг 25 йиллиги” конида геология-қидирув ишларини амалга ошириш ва конни ўзлаштириш, газ-кимё комплексини қуриш;
- 8 Минерал ўғитлар ишлаб чиқариш комплексини ташкил этиш;
- 9 Қуруқ сианид тузлари ишлаб чиқариш ташкил этиш.

Шунингдек, тижорат банклари кредитлари ва бошқа қарз маблағлари ҳисобидан молиялаштирилган 21,1 трлн. сўм (жами асосий капиталга инвестицияларнинг 7,8 % ини ташкил этиб, 2021 йилга нисбатан 0,2 % пунктга камайиш) асосий капиталга инвестициялар ўзлаштирилди.


Аҳоли маблағлари ҳисобидан жами асосий капиталга инвестицияларнинг 9,5 % и ёки 25,8 трлн. сўм ўзлаштирилди. Аҳоли маблағлари ҳисобидан асосан уй-жойлар қуриш соҳасида инвестиция фаолияти амалга оширилган.

**Ўзбекистон Республикасида марказлашмаган молиялаштириш  
манбалари бўйича асосий капиталга инвестициялар (жамига нисбатан, % да)**



Асосий капиталга инвестицияларнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича таркибида қайта ишлаш саноати етакчилик қилмоқда. Янги автомобиль моделларини ишлаб чиқаришни ташкил этиш (Оникс, Трекер), цемент ишлаб чиқаришни кенгайтириш (3-босқич), техник газ ишлаб чиқаришни ташкил этиш, минерал ўғитлар ишлаб чиқариш комплексини ташкил этиш, пахта-тўқимачилик ва агрокластер ташкил этиш каби йирик инвестиция лойиҳалари натижасида ушбу иқтисодий фаолият турида жами молиялаштириш манбалари ҳисобидан 76,4 трлн. сўм ёки жами асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг 28,3 % и ўзлаштирилди.

**Ўзбекистон Республикасида иқтисодий фаолият турлари бўйича асосий капиталга инвестициялар, улуши % да ва ҳажми трлн. сўмда**




Асосий капиталга инвестициялар **иқтисодий фаолият турлари** бўйича амалдаги фаолият турлари таснифлагичи ИФУТ - 2 га асосан тақсимланади.

**Ўзбекистон Республикасида иқтисодий фаолият турлари бўйича асосий капиталга инвестициялар, улуши % да ва ҳажми трлн. сўмда**



Ижтимоий соҳадаги энг муҳим фаолиятлардан бири бу турар-жой қурилиши ҳисобланади. Ушбу фаолият тури бўйича барча молиялаштириш манбалари ҳисобидан 22,4 трлн. сўм асосий капиталга инвестициялар ўзлаштирилиб, жами инвестициялар ҳажмидаги улуши 8,3 % ни ташкил этди.

**Юқори улушга эга иқтисодий фаолият турлари бўйича асосий капиталга инвестициялар, улуши % да**



Қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга йўналтирилган инвестициялар 19,9 трлн. сўм ёки ўзлаштирилган инвестициялар умумий ҳажмининг 7,4 % ини ташкил этди.

Электр-газ таъминоти фаолияти тури бўйича барча молиялаштириш манбалари ҳисобидан 20,2 трлн.сўм инвестициялар ўзлаштирилиб, улар умумий ҳажмининг 7,5 % ини ташкил этди.

Тоғ-кон саноатида жами 21,6 трлн.сўм ёки республика бўйича жами инвестициялар ҳажмининг 8,0 % и ўзлаштирилган бўлиб, унинг таркибидан 3,6 % и ёки 9,6 трлн. сўми хом нефт ва табиий газ қазиб чиқариш соҳасига тегишлидир.

**Молиялаштириш манбалари бўйича ҳудудлар кесимида  
асосий капиталга инвестициялар**

	Жами инвестициялар, млрд. сўм	шу жумладан, молиялаштириш манбалари бўйича: (жамига нисбатан, % да)						
		Республика бюджети	корхона ва аҳоли маблағи	аҳоли	хорижий инвестиция ва кредитлар	Сув таъминоти ва канализация тизимларини ривожлантириш жамғармаси	Тикланиш ва тараққийт жамғармаси	тижорат банки кредитлари ва бошқа қарз маблағлари
<b>Ўзбекистон Республикаси<sup>1)</sup></b>	<b>269857,5</b>	<b>7,8</b>	<b>31,3</b>	<b>9,5</b>	<b>41,6</b>	<b>1,1</b>	<b>0,9</b>	<b>7,8</b>
Қорақалпоғистон Республикаси	10099,8	12,7	28,1	11,9	38,9	1,4	1,7	5,3
<i>вилоятлар:</i>								
Андижон	14758,6	7,6	23,9	12,2	47,1	2,5	-	6,7
Бухоро	21138,0	4,8	21,6	11,1	56,8	0,6	-	5,1
Жиззах	10763,1	9,7	23,7	6,0	44,5	1,5	-	14,6
Қашқадарё	16181,5	9,1	23,6	14,8	46,5	2,0	0,2	3,8
Навоий	19396,1	3,6	30,7	9,9	54,9	0,3	-	0,6
Наманган	14348,2	6,1	19,8	16,3	34,3	1,1	-	22,4
Самарқанд	21955,2	9,1	26,6	7,4	43,7	0,7	-	12,5
Сурхондарё	11507,3	12,1	15,0	16,3	43,1	5,7	-	7,8
Сирдарё	12574,7	5,5	10,7	1,8	77,5	0,5	-	4,0
Тошкент	34954,7	6,0	39,3	8,0	32,9	0,5	5,4	7,9
Фарғона	15396,7	7,2	21,4	17,2	46,1	2,3	-	5,8
Хоразм	8806,6	9,3	25,6	24,0	30,7	1,2	1,2	8,0
Тошкент ш.	56725,8	8,2	52,1	3,2	28	-	0,5	8,0


<sup>1)</sup> Ҳудудлар бўйича тақсимланмаган ҳажмни қўшган ҳолда.

Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан асосий капиталга йўналтирилган инвестициялар ҳудудий таркибида энг юқори кўрсаткичлар Қорақалпоғистон Республикасида – ҳудуддаги жами инвестицияларнинг 12,7 % ини, Сурхондарё вилоятида – 12,1 % ва Жиззах вилоятида – 9,7 % миқдорида кузатилди.

Корхона ва ташкилотларнинг ўз маблағлари ҳисобидан инвестициялар бўйича энг юқори улуш Тошкент шаҳрида кузатилиб, бу ҳудудда ўзлаштирилган инвестицияларнинг 52,1 % ини ташкил этди. Шунингдек, Тошкент вилоятида 39,3 % ва Навоий вилоятида 30,7 % ни ташкил этди.

Жалб қилинган молиялаштириш манбалари таркибида хорижий инвестиция ва кредитлар алоҳида ўринга эга. Хорижий инвестиция ва кредитларнинг жами инвестициялардаги улуши бўйича энг юқори кўрсаткичлар Сирдарё ва Бухоро вилоятларида кузатилиб, мос равишда 77,5 ва 56,8 % ни ташкил этди.

### Ҳудудлар кесимида асосий капиталга инвестициялар



■ ўсиш суръати, % ■ ҳажми, трлн. сўм


Ҳудудлар кесимида асосий капиталга инвестициялар ўзлаштирилиши бўйича 2021 йилга нисбатан энг юқори ўсиш суръати 137,6 % га ўсиб, Сирдарё вилоятида кузатилди. Ушбу натижани 1500 МВт қувватга эга янги электр станцияси ва 220 МВт қувватга эга газ пистонли электр станциясини қуриш каби йирик лойиҳаларга инвестицияларни ўзлаштириш билан изоҳлаш мумкин.

Шунингдек, Самарқанд вилоятида ҳам юқори ўсиш суръати кузатилиб, 2021 йилга нисбатан 129,5 % ни ташкил қилди. Бу ҳудудда туристик марказ қурилиши, қуввати 100 МВт бўлган қуёш фотоэлектр станцияси қурилиши, Самарқанд кимё мажмуаси қурилиши каби йирик инвестиция лойиҳалари амалга оширилмоқда.

Қорақалпоғистон Республикасида асосий капиталга инвестициялар ҳажмининг 2021 йилга нисбатан 113,2 % ни ташкил этиши, авваламбор 2017-2021 йилларда углеводород ишлаб чиқаришни кўпайтириш дастури доирасида инвестицияларнинг ўзлаштирилиши билан боғлиқ.

Инвестицион фаолликнинг энг паст ўсиш суръатлари Қашқадарё вилоятида – 80,8 % (инвестиция ҳажми 16181,5 млрд. сўм) ва Тошкент шаҳрида – 87,0 % (56725,8 млрд. сўм) қайд этилди.

**Юқори улушга эга ҳудудлар бўйича асосий капиталга инвестициялар, улуши % да**



2022 йилнинг январь-декабрь ойларида жами асосий капиталга ўзлаштирилган инвестицияларнинг асосий қисми, республиканинг тўрт ҳудудида, жумладан, Тошкент шаҳрида – 21 %, Тошкент вилояти – 13 %, Бухоро ва Самарқанд вилоятларида – 8 % инвестициялар ўзлаштирилди.


2022 йилнинг январь-декабрь ойларида аҳоли жон бошига ҳисобланган асосий капиталга ўзлаштирилган инвестициялар ҳажми бўйича юқори кўрсаткичлар Тошкент шаҳрида – 19500,1 минг сўм (ёки 2021 йилга нисбатан таққослаганда – 84,4 %), Навоий вилоятида – 18556,2 минг сўм (ёки 115,8 %) ва Сирдарё вилоятида – 14167,1 минг сўм (ёки 134,8 %) миқдорида қайд этилди.

**Аҳоли жон бошига тўғри келадиган асосий капиталга инвестициялар**



Ўзбекистон Республикаси бўйича асосий капиталга инвестицияларнинг технологик таркибида машина, ускуна ва инвентарларга 120126,4 млрд. сўм инвестициялар ўзлаштирилган бўлиб, жами инвестицияларнинг 44,5 % ини ташкил этди, қурилиш-монтаж ишлари бўйича 131021,2 млрд. сўм (жами инвестициялардаги улуши 48,6 %) ва бошқа харажатларга 18709,9 млрд. сўм (6,9 %) ўзлаштирилди.


**Асосий капиталга инвестицияларнинг технологик таркиби, жамига нисбатан % да**



Худудлар кесимида жами асосий капиталга инвестициялар ҳажмида қурилиш-монтаж ишларининг улуши бўйича энг юқори кўрсаткич Сурхондарё вилоятида кузатилди – 66,7 % ёки 7679,2 трлн. сўм.

Қурилиш-монтаж ишларининг улуши бўйича энг қуйи даража Сирдарё вилоятида кузатилиб, 22,7 % ни ёки 2858,1 трлн. сўмни ташкил этди. Шунингдек, Сирдарё вилоятида машина, ускуналар ва инвентарларга харажатлар бўйича энг юқори кўрсаткич – 75,8 % ёки 9529,9 трлн. сўмни ташкил этди.

**Асосий капиталга инвестицияларнинг технологик таркиби динамикаси (жамига нисбатан % да)**




Жорий ҳисобот даврида янги қурилишга йўналтирилган асосий капиталга инвестициялар 153783,9 млрд. сўмга етди ҳамда жами асосий капиталга инвестицияларнинг 57,0 % ини ташкил этди.

Иқтисодиётда мавжуд объектларни кенгайтириш, реконструкция қилиш, модернизациялаш ва техник қайта қурилантиришга йўналтирилган инвестициялар 72038,0 млрд. сўмни ташкил этди ва республикадаги жами ўзлаштирилган инвестицияларнинг 26,7 % ини ташкил этди. Қолган 16,3 %, яъни 44035,6 млрд. сўм бошқа харажатларга йўналтирилди.



Асосий капиталга инвестицияларнинг такрор ишлаб чиқариш таркиби динамикаси  
(жамига нисбатан % да)





Янги қурилишга йўналтирилган инвестицияларнинг улуши бўйича энг юқори кўрсаткич, қуввати 1 500 МВт бўлган янги электр станцияси ҳамда қуввати 220 МВт бўлган газ-поршенли электр станциясини қуриш лойиҳалари бўйича ўзлаштирилган инвестициялар натижасида Сирдарё вилоятида кузатилиб, у 75,2 % ни ташкил этди.

2022 йил январь-декабрь ойларида корхона ва ташкилотларнинг кенгайтириш, реконструкция ва модернизацияга инвестициялар улуши бўйича юқори натижалар Андижон вилоятида – 46,6 % (6883,8 млрд. сўм), Қорақалпоғистон Республикасида – 45,0 % (4540,0 млрд. сўм), Наманган вилояти – 37,6 % (5400,5 млрд. сўм), Қашқадарё вилояти – 32,2 % (5204,9 млрд. сўм) ва Самарқанд вилоятида – 30,7 % га тенглиги (6745,4 млрд. сўм) кузатилди.

**Асосий капиталга инвестицияларнинг тақдор ишлаб чиқариш таркиби**  
(2022 йил январь-декабрь)

	Жами асосий капиталга инвестициялар, млрд.сўм	Жамига нисбатан % да:		
		янги қурилиш	кенгайтириш, реконструкция, модернизация	бошқа йўналишлар
<b>Ўзбекистон Республикаси <sup>1)</sup></b>	<b>269857,5</b>	<b>57,0</b>	<b>26,7</b>	<b>16,3</b>
Қорақалпоғистон Республикаси	10099,8	33,7	45,0	21,3
<i>вилоятлар:</i>				
Андижон	14758,6	41,5	46,6	11,9
Бухоро	21138,0	62,0	22,8	15,2
Жиззах	10763,1	50,3	20,3	29,4
Қашқадарё	16181,5	37,1	32,2	30,8
Навоий	19396,1	69,9	21,5	8,6
Наманган	14348,2	47,7	37,6	14,6
Самарқанд	21955,2	60,9	30,7	8,4
Сурхондарё	11507,3	66,2	22,9	10,8
Сирдарё	12574,7	75,2	14,4	10,4
Тошкент	34954,7	69,9	17,8	12,3
Фарғона	15396,7	62,0	23,8	14,2
Хоразм	8806,6	66,5	17,9	15,6
Тошкент ш.	56725,8	49,5	28,0	22,5

<sup>1)</sup> Худудлар бўйича тақсимланмаган ҳажмни қўшган ҳолда.

## 2- БЎЛИМ. АСОСИЙ КАПИТАЛГА ЎЗЛАШТИРИЛГАН ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЯ ВА КРЕДИТЛАР

2022 йилнинг январь-декабрь ойларида 112,2 трлн. сўм (доллар эквивалентида 10,2 млрд. АҚШ долл.) ёки 2021 йилга нисбатан 99,0 % асосий капиталга хорижий инвестиция ва кредитлар ўзлаштирилди.

Хорижий инвестиция ва кредитларнинг жами асосий капиталга ўзлаштирилган инвестициялардаги улуши 41,6 % ни ташкил этди.

### Хорижий инвестиция ва кредитлар, трлн. сўм




Тўғридан-тўғри хорижий инвестиция ва кредитлар ҳисобидан жорий даврда 97,0 трлн. сўм ўзлаштирилган бўлса, Ўзбекистон Республикаси кафолати остида 15,2 трлн. сўм хорижий кредитлар ўзлаштирилди.

Тўғридан-тўғри хорижий инвестиция ва кредитлар ҳамда Ўзбекистон Республикаси кафолати остидаги хорижий кредитларнинг жами хорижий инвестиция ва кредитлар ҳажмидаги улуши мос равишда 86,5 % ва 13,5 % ни ташкил этди.

Тўғридан-тўғри хорижий инвестиция ва кредитлар таркибида тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар 37,0 трлн. сўм ёки жамига нисбатан 38,1 % ни, бошқа инвестиция ва кафолатланмаган хорижий кредитлар 60,0 трлн.сўмни ёки жамига нисбатан 61,9 % ни ташкил этди.

### Хорижий инвестиция ва кредитлар таркиби, % да



Хорижий инвестиция ва кредитлар таркибида хорижий инвестициялар 45,2 трлн. сўмни ёки жамига нисбатан 40,2 % ни ва мос равишда хорижий кредитлар 67,0 трлн. сўмни ёки 59,8 % ни ташкил қилди.

Тўғридан тўғри хорижий инвестициялар – устав капиталда 10 фоиздан кам бўлмаган улушга эга хорижий инвесторнинг молиявий ва номолиявий қўйилмаларидир.

**Асосий капиталга ўзлаштирилган хорижий инвестиция ва кредитлар,  
млрд сўм**

	Жами	Шу жумладан:		
		тўғридан- тўғри хорижий инвестициялар	ЎЗР кафолати остида хорижий кредитлар	бошқа хорижий инвестиция ва кредитлар
<b>Ўзбекистон Республикаси</b>	<b>112 219,5</b>	<b>37 006,3</b>	<b>15 181,9</b>	<b>60 031,3</b>
Қорақалпоғистон Республикаси	3 932,6	230,9	1 269,7	2 432,0
<i>вилоятлар:</i>				
Андижон	6 954,2	2 052,5	547,0	4 354,7
Бухоро	11 999,5	2 484,8	1 383,8	8 130,8
Жиззах	4 786,0	1 421,3	429,9	2 934,7
Қашқадарё	7 517,1	1 131,5	1 710,5	4 675,1
Навоий	10 645,6	2 831,9	888,9	6 924,8
Наманган	4 919,1	689,7	670,1	3 559,2
Самарқанд	9 597,4	3 066,1	1 180,8	5 350,4
Сурхондарё	4 956,7	2 641,6	514,9	1 800,3
Сирдарё	9 738,2	7 414,6	401,4	1 922,2
Тошкент	11 514,0	3 981,1	1 347,3	6 185,5
Фарғона	7 102,5	2 597,9	774,5	3 730,1
Хоразм	2 700,9	612,9	333,7	1 754,3
Тошкент ш.	15 855,6	5 849,3	3 729,3	6 277,0

2022 йил январь-декабрь ойларида Ўзбекистон Республикасида қайта ишлаш саноатида хорижий инвестиция ва кредитлар салмоқли ўзлаштирилиб, 4771,7 млрд. сўмни ёки жами асосий капиталга ўзлаштирилган инвестицияларнинг 42,5 % ини ташкил этди.

Электр ва газ билан таъминлаш фаолият турида бу кўрсаткич 15820,1 млрд. сўмни ёки жами хорижий инвестиция ва кредитларнинг 14,1 % ини қайд этди.

**Иқтисодий фаолият турлари бўйича хорижий инвестициялар  
ва кредитлар**



**3- БЎЛИМ. ИЖТИМОЙ СОҲА ОБЪЕКТЛАРИНИНГ ҚУРИЛИШИ  
2022 йил январь-декабрь**

2022 йилнинг январь-декабрь ойларида умумий майдони 14189,0 минг кв.м турар жой ишга туширилиб, 2021 йилга нисбатан 101,0 % ни ташкил этди, улардан 96,1 % и ёки 13636,1 минг кв.м турар жойлар яқка тартибда қурилган бўлиб, 233,6 минг кв.м ёки 1,6 % и намунавий лойиҳалар асосида қурилган турар жойлар, 319,3 минг кв.м ёки 2,3 % бошқа хўжалик юритувчи субъектлар томонидан ишга туширилган турар жойларни ташкил этди.


2022 йил январь-декабрь ойларида турар жой қурилишида жами 20092,2 млрд. сўм инвестициялар ўзлаштирилиб, республика бюджети маблағлари ҳисобидан 274,4 млрд. сўм, корхона ва ташкилотнинг ўз маблағлари ҳисобидан 67,9 млрд. сўм, аҳоли маблағлари ҳисобидан 17663,5 млрд. сўм ва бошқа молиялаштириш манбалари ҳисобидан 2086,4 млрд. сўмни ташкил этди.

### Ўзбекистон Республикаси бўйича ижтимоий соҳа объектларини ишга




2022 йилнинг январь-декабрь ойларида Ўзбекистон Республикаси бўйича жами 4307,4 км сув тармоғи ишга туширилиб, 2021 йилга нисбатан 134,1 % ни ташкил этди. Таъкидлаш жоизки, ишга туширилган сув тармоқларининг 86,9 % и ёки 3741,3 кми қишлоқ жойларда жойлашган.

### Йиллар кесимида ишга туширилган сув тармоқлари, км




Газ тармоғи бўйича 2022 йилнинг январь-декабрь ойларида 37,5 км узунликдаги тармоқ ишга туширилган бўлиб, 2021 йилга нисбатан 87,6 % ни ташкил этди. Ишга туширилган газ тармоқларининг қишлоқ жойлардаги улуши 54,4 % ёки 20,4 кмни ташкил этди.

**Йиллар кесимида ишга туширилган газ тармоқлари, км**




Шунингдек, 2022 йилнинг январь-декабрь ойларида қуйида келтирилган ижтимоий соҳа объектлари ишга туширилди:


- 3492 ўринга мўлжалланган касалхона, **таққослаш учун йиллар кесимида:**



- 6145 қатновга мўлжалланган поликлиникалар, улардан 1105 қатновга мўлжалланган қисми қишлоқ врачлик пунктларини ташкил этди, **таққослаш учун йиллар кесимида:**



- 166,6 минг ўқувчи ўринли умумтаълим ва ихтисослаштирилган мактаблар янги қурилиш ва реконструкция ҳисобидан ишга туширилган бўлса, 159 мактаб капитал таъмирланди, **таққослаш учун йиллар кесимида:**



- 42716 ўринга мўлжалланган мактабгача таълим муассасалари.

Сув тармоғи қурилишида жами 2847,1 млрд. сўм, газ тармоқлари қурилишида 2,4 млрд. сўм, умумтаълим ва ихтисослаштирилган мактаблар қурилишида 2828,0 млрд. сўм, мактабгача таълим муассасалари қурилишида 1619,5 млрд. сўм инвестициялар ўзлаштирилди.

### Турар-жойларни ишга тушириш

	Хонадонлар сони, бирлик	Майдони, минг кв.м
<b>Ўзбекистон Республикаси</b>	<b>75 858</b>	<b>14 189,0</b>
Қорақалпоғистон Республикаси	5 719	899,2
<b>вилоятлар:</b>		
Андижон	6 076	1 278,2
Бухоро	6 707	1 495,8
Жиззах	2 670	523,0
Қашқадарё	6 159	1 153,0
Навоий	3 355	899,0
Наманган	10 182	1 399,8
Самарқанд	4 569	477,1
Сурхондарё	7 419	1 289,2
Сирдарё	572	99,4
Тошкент	7 578	1 593,2
Фарғона	6 314	1 302,8
Хоразм	4 116	1 069,0
Тошкент ш.	4 310	704,4


### 4- БЎЛИМ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ФАОЛИЯТ КЎРСАТАЁТГАН ҚУРИЛИШ КОРХОНАЛАРИ

2023 йилнинг 1 январь ҳолатига Ўзбекистон Республикасида қурилиш фаолияти билан шуғулланаётган корхона ва ташкилотларнинг умумий сони 46 971 тани ташкил этди.

Шунингдек, 2022 йилнинг январь-декабрь ойларида жами 4807 та янги қурилиш корхонаси ташкил этилиб, уларнинг фаолият кўрсатаётган корхоналарга нисбати 10,2 % ни ташкил этди.

Қурилиш корхоналарининг катта қисми, яъни 9 634 таси ёки республикадаги жами корхоналарнинг 20,5 % и Тошкент шаҳрида жойлашган.

**2023 йил 1 январь ҳолатига қурилиш корхоналари сони, бирлик**



Шунингдек Тошкент вилоятида 4 122 та (республика бўйича жами қурилиш корхоналарининг 8,8 % и ) ва Фарғона вилоятида 3 968 та (8,4 %) қурилиш корхоналари мавжуд бўлиб, қолган ҳудудларга нисбатан каттароқ кўрсаткичга эга.

**Ҳудудлар кесимида**

Тошкент ш.	9 634
Тошкент	4 122
Самарқанд	3 559
Қашқадарё	3 497
Андижон	3 378
Сурхондарё	3 047
Бухоро	3 004
Қорақалпоғистон Р.	2 501
Наманган	2 454
Жиззах	2 205
Хоразм	2 176
Навой	1 771
Сирдарё	1 655

**Иқтисодий фаолият турлари бўйича**




**5- БЎЛИМ. ҚУРИЛИШ ИШЛАРИ**

**2022 йил январь-декабрь**

2022 йилнинг январь-декабрь ойларида Ўзбекистон Республикасида жами 130767,1 млрд. сўм қурилиш ишлари бажарилиб, ўсиш суръати 2021 йилга нисбатан 106,6 % ни ташкил этди.

**Қурилиш ишларининг ўсиш суръатлари динамикаси, % да**






Қурилиш ишларининг иқтисодий фаолият турлари бўйича кўрсаткичлари шуни кўрсатдики, бино ва иншоотлар қурилиши 68,4 % улушни (ўсиш суръати 2021 йилга нисбатан 104,4 %), фуқаролик объектлари қурилиши 21,5 % (102,7 %) ва ихтисослаштирилган қурилиш ишлари 10,1 % (138,2 %)ни ташкил этди.

Амалдаги статистик кузатув шаклларида 2015 йилнинг 1 январидан бошлаб, “Ўзбекистон Республикаси иқтисодий фаолият турлари бўйича маҳсулотлар (маҳсулот, иш, хизмат) статистик таснифлагичи (МСТ)”га мувофиқ “Қурилиш” фаолияти бўйича “фаолият тури бўйича ўз кучи билан амалга оширилган ишлар ҳажми” кўрсаткичи қўлланилади.

### Иқтисодий фаолият турлари бўйича қурилиш ишлари

Бино ва иншоотлар қурилиши 89379,6 млрд. сўм



Жами ҳажм 130 767,1 млрд. сўм

2022 йил январь-декабрь ойларида бажарилган қурилиш ишларининг катта қисми янги бино ва иншоотларни қуришга тегишли. Жами қурилиш ишларининг 68,6 % и ёки 89695,5 млрд. сўм қурилиш ишлари айнан иқтисодиётда янги ишлаб чиқариш қувватлари, турар-жой ва бошқа ижтимоий объектларни яратишга қаратилган.

### Қурилиш ишларининг умумий ҳажмидан янги қурилиш ишлари




**2022 йил январь-декабрь ойларида ҳудудлар кесимида янги қурилиш ишлари**

	<i>Янги қурилиш, реконструкция, кенгайтириш, техник қайта қуроллантириш</i>	<i>Ўсиш суръати, % да</i>
<b>Ўзбекистон Республикаси<sup>1)</sup></b>	<b>89 695,5</b>	<b>100,0</b>
Қорақалпоғистон Республикаси	3 398,0	3,8
<i>вилоятлар:</i>		
Андижон	4 902,1	5,5
Бухоро	5 569,7	6,2
Жиззах	2 790,5	3,1
Қашқадарё	4 954,7	5,5
Навоий	3 811,1	4,2
Наманган	5 362,6	6,0
Самарқанд	6 229,8	6,9
Сурхондарё	4 886,2	5,4
Сирдарё	2 072,0	2,3
Тошкент	6 278,8	7,0
Фарғона	6 424,8	7,2
Хоразм	3 900,8	4,3
Тошкент ш.	18 900,1	21,1

2022 йил январь-декабрь ойларида ҳудудлар кесимида янги қурилиш ишлари бўйича юқори ҳажм, Тошкент шаҳри (18 900,1 млрд.сўм), Фарғона вилояти (6 424,8 млрд. сўм), Тошкент вилоятида (6 278,8 млрд. сўм) ва Самарқанд вилояти (6 229,8 млрд. сўм) да қайд этилди.

**Бино ва иншоотлар қурилиши**



<sup>1)</sup> Ҳудудлар бўйича тақсимланмаган ҳажмни қўшиган ҳолда.

### Худудлар кесимида бино ва иншоотлар қурилиши ҳажми ва ўсиш суръати

	Бино ва иншоотлар қурилиши	Ўсиш суръати, % да
<b>Ўзбекистон Республикаси<sup>1)</sup></b>	<b>89 379,6</b>	<b>104,4</b>
Қорақалпоғистон Республикаси	2 955,7	96,6
<i>вилоятлар:</i>		
Андижон	5 273,8	107,8
Бухоро	5 437,6	100,3
Жиззах	2 788,0	133,5
Қашқадарё	5 611,7	107,9
Навоий	4 663,1	109,4
Наманган	4 963,8	112,5
Самарқанд	2 535,6	44,2
Сурхондарё	4 850,0	112,5
Сирдарё	2 336,1	111,7
Тошкент	7 417,4	88,6
Фарғона	6 500,3	117,8
Хоразм	3 534,0	101,3
Тошкент ш.	20 298,2	107,2

Бино ва иншоотларни қуриш фаолият тури бўйича бажарилган қурилиш ишларининг энг юқори ўсиш суръати Жиззах (2021 йилга нисбатан 133,5 %), Фарғона (117,8 %) Наманган (112,5 %) ва Сурхондарё (112,5 %) вилоятларига тўғри келди.

#### Фуқаролик объектлари қурилиши

Фуқаролик объектларини қуриш бўйича йирик қурилиш ташкилотлари томонидан бажарилган қурилиш ишлари ҳажмининг улуши 30,5 % ни ташкил этди ва 2021 йилга нисбатан 6,0 % пунктга камайди.

Шунингдек, кичик корхона ва микрофирмалар улуши мос равишда 69,4 % (6,0 % пунктга кўпайиш) ҳамда норасмий секторнинг улуши 0,1 % ни ташкил этди.

<sup>1)</sup> Худудлар бўйича тақсимланмаган ҳажмни қўшган ҳолда.

Худудлар кесимида фуқаролик объектлари қурилиши ҳажми ва ўсиш суръати

	Фуқаролик объектлари қурилиши, млрд. сўм	Ўсиш суръати, % да
Ўзбекистон Республикаси <sup>1)</sup>	28 138,9	102,7
Қорақалпоғистон Республикаси	1 684,1	115,7
<i>вилоятлар:</i>		
Андижон	1 125,2	103,4
Бухоро	2 031,8	97,8
Жиззах	412,9	42,3
Қашқадарё	1 384,3	88,8
Навоий	1 151,7	110,7
Наманган	445,8	36,7
Самарқанд	5 976,9	3,2 м.
Сурхондарё	1 319,0	69,8
Сирдарё	775,4	74,7
Тошкент	2 724,4	140,4
Фарғона	1 624,8	99,3
Хоразм	1 152,4	103,2
Тошкент ш.	6 330,3	76,6

Фуқаролик объектларини қуриш фаолият тури бўйича бажарилган қурилиш ишларининг энг юқори ўсиш суръати Самарқанд (2021 йилга нисбатан 3,2 марта), Тошкент (140,4 %) вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикаси (115,7 %)га тўғри келди.

Ихтисослашган қурилиш ишлари, % да

Жамига нисбатан 24,2

Йирик ташкилотлар  
томонидан бажарилган ишлар  
улуши 24,2 % ни ташкил этиб  
2021 йилга нисбатан  
2,1 % га кўпайди.



Жамига нисбатан 75,8

75,8 % и кичик корхона ва  
микрофирмалар ҳиссасига тўғри  
келиб, 2021 йилга нисбатан  
2,1 % пунктга камайди.



<sup>1)</sup> Худудлар бўйича тақсимланмаган ҳажми қўшиган ҳолда.


Қурилиш ишлари ҳажмига юридик ва жисмоний шахслар томонидан қурилиш пудрат шартномалари асосида ва ҳўжалик усулида бажарилган ишлар, шунингдек, сотиш учун мўлжалланган объектлар киритилади.

### Худудлар кесимида ихтисослаштирилган қурилиш ишлари ҳажми ва ўсиш суръати

	Ихтисослаштирилган қурилиш ишлари	Ўсиш суръати, % да
Ўзбекистон Республикаси <sup>1)</sup>	13248,5	138,2
Қорақалпоғистон Республикаси	649,8	162,7
вилоятлар:		
Андижон	339,2	111,6
Бухоро	871,0	106,2
Жиззах	230,4	155,1
Қашқадарё	835,1	130,4
Навоий	247,8	102,7
Наманган	1352,7	2,7 м.
Самарқанд	249,7	76,1
Сурхондарё	376,4	168,5
Сирдарё	176,3	124,3
Тошкент	2002,0	2,2 м.
Фарғона	433,0	97,9
Хоразм	205,3	110,9
Тошкент ш.	5279,8	121,0

Ихтисослаштирилган қурилиш ишлари фаолият тури бўйича бажарилган қурилиш ишларининг энг юқори ўсиш суръати Наманган (2021 йилга нисбатан 2,7 марта), Тошкент (2,2 марта), Сурхондарё (168,5 %) вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикаси (162,7 %)га тўғри келди.

### Корхона турлари бўйича қурилиш ишлари



Йирик ташкилотлар томонидан бажарилган қурилиш ишлари ҳажми 37146,3 млрд. сўмни ташкил этди. 2021 йилга нисбатан кўриб чиқилаётган даврда қурилиш ишларининг ўсиш суръати 110,0 % га етди ва уларнинг умумий ҳажмдаги улуши 0,9 % га ошиб, 28,4 % ни ташкил этди.

<sup>1)</sup> Худудлар бўйича тақсимланмаган ҳажмни қўшган ҳолда.

Йирик ташкилотлар томонидан бажарилган қурилиш ишларининг жами қурилиш ишлари ҳажмидаги энг кўп улуши Тошкент шаҳри (ҳудуддаги жами қурилиш ишлари ҳажмининг 36,9 % и), Қашқадарё (26,8 % и) ва Тошкент (25,0 % и) вилоятларига тўғри келди.


**Қурилиш ишлари ҳажмида йирик ташкилотлар улуши, % да**



Кичик корхона ва микрофирмалар томонидан бажарилган қурилиш ишлари ҳиссасига жами қурилиш ишлари ҳажмининг 52,7 % и тўғри келиб, 2021 йилга нисбатан 0,2 % пунктга кўпайди. Шунингдек, улар ҳиссасига тўғри келган қурилиш ишлари ҳажми 2021 йилга нисбатан 106,3 % ни ташкил этган ҳолда 68953,3 млрд. сўм миқдорида қайд этилди.

Кўриб чиқилаётган даврда кичик корхоналар ва микрофирмалар томонидан бажарилган қурилиш ишларининг энг катта ҳажми Тошкент шаҳрида (17425,5 млрд. сўм ёки умумий кўрсаткичнинг 54,6 % и), Тошкент (6326,4 млрд. сўм ёки 52,1 % и) ва Самарқанд (5791,4 млрд. сўм ёки 66,1 % и) вилоятларида қайд этилди.

**Қурилиш ишлари ҳажмида кичик корхона ва микрофирмалар улуши, % да**



Норасмий секторда қурилиш ишларининг улуши 18,9 фоизни ёки 24667,5 млрд. сўмни ташкил этиб, 2021 йилга нисбатан ўсиш суръати 102,9 фоизга етди. Шундан 17606,4 млрд. сўми яқка тартибдаги уй-жой қурилишига тўғри келиб, 2021 йилга нисбатан 103,4 фоизни, жисмоний шахслар томонидан нотурар-жойлар қурилиши 3878,5 млрд. сўмни ва ўсиш суръати 100,2 фоизни, 3182,6 млрд. сўмлик яқка тартибда турар-жойларни таъмирлаш ишлари бажарилиб, ўсиш суръати 103,4 фоизни ташкил этди.

2022 йил январь-декабрь ойларида норасмий сектор томонидан бажарилган қурилиш ишларининг энг катта ҳажми Тошкент вилоятида (2784,7 млрд. сўм ёки 2021 йилга нисбатан ўсиш суръати 103,6 % ни ташкил этди), Тошкент шаҳрида (2697,1 млрд. сўм ёки 90,0 %), Бухоро вилояти (2357,2 млрд. сўм ёки 111,0 %) ва Наманган вилоятида (2321,0 млрд. сўм ёки 111,8 %) қайд этилди.


### Қурилиш ишлари ҳажмида норасмий сектор улуши, % да



Давлат мулкчилигидаги ташкилотлар томонидан жами 4490,4 млрд. сўм қурилиш ишлари бажарилди. Нодавлат мулкчилигидаги ташкилотлар томонидан эса 126276,7 млрд. сўм қурилиш ишлари бажарилди. Уларнинг республикадаги улуши мос равишда 3,4 % ва 96,6 % ни ташкил этди.

Нодавлат мулк объектлари томонидан бажарилган қурилиш ишлари ҳажмида энг юқори улуш Сурхондарё вилоятида (ушбу вилоятдаги қурилиш ишлари умумий ҳажмининг 99,5 фоизи), Жиззах вилоятида (99,0 фоизи) ва Самарқанд вилоятида (98,1 фоизи) қайд этилди.

### Мулкчилик шакллари бўйича қурилиш ишлари, млрд сўм



Хўжалик усулида бажарилган ишлар ҳажми қурилиш эгаси томонидан ҳисобот даврида қурилиш ишларига сарфланган харажатларидан келиб чиқиб аниқланади.

**Худудлар кесимида аҳоли жон бошига қурилиш ишлари**

	<i>Аҳоли жон бошига қурилиш ишлари, минг сўм</i>	<i>Ўсиш суръати, % да</i>
<b>Ўзбекистон Республикаси</b>	<b>3 668,3</b>	<b>104,4</b>
Қорақалпоғистон Республикаси	2 695,5	106,2
<i>вилоятлар:</i>		
Андижон	2 049,3	105,0
Бухоро	4 184,2	98,7
Жиззах	2 351,0	104,1
Қашқадарё	2 272,9	103,6
Навоий	5 803,2	107,1
Наманган	2 281,2	107,9
Самарқанд	2 150,3	107,8
Сурхондарё	2 358,7	99,6
Сирдарё	3 704,2	98,5
Тошкент	4 094,1	105,9
Фарғона	2 174,1	110,4
Хоразм	2 519,9	100,4
Тошкент ш.	10 968,8	98,0

Худудлар кесимида 2022 йил январь-декабрь ойларида аҳоли жон бошига қурилиш ишлари ҳажми бўйича биринчи ўринни Тошкент шаҳри 10968,8 минг сўм (ёки, 2021 йилга нисбатан 98,0 %) кўрсаткич билан эгаллади, ундан кейинги ўринларни мос равишда Навоий вилояти – 5803,2 минг сўм (107,1 %), Бухоро вилояти – 4184,2 минг сўм (98,7 %), Тошкент вилояти – 4094,1 минг сўм (105,9 %), Сирдарё вилояти – 3704,2 минг сўм (98,5 %) эгаллади.



## Статистик кўрсаткичларга изоҳлар

**Номолиявий активларга киритилган инвестициялар бу** – реал маблағларни яратишга йўналтирилган инвестициялар бўлиб, қуйидагиларни ўз ичига олади: асосий капиталга ўзлаштирилган инвестициялар, капитал таъмирлашга харажатлар, номоддий активларга киритилган инвестициялар (патентлар, лицензиялар, дастурий маҳсулотлар, ер майдонларидан ва табиий ресурслардан фойдаланиш ҳуқуқлари ва бошқалар).

**Асосий капиталга ўзлаштирилган инвестицияларга** барча турдаги қурилиш ишларига қилинган харажатлар; асбоб-ускуналарни монтаж қилиш бўйича харажатлар; машина, асбоб-ускуналар (монтаж талаб этиладиган ва талаб этилмайдиган), транспорт воситалари, жиҳоз ва хўжалик инвентарини сотиб олиш; бошқа капитал ишлар ва харажатлар киради. Асосий капиталга ўзлаштирилган инвестициялар ҳажми тўғрисидаги маълумотлар, илгари бошқа ташкилотларнинг асосий фондларида ҳисобга олинган асбоб-ускуналар, бинолар ва иншоотлар (ёки уларнинг эҳтиёт қисмлари)ни сотиб олишга қилинган харажатларсиз келтирилган.

**Чет эл инвестициялари** – асосан келгусида фойда олиш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги корхона ва ташкилотларга киритилган чет эл капиталлари.

**Инвесторлар** – юридик ва жисмоний шахслар бўлиб, қарорларни қабул қилувчи ва ўз маблағлари, қарз маблағлари ёки жалб қилинган маблағларни инвестиция кўринишида инвестицион лойиҳаларга киритишни амалга оширувчи ҳамда улардан мақсадли фойдаланилишини таъминлаб берувчи инвестицион фаолият субъектлари ҳисобланади.

**Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар бу** – корхонага тўлиқ эгалик қилувчи ёки корхона акционерлик капиталининг 10 фоизидан кам бўлмаган қисмини назорат қилувчи, яъни корхонани бошқаришда иштирок этиш ҳуқуқи эга бўлган, тўғридан-тўғри хорижий инвестор юридик ёки жисмоний шахс томонидан киритилган инвестициялар.

**Буюртмачилар** – инвестицион жараённинг қатнашчилари. Буюртмачи сифатида инвесторнинг ўзи, шунингдек, инвестор томонидан амалдаги корхоналарни, биноларни, иншоотларни янги қурилиши, қайта таъмирлаш, кенгайтириш ва техник қайта қурулантиришни амалга оширишлари учун вакил этиб тайинланган жисмоний ва юридик шахслар фаолият кўрсатишлари мумкин. Шу билан бирга буюртмачи инвестицион жараён қатнашчиларининг тадбиркорлик ва бошқа фаолиятига, агарда улар орасидаги шартномада назарда тутилмаган бўлса, аралашмасликлари лозим.


**Пудратчи** – капитал қурилиш учун пудрат шартномаси асосида бино ва иншоотларни қуриш бўйича қурилиш-монтаж, қайта таъмирлаш, капитал таъмирлаш ҳамда технологик ва бошқа ускуналарни монтаж қилиш, созлаш ва бошқа пудрат ишларини бажариш билан шуғулланади.

## V. ХИЗМАТЛАР

### 1 БЎЛИМ. ХИЗМАТЛАР СОҲАСИДА ФАОЛИЯТ КЎРСАТАЁТГАН КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАР ТЎҒРИСИДА МАЪЛУМОТ

2023 йил 1 январь ҳолатига кўра, мамлакатда фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотларнинг умумий сони 592 371 бирликни ташкил этди. Хизматлар соҳасида 392 787 бирлик корхона ва ташкилотлар фаолият кўрсатмоқда, бу уларнинг умумий сонининг 66,3 % ини ташкил этди. Ўтган йилнинг мос даврига нисбатан ўсиш суръати 113,0 % ни ташкил этган.

**Хизматлар соҳасида жами фаолият  
кўрсатаётган корхона ва ташкилотлар,  
бирликда**  
(1 январь ҳолатига кўра)



**Таққослаш учун:**

2019 йил 1 январь ҳолатига кўра, хизматлар соҳасида фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотларнинг улуши 65,8 % ни, яъни 213 075 бирликни ташкил этган. Ўтган йилнинг мос даврига нисбатан уларнинг ўсиш суръати 111,4 % ни ташкил этган.


2023 йил 1 январь ҳолатига кўра хизмат кўрсатаётган корхона ва ташкилотлар умумий сонининг (523 556 бирлик) 325 809 бирлиги кичик тадбиркорлик субъектлари ҳисобланади. Уларнинг хизматлар соҳасига оид фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотларнинг умумий сонидagi улуши 82,9 % ни ташкил этди. Хизмат кўрсатиш фаолияти билан шуғулланувчи йирик ташкилотларнинг улуши 17,1 % ни (66 978 бирлик) ташкил этди.

**Таққослаш учун:**

2019 йил 1 январь ҳолатига кўра, хизматлар соҳасида фаолият кўрсатаётган кичик тадбиркорлик субъектлари сони 153 767 бирликни ёки уларнинг умумий сонининг 72,2 % ини ташкил этган. Ўтган йилнинг мос даврига нисбатан уларнинг ўсиш суръати 112,4 % ни ташкил этган.

**Хизматлар соҳасида жами фаолият  
кўрсатаётган корхона ва ташкилотлар,  
бирликда**

(1 январь ҳолатига кўра)



■ Кичик тадбиркорлик субъектлари

■ Йирик корхоналар

## 2 БЎЛИМ. ХУДУДЛАР КЕСИМИДА ХИЗМАТЛАР СОҲАСИНИНГ РИВОЖЛАНИШИ

Хизматлар соҳаси бу — корхоналар, ташкилотлар, шунингдек, жисмоний шахслар томонидан кўрсатиладиган турли хил хизматлар, ишлаб чиқаришни ўз ичига олган умумлаштирилган тоифадир.

### Худудлар кесимида кўрсатилган бозор хизматларининг асосий кўрсаткичлари<sup>1)</sup>

Худудларнинг номи	Ҳажм, млрд. сўмда	Умумий ҳажмга нисбатан улуши, % да	Ўсиш суръати, % да	
			2021 й.	2020 й.
Ўзбекистон Республикаси <sup>2)</sup>	357 554,5	100,0	115,9	119,5
Қорақалпоғистон Респ.	10 421,9	2,9	115,7	121,5
<i>вилоятлар:</i>				
Андижон	17 642,4	4,9	112,9	118,3
Бухоро	15 780,0	4,4	115,8	118,0
Жиззах	7 984,0	2,2	115,7	117,8
Қашқадарё	15 945,8	4,5	114,1	114,4
Навоий	9 247,2	2,6	114,2	118,3
Наманган	14 722,6	4,1	116,6	119,7
Самарқанд	22 734,9	6,4	114,9	119,0
Сурхондарё	12 878,0	3,6	114,5	120,1
Сирдарё	5 029,8	1,4	112,5	118,8
Тошкент	25 994,9	7,3	113,2	117,8
Фарғона	21 960,3	6,1	114,5	117,4
Хоразм	10 303,2	2,9	114,6	118,9
Тошкент шаҳри	137 358,1	38,4	118,2	123,4

2022 йилнинг январь-декабрь ойларида бозор хизматларининг умумий ҳажмида Тошкент шаҳрининг улуши 38,4 %, яъни 137 358,1 млрд. сўмни ташкил этди. 2021 йилга нисбатан ушбу ҳудудда ўсиш суръати 118,2 % га етган.

Сирдарё вилоятида кўрсатилган бозор хизматлари ҳажми 5 029,8 млрд. сўмни ёки жами хизматлар ҳажмининг 1,4 % ини ташкил этди. Ўсиш суръати 112,5 % га етди.


Хизматлар соҳасининг ривожланиши аҳолининг ҳудудий ва ижтимоий, янги иқтисодий ҳудудларни ўзлаштиришни, ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишни ва моддий неъматларни истеъмол қилишни таъминлайди.

2022 йилнинг январь-декабрь ойларида аҳоли жон бошига кўрсатилган бозор хизматлари ҳажми 10 030,1 минг сўмга етди. 2021 йилга нисбатан ўсиш суръати 113,5 % ни ташкил этган.

<sup>1)</sup> Шу ва кейинги ўринларда 2018-2021 йиллар учун аниқлик киритилган маълумотлар келтирилган

<sup>2)</sup> Худудлар бўйича тақсимланмаган ҳажмларни ҳисобга олган ҳолда

Аҳоли жон бошига хизматларнинг асосий кўрсаткичлари  
Хизматлар ҳажми (млн. сўмда)      Ўсиш суръати



Худудлар кесимида хизматлар  
ҳажми ва ўсиш суръати  
(2022 йил январь-декабрь)

Худуд	Ҳажм, минг сўмда	Ўсиш суръати, % да
Ўзбекистон Республикаси	10 030,1	113,5
Қорақалпоғистон Республикаси	5 310,8	114,2
Андижон	5 365,5	110,6
Бухоро	7 916,5	114,0
Жиззах	5 470,4	113,1
Қашқадарё	4 628,0	111,6
Навоий	8 851,5	111,9
Наманган	4 966,6	114,1
Самарқанд	5 579,2	112,5
Сурхондарё	4 640,7	111,9
Сирдарё	5 666,8	110,2
Тошкент	8 763,7	111,2
Фарғона	5 578,8	112,3
Хоразм	5 307,6	112,7
Тошкент ш.	47 218,3	114,6


Аҳоли сони хизматлар соҳасининг ўртача жон бошини ривожланиш кўрсаткичига муҳим таъсир кўрсатмоқда. Масалан, аҳоли сони нисбатан кам бўлган Навоий ва Бухоро вилоятларида аҳоли жон бошига кўрсаткичлар аҳоли зич жойлашган вилоятлар: Қашқадарё, Наманган ва Андижон вилоятларига қараганда яхшироқ кўринади.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, саноати ривожланган ҳудудлар (қазиб олиш саноати бундан мустасно) Навоий ва Тошкент вилоятлари ҳамда, Тошкент шаҳрида хизматлар соҳасининг аҳоли жон бошига ўртача кўрсаткичлари Хоразм, Наманган ва Сурхондарё вилоятларига нисбатан юқори эканлигини кўрсатмоқда.

### Хизматлар соҳасида кичик тадбиркорлик

Кичик тадбиркорлик сектори иқтисодиётнинг барқарор ўсишига, янги иш ўринларини яратишга, даромадларни оширишга ва аҳоли фаровонлигини таъминлашга ёрдам беради.

#### Хизматлар ҳажми (трлн. сўмда)



#### Ўсиш суръати




2022 йил январь-декабрь ойларида кичик тадбиркорлик субъектлари томонидан кўрсатилган хизматлар ҳажми 173 157,7 млрд. сўмга тенг бўлиб, кўрсатилган бозор хизматларининг умумий ҳажмида уларнинг улуши 48,4 % ни, шу жумладан, 19,4 % ини кичик корхона ва микрофирмалар ташкил этди.

2022 йилнинг январь-декабрь ойларида Тошкент шаҳрида кичик тадбиркорлик ҳажми 51 124,7 млрд. сўм даражасида қайд этилди.

Сирдарё вилоятида эса унинг ҳажми 2 619,7 млрд. сўмга тенг бўлди.

#### Хизматлар соҳасида кичик корхона ва микрофирмаларнинг улуши (январь-декабрь)



■ Кичик корхона ва микрофирмалар

#### Ҳудудлар кесимида хизматлар соҳасидаги кичик тадбиркорлик (2022 йил январь-декабрь)

Ҳудудлар	Хизматлар ҳажми, млрд. сўмда	Улуши, % да	Ўсиш суръати, % да
Ўзбекистон Респ.	173 157,7	48,4	108,5
Қорақалпоғистон Респ.	5 204,2	49,9	110,6
Андижон	11 698,7	66,3	112,0
Бухоро	9 664,4	61,2	107,6
Жиззах	4 763,5	59,7	110,9
Қашқадарё	10 724,4	67,3	110,0
Навоий	5 376,4	58,1	113,0
Наманган	9 713,5	66,0	113,4
Самарқанд	15 458,4	68,0	113,1
Сурхондарё	8 417,2	65,4	112,0
Сирдарё	2 619,7	52,1	110,0
Тошкент	17 845,4	68,6	108,9
Фарғона	14 150,6	64,4	107,2
Хоразм	6 396,6	62,1	110,2
Тошкент шаҳри	51 124,7	37,2	104,1

### 3 БЎЛИМ. ХИЗМАТЛАР СОҲАСИ РИВОЖЛАНИШИНИНГ АСОСИЙ КЎРСАТКИЧЛАРИ


Хизматлар соҳаси аҳолининг барча қатламларини қамраб олади ва жамиятда рўй бераётган деярли барча ижтимоий-иқтисодий жараёнларга таъсир қилади, бу эса ушбу масаланинг долзарблиги ва аҳамиятини белгилайди.

Бозор муносабатларининг ривожланиши, шунингдек, мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотлар шароитида хизматлар соҳасида сезиларли ўзгаришлар кузатилмоқда.

2018 йилга нисбатан (150,9 трлн. сўм) 2022 йил январь-декабрь ойларида (357,6 трлн. сўм) кўрсатилган бозор хизматлари ҳажми 206,7 трлн. сўмга ошди. 2018- йилдан 2022 йилнинг январь-декабрига қадар бўлган даврда кўрсатилган бозор хизматлари ҳажмининг ўсиш суръати 175,9 % га етди.

Кўриб чиқилаётган даврларда кўрсатилган бозор хизматлари ҳажмининг ўсиш омили молиявий хизматлар (59,1 трлн. сўмга), алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари (12,6 трлн. сўмга), таълим хизматлари (10,0 трлн. сўмга) каби хизматлар ҳажмининг ўсишидир.

#### 2018-2022- йилларда Ўзбекистон Республикасида хизматлар соҳасининг асосий кўрсаткичлари динамикаси



Постиндустриал трансформация хизматлар соҳасини дунёнинг барча ривожланган ва бир қатор ривожланаётган мамлакатларда ЯИМ ҳажми бўйича етакчига айлантирди. Масалан, Россия ва Қозоғистонда хизматлар соҳасининг ЯИМдаги улуши 53 % дан ортиқни ташкил этди.

Ўзбекистонда бу кўрсаткич 2021 йил якунига қўра 39,6 % ни ташкил этган.

Маълумот учун: хизматлар соҳасининг ЯИМга нисбатан фоизда қўшилган қиймати




**4 БЎЛИМ. ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ ТУРЛАРИ БЎЙИЧА КЎРСАТИЛГАН БОЗОР ХИЗМАТЛАРИ**

Бугунги кунда хизматлар соҳаси замонавий миллий иқтисодиётнинг энг муҳим тармоқларидан биридир. Ушбу тармоқ анъанавий фаолият билан чекланиб қолмайди, у жамият ҳаётида ўз иштирокини доимий равишда кенгайтириб боради, ижтимоий ишлаб чиқаришга интеграциялашган, шунингдек, иқтисодиётнинг деярли барча соҳалари билан ўзига хос алоқалар орқали боғланган.

Кўрсатилган бозор хизматлари умумий ҳажми ўсишининг асосий омилли молиявий хизматларнинг 29,3 % га ўсиши (кўрсатилган хизматлар умумий ҳажмининг ўсишига қўшган ҳиссаси 6,1 пункт), транспорт хизматлари – 12,4 % га (ўсишга қўшган ҳиссаси 2,9 пункт), савдо хизматлари – 9,0 % га (ўсишга қўшган ҳиссаси 2,3 пункт), алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари – 25,5 % га (ўсишга қўшган ҳиссаси 1,6 пункт), таълим хизматлари – 15,3 % га (ўсишга қўшган ҳиссаси 0,7 пункт), бошқа хизматлар – 17,0 % га (ўсишга қўшган ҳиссаси 0,6 пункт), яшаш ва овқатланиш хизматлари – 14,7 % га (ўсишга қўшган ҳиссаси 0,4 пункт) шунингдек, кўчмас мулк билан боғлиқ хизматлар – 11,1 % га (кўрсатилган хизматларнинг умумий ҳажмининг ўсишига қўшган ҳиссаси 0,3 пункт)ни ташкил этди.

**Кўрсатилган бозор хизматлари умумий ҳажмининг ўсишида турлари бўйича хизматларнинг ҳиссаси, % да (2022 йил январь-декабрь)**



Иқтисодий фаолият турлари бўйича кўрсатилган бозор хизматлари

Хизмат турларининг номи	Хизматлар ҳажми, млрд. сўмда		Улуши, % да	Ўсиш суръати, % да
	2021 й.	2022 й.		
<b>Хизматлар – жами</b>	<b>284 388,1</b>	<b>357 554,5</b>	<b>100,0</b>	<b>115,9</b>
<i>шу жумладан асосий турлари бўйича:</i>				
алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари	17 755,1	22 917,6	6,4	125,5
молиявий хизматлар	59 733,3	80 431,0	22,5	129,3
транспорт хизматлари	67 202,9	81 006,6	22,7	112,4
<i>шу жумладан: автотранспорт хизматлари</i>				
яшаш ва овқатланиш хизматлари	8 375,4	11 322,8	3,2	114,7
савдо хизматлари	72 483,2	88 847,9	24,8	109,0
кўчмас мулк билан боғлиқ хизматлар	8 081,1	9 674,3	2,7	111,1
таълим соҳасидаги хизматлар	12 102,6	15 395,7	4,3	115,3
соғлиқни сақлаш соҳасидаги хизматлар	5 105,9	6 384,2	1,8	111,5
ижара хизматлари	5 351,0	6 444,3	1,8	112,2
компютерлар ва маиший товарларни таъмирлаш бўйича хизматлар	4 680,5	5 842,3	1,6	109,0
шахсий хизматлар	6 799,8	8 713,9	2,4	107,0
меъморчилик, муҳандислик изланишлари, техник синовлар ва таҳлил соҳасидаги хизматлар	6 306,8	7 338,2	2,1	107,7
бошқа хизматлар	10 410,5	13 235,7	3,7	117,0

2022 йил январь-декабрь ойларида иқтисодий фаолият турлари бўйича кўрсатилган бозор хизматлари таркибида савдо хизматлари 24,8 %, транспорт хизматлари – 22,7 %, молиявий хизматлар – 22,5 %, алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари – 6,4 %, таълим соҳасидаги хизматлар – 4,3 % ни эгаллайди.

**Таққослаш учун:** 2021 йилда хизматларнинг умумий ҳажмида савдо хизматлари 25,5 %, транспорт хизматлари – 23,6 %, молиявий хизматлар – 21,0 %, алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари 6,2 %, таълим хизматлари – 4,3 % ни ташкил этди.





### Савдо хизматлари

2023 йил 1 январь ҳолатига кўра, хизматлар соҳасида фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотлар таркибида савдо фаолияти билан шуғулланувчи корхона ва ташкилотлар улуши (46,6 % ёки 182,9 минг бирлик) устунлик қилмоқда. Улардан 99,6 % ни (182,2 минг бирлик) кичик бизнес субъектлари ташкил этади.

**Савдо хизматлари ҳажми** – амалдаги нархлардаги ялпи даромад қиймати, яъни сотилган товарларнинг сотиб олиш ва сотиш нархлари орасидаги фарқининг умумий қиймати сифатида ҳисобга олинади. Агар товарлар бошқа шахс манфаатлари учун олди-сотди шартномалар, комиссиялар ёки агентлик шартномалари асосида сотилган тақдирда хизматлар қиймати мукофот миқдори сифатида акс эттирилади.

2022 йил январь-декабрь ойларида савдо хизматлари ҳажми 88 847,9 млрд. сўмга етди.




### Транспорт хизматлари

2023 йил 1 январь ҳолатига кўра, ташиш ва сақлаш билан боғлиқ фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотлар сони 20 666 бирликни ёки уларнинг умумий сонининг 5,3 % ини ташкил этди. Улардан 20 451 бирлиги (99,0 %) кичик бизнес субъектлари ҳисобланади.


**Транспорт хизматларининг ҳажми** – амалдаги нархларда транспорт турлари бўйича транспорт жараёнига (юкларни тушириш ва юклаш ишлари, транспорт-экспедиторлик хизматлари, транспорт хизмати ва бошқалар) бевосита боғлиқ бўлган ташиш ва бошқа фаолиятдан олинган даромад суммаси сифатида аниқланади.

2022 йилнинг январь-декабрь ойларида транспорт хизматлари ҳажми 81 006,6 млрд. сўмни ташкил этиб, 2021 йилга нисбатан ушбу хизмат турининг ўсиш суръати 112,4 % ни ташкил этди.

Хизматлар ҳажми (трлн. сўмда)



Ўсиш суръати




Худудлар кесимида транспорт хизматлари  
(2022 йил январь-декабрь)

Худудлар	Хизматлар ҳажми, млрд. сўмда	Улуши, % да	Ўсиш суръати, % да
Ўзбекистон Респ. <sup>1)</sup>	81 006,6	100,0	112,4
Қорақалпоғистон Респ.	2 830,1	3,5	119,1
Андижон	3 460,6	4,3	108,0
Бухоро	3 310,8	4,1	106,1
Жиззах	1 164,7	1,4	103,4
Қашқадарё	3 401,7	4,2	109,2
Навоий	1 497,9	1,8	105,2
Наманган	2 504,5	3,1	107,5
Самарқанд	5 333,6	6,6	108,2
Сурхондарё	1 926,9	2,4	112,8
Сирдарё	666,2	0,8	105,4
Тошкент	5 946,4	7,3	107,1
Фарғона	3 990,8	4,9	103,5
Хоразм	2 354,6	2,9	110,5
Тошкент шаҳри	13 112,7	16,2	120,4

Турлари бўйича транспорт хизматларининг таркиби

(2022 йил январь-декабрь)



- Автомобиль
- Ҳаво
- Қувур
- Темир йўл
- Ёрдамчи транспорт фаолияти

<sup>1)</sup> Худудлар бўйича тақсимланмаган ҳажмларни ҳисобга олган ҳолда

### Автомобиль транспорти хизматлари

**Автомобиль транспорти хизматларига** темир йўлда ташишдан ташқари, курукликдаги йўловчи транспортнинг бошқа хизматлари, автомобил транспортида юк ташиш бўйича хизматлар ва кўчиш бўйича хизматлар киради.


2022 йилнинг январь-декабрь ойларида автомобиль транспортида кўрсатилган бозор хизматлари ҳажми 41 318,3 млрд. сўмга етди.

2021 йилга нисбатан ушбу хизматларнинг ўсиш суръати 106,5 % ни ташкил этди. Кўрсатилган бозор хизматларининг умумий ҳажмидаги улуши 11,6 % ни ташкил этди.

**Хизматлар ҳажми (трлн. сўмда)**



**Ўсиш суръати**



#### Автомобиль транспорти хизматларининг таркиби



Автотранспорт хизматлари-нинг умумий ҳажмида йўловчиларни ташиш хизматлари устунлик қилади. 2022 йилнинг январь-декабрь ойларида уларнинг улуши 58,6 % ни ташкил этди.

**Таққослаш учун:** 2021 йилда ушбу кўрсаткич 60,9 % ни ташкил этган.

#### Худудлар кесимида автомобиль транспорти хизматлари (2022 йил январь-декабрь)

Худудлар	Хизматлар ҳажми, млрд. сўмда	Улуши, % да	Ўсиш суръати, % да
Ўзбекистон Респ. <sup>1)</sup>	41 318,3	100,0	106,5
Қорақалпоғистон Респ.	1 279,3	3,1	103,1
Андижон	3 357,4	8,1	107,5
Бухоро	2 915,4	7,1	103,9
Жиззах	1 137,0	2,8	102,9
Қашқадарё	3 263,8	7,9	109,1
Навоий	1 279,5	3,1	107,7
Наманган	2 307,3	5,6	107,6
Самарқанд	5 059,2	12,2	108,9
Сурхондарё	1 753,9	4,2	108,4
Сирдарё	625,3	1,5	104,9
Тошкент	5 513,9	13,3	106,1
Фарғона	3 694,8	8,9	102,9
Хоразм	2 158,2	5,2	106,1
Тошкент шаҳри	6 972,3	16,9	106,9


<sup>1)</sup> Худудлар бўйича тақсимланмаган ҳажмларни ҳисобга олган ҳолда

### Молиявий хизматлар


**Молиявий хизматлар ҳажми** – молиявий воситачилик ҳисобидан олинган фойзли даромадлар ҳажми (хизматлар учун белгиланган тўловлар миқдоридан), шунингдек, молия муассасаси томонидан ссуда бериш ёки депозитни сақлаш бўйича хизматлари учун тўланадиган ҳақ ҳисобига кўра олинади.

Молиявий хизматларнинг ҳажми 20 697,7 млрд. сўмга ошди ва 80 431,0 млрд. сўмга етди. Жами кўрсатилган хизматлар ҳажмида молиявий хизматлар улуши 22,5 % ни ташкил этди. Молиявий хизматларнинг ўсиш суръати 129,3 % ни ташкил этди.

**Хизматлар ҳажми (трлн. сўмда)**



**Ўсиш суръати**



### Молиявий хизматларнинг таркиби (2022 йил январь-декабрь)



Молиявий хизматлар таркибида суғурта ва нафақа таъминоти бўйича хизматлардан ташқари (пул маблағларини олиш ва қайта тақсимлаш бўйича хизматлар) устунлик қилади. 2022 йил январь-декабрь ойларида уларнинг улуши 87,9 % ни ташкил этди.

### Худудлар кесимида молиявий хизматлар (2022 йил январь-декабрь)

Худудлар	Хизматлар ҳажми, млрд. сўмда	Улуши, % да	Ўсиш суръати, % да
Ўзбекистон Респ.	80 431,0	100,0	129,3
Қорақалпоғистон Респ.	2 228,7	2,8	129,0
Анджон	3 593,0	4,5	118,9
Бухоро	3 119,8	3,9	146,2
Жиззах	2 111,5	2,6	134,6
Қашқадарё	2 676,6	3,3	126,3
Навоий	1 939,3	2,4	118,7
Наманган	2 472,5	3,1	126,6
Самарқанд	3 585,6	4,4	134,1
Сурхондарё	2 650,2	3,3	126,6
Сирдарё	1 598,0	2,0	115,8
Тошкент	3 473,6	4,3	128,6
Фарғона	4 738,8	5,9	150,5
Хоразм	2 176,5	2,7	127,4
Тошкент шаҳри	44 066,9	54,8	128,2


### Алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари

2023 йил 1 январь ҳолатига кўра, “Алоқа ва ахборот” фаолияти билан шуғулланувчи корхона ва ташкилотлар сони 12,2 минг бирликка етди, шундан 11,8 минг бирлиги кичик тадбиркорлик субъектлари ҳисобланади.


**Алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари ҳажми** амалдаги нархларда мазкур соҳада хизмат кўрсатувчи корхоналарнинг даромадлари (сотишдан тушган тушум миқдори) йиғиндиси сифатида аниқланади.

2022 йилнинг январь-декабрь ойларида алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари ҳажми 22 917,6 млрд. сўм даражасида қайд этилди ва 2021 йилга нисбатан ўсиш суръати 125,5 % ни ташкил этди.

Хизматлар ҳажми (трлн. сўмда)



Ўсиш суръати



Худудлар кесимида алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари  
(2022 йил январь-декабрь)

Худуд	Ҳажми, млрд. сўмда	Улуши, % да	Ўсиш суръати, % да
Ўзбекистон Республикаси <sup>1)</sup>	22 917,6	100,0	125,5
Қорақалпоғистон Республикаси	545,0	2,4	120,4
Андижон	842,3	3,7	127,5
Бухоро	620,7	2,7	121,9
Жиззах	404,8	1,8	125,0
Қашқадарё	765,5	3,3	125,3
Навоний	349,8	1,5	121,1
Наманган	736,6	3,2	127,5
Самарқанд	1 059,5	4,6	126,0
Сурхондарё	611,1	2,7	128,2
Сирдарё	282,2	1,2	125,6
Тошкент	844,1	3,7	128,0
Фарғона	1 153,5	5,0	126,1
Хоразм	522,1	2,3	123,8
Тошкент ш.	14 165,4	61,8	125,4

<sup>1)</sup> Худудлар бўйича тақсимланмаган ҳажмларни ҳисобга олган ҳолда

### Телекоммуникация хизматлари


**Телекоммуникация хизматлари** бу – овозли, матнли, овозли ёки видео маълумотларни узатиш каби телекоммуникация ва бошқа тегишли хизматларни тақдим этиш.

2022 йилнинг январь-декабрь ойларида телекоммуникация хизматлари ҳажми 14 714,2 млрд. сўмни ташкил этди. 2021 йилга нисбатан ушбу хизматларнинг ўсиш суръати 121,9 % ни ташкил этди. Кўрсатилган бозор хизматларининг умумий ҳажмида уларнинг улуши 4,1 % ни ташкил этган.

**Хизматлар ҳажми (трлн. сўмда)**



**Ўсиш суръати**



(2022 йил январь-декабрь)

Худудлар кесимида телекоммуникация хизматлари

	Хизматлар ҳажми, млрд. сўмда	Улуши, % да	Ўсиш суръати, % да
<b>Ўзбекистон Респ.<sup>1)</sup></b>	<b>14 714,2</b>	<b>100,0</b>	<b>121,9</b>
Қорақалпоғистон Респ.	510,1	3,5	121,2
Андижон	804,2	5,5	129,3
Бухоро	567,0	3,9	123,3
Жиззах	343,6	2,3	128,2
Қашқадарё	731,5	5,0	126,1
Навоий	336,2	2,3	121,8
Наманган	681,7	4,6	127,1
Самарқанд	984,3	6,7	125,8
Сурхондарё	581,3	3,9	129,0
Сирдарё	270,5	1,8	125,1
Тошкент	720,0	4,9	128,6
Фарғона	1 076,7	7,3	127,1
Хоразм	498,1	3,4	124,6
Тошкент шаҳри	6 597,3	44,8	116,8

<sup>1)</sup> Худудлар бўйича тақсимланмаган ҳажмларни ҳисобга олган ҳолда

2022 йилнинг январь-декабрь ойларида телекоммуникация хизматларининг умумий ҳажмида Тошкент шаҳрининг улуши 44,8 % ни ташкил этди. Сирдарё вилоятида телекоммуникация хизматлари ушбу хизматларнинг умумий ҳажмида 1,8 % ни ташкил этди.

**ОАВ, контент ва АКТ хизматлари секторларининг муқобил тўплами**  
(2022 йил январь-декабрь)

<i>Хизмат турларининг номи</i>	<i>Ҳажми, млрд. сўмда</i>	<i>Умумий ҳажмдаги улуши, % да</i>
<b>Жами</b>	<b>24 155,8</b>	<b>100,0</b>
<i>шу жумладан:</i>		
<b>АКТ хизматлари сектори</b>	<b>22 050,4</b>	<b>91,3</b>
<i>шу жумладан:</i>		
Дастурий таъминотни нашр қилиш бўйича хизматлар	559,6	2,6
Телекоммуникация хизматлари	14 714,2	66,7
Компютер дастурлаштириш, маслаҳат бериш хизматлари ва бошқа ёрдамчи хизматлар	4 208,3	19,1
Маълумотларга ишлов бериш, жойлаштириш бўйича хизматлар ва ўзаро боғлиқ хизматлар; веб-порталлар	1 330,1	6,0
Компютерлар ва алоқа ускуналарини таъмирлаш бўйича хизматлар	1 238,2	5,6
<b>Контент ва оммавий ахборот воситалари сектори</b>	<b>2 105,4</b>	<b>8,7</b>
<i>шу жумладан:</i>		
Китоблар, даврий нашрлар нашр қилиш бўйича хизматлар ва бошқа ноширлик хизматлари	456,1	21,7
Кино – видеофилмлар ва телевидение дастурлари ишлаб чиқариш бўйича хизматлар	212,6	10,1
Дастурлар тузиш ва телерадиоэшиттиришлар бўйича хизматлар	822,9	39,1
Бошқа ахборот хизматлари	613,8	29,1

2022 йилнинг январь-декабрь ойларида муқобил тўпланиннинг умумий таркибида АКТ хизматлари 91,3 % ни ташкил этди. Ушбу секторда телекоммуникация хизматлари 66,7 % устунлик қилади.


Муқобил тўпланиннинг умумий ҳажмида контент ва ОАВ нинг улуши 8,7 % ни ташкил этди. Унинг таркибида дастурлар тузиш ва телерадиоэшиттиришлар билан боғлиқ хизматлар улуши 39,1 % га етди.

### Таълим соҳасидаги хизматлар

Мазкур секция кундузги ёки сиртки шаклда, шунингдек, Интернет тармоғи ва почта ёзишмалари орқали давлат томонидан бериладиган ёки хусусий турли даражадаги таълимни ва турли касбларга ўргатишни ўз ичига олади. Бунга турли даражадаги мунтазам мактаб тизими доирасида турли муассасалар томонидан бериладиган таълим, шунингдек, катталар учун таълим (тайёрлаш ва қайта тайёрлаш курслари), таълимни қўллаб-қувватлаш фаолияти ва бошқалар киради.

Таълим соҳасидаги хизматлар фаолиятини амалга оширишда кўрсатилган бозор хизматлари, жумладан, масофавий таълим хизматларини кўрсатиш қиймати (контракт асосида ўқитиш шакли) акс этирилади.

2022 йилнинг январь-декабрь ойларида таълим соҳасидаги хизматлар ҳажми 15 395,7 млрд. сўмга етди. 2021 йилга нисбатан ўсиш суръати 115,3 % ни ташкил этган.



### Ҳудудлар кесимида таълим соҳасидаги хизматлар (2022 йил январь-декабрь)

	Хизматлар ҳажми, млрд. сўмда	Улуши, % да	Ўсиш суръати, % да
<b>Ўзбекистон Респ.</b>	<b>15 395,7</b>	<b>100,0</b>	<b>115,3</b>
Қорақалпоғистон Респ.	677,6	4,4	113,5
Андижон	919,9	6,0	133,6
Бухоро	839,6	5,5	108,6
Жиззах	424,7	2,8	116,2
Қашқадарё	631,9	4,1	118,3
Навий	348,2	2,3	120,4
Наманган	774,5	5,0	126,7
Самарқанд	1 208,7	7,8	112,3
Сурхондарё	564,6	3,7	110,7
Сирдарё	216,3	1,4	101,5
Тошкент	710,1	4,6	127,5
Фарғона	1 192,5	7,7	117,7
Хоразм	526,7	3,4	129,7
Тошкент шаҳри	6 360,4	41,3	111,0




### Соғлиқни сақлаш соҳасидаги хизматлар


2023 йил 1 январь ҳолатига кўра, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий таъминот соҳасида хизматларда фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотлар сони 11 597 бирликни, шундан 9 976 бирликни кичик тадбиркорлик субъектлари ташкил этди.

Соғлиқни сақлаш соҳасидаги хизматлар ҳажми бу – соғлиқни сақлаш муассасалари томонидан турли хил тиббий ёрдам ва санитария хизматлари учун кўрсатиладиган бозор хизматларининг қийматидир.

Хизматлар ҳажми (трлн. сўмда)



Ўсиш суръати



2022 йилнинг январь-декабрь ойларида соғлиқни сақлаш соҳасидаги хизматлар ҳажми 6 384,2 млрд. сўмга, яъни, кўрсатилган бозор хизматлари умумий ҳажмининг 1,8 % ига етди. 2021 йилга нисбатан ўсиш суръати 111,5 % ни ташкил этган.

**Таққослаш учун:** 2018 йилда ушбу хизматлар ҳажми 2 220,0 млрд. сўмни ёки кўрсатилган бозор хизматлари умумий ҳажмининг 1,5 % ини ташкил этган.

Ҳудудлар кесимида соғлиқни сақлаш соҳасидаги хизматлар ҳажми, млрд. сўмда

Ўзбекистон Респ.		(2022 йил январь-декабрь)	
Ўзбекистон Респ.	6 384,2	Хоразм	212,0
Тошкент ш.	2 762,2	Сурхондарё	198,7
Тошкент	659,1	Қашқадарё	198,4
Фарғона	470,4	Жиззах	152,4
Самарқанд	454,2	Навоий	134,4
Наманган	329,9	Қорақалпоғистон Респ.	133,5
Андижон	294,6	Сирдарё	108,4
Бухоро	276,0		

Соғлиқни сақлаш соҳасидаги кўрсатилган бозор хизматларининг умумий ҳажмида Тошкент шаҳри – 43,3 %, Тошкент вилояти – 10,3 %, Фарғона – 7,4 %, Самарқанд – 7,1 % ни ташкил этади. Ушбу хизматлар таркибида Сирдарё вилоятининг улуши 1,7 % ни ташкил этди.

2021- йилга нисбатан ўсиш суръати Тошкент вилоятида 126,8 % га, Қорақалпоғистон Республикасида – 120,9 % га ва Самарқанд вилоятида – 120,2 % га етди.


### Яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар

2023 йил 1 январь ҳолатига кўра, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматларда фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотлар сони 36 811 бирликни ташкил этган бўлса, улардан 36 645 бирлик кичик бизнес субъектларидир.

**Озиқ-овқат ва ичимликлар билан таъминлаш бўйича хизматлар** – озиқ-овқат маҳсулотлари ва ичимликлар етказиб бериш бўйича қўйилган устамадан ташқари, овқат тайёрлашда ишлатилган ва қайта ишланмаган ҳолда сотилган маҳсулотлар қийматини ўз ичига олувчи айланма қийматдир.

**Яшаш бўйича хизматлар ҳажми** қисқа муддатли турар жой билан таъминлаш бўйича кўрсатилган хизматлар (меҳмонхоналар, отеллар, мотеллар ва бошқа турар жойлар) қийматини ўз ичига олади.

Хизматлар ҳажми (трлн. сўмда)



Ўсиш суръати



2021 йилга нисбатан 2022 йил январь-декабрь ойларида яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар ҳажми 2 947,4 млрд. сўмга ошиб, 11 322,8 млрд. сўмга етди, ўсиш суръати эса 114,7 % ни ташкил этди.

### Яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар таркиби



### Худудлар кесимида яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар (2022 йил январь-декабрь)


Худудлар	Хизматлар ҳажми, млрд. сўмда	Улуши, % да	Ўсиш суръати, % да
Ўзбекистон Респ. <sup>1)</sup>	11 322,8	100,0	114,7
Қорақалпоғистон Респ.	230,7	2,0	101,9
Андижон	325,0	2,9	112,7
Бухоро	597,7	5,3	107,4
Жиззах	243,5	2,1	108,6
Қашқадарё	478,0	4,2	107,7
Навоий	581,6	5,1	163,7
Наманган	372,6	3,3	122,4
Самарқанд	860,9	7,6	114,9
Сурхондарё	408,6	3,6	104,8
Сирдарё	119,8	1,0	105,4
Тошкент	1 039,5	9,2	108,9
Фарғона	565,5	5,0	106,9
Хоразм	248,0	2,2	113,0
Тошкент ш.	5 251,1	46,4	116,3

<sup>1)</sup> Худудлар бўйича тақсимланмаган ҳажмларни ҳисобга олган ҳолда

### Кўчмас мулк билан боғлиқ хизматлар

Кўчмас мулк билан боғлиқ хизматларни кўрсатишда кўчмас мулк билан боғлиқ операциялар бўйича хизматлар қиймати, корхонанинг шахсий, хўжалик юритиш ёки тезкор бошқарувидаги, шунингдек, ижарага олинган кўчмас мулкни ижарага беришдан олинган даромадлари акс эттирилади.

2022 йилнинг январь-декабрь ойларида кўчмас мулк билан боғлиқ хизматлар ҳажми 9 674,3 млрд. сўмни ташкил этди. Хизматларнинг умумий ҳажмида уларнинг улуши 2,7 % ни ташкил этди. 2021 йилга нисбатан ўсиш суръати 111,1 % ни ташкил этган.



#### Худудлар кесимида кўчмас мулк билан боғлиқ хизматлар ҳажми



<sup>1)</sup> Худудлар бўйича тақсимланмаган ҳажмларни ҳисобга олган ҳолда

Ушбу хизматларнинг умумий ҳажмида шахсий ёки ижарага олинган кўчмас мулкни ижарага бериш ва бошқариш бўйича хизматлар улуши устунлик қилади – 89,5 %.

Худудлар ўртасида кўчмас мулк билан боғлиқ кўрсатилган бозор хизматларининг умумий ҳажмида Тошкент шаҳрининг улуши 50,1 % ни ташкил этди. Сирдарё ва Жиззах вилоятларида ушбу хизматлар умумий ҳажмининг 1,5 % ини ташкил этди.


2021 йилга нисбатан кўчмас мулк билан боғлиқ хизматларнинг ўсиш суръати Тошкент вилоятида – 115,9 % га, Сирдарё вилоятида – 114,4 % га, Самарқанд вилоятида – 113,8 % га етди. Жиззах вилоятида 106,4 %, Хоразм вилоятида 106,9 % даражасида қайд этилди.

### Ижара хизматлари


**Ижара хизматлари бўйича ишлаб чиқариш** ҳажми машиналар ва асбоб-ускуналарни операторларсиз ижарага бериш, маиший жиҳозлар ва шахсий эҳтиёж буюмларини ижарага беришдан олинган даромад миқдори сифатида аниқланади.

2021 йилга нисбатан ижара хизматлари ҳажми 1 093,3 млрд. сўмга ошиб, 2022 йилнинг январь-декабрида 6 444,3 млрд. сўмни ташкил этди. Хизматларнинг умумий ҳажмида уларнинг улуши 1,8 % ни ташкил этди. 2021 йилга нисбатан ўсиш суръати 112,2 % ни ташкил этган.

Хизматлар ҳажми (трлн. сўмда)



Ўсиш суръати



#### Худудлар кесимида ижара хизматлари (2022 йил январь-декабрь)

Худуд	Ҳажм, млрд. сўмда	Улуши, % да	Ўсиш суръати, % да
Ўзбекистон Республикаси <sup>1)</sup>	6 444,3	100,0	112,2
Қорақалпоғистон Республикаси	188,8	2,9	111,1
Андижон	424,3	6,6	116,6
Бухоро	378,3	5,9	112,0
Жиззах	186,4	2,9	131,1
Қашқадарё	397,0	6,1	116,7
Навоий	142,1	2,2	110,7
Наманган	292,8	4,5	121,1
Самарқанд	662,5	10,3	113,0
Сурхондарё	283,6	4,4	109,4
Сирдарё	133,2	2,1	139,6
Тошкент	796,5	12,3	115,3
Фарғона	443,2	6,9	100,8
Хоразм	194,9	3,0	113,2
Тошкент ш.	1 920,2	29,8	107,9

<sup>1)</sup> Худудлар бўйича тақсимланмаган ҳажмларни ҳисобга олган ҳолда

### Компьютерлар ва маиший товарларни таъмирлаш бўйича хизматлар

**Компьютерлар ва маиший товарларни таъмирлаш бўйича хизматлар ҳажми** бу –компьютерлар ва периферик ускуналарни таъмирлаш ва техник хизмат кўрсатиш, коммуникация ускуналари (факслар, радиостанциялар)ни таъмирлаш, маиший электроника (радиоприёмниклар ва телевизорлар), уй ва боғ учун ускуналар (газон ўрувчи ва ҳаво (дам) берувчи машина), пояфзал ва чарм буюмлар, мебель ва уй жиҳозлари, кийим ва аксессуарлар, спорт анжомлари, мусиқа асбоблари ва бошқа шахсий буюмлар ва маиший товарларни таъмирлашдан тушган тушум микдоридир.

2022 йилнинг январь-декабрь ойларида компьютерлар ва маиший товарларни таъмирлаш бўйича хизматлар ҳажми 5 842,3 млрд. сўм даражасида қайд этилиб, 2021 йилга нисбатан ўсиш суръати 109,0 % ни ташкил этди.



### Худудлар кесимида хизматлар ҳажми ва ўсиш суръати (2022- йил январь-декабрь)

Ушбу хизматларнинг умумий ҳажмида бошқа шахсий фойдаланиш буюмлари ва маиший товарларни таъмирлаш бўйича хизматлар улуши – 27,3 % ни ташкил этди.

Тошкент шаҳрида компьютерлар ва маиший товарларни таъмирлаш бўйича хизматлар ҳажми 810,3 млрд. сўмга етди.

2021 йилга нисбатан Тошкент вилоятида ўсиш суръати 112,9 % ни, Андижон вилоятида ушбу кўрсаткич 102,2 % ни ташкил этди.


Худудлар	Хизматлар ҳажми, млрд. сўмда	Улуши, % да	Ўсиш суръати, % да
Ўзбекистон Респ.	5 842,3	100,0	109,0
Қорақалпоғистон Респ.	297,8	5,1	108,3
Андижон	392,5	6,7	102,2
Бухоро	317,7	5,4	108,1
Жиззах	200,5	3,4	105,3
Қашқадарё	547,7	9,4	107,9
Навоий	147,4	2,5	111,0
Наманган	419,5	7,2	108,1
Самарқанд	672,3	11,5	112,0
Сурхондарё	341,2	5,8	110,5
Сирдарё	120,3	2,1	106,9
Тошкент	570,1	9,8	112,9
Фарғона	588,7	10,1	105,9
Хоразм	416,3	7,1	110,0
Тошкент шаҳри	810,3	13,9	111,8

**Меъморчилик, муҳандислик изланишлари,  
техник синовлар ва таҳлил соҳасидаги хизматлар**


Меъморчилик, муҳандислик изланишлари, техник синовлар ва таҳлил соҳасидаги хизматлар ҳажми шартномада назарда тутилган талабларга мувофиқ лойиҳалар, изланишлар, конструкторлик ва технологик ишлар ва кўрсатилган хизматлар, шунингдек, қурилиш ишлари устидан назорат ва бошқа инженерлик хизматларининг қийматини ўз ичига олади.

2021 йилга нисбатан меъморчилик, муҳандислик изланишлари, техник синовлар ва таҳлил соҳасидаги хизматлар ҳажми 1 031,4 млрд. сўмга ошиб, 2022 йилнинг январь-декабрь ойларида 7 338,2 млрд. сўмни ташкил этди. Хизматларнинг умумий ҳажмида уларнинг улуши 2,1 % ни ташкил этди. 2021 йилга нисбатан ўсиш суръати 107,7 % ни ташкил этган.

**Хизматлар ҳажми (трлн. сўмда)**



**Ўсиш суръати**



**Худудлар кесимида меъморчилик, муҳандислик изланишлари,  
техник синовлар ва таҳлил соҳасидаги хизматлар ҳажми**

Ўзбекистон Респ.		млрд. сўмда (2022 йил январь-декабрь)	
Ўзбекистон Респ.	7 338,2	Хоразм	165,8
Тошкент ш.	4 467,9	Наманган	158,2
Тошкент	588,5	Бухоро	134,5
Навий	433,9	Андижон	133,9
Самарқанд	341,9	Қорақалпоғистон Респ.	119,9
Қашқадарё	214,5	Жиззах	115,5
Фарғона	211,9	Сирдарё	45,7
Сурхондарё	206,1		

2022 йилнинг январь-декабрь ойларида меъморчилик, муҳандислик изланишлари, техник синовлар ва таҳлил соҳасидаги хизматларнинг умумий ҳажмида Тошкент шаҳрининг улуши 60,9 % ни ташкил этди. Ушбу хизматларнинг умумий ҳажмида Сирдарё вилоятининг улуши 0,6 % даражасида белгиланган.

Хизматлар соҳаси технологиялари ва тармоқ тузилмасининг мураккаблашиши, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар сифати ва хилма-хиллигини яхшилаш, шунингдек, юқори технологияли ва интенсив хизмат кўрсатиш тармоқларининг жадал ривожланиши корхона, ташкилот ва хўжаликларнинг самарадорлиги ва рақобатбардошлигини янада оширишга, аҳоли турмуш даражасини оширишга хизмат қилади.

## Статистик кўрсаткичларга изоҳлар

**Иқтисодий фаолият турлари бўйича хизматлар ҳажмида** кўрсатилган хизматлар учун амалдаги бозор нархлари бўйича қўшилган қиймат солиғи ва акцизсиз ҳисобланган тўловлар ҳисобга олинади.

Хизматлар олди-сотди объекти сифатида чиққанда ва иқтисодий аҳамиятга эга бўлган (хизматларни ишлаб чиқарувчининг сарф-харажатларини тўлалигича ёки сезиларли даражада қоплайдиган) нархларда сотилганда, **бозор учун кўрсатилган бозор хизматлари** ҳисобланади.

**“Кўрсатилган бозор хизматлари ҳажми”** статистик кўрсаткичи – маълум бир вақт давомида кўрсатилган хизматлар қийматини ўлчовчи, истеъмолчиларга (юридик ва жисмоний шахслар, норезидентларни қўшган ҳолда) кўрсатилган хизматлар қийматини акс эттиради.

**Кўрсатилган бозор хизматлари ҳажми** бу – хизматлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган ва хизмат кўрсатиш асосий фаолият тури ҳисобланадиган барча хизматлар ишлаб чиқарувчилари (юридик ва жисмоний шахслар) томонидан кўрсатилган бозор хизматлари қийматидир.

**Истеъмолчилар томонидан хизматлар учун тўловлар** нақд пул, шу жумладан, пластик карточкалар ва пул ўтказиш, электрон тўловлар ва электрон пуллар орқали амалга оширилиши мумкин.

**Норезидентларга кўрсатилган хизматлар** (агар тўлов сўмда амалга оширилмаган бўлса), хизматларга тўловларни амалга ошириш санасида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан сўмнинг белгиланган курси бўйича қайта ҳисобланган шартнома нархларига кўра аниқланади.

**Электрон тўловлар** – техник воситалар, ахборот технологиялари ва ахборот тизимлари хизматларидан фойдаланган ҳолда электрон тўлов ҳужжатлари орқали нақд пулсиз тўловларни амалга ошириш.

**Электрон пуллар** – Ўзбекистон Республикаси ҳудудида электрон пуллар эмитентлари томонидан чиқариладиган пуллар бўлиб, фақат Ўзбекистон Республикаси миллий валютасида номланиши лозим.

Фаолият турлари бўйича хизматларни таснифлаш, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий фаолият турлари бўйича маҳсулотларнинг (товарлар, ишлар, хизматларнинг) статистик таснифлагичига (кейинги ўринларда МСТ деб аталади) мувофиқ амалга оширилади.

**Алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари** алоқа соҳасидаги хизматларни, шу жумладан телефон, телекс, телеграф, радиоэшиттириш, электрон почта, суний йўлдош, факсимиле ва бошқаларни ишлатиб овозли маълумот, тасвир ва бошқа ахборот оқимларини узатиш хизматларини қамраб олади.

**Бозор хизматлари ҳажми** МСТ бўйича таснифланган барча иқтисодий фаолият турларининг хизматларга тегишли қисми (G-S секциялар) бўйича шакллантирилади.

**Молиявий хизматлар** Марказий банк, тижорат банклари ва бошқа молия-кредит ташкилотлари томонидан кўрсатилади. Бу гуруҳ хизматларга банкларнинг молиявий воситачилиги хизматлари (молиявий лизинг, кредит бериш), шу жумладан, масофавий банк хизматлари (интернет-банкнинг, мобил-банкнинг), инвестиция фондлари ва бошқа молиявий ташкилотларнинг молиявий воситачилиги, молия бозорлари (фонд ва валюта биржалари) фаолиятининг ёрдамчи молиявий воситачилиги ва бошқа молиявий хизматлар кирди.

**Транспорт хизматлари** транспортнинг барча турларида юкларни ва йўловчиларни ташиш фаолияти, шунингдек, транспортировка қилишда ёрдамчи хизмат турлари, жумладан, логистик хизматларни ўз ичига олади.

**Яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар** меҳмонхоналар, отеллар, мотеллар ва бошқа яшаш учун жойлар каби қисқа муддатли турар жой билан таъминлаш ва озик-овқат маҳсулотлари ва ичимликлар етказиб бериш бўйича кўрсатилган хизматларни ўз ичига олади.

**Савдо хизматлари** улгуржи ва чакана хизматларни бирлаштириб, шунингдек, бошқа шахс манфаатлари учун товарларни олди-сотди шартномалари, комиссиялари ёки агентлик шартномалари асосида сотилган воситачилик хизматлари ҳамда автомобил ва мотоциклларни таъмирлаш хизматларини ўз ичига олади.

**Кўчмас мулк билан боғлиқ хизматларни** кўрсатишда кўчмас мулк билан боғлиқ операциялар бўйича хизматлар қиймати, корхонанинг шахсий, хўжалик юритиш ёки тезкор бошқарувидаги, шунингдек, ижарага олинган кўчмас мулкни ижарага беришдан олинган даромадлари, ушбу фаолият ташкилотнинг асосий фаолияти ёки йўқлигидан қатъий назар акс эттирилади.

**Таълим соҳасидаги хизматлар** олий, ўрта махсус, касб-хунар, умумтаълим, мактабгача таълим давлат муассасаларида тижорат асосида таълим олишни, шунингдек, радио ва телевидение, Интернет-каналлар ва почта алоқаларини қўшган ҳолда ҳар қандай даражадаги хусусий таълим олиш ва хоҳлаган касбга ўқишни қамраб олади.

**Соғлиқни сақлаш соҳасидаги хизматлар** стационар шифохона муассасалари, поликлиникалар, стоматология муассасалари ва тиббий лабораториялар томонидан пуллик асосида кўрсатилган комплекс хизматларни қамраб олади.

**Ижара хизматлари** бўйича ишлаб чиқариш ҳажми машиналар ва асбоб-ускуналарни операторларсиз ижарага бериш, маиший жиҳозлар ва шахсий эҳтиёж буюмларини ижарага беришдан олинган даромад миқдори сифатида аниқланади.

**Меъморчилик, муҳандислик изланишлари, техник синовлар ва таҳлил соҳасидаги хизматлар** ҳажми шартномада назарда тутилган талабларга мувофиқ лойиҳалар, изланишлар, конструкторлик ва технологик ишлар ҳамда кўрсатилган хизматлар, шунингдек, қурилиш ишлари устидан назорат ва бошқа инженерлик хизматларининг қийматини ўз ичига олади.



## VI. ТРАНСПОРТ ВА АЛОҚА

### 1 БЎЛИМ. ФАОЛИЯТ КЎРСАТАЁТГАН ВА ЯНГИ ТАШКИЛ ЭТИЛГАН ТРАНСПОРТ КОРХОНАЛАРИ СОНИ

2023 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, транспорт соҳасида 20 666 корхона ва ташкилотлар (фермер ва деҳқон хўжаликларисиз) фаолият кўрсатмоқда. 2022 йилнинг мос даврига нисбатан уларнинг сони 2 415 тага ошиб, 2,4 % га ўсди.

#### 1 январь ҳолатига кўра, транспорт соҳасида фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотлар сони (фермер ва деҳқон хўжаликларидан ташқари)

Жами фаолият кўрсатаётганлар		Кичик бизнес субъектлари
20 666 бирлик	2023 й.	20 451 бирлик
18 251 бирлик	2022 й.	18 045 бирлик
17 301 бирлик	2021 й.	17 056 бирлик
15 360 бирлик	2020 й.	15 157 бирлик
13 330 бирлик	2019 й.	13 121 бирлик

2022 йил давомида “Ташиш ва сақлаш” фаолияти билан шуғулланувчи янги ташкил этилган корхона ва ташкилотлар сони 3 366 бирликка етди. Янги ташкил этилган транспорт корхоналари ва ташкилотларининг умумий корхоналар сонигаги улуши 16,3 % ни ташкил этди. 2021 йилнинг мос даврига нисбатан ўсиш суръати 114,5 % га етди.

Таққослаш учун: 2018 йил якунига кўра, умумий сонигаги уларнинг улуши 15,9 % ёки 2 115 бирликни ташкил этган.

## 2 БЎЛИМ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ТРАНСПОРТ ФАОЛИЯТИНИНГ АСОСИЙ КЎРСАТКИЧЛАРИ

**Транспорт статистикаси** бу – транспортда содир бўладиган ходисалар ва жараёнларни ўрганадиган статистика соҳаси.


Транспорт статистикаси кўрсаткичлари транспортнинг алоҳида турлари бўйича маълумотларини ўз ичига олади: темир йўл, автомобиль, шаҳар электр, қувур йўли ва ҳаво.

**Умумий фойдаланишдаги транспорт** – иқтисодиётнинг барча тармоқлари ва аҳолининг юк ва йўловчиларни ташишдаги эҳтиёжларини қондирувчи, ишлаб чиқарувчилар ва истеъмолчилар ўртасида турли хил маҳсулотларни ташийдиган умумий транспорт хизматларини кўрсатади.

**Юк ташиш (юк ташиш ҳажми)** – транспорт орқали ташилган юкларнинг тонналардаги миқдори (пуллик багаж ва почтани қўшган ҳолда). Кўрсаткич транспорт турлари, қатнов, юк турлари бўйича ҳисобга олинади. Юкларни ташиш жараёнининг дастлабки дақиқаси “жўнатиш юклар (жўнатиш)” кўрсаткичи билан акс эттирилади, якуний нуқта – “келиб тушган юклар (келиб тушиши)” кўрсаткичи ҳисобланади.


### Барча транспорт турлари бўйича юк ташиш

(2018-2022 йиллар, млн. т)



2022 йилнинг январь-декабрь ойларида барча транспорт турларида юк ташиш ҳажми 1 398,9 млн. тоннани ташкил этиб, бу эса 2021 йилнинг мос даврига нисбатан 1,5 % га камайган. 2018 йилнинг мос даврига нисбатан юк ташиш ҳажми 155,9 млн. тоннага ошган.

Алоҳида транспорт турлари бўйича юк ташиш  
(2022 йил январь-декабрь, млн. т)




2021 йилга нисбатан 2022 йилнинг январь-декабрь ойлари давомида темир йўл ва ҳаво транспортида юк ташиш ҳажмининг ўсиши, автомобиль ва қувур йўли транспортида эса ҳажмининг бироз пасайиши қайд этилди.

Алоҳида транспорт турлари бўйича юк ташиш  
ва юк айланмаси

Юк ташиш (млн. тонна)


Юк айланмаси (млн. т -км)



давоми

Юк ташиш (млн. тонна)

Юк айланмаси (млн. т -км)




Барча транспорт турлари бўйича йўловчи ташиш  
(2018-2022 йиллар учун, млн. йўловчи)



2022 йилнинг январь-декабрь ойларида барча транспорт турларида йўловчи ташиш 6 170,8 млн. йўловчини ташкил этиб, бу 2021 йилнинг нисбатан 2,3 % га кўпдир. 2020 йилда коронавирус пандемияси билан боғлиқ чекловлар йўловчи ташиш ҳажмининг қисқариши ва айрим ҳолларда бутунлай тўхтатилишига таъсир кўрсатди. Натижада, бу шу йилда барча транспорт турлари бўйича ўсиш суръатларининг секинлашувида намоён бўлди.

**Барча транспорт турлари бўйича йўловчи ташиш**  
(2022 йил январь-декабрь, млн. йўловчи )




2021 йилга нисбатан 2022 йилнинг мос даврида барча транспорт турлари бўйича йўловчи ташиш ҳажми ошган. 2021 йилда пандемия билан боғлиқ чекловларнинг олиб ташланиши йўловчи ташиш ҳажмининг ўсишига олиб келди, бу асосан ҳаво (139,5 %) ва электр (134,1 %) транспорти кўрсаткичларида яққол намоён бўлди.

**Алоҳида транспорт турлари бўйича йўловчи ташиш**  
**ва йўловчи айланмаси**


Йўловчи ташиш (млн. йўловчи)

Йўловчи айланмаси (млн. йўловчи-км)

**Автомобиль**




**Темир йўл**



давоми


Йўловчи ташиш (млн. йўловчи)

Йўловчи айланмаси (млн. йўловчи-км)



Ўсиш суръати, % да

Бир нафар йўловчини ўртача ташиш масофаси (км)



2022 йил январь-декабрда барча транспорт турларида битта йўловчи ташишнинг ўртача масофаси 23,4 км.ни ташкил этган бўлса, 2021 йилда бу кўрсаткич 22,7 км, 2020 йилда 22,3 км, 2019 йилда 23,3 км, 2018 йилда эса 22,7 км.ни ташкил этган.

Шундай қилиб, 2022 йилнинг январь-декабрь ойларида транспортнинг барча турлари бўйича 1 398,9 млн. тонна юк ташилиб, 2021- йилга нисбатан 98,5 % ни ташкил этди.


Шу билан бирга, юк айланмаси 75,2 млрд. т-км га етиб, 2021 йилдаги кўрсаткичга нисбатан 0,5 % га юкори бўлди.

**3 БЎЛИМ. ЮК ТАШИШ ВА ЮК АЙЛАНМАСИ**  
**Транспорт турлари бўйича юк ташиш ва юк айланмаси**

	2022 йил январь-декабрь	ўтган йилнинг январь-декабрь ойларига нисбатан, % да	
		2021 й.	2020 й.
<b>Транспортда ташилган юклар, млн. т</b>	<b>1 398,9</b>	<b>98,5</b>	<b>103,9</b>
темир йўл транспорти	73,6	102,2	101,9
автомобиль транспорти	1 261,7	98,4	103,5
ҳаво транспорти, минг т.	10,1	110,8	173,5
қувур транспорти	63,5	96,0	114,3
<b>Транспорт юк айланмаси, млн. т-км</b>	<b>75 185,4</b>	<b>100,5</b>	<b>111,8</b>
темир йўл транспорти	24 939,6	101,3	104,2
автомобиль транспорти	20 241,1	106,2	117,4
ҳаво транспорти	322,7	106,3	138,6
қувур транспорти	29 682,0	96,4	114,9

Юк ташиш бўйича барча кузатилган транспорт турлари орасида автомобиль транспортининг улуши устунлик қилади (1 261,7 млн. тонна). Темир йўл орқали 73,6 млн. тонна юк ташилди. Қувур йўли орқали 63,5 млн. тонна газ ташилди. Юк ташиш бўйича нисбатан паст кўрсаткич ҳаво транспортида қайд этилди – 10,1 минг тонна.


**Транспорт турлари бўйича ташиш таркиби (% да)**



Умумий юк ташиш ҳажмининг салмоқли қисмини автомобиль транспорти – 90,2 % ни, бошқа транспорт турларининг улуши эса – 9,8 % ни ташкил этади.

2021 йилда автомобиль транспортининг улуши 90,3 % ни, темир йўл, қувур йўли ва ҳаво транспортларининг улуши эса 9,7 % ни ташкил этган. 2020 йилнинг мос даврида бу кўрсаткич 90,6 % га 9,4 %, 2019 йилда 89,2 % га 10,8 % ни, 2018 йилда эса 88,7 % га 11,3 % ни ташкил этган.


**Транспортнинг барча турларида юк ташиш ва юк айланмасининг ўсиш суръатларини таққосланиши (% да)**



2022 йилнинг январь-декабрь ойларида барча транспорт турлари бўйича юк айланмаси ҳажми 2021 йилга нисбатан 400,6 млн. т-км га ўсди, бу асосан автомобиль транспорти ҳиссасига тўғри келиб, юк айланмаси эса 1 178,8 млн.т-км.га ошди.

2022 йилнинг январь-декабрь ойлари якунларига кўра, юк айланмасининг умумий ҳажмида қувур транспортининг улуши 39,5 %, темир йўл транспорти 33,2 %, автомобиль транспорти 26,9 %, ҳаво транспорти 0,4 % дан иборат бўлди.

**Транспорт турлари бўйича юк айланмаси таркиби (% да)**





2021 йилнинг мос даврига нисбатан кўриб чиқилаётган даврда юк айланмасининг умумий ҳажмида айрим транспорт турлари улуши ўзгарди, хусусан: автомобиль транспорти ҳажми 1,4 % га, темир йўл транспорти – 0,3 % га ошиб, шу билан бирга, қувур йўли транспортининг улуши 1,7 % га камайиб, ҳаво транспортининг улуши эса ўзгаришсиз 0,4 % даражасида қолди.


#### 4 БЎЛИМ. ЙЎЛОВЧИ ТАШИШ ВА ЙЎЛОВЧИ АЙЛАНМАСИ

##### Транспорт турлари бўйича йўловчи ташиш ва йўловчи айланмаси

	2022 йил январь-декабрь	ўтган йилга нисбатан, % да	
		2021 й.	2020 й.
<b>Транспортда ташилган йўловчилар, млн. киши</b>	<b>6 170,8</b>	<b>102,3</b>	<b>113,9</b>
темир йўл транспорти	9,0	113,1	129,1
автомобиль транспорти	6 017,5	101,7	112,7
ҳаво транспорти	4,1	139,5	343,2
<b>шаҳар электр транспорти</b>	<b>140,2</b>	<b>134,1</b>	<b>259,0</b>
<i>шундан:</i>			
метрополитен	136,7	134,4	262,2
трамвай	2,9	129,0	184,2
троллейбус	0,5	102,9	157,7
<b>Транспорт йўловчи айланмаси, млн. йўловчи-км</b>	<b>144 693,6</b>	<b>105,6</b>	<b>115,8</b>
темир йўл транспорти	3 536,7	113,0	174,4
автомобиль транспорти	129 232,2	101,1	113,0
ҳаво транспорти	10 903,4	207,3	174,5
<b>шаҳар электр транспорти</b>	<b>1 021,3</b>	<b>133,7</b>	<b>257,9</b>
<i>шундан:</i>			
метрополитен	996,8	134,4	262,2
трамвай	9,8	123,4	184,2
троллейбус	14,7	102,9	157,7

Барча транспорт турларида йўловчи ташиш 2021 йилнинг мос даврига нисбатан 2,3 % га ошиб, 6 170,8 млн. йўловчини ташкил қилди. Йўловчи айланмаси 144,7 млрд. йўловчи-км.ни ташкил этиб, 5,6 % га ошди.

Транспорт турлари бўйича йўловчи ташиш таркиби (% да)




Йўловчи ташиш таркибида автомобиль транспорти анъанавий равишда етакчи ўринни эгаллайди. 2018-2022 йиллар давомида унинг улуши 97,5 % га етди.

2022 йилнинг январь-декабрь ойларида транспорт турлари бўйича йўловчи ташиш таркибида автомобиль транспортининг улуши 97,5 % ни ташкил этди. Бу эса 2021 йилнинг мос даврига нисбатан 0,6 пунктга, 2020 йилнинг январь-декабрь ойларида нисбатан 1,5 пунктга камдир.

Барча транспорт турларида йўловчи ташишда электр транспортининг улуши 2,3 % ни ташкил этди.

Транспортнинг барча турлари бўйича йўловчи айланмасининг ўсиш суръатлари (% да)



2020 йил давомида асосий транспорт турлари бўйича йўловчи айланмасининг ўсиш суръатига коронавирус пандемияси билан боғлиқ чекловлар таъсир кўрсатди. 2020 йилда йўловчи ташишнинг қисқариши, айрим ҳолларда эса бутунлай тўхташи барча транспорт турлари бўйича ўсиш суръатларининг пасайишида намоён бўлди. Бу ҳаво (24,7 %), темир йўл (40,9 %) ва электр (47,9 %) транспорти кўрсаткичларида кўпроқ сезилди.

2021 йилда чекловларнинг юмшатилиши ёки олиб ташланиши йўловчилар оқимининг кескин ўсишига олиб келиб, бу электр (2,6 баравар) ҳаво (174,5 %) ва темир йўл (174,4 % баравар) транспортларида кўпроқ ўз аксини топди.

2022 йилнинг январь-декабрь ойларида ҳаво транспорти йўловчи айланмасининг кескин ўсиши билан белгиланиб (2,1 баравар), бу кўп жихатдан ҳаво қатновидаги чекловларни тўлиқ олиб ташланиши билан изоҳланади.

**Темир йўл транспорти (темир йўл)** – умумий фойдаланишдаги транспорт турларидан бири ҳисобланиб, унинг таркибига кирувчи корхоналар, муассасалар, ишлаб чиқариш ва ижтимоий мақсадлар учун ташкилотлар билан ягона ишлаб чиқариш-технологик комплекс бўлиб, бошқа давлатларнинг темир йўллари ва транспортнинг бошқа турлари билан ўзаро муносабатларда ташишга бўлган эҳтиёжни таъминлайди.

2022 йилнинг январь-декабрь ойларида темир йўл транспортида 73,6 млн. тонна юк жўнатилиб, 2021 йилга нисбатан ўсиш суръати 102,2 % ни ташкил этди.

Агар, 2021 йил билан таққослаганда, темир йўл транспортида юк айланмаси 320,8 млн. т-км.га ошиб, 24 939,6 млн. т-км.га етди. Шу билан бирга, йўловчи айланмаси 406,6 млн. йўловчи-км.га ошиб, 3 536,7 млн. йўловчи-км.ни ташкил этди.

**Темир йўл транспортининг юк ва йўловчи айланмаси  
ўсиш суръатларини таққосланиши (% да)**



Ўртача суткалик ҳисобда темир йўл транспортида юк ташиш 201,7 минг тоннани ташкил этди ёки 2021 йилнинг мос даврига нисбатан 2,2 % га ошди. Ўртача бир тонна юк жўнатиш масофаси 338,8 км.га етди ёки 2021 йилнинг шу даврига нисбатан 0,9 % га камайди.

Магистрал темир йўл транспортига ортилган  
асосий турдаги юклар кўрсаткичи  
(2022 йил январь-декабрь)

	Ҳажми, минг тонна	Жами ҳажмга нисбатан улуши, % да	Ўтган йилга нисбатан ўсиш суръати, % да
<b>Юклар – жами</b>	<b>73 618,0</b>	<b>100,0</b>	<b>102,2</b>
<i>шундан:</i>			
кўмир	5 733,4	7,8	101,1
нефт юклари	5 936,7	8,1	110,5
турли рудалар	7 737,8	10,5	117,6
қора металллар	1 189,4	1,6	112,7
қора металл парчалари	799,8	1,1	79,1
кимёвий ва минерал ўғитлар	4 516,4	6,1	97,3
қурилиш юклари	6 444,6	8,8	114,9
цемент	2 931,6	4,0	64,0
ёғоч юклари	24,8	0,0	107,8
пахта толаси	15,4	0,0	19,5
дон ва ёрмалар	1 541,9	2,1	77,1
картошка, полиз маҳсулотлари ва мевалар	277,4	0,4	147,9
бошқа юклар	36 468,8	49,5	103,6


2022 йилнинг январь-декабрь ойларида умумий фойдаланишдаги темир йўл транспортида жўнатилган юк турлари бўйича 2021 йилнинг мос даврига нисбатан уларнинг айрим турлари бўйича юқори ўсиш суръатлари қайд этилди, хусусан: картошка, сабзавот ва мевалар (147,9 %), турли рудалар (117,6 %) қурилиш юклари (114,9 %) ва қора металллар (112,7 %). Пахта толаси (19,5 %), цемент (64,0 %), дон ва ёрмалар (77,1 %), қора металл парчалари (79,1 %), шунингдек, кимёвий ва минерал ўғитлар (97,3 %) каби юклар камроқ миқдорда жўнатилди.

Темир йўл орқали юк ташишнинг умумий ҳажмига нисбатан катта улушларни турли рудалар (10,5 %), қурилиш юклари (8,8 %), нефть юклари (8,1 %), кўмир (7,8 %), кимёвий ва минерал ўғитлар (6,1 %), цемент (4,0 %), бошқа юклар (49,5 %) эгаллайди.

**Автомобиль транспорти** – юридик ва жисмоний шахслар иштирокидаги саноат ва технологик мажмуа бўлиб, у йўловчилар, багаж ва юкларни, шу жумладан почта алоқасини (кейинги ўринларда йўловчилар, багаж ва юкларни) автотранспорт билан таъминлашда иқтисодиёт ва аҳолининг эҳтиёжларини қондиради


Автомобиль транспорти йўловчи ва юкларни ташишда ҳам муҳим роль ўйнайди. 2022 йилнинг январь-декабрь ойларида юк айланмаси ҳажми 1 178,8 млн. т-км.га кўпайиб, 20 241,1 млн. т-км ёки 2021 йилнинг мос даврига нисбатан 6,2 % га ошган.

**Автомобиль транспортининг юк ва йўловчи айланмаси ўсиш суръатларини таққосланиши (% да)**



Автомобиль транспортида 1 261,7 млн. тонна юк ташилиб, бу эса 2021 йилнинг мос даврига нисбатан 1,6 % га кўпдир.

**Автомобиль транспортида юк ва йўловчи ташиш ўсиш суръатларининг таққосланиши (% да)**



Ҳудудлар ўртасида йўловчи ташиш таркибида энг катта ўринни Тошкент шаҳри эгаллайди. 2022 йилнинг январь-декабрь ойларида унинг улуши 19,6 % ни ташкил этди. Энг паст кўрсаткич эса Сирдарё вилоятида қайд этилиб, унинг улуши 1,5 % дан иборат бўлди.

Худудлар бўйича автомобиль транспортида йўловчи ташиш  
(2022 йил январь-декабрь)



Худудий маълумотлар таҳлили шунини кўрсатмоқдаки, республика бўйича автомобиль транспортида йўловчи ташишнинг умумий ҳажмида Тошкент шаҳри, Андижон, Тошкент ва Фарғона вилоятларининг улуши салмоқли ўринни эгаллайди (умумий ҳажмдаги улуши 54,8 %). Сирдарё, Жиззах, Навоий, Сурхондарё вилоятлари, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикасига нисбатан паст кўрсаткичлар қайд этилди.

Ўзбекистон Республикаси бўйича жисмоний шахсларга тегишли  
енгил автомобиллар сони<sup>1</sup>  
(2023 йил 1 январь ҳолатига кўра, бирликда)



<sup>1)</sup> Ўзбекистон Республикаси ИИВ ЖХД Йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати маълумотларига асосан.

2023 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, Тошкент шаҳар (562 100 бирлик), Тошкент (346 956 бирлик) ва Самарқанд (387 611 бирлик) вилоятлари республика бўйича жисмоний шахсларга тегишли автомобиллар сонига етакчи ҳудудлар қаторига кирди.

2023 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, республикада жисмоний шахсларга тегишли жами 3 637,1 минг дона авторанспорт воситалари мавжуд бўлиб, улардан енгил автомобиллар 3 396,5 минг бирлик (93,4 %), юк автомобиллари 219,6 минг бирлик (6,0 %), автобус ва микроавтобуслар 15,6 минг бирлик (0,4 %), махсус транспорт воситалари 5,3 минг бирликни (0,2 %) ташкил этади.

### Ўзбекистон Республикаси бўйича жисмоний шахсларга тегишли енгил автомобиллар сони (бирлик)<sup>2</sup>

2018 й.	2 272 185
2019 й.	2 410 421
2020 й.	2 767 126
2021 й.	3 051 734
2022 й.	3 396 520

2018-2022 йиллар давомида жисмоний шахсларга тегишли бўлган енгил автомобиллар сони доимий равишда ўсиб борган. 2018 йилдан 2022 йилгача уларнинг сони 1 124,3 минг бирликка ёки 49,5 % га ошди.





**Ҳаво транспорти** бу – ҳаво кемалари (самолётлар) ва улардан фойдаланиш учун зарур бўлган инфратузилмани ўз ичига олган транспорт тури: аэропортлар, диспетчерлик ва техник хизматлар.

Ҳаво транспортида юк ташиш ҳажми 10,1 минг тоннани ташкил этиб, бу эса 2021 йилдаги юк ташиш ҳажми даражасидан 10,8 % га юқори. Кўриб чиқиладиган даврда юк айланмаси 6,3 % га ўсди ва 322,7 млн. т-км.ни ташкил этди.

### Ҳаво транспорти фаолиятининг асосий кўрсаткичларини таққосланиши

Жўнатилган юк (минг тонна)

Жўнатилган йўловчи (минг йўловчи)



<sup>2)</sup> Ўзбекистон Республикаси ИИВ ЖХД Йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати маълумотларига асосан.

Ҳаво транспортида 4 158,5 минг киши жўнатилиб, 2021 йил кўрсаткичига нисбатан 1,4 мартага ошган, йўловчи айланмаси 2,1 мартага кўпайиб, 10 903,4 млн. йўловчи-км.ни ташкил этди.

Ҳаво кемаларининг кечикмасдан мунтазам етиб келиши 2021 йилнинг январь-декабрь ойларидаги 72,0 % ўрнига 68,7 % ни ташкил этди. 2022 йилнинг январь-декабрь ойларида 6 256 авиапарвоз кечиктирилган. Халқаро ташувларда ҳаво кемаларининг мунтазам етиб келиши 3,8 ф.п. га ошиб, 65,8 % ни ташкил этди (2021 йил январь-декабрь ойларида 62,0 %).

Ҳаво кемаларининг жами кечикиш вақти 4 354 самолёт-соатни ташкил этиб, 2021 йилнинг январь-декабрь ойларига нисбатан 4,1 % га камайиб, кечиктирилган парвозларнинг ўртача давомийлиги 10,3 % га пасайиб, 42 дақиқани ташкил этди.


**Шаҳар электр транспорти** – энергия манбаи сифатида электр-энергиясидан фойдаланадиган транспорт тури ва тортиш электр моторидан фойдаланилади. Шаҳар электр транспортида статистик кузатув объекти йўловчиларни ташиш, ҳаракатланувчи таркиб, ундан фойдаланиш, йўл станциялари, транспорт ишларининг молиявий натижалари ҳисобланади. Статистик кузатув бирлигини метро, трамвай ва троллейбус корхоналари ташкил этади

Электр транспортида 140 182,1 минг йўловчи ташилиб, 2021 йилга нисбатан 34,1 % ўсиш қайд этилди. Ушбу транспортнинг йўловчи айланмаси 1 021,3 млн. йўловчи-км.ни ташкил этган бўлиб, бу 2021 йилнинг мос даврига нисбатан 33,7 % га кўпдир.

Электр транспортида йўловчи ташиш (97,5 %) ва йўловчи айланмасидаги энг юқори улуш метрополитен (97,6 %) ҳиссасига тўғри келди.

Шундай қилиб, метрополитенда йўловчи ташиш ҳажми 136 731,6 минг йўловчини ташкил этиб, бу эса 2021 йилга нисбатан 34,4 % га кўпдир. Умумий йўловчи айланмаси эса 996,8 млн. йўловчи-км.ни ташкил этди.

Электр транспортида йўловчи ташиш таркиби (% да)





2022 йилнинг январь-декабрь ойлари якунлари бўйича трамвайда 2 911,4 минг йўловчи ташилди, бу 2021 йилнинг мос даврига нисбатан 29,0 % га кўпдир.

Трамвайнинг йўловчи айланмаси 9,8 млн. йўловчи-км.ни ташкил этди. Электр транспортида йўловчи ташиш таркибида трамвайнинг улуши 2,1 % га тенг бўлди.

Шу билан бирга, троллейбусда 539,1 минг йўловчи ташилиб, бу 2021 йилнинг январь-декабрь ойларига нисбатан 2,9 % га кўпдир. Троллейбуснинг йўловчи айланмаси 14,7 млн. йўловчи-км.ни ташкил этиб, 2021 йилга нисбатан 2,9 % га ошган. Бироқ, электр транспортида йўловчи ташиш таркибида троллейбуснинг улуши бор йўғи 0,4 % ни ташкил этди.

**Магистрал қувурлар** – газни қазиб олиш ёки ишлаб чиқариш жойидан газ тақсимлаш станцияларигача бўлган узок масофаларга ўтказиш учун мўлжалланган қувурлардир.

Магистрал қувурлар орқали 63,5 млн. тонна газ қуйилган, бу эса 2021 йилнинг мос даврига нисбатан 4,0 % га камдир. Магистрал қувурларнинг юк айланмаси 3,6 % га пасайиб, 29,7 млрд. т-км.ни ташкил этди.

### 5 БЎЛИМ. ТРАНЗИТ ТАШУВЛАР<sup>3)</sup>

**Транзит ташишлар** – йўловчиларни, бағажни, юк бағажини, юкларни, почта ва курьерлик жўнатмаларини Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали ҳар қандай турдаги транспортда олиб ўтиш, жўнатиш ва етказиш пунктлари Ўзбекистон Республикасидан ташқарида бўлган йўлнинг фақат бир қисми бўлса, шунингдек, республика транспорти воситаларида чет давлатлар ҳудуди орқали амалга ошириладиган ташиш – транзит ташишдир.

Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали олиб ўтилган  
транзит юклар ҳажми таркиби, % да



2022 йилнинг январь-декабрь ойларида Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ўтган темир йўл юк вагонлари сони 132 046 тани, автомобиль транспортлари сони эса 88 622 донани ташкил этди.

<sup>3)</sup> Маълумотлар Ўзбекистон Республикаси Иқтисодийёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Божхона қўмитасининг электрон маълумотлар базаси асосида тайёрланган

## 6 БЎЛИМ. ЙЎЛ-ТРАНСПОРТИ ҲОДИСАЛАРИ <sup>4)</sup>

**Йўл-транспорт ҳодисаси** – транспорт воситасининг йўлдаги қатнови жараёнида содир бўлиб, фуқароларнинг ўлими ёки уларнинг соғлиғига зарар етишига, транспорт воситалари, иншоотлар, юклар шикастланишига ёки бошқа тарзда моддий зарар етказилишига сабаб бўлган ҳодиса.


2022 йилнинг январь-декабрь ойларида умумий йўл-транспорт ҳодисалари сони 9 902 бирликни ташкил этди. 2021 йилнинг мос даврига нисбатан мазкур кўрсаткич 99 бирликка камайган (-1,0 %).

### Худудлар кесимида йўл-транспорт ҳодисалари сонини таққосланиши (2022 йил январь-декабрь, бирликда)

Худуд	Ҳодисалар сони	Таҳлил
Фарғона	1557	Худудий таҳлили шуни кўрсатдики, республика бўйича қайд этилган йўл-транспорт ҳодисаларининг умумий сони Фарғона, Тошкент, ва Самарқанд вилоятлари, шунингдек, Тошкент шаҳри ҳиссасига тўғри келади (республика кўрсаткичининг 51,0 % и). Сирдарё, Хоразм, Навоий ва Жиззах вилоятларига нисбатан паст кўрсаткичлар қайд этилган.
Тошкент	1302	
Самарқанд	1154	
Наманган	1046	
Тошкент ш.	1017	
Андижон	845	
Қорақалпоғистон Респ.	540	
Қашқадарё	493	
Бухоро	408	
Сурхондарё	343	
Жиззах	342	
Навоий	322	
Хоразм	299	
Сирдарё	214	

Қуйидаги диаграммада 2018-2022 йиллар давомида Ўзбекистон Республикасида содир бўлган йўл-транспорт ҳодисалари динамикаси кўрсатилган.

### Ўзбекистон Республикасида йўл-транспорт ҳодисалари сони (бирлик)



<sup>4)</sup> Ўзбекистон Республикаси ИИВ ЖХД Йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати маълумотларига асосан.

2021 йилнинг шу даври билан солиштирганда, йўл-транспорти ҳодисаларида жабрланганлар сони бўйича ўсиш қайд этилган. Шундай қилиб, 2022 йилнинг январь-декабрь ойларида жароҳат олганлар (жабрланганлар) сонининг 376 нафарга (4,1 %) кўпайиши қайд этилган бўлиб, бу умумий ҳисобда 9 606 нафарни ташкил этди.


**Йўл-транспорти ҳодисаларида жароҳат олганлар (жабрланганлар)  
сонини ҳудудлар кесимида таққосланиши (киши)**

	2021 й. январь-декабрь	2022 й. январь-декабрь	Фарқи 2022-2021 й., % да
<b>Ўзбекистон Республикаси</b>	<b>9 230</b>	<b>9 606</b>	<b>+ 4,1</b>
Қорақалпоғистон Республикаси	461	477	+ 3,5
<i>вилоятлар:</i>			
Андижон	731	732	+ 0,1
Бухоро	241	368	+ 52,7
Жиззах	372	378	+ 1,6
Қашқадарё	479	460	- 4,0
Навоий	272	275	+ 1,1
Наманган	1 128	1 007	- 10,7
Самарқанд	1 003	1 121	+ 11,8
Сурхондарё	312	290	- 7,1
Сирдарё	158	169	+ 7,0
Тошкент	1 162	1 122	- 3,4
Фарғона	1 387	1 500	+ 8,1
Хоразм	272	244	- 10,3
Тошкент ш.	1 252	1 463	+ 16,9

Ҳудудлар бўйича кўрсаткичнинг 2021 йилнинг шу даврига нисбатан сезиларли пасайиши Наманган (-121 киши), Тошкент (-40 киши), Хоразм (-28 киши), Сурхондарё (-22 киши) ва Қашқадарё (-19 киши) вилоятида қайд этилди.

Йўл-транспорти ҳодисаларида жароҳат олганлар сонининг ўсиши Тошкент шаҳар (211 киши), Бухоро (127 киши), Самарқанд (118 киши) ва Фарғона (113 киши) вилоятларида кузатилди.

**Йўл-транспорти ҳодисаларида жабрланган (жароҳатланган)лар умумий сонининг таркиби (% да)**




2022 йил январь-декабрь ойларида йўл-транспорти ҳодисаларида жароҳатланганлар умумий сонининг 15,7 % ини 15 ёшгача бўлган болалар ташкил этади. Бу 2021 йилнинг шу даврига нисбатан 0,4 пунктга юқори бўлиб, 2020 йилга нисбатан эса 1,1 пунктга кўпдир.

2022 йилнинг январь-декабрь ойларида болалар иштирокида йўл-транспорти ҳодисалари сони 1 709 бирликни ташкил этиб, бу эса 2021 йилнинг шу даврига нисбатан 88 тага (5,4 %) кўпайган.

Йўл-транспорти ҳодисаларида жароҳат олган болаларнинг умумий сони 1 508 кишини ташкил этди. 2021 йилнинг шу даврига нисбатан ушбу кўрсаткич 100 кишига (7,1 %) кўпайган.

**Йўл-транспорти ҳодисасида жароҳатланган болалар сонининг ёши бўйича таққосланиши (% да)**



2022 йилнинг январь-декабрь ойларида йўл-транспорти ҳодисалари оқибатида жароҳатланган болаларнинг умумий сониди 1-7 ёшли болалар сони 496 нафарни, 8-15 ёшли болалар сони эса 1 012 нафарни ташкил этди. 2021 йилнинг мос даврида бу кўрсаткич 496 нафар ва 951 нафарни, 2020 йилда 368 ва 576 нафарни ташкил қилган.


## 7 БЎЛИМ. АЛОҚА ВА КОММУНИКАЦИЯ СОҲАСИ

**Алоқа статистикаси** бу – алоқа каби иқтисодий секторнинг оммавий жараёнлари ва ҳодисаларини ўрганадиган статистика фанининг бир тармоғи.

Алоқа ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасига тегишли бўлсада, у миллий иқтисодиётда катта роль ўйнайди. Алоқа соҳаси иқтисодий тизимнинг шундай таркибий қисмидирки, уларсиз ишлаб чиқариш жараёнларининг нормал ишлаши, шунингдек, аҳолининг ҳаётий фаолиятини тасаввур қилиб бўлмайди. Алоқа деганда аҳолининг ижтимоий ва иқтисодий ҳаётининг инфратузилма таркибий қисми, шунингдек, ахборотлаштириш жараёнлари тушунилади.

2023 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, ахборот ва алоқа иқтисодий фаолият турида 12 204 та корхона ва ташкилотлар (деҳқон ва фермер хўжаликларидан ташқари) фаолият кўрсатмоқда. 2021 йилнинг мос даврига нисбатан уларнинг сони 1 617 тага кўпайиб, 15,3 % га ўсган.

**1 январь ҳолатига кўра ахборот ва алоқа соҳасида фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотлар сони (бирликда)  
(фермер ва деҳқон хўжаликларидан ташқари)**



Юқоридаги диаграмма маълумотларига асосан, 2019-2023 йилларнинг 1 январь ҳолатига кўра, ушбу соҳада фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотлар сонидан барқарор ўсиш суръатлари кузатилган.

**Ўзбекистон Республикаси бўйича алоқа ва ахборотлаштириш соҳасидаги хизматлар ҳажми (млрд. сўм)**




2022 йилнинг январь-декабрь ойларида алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари ҳажми 22 917,6 млрд. сўмни ташкил этди ёки 2021 йилнинг шу даврига нисбатан 25,5 % га ўсди.

Ўзбекистон Республикаси бўйича алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида кўрсатилаётган хизматлар ҳажми сўнги йилларда сезиларли даражада ошди. Демак, 2018 йилда мазкур соҳада хизматлар ҳажми 10 332,6 млрд. сўмни ташкил этган бўлса, 2019 йилда бу кўрсаткич 10 891,7 млрд. сўмга, 2020 йилда 13 852,3 млрд. сўмга етди.

Алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари ҳажмида энг катта улуш телекоммуникация хизматларига тўғри келади – 64,2 %. Қуйида худудлар кесимида кўрсатилган коммуникация хизматлари бўйича маълумотлар келтирилган.

**Худудлар кесимида коммуникация хизматлари**  
(2022 йил январь-декабрь, млрд. сўм)



Худудлар бўйича маълумотлар таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, Ўзбекистон Республикаси бўйича алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида кўрсатилган хизматларнинг умумий ҳажмида Тошкент шаҳрининг улуши 44,8 % ни ташкил этиб, 6 597,3 млрд. сўмга етди. Тегишли кўрсаткичлар бўйича кейинги етакчи ўринларни Фарғона (1 076,7 млрд. сўм ёки умумий ҳажмига нисбатан 7,3 %), Самарқанд (984,3 млрд. сўм ёки 6,7 %), шунингдек, Андижон (804,2 млрд. сўм ёки 5,5 %) вилоятлари банд этди.

2022 йилнинг январь-декабрь ойларида алоқа хизматлари ҳажми 16 179,2 млрд. сўм даражасида қайд этилди ёки 2021 йилнинг мос даври билан таққослаганда 22,4 % га ўсди (амалдаги нархларда).

Мобил алоқа хизматларининг (Интернетни кўшган ҳолда) умумий алоқа хизматлари ҳажмидаги улуши 49,3 % га тенг бўлиб, 7 971,8 млрд. сўмни, шу жумладан, аҳолига кўрсатилгани 7 295,3 млрд. сўмни ташкил этди.

### Алоқа хизматлари таркиби (% да)





Диаграмма маълумотларига кўра, сўнгги уч йил давомида, мобил ва бошқа алоқа хизматлари ўртасидаги нисбий тенгликни кўриш мумкин.

Шундай қилиб, 2021 йилнинг мос даврига нисбатан мобил алоқа хизматлари 23,5 % га, аҳолига кўрсатилган хизматлар эса 22,1 % га ўсди (амалдаги нархларда).

2023 йил 1 январь ҳолатига (дастлабки маълумотлар) кўра, мобил алоқа билан таъминланган абонентлар сони 31 98198 минг бирликни, шу жумладан, аҳолида 26 950,7 минг бирликни ташкил этди. Аҳолининг мобил алоқа билан таъминланганлиги ҳар 100 киши ҳисобига 75 бирликни ташкил этди.

### Ўзбекистон Республикаси бўйича мобил алоқа абонентлари сони (йил охирига, минг абонент)



Сўнги йиллар давомида уяли алоқа абонентлари сони фақат ўсиб борган ва таҳлил қилинаётган йиллардаги юқори ўсиш суръатлари 2021 йилда қайд этилган (111,7 %).

**Ўзбекистон Республикаси ҳудудлари бўйича мобил алоқа абонентлари сони,**  
(1 январь ҳолатига кўра, минг абонент)

	2019 й.	2020 й.	2021 й.	2022 й.	2023 й. <sup>1)</sup>
<b>Ўзбекистон Республикаси</b>	<b>21 954,5</b>	<b>23 846,7</b>	<b>25 971,3</b>	<b>29 022,4</b>	<b>31 981,9</b>
Қорақалпоғистон Республикаси	1 262,7	1 332,2	1 377,7	1 427,4	1 499,2
<i>вилоятлар:</i>					
Андижон	1 829,8	2 003,4	2 166,9	2 498,4	2 696,3
Бухоро	1 247,6	1 350,5	1 404,8	1 488,8	1 547,6
Жиззах	782,8	838,3	917,1	958,5	1 027,1
Қашқадарё	1 692,3	1 857,8	1 996,8	2 068,2	2 207,2
Навоий	785,2	850,8	915,4	944,3	1 027,5
Наманган	1 651,4	1 831,1	1 941,2	2 212,3	2 386,3
Самарқанд	2 095,9	2 263,3	2 449,7	2 774,2	2 993,5
Сурхондарё	1 313,7	1 457,5	1 515,6	1 608,4	1 762,2
Сирдарё	554,6	593,3	614,6	705,1	729,7
Тошкент	662,5	1 191,6	1 405,1	1 672,0	2 021,5
Фарғона	2 333,8	2 578,3	2 858,9	3 026,2	3 230,7
Хоразм	1 144,1	1 227,3	1 281,5	1 315,2	1 402,9
Тошкент ш.	4 598,1	4 471,3	5 126,0	6 323,4	7 450,1

<sup>1)</sup> Дастлабки маълумотлар

2023 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, (Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириши вазирлиги маълумотларига асосан) Интернет тармоғига уланиш хизматларини кўрсатиш учун рухсатномага эга хўжалик юритувчи субъектлар сони 313 бирликни ташкил этди.

2022 йилнинг III чораги билан таққослаганда, таҳлил қилинаётган давр мобайнида халқаро ахборот узатиш каналларининг ўтказувчанлик қобилияти ўзгаришсиз қолди (3200 Гбит/с гача).



## Статистик кўрсаткичларга изоҳлар

**Умумий фойдаланишдаги автомобиль транспорти** – аҳолини ва иқтисодиётни барча тармоқларининг йўловчилар, багажлар ва юклар, шу жумладан, почталарни автомобилларда ташишга бўлган эҳтиёжларини тижорат асосида таъминловчи транспорт.

**Автотранспорт воситалари** – йўловчилар, багажлар, юклар ташишга ҳамда махсус ишларни бажаришга мўлжалланган автомобиллар, шатакчи-автомобиллар, тиркама ва ярим тиркамалар.

**Мавжуд автотранспорт воситалари** – ташкилот балансида бўлган, техник ҳолатидан ва автомобилнинг жойлашган жойидан (таъмирлашда, хизмат сафариди, консервацияда, ижарада) қатъи назар, барча турдаги, марказдаги ва моделдаги автомобиллар сони.

**Йўловчи автомобили** – ўзининг тузилиши ва жиҳозланиши жиҳатидан йўловчилар ва багажларни ташишга мўлжалланган, зарур қулайлик ва хавфсизлик билан таъминланган автомобиль.

**Юк автомобили** – юкларни ташишга мўлжалланган, қаттиқ рамали механик йўл транспорти воситаси; юк автотранporti воситалари фойдаланиш характери ва конструктив хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда умумий ва ихтисослаштирилган воситаларга бўлинади.

**Автобус, микроавтобус** – йўловчиларни ташишга мўлжалланган ва ҳайдовчи ўрнини ҳисобга олмаганда саккизтадан ортиқ ўтириш ўриндигига эга бўлган, қаттиқ рамали механик йўл транспорти воситаси.

**Енгил автомобиль** – ҳайдовчи ўрнини ҳисобга олмаганда, сифими саккиз кишигача бўлган йўловчи автомобили. Енгил автомобиллар сонига почта ташишга мўлжалланган, санитария ва бошқа махсус енгил автомобиллар қўшилмайди.

**Йўналишли такси** – йўловчилар талабига кўра тўхтаган ҳолда мунтазам йўналишларда йўловчилар ташиш учун мўлжалланган автотранспорт воситаси (автобус ёки енгил автомобиль).

**Йўналишсиз такси** – йўловчиларнинг буюртманомаларига кўра ҳисоблагич (таксометр) кўрсаткичи бўйича ҳақ тўлаш ҳисобига йўловчиларни ва уларнинг багажини ташиш бўйича хизматлар кўрсатадиган автотранспорт воситаси.

**Пикап ва енгил фургон** – кузови енгил автомобиль шассисига мослаштирилган, юк кўтариш қобилияти юқори бўлмаган юк ва юк-йўловчи автомобиллари.

**Юк айланмаси** – транспортнинг юк ташиш бўйича иш ҳажми. Ўлчов бирлиги тонна-километр ҳисобланади. Транспортнинг юк айланмаси ташилаётган юкнинг ҳар бир жўнатмаси оғирлигини уни ташиш масофасига кўпайтмасининг йиғиндиси орқали аниқланади.

**Ташилган йўловчилар** – маълум вақт давомида автомобиль воситаларида турли қатнов турлари бўйича ташилган йўловчилар сони (статистик кузатув бирлиги бўлиб йўловчи-қатнови ҳисобланади).

**Йўловчи айланмаси** – транспортнинг йўловчи ташиш бўйича иш ҳажми. Ўлчов бирлиги йўловчи-километр ҳисобланади. Ҳар бир ташиш бўйича йўловчилар сонини ташиш масофасига кўпайтмасини йиғиндиси орқали аниқланади. Қатнов турлари ва бошқа белгилар бўйича алоҳида ҳисобланади.

**Ташиш масофаси** – объектни жўнатиш нуқтасидан белгиланган нуқтагача ташиш (транспортда ташиш) масофаси (километрда ўлчанади).

**Юкларни ташишнинг ўртача масофаси** – ўртача бир тонна юк ташиладиган масофа. Бутун автотранспорт бўйича, алоҳида юклар ва қатнов турлари бўйича юк айланмасини (тонна-километрда) ташилган юклар ҳажмига (тоннада) бўлиш орқали аниқланади.

**Йўловчиларни ташишнинг ўртача масофаси** – ўртача бир йўловчи ташиладиган масофа. У бутун автотранспорт ва қатнов турлари бўйича йўловчи айланмасини (йўловчи-километрда) ташилган йўловчилар сонига бўлиш орқали аниқланади.

**Умумий босиб ўтилган масофа (километр)** – транспорт воситасининг гаражга (тўхташ жойига) қайтиши ва гараждан (тўхташ жойидан) чиқиб кетиши вақтидаги спидометр кўрсаткичлари ўртасидаги бир кунлик фарқни ифодалайди. Умумий босиб ўтилган масофа, ҳисобот даври мобайнида барча фойдаланилаётган автомобилларнинг ҳар кунлик босиб ўтган масофаларини йиғиндиси орқали аниқланади.

**Шаҳардаги ташувлар** – шаҳар ва шаҳарчалар ҳудудидан чиқмаган ҳолда амалга ошириладиган ташувлар.

**Шаҳар атрофидаги ташувлар** – шаҳар ва шаҳарчалар ҳудуди чегарасидан ташқарига эллик километр бўлган масофагача амалга ошириладиган ташувлар.

**Шаҳарлараро ташувлар** – шаҳар ва шаҳарчалар ҳудуди чегарасидан ташқарига эллик километрдан кўпроқ бўлган масофага амалга ошириладиган ташувлар, шунингдек, масофанинг узунлигидан қатъий назар, Ўзбекистон Республикасининг икки ва ундан ортиқ вилоятлари ҳудудида амалга ошириладиган ташувлар.

**Халқаро ташувлар** – қатнов узунлигидан қатъий назар, Ўзбекистон Республикасининг давлат чегарасидан ташқарида ёки давлат чегарасидан амалга ошириладиган транспорт ташувлари.

Амалдаги нархларда **алоқа ва коммуникация хизматларини ишлаб чиқариш**, мазкур соҳада хизмат кўрсатувчи корхоналарнинг даромадлари (сотишдан тушган тушум миқдори) йиғиндиси сифатида аниқланади.

**Мобил алоқа билан таъминланган абонентлар сони** – мобиль алоқа тизимларига уланган абонент радиостанциялар сони.

**Халқаро ахборот узатиш каналларининг ўтказиш қобилияти** – бир вақтнинг ўзида узатилган ёки қабул қилинган максимал ахборот миқдори бўйича аниқланади.


## VII. ИСТЕЪМОЛ БОЗОРИ

### 1- БЎЛИМ. ФАОЛИЯТ КЎРСАТАЁТГАН САВДО КОРХОНАЛАРИ

Статистик маълумотлар жамиятда содир бўлаётган ижтимоий-иқтисодий ҳодиса ва жараёнларни тавсифлаш ва бошқаришнинг энг муҳим воситасидир. Ҳозирда юқори сифатли статистик маълумотлардан фойдаланмасдан давлат сиёсатида тўғри бошқарув қарорларини қабул қилиш имконсиз. Шулар қаторида савдо статистика кўрсаткичларини шакллантириш ҳам муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади. Жумладан, улгуржи ва чакана савдо ҳамда умумий овқатланиш корхоналари савдо айланмаси статистикаси кўрсаткичи шулар жумласидан.

**Савдо фаолияти билан шуғулланувчи  
корхоналарнинг ҳудудлар кесимида сони**  
(2023 йил 1 январь ҳолатига)

**Йиллар кесимида савдо  
корхоналари сони**  
(бирликда).



## 2- БЎЛИМ. ЧАКАНА САВДО ТОВАР АЙЛАНМАСИ

2023 йил 1 январь ҳолатига чакана савдо соҳасида фаолият кўрсатаётган корхоналари сони **117 603** тани ташкил этиб, 2022 йил 1 январга нисбатан **17 052** тага ошган (ўсиш суръати 117,4 %).

Шундан, фаолият кўрсатаётган йирик корхоналар сони **349** тани, кичик корхона ва микрофирмалар сони **117 254** тани ташкил қилди. Шу жумладан, савдо соҳасида юридик шахс ташкил этмасдан фаолият олиб бораётган ЯТТлар ва уюшмаган савдо (жисмоний шахслар)нинг кузатувлар асосида йиғилган маълумотлари, чакана савдо кўрсаткичларига киритилган.

Юқорида қайд этилган тадбиркорлик субъектлари фаолияти натижасида, 2022 йилнинг январ-декабрь ойларида республиканинг чакана савдо товар айланмаси **319 288,2** млрд. сўмни ташкил этиб, 2021 йилнинг январь-декабрь ойларига нисбатан 112,3 % га ошган. Шу жумладан, йирик корхоналарнинг товар айланмаси 65 714,8 млрд. сўмни (ўсиш суръати 130,7 %), кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг товар айланмаси 253 573,4 млрд. сўмни (ўсиш суръати 108,4 %), шундан уюшмаган савдо товар айланмаси 25 970,2 млрд. сўмни (ўсиш суръати 112,1 %) ташкил этди.

### Чакана савдо айланмасининг асосий кўрсаткичлари



Чакана савдо товар айланмаси таркибида йирик корхоналар улуши 20,6 %, кичик бизнес корхоналари 79,4 % ва уюшмаган савдо айланмаси 8,1 % ни ташкил қилди.

**Чакана савдо айланмаси** – аҳолига шахсий, оилавий, маиший ва тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ бўлмаган шу каби фойдаланиш учун сотилган товарларнинг қиймати ҳисобланади.

Чакана савдо айланмаси, шу жумладан умумий овқатланишни корхоналари айланмасини қўшган ҳолда аҳоли жон бошига 10,0% га ошди ва 8 956,7 минг сўмни ташкил этди (2021 йилнинг мос даврида- 7 219,1 минг сўм). Тошкент шаҳрида (28 184,5 минг сўм), Тошкент (10 680,8 минг сўм) ва Навоий (11 711,1 минг сўм) вилоятларида энг юқори ўртача жон бошига товар айирбошлаш қайд этилган бўлса, энг кам ўртача жон бошига товар айирбошлаш эса Қорақалпоғистон Республикасида (5 505,0 минг сўм), Сирдарё (5 513,6 минг сўм) ва Қашқадарё (5 951,2 минг сўм) вилоятларида қайд этилди.

**Чакана савдо товар айланмаси**  
(2022 йил январь-декабрь, умумий оқатланишни қўшган ҳолда)

	<i>Жами</i>		<i>Аҳоли жон бошига</i>	
	<i>млрд. сўм</i>	<i>2021 йилнинг мос даврига нисбатан % да</i>	<i>млрд. сўм</i>	<i>2021 йилнинг мос даврига нисбатан % да</i>
<b>Ўзбекистон Республикаси</b>	<b>319 288,2</b>	<b>112,3</b>	<b>8 956,7</b>	<b>110,0</b>
Қорақалпоғистон Республикаси	10 803,0	112,3	5 505,0	110,8
<i>вилоятлар:</i>				
Андижон	21 889,2	111,3	6 657,1	109,1
Бухоро	18 190,2	110,5	9 125,7	108,8
Жиззах	11 351,9	110,7	7 777,9	108,2
Қашқадарё	20 504,8	112,5	5 951,2	110,1
Навоий	12 234,6	112,3	11 711,1	110,0
Наманган	19 687,0	114,2	6 641,4	111,7
Самарқанд	27 232,9	112,2	6 683,1	109,8
Сурхондарё	19 394,6	113,0	6 989,1	110,4
Сирдарё	4 893,9	106,2	5 513,6	104,0
Тошкент	31 681,3	109,5	10 680,8	107,6
Фарғона	26 021,2	110,7	6 610,4	108,5
Хоразм	13 414,8	112,6	6 910,6	110,7
Тошкент ш.	81 988,8	114,6	28 184,5	111,1

2022 йил январь-декабрь ойларида 2021 йилнинг январь-декабрь ойларига нисбатан республиканинг Тошкент шаҳри (**114,6** %), Наманган (**114,2** %), Сурхондарё (**113,0** %) ва Хоразм (**112,6** %) вилоятларида чакана савдо товар айланмасининг энг юқори ўсиш суръатлари қайд этилди.

Чакана савдо товар айланмаси умумий ҳажмида энг катта улуш Тошкент шаҳри ҳисобига тўғри келди ва 25,7 % ни ташкил этди, Тошкент вилояти 9,9 %, Самарқанд вилояти 8,5 %, Фарғона вилояти 8,1 %, Андижон вилояти 6,9 % ни ташкил этган бўлса, Сирдарё вилояти 1,5 % ва Қорақалпоғистон Республикаси 3,4 % улуш билан энг паст кўрсаткичларни қайд этди.

Худудларнинг жами чакана товар айланмасидаги улуши  
(2022 йилнинг январь-декабрь ҳолатига, % да)




Республика чакана савдо товар айланмасида энг юқори улушни Тошкент шаҳри 25,7 % улуш билан 81 988,8 млрд. сўмни ташкил этди.

Республика чакана савдо товар айланмасида энг қуёи улушни Сирдарё вилояти 1,5 % улуш билан 4 893,9 млрд. сўмни ташкил этди.


2021 йилнинг мос даврига нисбатан чакана савдо айланмаси ўсишининг юқори кўрсаткичлари Тошкент шаҳри (114,6 %), Наманган (114,2) ва Сурхондарё (113,0 %) вилоятларида қайд этилди.

**Чакана савдо товар айланмаси динамикаси**  
(январь-декабрь ҳолатига, % да)



Сўнгги 6 йилликда чакана савдо товар айланмасининг юқори ўсиш суръати 2022 йилда кузатилди. Бунда чакана савдо товар айланмаси 2021 йилнинг мос даврига нисабат 112,3 % ни ёки 319 288,2 млрд. сўмни ташкил қилди.

**2022 йилда чакана савдо ҳажмининг ойлар кесимида ўсиш суръати, % да**




Ушбу диаграммада кўришиб турибдики, 2022 йилда чакана савдо товар айланмасида юқори ўсиш суръати январь ойида 115,8 % ва қуйи ўсиш суръати июнь ойида 109,9 % кузатилди.

### Умумий овқатланиш корхоналари савдо айланмаси

2023 йил 1 январь ҳолатига умумий овқатланиш соҳасида фаолият кўрсатаётган корхоналар сони **33 111** тани ташкил этиб, 2022 йил 1 январь ҳолатига нисбатан **3 150** тага ошиб ва ўсиш суръати **110,5** % ни ташкил этган. Шундан, фаолият кўрсатаётган йирик корхоналар сони **63** тани, кичик корхона ва микрофирмалар сони **33 049** тани ташкил қилди.

2022 йилнинг январь-декабрь ойларида чакана савдо товар айланмаси таркибида овқатланиш ташкилотларининг савдо айланмаси 3,5 % ни ташкил этиб, 11 146,5 млрд. сўмга етди ва 2021 йилнинг мос даврига нисбатан 19,8 % га ошди. Бунда жами савдо айланмасининг 75,8 % улуши кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ҳиссасига тўғри келмоқда.

### Худудлар кесимида умумий овқатланиш корхоналари савдо айланмаси ўсиш суръатлари, % да



Умумий овқатланиш корхоналари савдо айланмасида юқори ўсиш суръати Тошкент шаҳри (132,8 %), Наманган (118,3 %) ва Тошкент (117,5 %) вилоятларида кузатилди.

### 3- БЎЛИМ. УЛГУРЖИ САВДО АЙЛАНМАСИ

Улгуржи товар айланмаси – қайта сотиш мақсадида сотиб олинган ва тадбиркорлик фаолиятида фойдаланиш ёки ўз фойдаланиши (қайта ишлаш) учун учинчи томон ташкилотлари ва якка тартибдаги тадбиркорларга ўзгартирилмаган ҳолда жўнатилган товарларнинг қиймати, ушбу товарлар учун ҳақ тўланганлигидан ёки тўланмаганлигидан қатъий назар ҳисобга олинади.


Сўнгги йилларда улгуржи савдода давлат секторининг ўрни пасайиб бормоқда. Ҳисобот даврида ушбу секторнинг жами улгуржи товар айланмасидаги улуши 0,1 % ни ташкил қилди. 2022 йилнинг январь-декабрь ойлари **яқунлари** бўйича улгуржи савдо айланмаси 247 076,9 млрд. сўмни ташкил этиб, шу жумладан, нодавлат тасарруфга эга субъектлар томонидан улгуржи савдо айланмаси 246 917,6 млрд. сўмни ва давлат тасарруфига эга корхоналар томонидан 159,3 млрд.сўмни ташкил этди.



Улгуржи савдо товар айланмасида юқори ўсиш суръатларига эга йирик корхоналар Бухоро (7,6 м.), Навоий (2,3 м.) ва Сурхондарё (180,1 %) вилоятларида кузатилди.

2023 йил 1 январь ҳолатига улгуржи савдо соҳасида фаолият кўрсатаётган тижорат корхоналар сони 54 662 тани ташкил этиб, 2022 йил 1 январь ҳолатига нисбатан 11 078 тага кўпайган, ўсиш суръати 125,4 % ни ташкил этган. Шундан, фаолият кўрсатаётган йирик корхоналар сони 341 тани, кичик корхона ва микрофирмалар сони 54 321 тани ташкил қилди.

Ҳудудлар кесимида улгуржи савдо айланмаси ўсиш суръати, % да



Ҳудудлар кесимида улгуржи савдо ҳаҷми  
(2022 йил январь-декабрь)

	Ҳами (млрд. сўм)	2021 йил январь- декабрь даврига нисбатан, % да	Йирик корхона- лар (млрд. сўм)	2021 йил январь- декабрь даврига нисбатан, % да	Микрофир- ма ва кичик корхоналар (млрд. сўм)	2021 йил январь- декабрь даврига нисбатан, % да
<b>Ўзбекистон Республикаси</b>	<b>247 076,9</b>	<b>126,8</b>	<b>65 056,6</b>	<b>129,8</b>	<b>182 020,3</b>	<b>125,7</b>
Қорақалпоғистон Республикаси	3 003,5	106,2	412,6	74,8	2 590,9	113,8
<i>вилоятлар:</i>						
Андижон	5 626,9	110,0	411,8	61,3	5 215,2	117,4
Бухоро	11 375,7	150,9	4 078,3	7,6 м.	7 297,4	104,2
Жиззах	2 801,6	109,2	479,4	97,5	2 322,3	111,9
Қашқадарё	4 975,2	115,0	966,0	171,1	4 009,2	106,6
Навоий	3 305,3	128,0	944,7	2,3 м.	2 360,6	108,9
Наманган	9 252,1	127,2	1 569,3	152,2	7 682,8	123,0
Самарқанд	12 666,2	115,0	3 001,1	111,3	9 665,1	116,2
Сурхондарё	5 261,7	130,5	1 206,1	180,1	4 055,6	120,7
Сирдарё	3 241,1	114,5	431,5	142,5	2 809,7	111,1
Тошкент	18 811,3	120,8	4 829,8	107,8	13 981,4	126,1
Фарғона	14 437,3	126,0	644,7	130,6	13 792,7	125,8
Хоразм	5 386,9	119,7	916,2	179,1	4 470,6	112,1
Тошкент ш.	146 931,9	129,7	45 165,1	123,1	101 766,8	133,0

## Статистик кўрсаткичларга изоҳлар

**Чакана савдо** – савдо соҳасида якуний истеъмол учун аҳолига товарларни доналаб ёки кўп бўлмаган миқдорларда нақд пулга сотишни назарда тутувчи фаолият, яъни товарларни фойдаланиш соҳасидан шахсий ёки умумий истеъмол соҳасига ўтган вақтдаги ҳаракатининг якуний босқичини ифодалайди.

**Чакана товар айланмаси** – товарларни сотиш тармоқларидан қатъи назар, аҳолига истеъмол товарларини нақд ҳисоб-китоб асосида ёки пластик карточкалари, кредит карточкалари, банкларнинг ҳисоб чеклари орқали (бу ҳам нақд ҳисоб-китоб асосида сотиш каби ҳисобга олинади) сотилган қиймати.

**Умумий овқатланиш** – юридик шахслар томонидан пазандачилик маҳсулотларини тайёрлашга, сотишга ва истеъмолини ташкил қилишга ихтисослаштирилган фаолиятни амалга ошириш.

**Умумовқатланиш айланмаси** – жойида аҳолига истеъмол учун, шунингдек, турли контингентдаги аҳолини овқатланишини ташкил қилиш учун ташкилот ва якка тадбиркорларга ўзи ишлаб чиқарган кулинария маҳсулотларини (таом, кулинария маҳсулотлари ва яримфабрикатлар), шунингдек, кулинария ишловисиз сотиб олинган товарларни (унли, қандолатли ва нон маҳсулотлари) сотишдан тушган тушумни ифодалайди.

**Товар захиралари** – чакана савдо корхоналари балансида турган ва келгусида сотиш учун мўлжалланган товарлар қолдиғи.

**Товар айланмасининг товар тузилмаси** – умумий савдода нисбий кўрсаткич – жамига нисбатан фоиз ҳисобидаги солиштирма оғирлик (улуш) ёрдамида акс этадиган, умумий товар айланмаси ҳажмидаги алоҳида товар ва товар гуруҳлари ўртасидаги нисбат, яъни товар айланмаси таркиби.

**Улгуржи савдо** – тижорат мақсадларида ёки ўзининг ишлаб чиқариш-хўжалик эҳтиёжларига фойдаланиш учун, харид қилинган товарларни нақд пулсиз ҳисоб-китоблар шакли бўйича сотиш.

**Истеъмол товарлари** – якуний истеъмолга (оилавий ёки шахсий) қаратилган, бевосита инсон эҳтиёжини қондирадиган товарлар ва хизматлар.

**Техник-ишлаб чиқаришга мўлжалланган маҳсулотлар** – ишлаб чиқариш истеъмоли учун мўлжалланган маҳсулот: хом ашё, материаллар, ёқилғи, бутловчи инструментлар, машиналар, эҳтиёт қисмлар, яримфабрикатлар ва бошқаларни ўз ичига олади.

**Улгуржи савдо товар айланмаси** – тузилган шартномалар бўйича тижорат мақсадларида (келажакда қайта ишлаш ёки сотиш) ёки ўзининг ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун нақд пулсиз ҳисоб-китоб шаклида товарлар сотишдан тушумни ифодалайди.

**Товар захиралари** – товар муомаласи доирасида бўлган товарлар ёки улгуржи корхоналар балансида турган ва келгусида сотишга мўлжалланган товарлар қолдиғи.


**Товар айланмасининг товар тузилиши** – товар айланмаси таркиби, умумий савдода нисбий кўрсаткич – жамига нисбатан фоиз ҳисобидаги солиштирма оғирлик (улуш) ёрдамида акс этадиган, умумий товар айланмаси ҳажмидаги алоҳида товар ва товар гуруҳлари ўртасидаги нисбат.

## VIII. ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ

### 1- БЎЛИМ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ТАШҚИ САВДО АЙЛАНМАСИ ИШТИРОКЧИЛАРИ Сони

2022 йилнинг январь-декабр ойларида Ўзбекистон Республикаси ташқи савдо айланмаси иштирокчилари сони қарийб 31,5 мингтага етди (2021 йилга нисбатан 283 тага кўпайди). Шундан экспортёрлар сони 7,2 мингта (2021 йилга нисбатан 125 тага камайди)ни ташкил этган бўлса, 24,3 минг (2021 йилга нисбатан 408 тага кўпайди) импортёрлар томонидан товар ва хизматлар импорт қилинди.

#### Ўзбекистон Республикаси ташқи савдо айланмаси иштирокчилари (2022 йил январь-декабрь, бирликда)



2022 йилнинг январь-декабрь ойларида энг кўп экспортёрлар Тошкент шаҳрига тўғри келган бўлса (жамига нисбатан 27,6 %), энг кам улуш Навоий вилоятига тўғри келди (жамига нисбатан 2,3 %).

2022 йилнинг январь-декабрь ойларида энг кўп импортёрлар Тошкент шаҳрига тўғри келган бўлса (жамига нисбатан 41,7 %), энг кам улуш Қорақалпоғистон Республикасига тўғри келди (жамига нисбатан 1,5 %).

## 2- БЎЛИМ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ТАШҚИ САВДО АЙЛАНМАСИ


Республикада бу борада сўнгги йилларда амалга оширилаётган экспортни рағбатлантириш, импортни оптималлаштириш ва умуман олганда ташқи савдо мувозанатини таъминлаш мақсадида амалга оширилган чора-тадбирлар натижаси 2022 йилда республиканинг ташқи савдо айланмасини (матнда ТСА) 50,0 млрд. АҚШ долларига етишини ва 2021 йилга нисбатан 7,8 млрд. АҚШ долларига ёки 18,6 % га ошишини таъминлади. Ушбу натижа мамлакат тарихида энг юқори кўрсаткич сифатида қайд этилди.

### Ташқи савдо айланмаси ва баланси (январь-декабрь, млн. АҚШ доллари)

	2021 йил	2022 йил	Ўсиш суръати, % да	Жамига нисбатан, % да
<b>Ташқи савдо айланмаси</b>	<b>42 170,5</b>	<b>50 008,4</b>	<b>118,6</b>	<b>х</b>
<b>Экспорт</b>	<b>16 662,8</b>	<b>19 309,1</b>	<b>115,9</b>	<b>100,0</b>
товарлар	9 971,3	11 239,3	112,7	57,5
хизматлар	2 581,7	3 959,5	153,4	20,5
номонетар олтин	4 109,8	4 110,3	100,0	22,0
<b>Импорт</b>	<b>25 507,7</b>	<b>30 699,3</b>	<b>120,4</b>	<b>100,0</b>
товарлар	23 740,4	28 172,9	118,7	91,4
хизматлар	1 767,3	2 526,3	142,9	8,6
<b>Салдо</b>	<b>-8 844,9</b>	<b>-11 390,2</b>	<b>х</b>	<b>х</b>

ТСАда экспорт ҳажми 19 309,1 млн. АҚШ долларига (15,9 % га кўпайди) ва импорт ҳажми 30 699,3 млн. АҚШ долларига (20,4 % га кўпайди) етди. Ҳисобот даврида 11 390,2 млн. АҚШ доллари қийматида манфий ташқи савдо баланси қайд этилди.

### Ўзбекистон Республикасининг ташқи савдо айланмаси (январь-декабрь, млрд. АҚШ доллари, ўсиш суръати, % да)



Юқоридаги диаграммада кўриниб турибдики, 2022 йил январь-декабрь ҳолатига кўра Республиканинг ташқи савдо айланмаси 50,0 млрд.АҚШ долларини ташкил қилди, 2018 йилга нисбатан 16,6 млрд. АҚШ долл. ёки 49,6 % ўсиш суръати қайд этилган. Шунини таъкидлаш лозимки, ташқи савдо айланмасининг ЯИМга нисбати ҳам сезиларли даражада ўсиб бормоқда, бу савдо жиҳатидан иқтисодиётнинг ўсишидан далолат бермоқда.

**Ташқи савдо айланмаси** – муайян давр учун мамлакат экспорти ва импорти қийматининг миқдори ҳисобланади. Товарларнинг ташқи савдо статистикаси Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудига олиб кириш (импорт) ёки Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудидан олиб чиқиш (экспорт) натижасида мамлакат материал ресурслари захираларига кўшиладиган ёки улардан айириб ташланадиган товарлар ҳисобини ташқи савдо умумий ҳисоб тизими асосида юритилади.

**Ўзбекистон Республикаси билан ташқи савдо айланмаси энг юқори  
улушга эга бўлган давлатлар  
(2022 йил январь-декабрь, млн. АҚШ доллари)**

<p><b>Россия Федерацияси</b></p> <p>ТСА – 9 279,7</p> <p>Экспорт : 3 066,9 Импорт : 6 212,8</p> <p> 18,6 %</p>	<p><b>ХХР</b></p> <p>ТСА – 8 923,8</p> <p>Экспорт : 2 519,0 Импорт : 6 404,8</p> <p> 17,8 %</p>	<p><b>Қозоғистон</b></p> <p>ТСА – 4 621,0</p> <p>Экспорт : 1 379,7 Импорт : 3 241,2</p> <p> 9,2 %</p>	<p><b>Туркия</b></p> <p>ТСА – 3 223,9</p> <p>Экспорт : 1 507,4 Импорт : 1 716,5</p> <p> 6,4 %</p>	<p><b>Корея Республикаси</b></p> <p>ТСА – 2 340,6</p> <p>Экспорт : 48,1 Импорт : 2 292,5</p> <p> 4,7 %</p>
<p><b>Қирғиз Республикаси</b></p> <p>ТСА – 1 260,0</p> <p>Экспорт : 979,3 Импорт : 280,7</p> <p> 2,5 %</p>	<p><b>Германия</b></p> <p>ТСА – 1 159,3</p> <p>Экспорт : 88,9 Импорт : 1 070,4</p> <p> 2,3 %</p>	<p><b>Туркменистон</b></p> <p>ТСА – 926,3</p> <p>Экспорт : 194,8 Импорт : 731,5</p> <p> 1,9 %</p>	<p><b>Афғонистон</b></p> <p>ТСА – 759,9</p> <p>Экспорт : 750,6 Импорт : 9,3</p> <p> 1,5 %</p>	<p><b>Ҳиндистон</b></p> <p>ТСА – 690,5</p> <p>Экспорт : 35,6 Импорт : 654,9</p> <p> 1,4 %</p>

Ўзбекистон Республикаси жаҳоннинг 204 мамлакати билан савдо алоқаларини амалга ошириб келмоқда. ТСАнинг нисбатан салмоқли ҳиссаси Россия Федерациясида (18,6 %), ХХРда (17,8 %), Қозоғистонда (9,2 %), Туркияда (6,4 %), Корея Республикасида (4,7 %), Қирғиз Республикаси (2,5 %) ва Германияда (2,3 %) қайд этилган.

Бундан ташқари, кўшни давлатлар билан муносабатларнинг мустаҳкамланиши, ушбу мамлакатлар билан ижтимоий-иқтисодий, савдо-саноат ва маданий соҳаларда муносабатларни ривожлантириш бўйича катта ишлар олиб борилаётгани қайд этилмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг йирик ҳамкор давлатлар билан ташқи савдо  
айланмаси динамикаси (январь-декабрь млн. АҚШ доллари)

Давлатлар	2020 й.	2021 й.	2022 й.
<b>Россия Федерацияси</b>	<b>5 659,5</b>	<b>7 550,5</b>	<b>9 279,7</b>
<i>Экспорт</i>	1 485,8	2 088,2	3 066,9
<i>Импорт</i>	4 173,8	5 462,2	6 212,8
<b>Хитой Халқ Республикаси</b>	<b>6 438,3</b>	<b>7 452,5</b>	<b>8 923,8</b>
<i>Экспорт</i>	1 937,1	2 529,1	2 519,0
<i>Импорт</i>	4 501,2	4 923,4	6 404,8
<b>Қозоғистон</b>	<b>3 005,8</b>	<b>3 920,6</b>	<b>4 621,0</b>
<i>Экспорт</i>	908,4	1 178,4	1 379,7
<i>Импорт</i>	2 097,3	2 742,2	3 241,2
<b>Туркия</b>	<b>2 106,3</b>	<b>3 410,0</b>	<b>3 223,9</b>
<i>Экспорт</i>	1 019,0	1 692,4	1 507,4
<i>Импорт</i>	1 087,3	1 717,6	1 716,5
<b>Корея Республикаси</b>	<b>2 150,7</b>	<b>1 898,8</b>	<b>2 340,6</b>
<i>Экспорт</i>	51,3	57,7	48,1
<i>Импорт</i>	2 099,4	1 841,1	2 292,5
<b>Қирғиз Республикаси</b>	<b>907,2</b>	<b>953,6</b>	<b>1 260,0</b>
<i>Экспорт</i>	760,5	792,0	979,3
<i>Импорт</i>	146,7	161,6	280,7
<b>Германия</b>	<b>827,0</b>	<b>765,7</b>	<b>1 159,3</b>
<i>Экспорт</i>	67,6	72,2	88,9
<i>Импорт</i>	759,4	693,5	1 070,4
<b>Туркменистон</b>	<b>538,2</b>	<b>902,0</b>	<b>926,3</b>
<i>Экспорт</i>	126,1	191,9	194,8
<i>Импорт</i>	412,1	710,1	731,5
<b>Афғонистон</b>	<b>779,1</b>	<b>673,7</b>	<b>759,9</b>
<i>Экспорт</i>	776,7	667,5	750,6
<i>Импорт</i>	2,3	6,2	9,3
<b>Ҳиндистон</b>	<b>444,2</b>	<b>490,5</b>	<b>690,5</b>
<i>Экспорт</i>	21,2	29,9	35,6
<i>Импорт</i>	423,0	460,6	654,9

Жадвал давоми

Давлатлар	2020 й.	2021 й.	2022 й.
<b>Тожикистон</b>	<b>493,1</b>	<b>605,6</b>	<b>674,4</b>
<i>Экспорт</i>	405,1	501,9	519,9
<i>Импорт</i>	88,0	103,6	154,5
<b>Бразилия</b>	<b>91,1</b>	<b>350,1</b>	<b>554,5</b>
<i>Экспорт</i>	1,9	1,9	1,2
<i>Импорт</i>	89,2	348,2	553,3
<b>Беларусь</b>	<b>262,1</b>	<b>378,8</b>	<b>536,2</b>
<i>Экспорт</i>	42,6	59,6	126,5
<i>Импорт</i>	219,5	319,2	409,7
<b>БАА</b>	<b>213,7</b>	<b>243,0</b>	<b>508,8</b>
<i>Экспорт</i>	102,7	55,9	114,5
<i>Импорт</i>	111,0	187,1	394,3
<b>Литва</b>	<b>509,0</b>	<b>505,4</b>	<b>475,0</b>
<i>Экспорт</i>	36,2	66,7	75,2
<i>Импорт</i>	472,8	438,7	399,7
<b>АҚШ</b>	<b>277,0</b>	<b>426,3</b>	<b>436,8</b>
<i>Экспорт</i>	28,5	60,8	68,5
<i>Импорт</i>	248,5	365,5	368,3
<b>Эрон</b>	<b>249,1</b>	<b>431,3</b>	<b>435,7</b>
<i>Экспорт</i>	141,8	177,1	139,7
<i>Импорт</i>	107,3	254,2	296,0
<b>Италия</b>	<b>348,4</b>	<b>430,3</b>	<b>379,2</b>
<i>Экспорт</i>	15,6	40,2	49,6
<i>Импорт</i>	332,8	390,2	329,6
<b>Полша</b>	<b>186,5</b>	<b>249,0</b>	<b>345,0</b>
<i>Экспорт</i>	57,4	88,7	131,7
<i>Импорт</i>	129,2	160,3	213,4
<b>Франция</b>	<b>222,2</b>	<b>280,8</b>	<b>339,5</b>
<i>Экспорт</i>	89,7	21,3	68,2
<i>Импорт</i>	132,5	259,5	271,3

Ташқи иқтисодий фаолият бўйича 20 та йирик ҳамкор-давлатлар орасидан учта давлатда фаол ташқи савдо баланси кузатилган. Хусусан, Афғонистон, Қирғиз Республикаси ва Тожикистон шулар жумласидандир. Қолган 17 та давлатлар билан пассив ташқи савдо баланси сақланиб қолмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг ҳудудлар кесимида  
ташқи савдо айланмаси  
(2022 йил январь-декабрь)

	Млн. АҚШ доллари	Ўсиш суръати, % да	Улуши, % да
<b>Ўзбекистон Республикаси</b>	<b>50 008,4</b>	<b>118,6</b>	<b>100,0</b>
Қорақалпоғистон Республикаси	611,8	94,2	1,2
<i>ҳудудлар:</i>			
Андижон	4 281,4	135,3	8,6
Бухоро	1 227,7	104,0	2,5
Жиззах	688,0	129,5	1,4
Қашқадарё	547,5	96,8	1,1
Навоий	1 244,6	106,5	2,5
Наманган	1 276,1	117,0	2,6
Самарқанд	2 384,5	124,2	4,8
Сурхондарё	372,8	84,2	0,7
Сирдарё	813,5	121,9	1,6
Тошкент	5 593,2	105,3	11,2
Фарғона	2 061,4	112,3	4,1
Хоразм	785,5	151,9	1,6
Тошкент ш.	19 530,1	117,8	39,1

Энг юқори ҳажм,  
млн. АҚШ доллари



1 Тошкент ш. – 19 530,1

2 Тошкент – 5 593,2

3 Андижон – 4 281,4

Энг қуйи ҳажм,  
млн. АҚШ доллари



1 Сурхондарё – 372,8


2 Қашқадарё – 547,5

3 Қорақалпоғистон  
Республикаси – 611,8

Республика ташқи савдо айланмаси таркибида энг юқори улушни Тошкент шаҳри 39,1 % улуш билан 19 530,1 млн. АҚШ долларини, энг қуйи улушни эса Сурхондарё вилояти 0,7 % улуш билан 372,8 млн. АҚШ долларини ташкил этди.



Ўзбекистон Республикасининг ташқи савдо айланмасида МДХ мамлакатлари  
ва бошқа хорижий давлатларнинг ҳажмлари динамикаси  
(январь-декабрь, млрд. АҚШ доллари, ўсиш суръати, % да)



Республикамизда ташқи савдони қўллаб-қувватлаш ҳамда МДХ давлатлари билан ушбу соҳадаги ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш бўйича олиб борилаётган чора-тадбирлар натижасида 2022 йил январь-декабрь ойларида ташқи савдо айланмасида МДХ давлатларининг улуши **38,4 %** ни ташкил этиб, ташқи савдо айланмасидаги улуши 2021 йилнинг мос даврига нисбатан **0,6 %** га кўпайган.

Ўзбекистон Республикасининг МДХ мамлакатлари билан  
ташқи савдо айланмаси  
(2022 йил январь-декабрь, млн. АҚШ доллари)



Ўзбекистон Республикасининг МДҲ мамлакатлари билан ташқи савдо айланмаси 2022 йил январь-декабрь ҳолатига кўра, 19 179,0 млн. АҚШ долларини ташкил этди. Шундан экспорт 7 855,2 млн. АҚШ долларига етган бўлса, импорт 11 323,8 млн. АҚШ доллари қийматида қайд этилди.

Ўзбекистон Республикасининг МДҲ мамлакатлари билан ташқи савдо айланмасининг энг юқори ҳажмлари Россия Федерацияси (48,4 %), Қозоғистон (24,1 %) ҳамда Қирғиз Республикаси (6,6 %) давлатлари билан қайд этилди.

### Ўзбекистон Республикасининг Евроосиё иқтисодий иттифоқига аъзо давлатлар билан ташқи савдо айланмаси

(январь-декабрь, млн. АҚШ доллари, улуши, % да)



**Евроосиё иқтисодий иттифоқи (ЕОИИ)** – халқаро юридик мақомга эга бўлган минтақавий иқтисодий интеграциялашган халқаро ташкилот бўлиб, 2014 йил 29 майдаги Евроосиё иқтисодий иттифоқи тўғрисидаги шартнома билан тасдиқланган.


Ўзбекистон Республикасининг Евроосиё иқтисодий иттифоқига аъзо давлатлар билан ташқи савдо айланмаси 15 721,5 млн. АҚШ долларини ташкил этди. Шундан экспорт ҳажми 5 572,0 млн. АҚШ доллари, импорт ҳажми эса 10 149,5 млн. АҚШ долларига етди.

Шуни такидлаш лозимки, ЕОИИнинг аъзо давлатлари (Россия Федерацияси, Беларус, Қозоғистон, Арманистон ва Қирғиз Республикаси) ўртасида товарлар ва хизматлар ҳаракати, мигрантлар ҳаракатланиши ва капитал ҳаракатининг эркинлиги таъминланган бўлиб, ягона божхона тизимига эга бўлган умумий иқтисодий ҳудуд шакллантирилган.

### 3 -БЎЛИМ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЭКСПОРТИ

#### Ўзбекистон Республикаси экспорти ҳажми динамикаси


(январь-декабрь, млрд. АҚШ доллари)



Халқаро иқтисодий алоқаларнинг ривожланиши экспортнинг барқарор ўсишига кўмаклашади ва бу ўз навбатида маълум натижаларга эришиш учун замин яратади. Мамлакатнинг экспорт салоҳиятини ошириш, экспортёрларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, экспортбоп маҳсулотлар номенклатурасини кенгайтириш мақсадида амалга оширилган ислоҳотлар натижасида экспортёрлар сони 7 199 тага етди ва улар томонидан 15 198,8 млн. АҚШ доллари (номонетар олтиндан ташқари) қийматидаги (2021 йилга нисбатан 21,1 % га кўпайди) товар ва хизматлар экспорт қилиниши таъминланди.

#### Асосий экспорт гуруҳлари

(2022 йил январь-декабрь, млн. АҚШ доллари)



Ўзбекистон Республикаси ХССТ бўйича экспорт таркиби  
(январь-декабрь)


ХССТ таркиби	Млн. АҚШ доллари		Ўсиш суръати, % да		Умумий ҳажмга нисбатан. %да	
	2021 й.	2022 й.	2021 й.	2022 й.	2021 й.	2022 й.
<b>Жами</b>	<b>16 662,8</b>	<b>19 309,1</b>	<b>110,3</b>	<b>115,9</b>	<b>100,0</b>	<b>100,0</b>
<i>шу жумладан:</i>						
Озиқ-овқат маҳсулотлари ва тирик хайвонлар	1 371,8	1 631,6	102,7	118,9	8,2	8,4
Ичимликлар ва тамаки	36,0	111,0	132,7	3,1 м.	0,2	0,6
Ноозиқ-овқат хомашё, ёқилғидан ташқари	509,5	399,4	111,7	78,4	3,1	2,1
Минерал ёқилғи, ёғлаш мойлари ва шунга ўхшаш материаллар	914,8	1 222,1	138,8	133,6	5,5	6,3
Ҳайвон ва ўсимликлар мойлари (ёғлари), ёғлар ва мумлар	1,5	21,2	5,7	13,9 м.	0,01	0,1
Кимёвий воситалар ва бошқа тоифаларга киритилмаган шунга ўхшаш маҳсулотлар	1 131,2	1 301,8	137,8	115,1	6,8	6,7
Саноат товарлари	4 333,1	4 443,2	149,1	102,5	26,0	23,0
Машиналар ва транспорт асбоб- ускуналари	693,6	975,7	159,7	140,7	4,2	5,1
Турли хил тайёр буюмлар	785,6	1 111,3	127,3	141,5	4,7	5,8
Бошқа товарлар	4 303,9	4 132,3	74,0	96,0	25,8	21,4
<i>шу жумладан:</i>						
<i>олтин</i>	<i>4 109,8</i>	<i>4 110,3</i>	<i>70,8</i>	<i>100,0</i>	<i>24,7</i>	<i>21,3</i>
Хизматлар	2 581,7	3 959,5	128,8	153,4	15,5	20,5

Экспорт таркибида товарлар улуши 79,5 % ни ташкил этиб, улардан: саноат товарлари (23,0 %), озиқ-овқат маҳсулотлари ва тирик хайвонлар (8,4 %) ва кимёвий воситалар ва шунга ўхшаш маҳсулотлар (6,7 %) ҳиссасига тўғри келмоқда.

Шунингдек, экспорт таркибида олтин улуши жорий йилнинг январь-декабрь ойларида 21,3 % ни ташкил этди. Экспортнинг умумий ҳажмида хизматлар улуши 2021 йилга нисбатан 5,0 % га кўпайиб, 20,5 % ни ташкил этди.

2022 йилнинг январь-декабрь ойларида МДХ мамлакатларига 7 855,2 млн. АҚШ доллари қийматидаги товар ва хизматлар экспорт қилиниб, жами экспортнинг 40,7 % ини ташкил этди.

**МДХ ва бошқа давлатларга товар ва хизматлар экспорти ҳажмлари динамикаси (январь-декабрь, млрд. АҚШ доллари, ўсиш суръати, % да)**



2022 йил январь-декабрь ойларида ташқи савдо айланмасида товарлар ва хизматлар экспорти бўйича асосий ҳамкорларимиз ХХР, Россия Федерацияси, Туркия, Қозоғистон, Қирғиз Республикаси, Афғонистон ва Тожикистон каби давлатлар бўлган. Уларнинг умумий Экспортдаги улуши 55,5 % ни ташкил этди.

**Республика экспортида асосий ҳамкор давлатларнинг улуши (2022 йил январь-декабрь, % да)**



Ўзбекистон Республикасининг асосий ҳамкор давлатларга амалга  
оширган экспорти ҳажми ва ўсиш суръатлари  
(январь-декабрь, йиллар кесимида)

Давлатлар	Млн. АҚШ доллари		Ўсиш суръати, % да		Ўрни	
	2021 й.	2022 й.	2021 й.	2022 й.	2021 й.	2022 й.
Россия Федерацияси	2 088,2	3 066,9	140,6	146,9	2	1
Хитой Халқ Республикаси	2 529,1	2 519,0	130,6	99,6	1	2
Туркия	1 692,4	1 507,4	166,1	89,1	3	3
Қозоғистон	1 178,4	1 379,7	129,7	117,1	4	4
Қирғиз Республикаси	792,0	979,3	104,2	123,6	5	5
Афғонистон	667,5	750,6	85,9	112,5	6	6
Тожикистон	501,9	519,9	123,9	103,6	7	7
Канада	199,8	226,2	140,4	113,2	9	8
Туркменистон	191,9	194,8	152,2	101,5	10	9
Эрон	177,1	139,7	124,9	78,9	11	10
Озарбайжон	76,0	132,3	140,1	174,1	16	11
Польша	88,7	131,7	154,6	148,5	14	12
Покистон	130,1	127,3	132,0	97,9	12	13
Беларус	59,6	126,5	140,1	2,1 м.	21	14
БАА	55,9	114,5	54,4	2,0 м.	23	15
Сингапур	104,0	104,8	179,3	100,8	13	16
Буюк Британия	79,6	103,5	2,3 б.	130,0	15	17
Латвия	55,2	103,0	146,6	186,6	24	18
Германия	72,2	88,9	106,8	123,1	17	19
Украина	232,5	78,6	187,8	33,8	8	20

Ўзбекистон Республикасининг ҳудудлар кесимида экспорти  
(2022 йил январь-декабрь)

	Млн. АҚШ доллари	Ўсиш суръати, % да	Улуши, % да
<b>Ўзбекистон Республикаси</b>	<b>19 309,1</b>	<b>115,9</b>	<b>100,0</b>
Қорақалпоғистон Республикаси	365,3	87,8	1,9
<i>ҳудудлар:</i>			
Андижон	1 246,2	127,3	6,5
Бухоро	310,2	99,4	1,6
Жиззах	199,5	102,0	1,0
Қашқадарё	303,4	112,3	1,6
Навоий	595,4	117,1	3,1
Наманган	581,2	117,1	3,0
Самарқанд	656,1	123,4	3,4
Сурхондарё	227,6	96,8	1,2
Сирдарё	327,8	140,1	1,7
Тошкент	2 052,2	102,0	10,6
Фарғона	827,2	103,2	4,3
Хоразм	245,2	106,0	1,3
Тошкент ш.	4 616,9	120,0	23,9

Энг юқори ҳажм,  
млн. АҚШ доллари



1

Тошкент ш. – 4 616,9

2

Тошкент – 2 052,2

3

Андижон – 1 246,2

1

Энг қуйи ҳажм,  
млн. АҚШ доллари



1

Жиззах – 199,5

2

Сурхондарё – 227,6

3

Хоразм – 245,2

Республика экспорти таркибида энг юқори улушни Тошкент шаҳри 23,9 % билан 4 616,9 млн. АҚШ долларини, энг қуйи улушни эса Жиззах вилояти 1,0 % билан 199,5 млн. АҚШ долларини ташкил этди.


Экспорт ҳажмининг энг юқори ўсиш суръатлари 2021 йилга нисбатан Сирдарё (140,1 %), Андижон (127,3 %), Самарқанд вилоятларида (123,4 %) ва Тошкент шаҳрида (120,0 %) қайд этилди. Энг паст ўсиш суръати Қорақалпоғистон Республикасига (87,8 %) тўғри келди.

**Мева-сабзавот маҳсулотлари экспорти**  
(2022 йил январь-декабрь)

Ҳукумат томонидан қишлоқ хўжалиги ва боғдорчиликни ривожлантиришга катта эътибор қаратилаётгани боис экспорт қилинаётган маҳсулотлар сифати ва ҳажми йилдан-йилга ортиб бормоқда. Жумладан, 2022 йил январь-декабрда 1 743,7 минг тонна мева ва сабзавотлар экспорти амалга оширилган бўлиб, ушбу кўрсаткич 2017 йилга нисбатан 1,9 баробар ёки 839,6 минг тоннага кўпайди.

Мева-сабзавот маҳсулотларининг асосий экспорт бозорлари Россия Федерацияси (42,5 %), Қозоғистон (18,9 %), ХХР (9,1 %) ҳамда Покистон (8,8 %) давлатлари ҳиссасига тўғри келган.

**Мева-сабзавот маҳсулотлари экспорти**  
(2022 йил январь-декабрь)



2022 йил январь-декабрда озиқ-овқат маҳсулотларининг асосий қисми бўлган 1 145,8 млн. АҚШ доллари қийматидаги мева-сабзавот экспорт қилинди. Бу кўрсаткич 2021 йилнинг мос даврига нисбатан 18,5 % га кўпайди ва жами экспортдаги улуши 5,9 % ни ташкил этди.

2022 йил январь-декабрь ойларида мева ва сабзавотлар экспортининг қиймат жиҳатидан энг катта ҳажми Россия Федерациясига тўғри келди (мева ва сабзавотлар экспорти умумий ҳажмининг 42,5 % и), бу кўрсаткич Қозоғистонга экспорт ҳажмидан 2,3 баравар кўп.



Мева-сабзавот маҳсулотларининг экспорт географияси  
(2022 йил январь-декабрь)

<i>Давлатлар</i>	<i>минг тонна</i>	<i>млн. АҚШ доллари</i>	<i>улуши, % да</i>
Россия Федерацияси	541,9	486,7	42,5
Қозоғистон	641,2	216,0	18,9
ХХР	127,2	104,6	9,1
Покистон	65,3	101,2	8,8
Қирғиз Республикаси	155,6	42,9	3,7
Афғонистон	48,7	31,1	2,7
Туркия	19,0	25,5	2,2
Беларусь	24,3	19,9	1,7
Озарбайжон	10,0	14,1	1,2
Эрон	12,8	13,3	1,2
БАА	6,8	9,0	0,8
Грузия	11,7	8,4	0,7
Тожикистон	24,0	7,8	0,7
Германия	3,3	7,3	0,6
Туркманистон	8,0	7,1	0,6
Бошқа давлатлар	43,9	50,7	4,4

**Тўқимачилик маҳсулотлари экспорти**  
(январь-декабрь)

Сўнгги йилларда енгил саноатда юқори қўшилган қийматдаги маҳсулотлар ишлаб чиқариш ривожланиб бормоқда. Енгил саноат иқтисодий жиҳатдан Ўзбекистон учун муҳим соҳа бўлгани ҳолда, аҳоли бандлигининг юқори даражасини, шунингдек, саноат салоҳиятига ҳамда давлатимизнинг халқаро нуфузига ҳисса қўшилишини таъминлайди.

Тўқимачилик маҳсулотларининг экспорти ҳажмлари ошишини бевосита пахта хом-ашёсини ўрнига тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш ва қўшимча қиймат яратиш мақсадида амалга оширилган ислоҳотлар натижаси сифатида қараш мумкин.

**Тўқимачилик маҳсулотлари экспорти динамикаси**  
(январь-декабрь, млн. АҚШ доллари)

	2018 й.	2019 й.	2020 й.	2021 й.	2022 й.
<b>Жами</b>	<b>1 300,3</b>	<b>1 626,9</b>	<b>1 922,4</b>	<b>2 927,4</b>	<b>3 178,0</b>
Пахтадан йигирилган ип	726,6	926,1	940,7	1 613,4	1 410,8
Тайёр трикотаж ва тикувчилик кийимлари	289,6	354,8	506,7	645,2	928,2
Нақшли мато	65,5	84,8	144,5	242,8	307,7
Пахтадан газламалар	36,1	51,9	88,8	118,1	161,7
Бошқа тўқимачилик маҳсулотлари	65,7	69,2	96,8	131,6	151,4
Пахта маҳсулотлари	49,9	71,8	74,9	78,1	92,5
Ипак ва ипак маҳсулотлари	26,8	27,4	30,9	39,7	54,4
Гиламлар	31,0	32,0	29,2	42,1	43,9

Хусусан, 2022 йил январь-декабрь ойлари якуни бўйича 3 178,0 млн. АҚШ долларилик тўқимачилик маҳсулотлари экспорти амалга оширилиб, умумий экспортнинг 16,5 % ини ташкил этди ва ўтган йилга нисбатан 8,6 % га ўсди.

Йил бошидан 552 турдаги тўқимачилик маҳсулотлари дунёнинг 73 та давлатига экспорт қилинди. Экспорт қилинган тўқимачилик маҳсулотлари таркибида пахтадан йигирилган ип (44,4 %), тайёр трикотаж ва тикувчилик кийимлари (29,2 %) асосий улушни эгаллаган.

Давлатлар кесимида тўқимачилик маҳсулотлари экспорти динамикаси  
(январь-декабрь, млн. АҚШ доллари)

Давлатлар	2021 йил	2022 йил	Ўсиш суръати, % да
Россия Федерацияси	910,7	1 264,9	138,9
Туркия	461,1	519,1	112,6
Қирғиз Республикаси	401,1	513,4	128,0
ХХР	636,3	274,0	43,1
Эрон	46,3	80,0	172,8
Польша	65,6	78,3	119,4
Тожикистон	21,7	71,9	3,3 м.
Қозоғистон	48,6	61,1	125,7
Беларусь	23,4	45,0	191,9
Италия	32,8	38,5	117,3
Украина	51,6	38,1	73,8
Германия	12,5	28,7	2,3 м.
Озарбайжон	18,7	20,3	108,4
Миср	30,2	19,6	65,0
Бошқа давлатлар	166,7	125,2	75,1

Республиканинг тўқимачилик саноатини диверсификация қилиш ва тайёр маҳсулотлар экспортини рағбатлантириш борасидаги амалий ишлар натижасида мамлакатимизнинг ушбу соҳадаги салоҳияти ва ҳамкор давлатларнинг тўқимачилик бозоридаги улуши ошиб бормоқда.


Тўқимачилик маҳсулотларининг энг катта улуши Россия Федерацияси (1 264,9 млн. АҚШ доллари – 39,8 %) ва Туркия (519,1 млн. АҚШ доллари – 16,3 %) давлатлари ҳиссасига тўғри келди.

Хизматлар экспорти ҳажми 3 959,5 млн. АҚШ долларини ёки жами экспорт ҳажмининг 20,5 % ини ташкил этиб, 2021 йилнинг мос даврига нисбатан 53,4 % га кўпайди. Хизматлар экспорти таркибининг асосий улуши транспорт (44,3 %), сафарлар (туризм) (40,7 %), телекоммуникация, компьютер ва ахборот (6,8 %) ва бошқа тадбиркорлик билан боғлиқ хизматлар (3,9 %) ҳиссасига тўғри келган.

**Хизматлар экспорти**  
(2022 йил январь-декабрь, млн. АҚШ доллари)



**Хизматлар экспорти таркиби**  
(2022 йил январь-декабрь, улуши, % да)




Шу билан бирга, бошқа хизматлар (4,3 %)ни ташкил этиб, таркибида энг юқори улушлар молиявий хизматлар (1,8 %), суғурта ва пенсия таъминоти хизматлари (1,4 %) ҳамда техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш хизматлари (0,4 %) ҳиссасига тўғри келди.

#### 4- БЎЛИМ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИМПОРТИ

##### Ўзбекистон Республикаси импорти ҳажми динамикаси


(январь-декабрь, млрд. АҚШ доллари)



2022 йилнинг январь-декабрь ойларида импорт ҳажми 30 699,3 млн. АҚШ долларини ва 2021 йилнинг мос даврига нисбатан 120,4 % ни ташкил этди. Импорт таркибида энг катта улуш, машиналар ва транспорт асбоб-ускуналари (31,4 %), саноат товарлари (18,8 %) ҳамда кимёвий воситалар ва шунга ўхшаш маҳсулотлар (13,8 %) ҳисобига тўғри келди.

#### ХССТ бўйича импорт таркиби

(2022 йил январь-декабрь, млн. АҚШ доллари)




Товарлар импорти динамикаси таҳлиliga кўра, 2022 йилнинг январь-декабрь ойларида импорт қилинган товарлар ҳажми, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 4 432,6 млн. АҚШ долларига кўпайди ва 28 172,9 млн. АҚШ долларини ташкил этди. Хизматлар импорти эса 2 526,3 млн. АҚШ долларига етди.

**Ўзбекистон Республикаси ХССТ бўйича импорт таркиби**  
(январь-декабрь, йиллар кесимида)

ХССТ таркиби	Млн. АҚШ доллари		Ўсиш суръати, % да		Умумий ҳажмга нисбатан. % да	
	2021 й.	2022 й.	2021 й.	2022 й.	2021 й.	2022 й.
<b>Жами импорт</b>	<b>25 507,7</b>	<b>30 699,3</b>	<b>120,6</b>	<b>120,4</b>	<b>100,0</b>	<b>100,0</b>
<i>шу жумладан:</i>						
Озиқ-овқат маҳсулотлари ва тирик ҳайвонлар	2 509,5	3 392,5	135,6	135,2	9,8	11,1
Ичимликлар ва тамаки	89,9	139,2	182,2	154,8	0,4	0,5
Ноозиқ-овқат хомашё, ёқилгидан ташқари	1 154,5	1 283,4	133,6	111,2	4,5	4,2
Минерал ёқилғи, ёғлаш мойлари ва шунга ўхшаш материаллар	1 556,7	1 794,0	140,6	115,2	6,1	5,8
Ҳайвон ва ўсимликлар мойлари (ёғлари), ёғлар ва мумлар	411,0	400,9	138,5	97,5	1,6	1,3
Кимёвий воситалар ва бошқа тоифаларга киритилмаган шунга ўхшаш маҳсулотлар	3 647,7	4 231,2	126,6	116,0	14,3	13,8
Саноат товарлари	4 722,1	5 761,5	131,9	122,0	18,5	18,8
Машиналар ва транспорт асбоб-ускуналари	8 252,4	9 648,3	103,7	116,9	32,4	31,4
Турли хил тайёр буюмлар	1 385,0	1 459,1	105,8	105,3	5,4	4,8
Бошқа товарлар	11,6	62,9	30,9	5,4 м.	0,05	0,2
Хизматлар	1 767,3	2 526,3	144,7	142,9	6,9	8,2

2022 йил январь-декабрь натижаларига кўра МДХ мамлакатларидан импорт улуши 36,9 % ни ташкил этиб, 2021 йилнинг мос даврига нисбатан 4,2 % га камайди.

**МДХ ва бошқа давлатларга товар ва хизматлар импорти ҳажмлари динамикаси**  
(январь-декабрь, млрд. АҚШ доллари, ўсиш суръати, % да)



2022 йил январь-декабрь ойларида Ўзбекистон Республикаси 179 та давлатдан товар ва хизматлар импортини амалга оширди. Етти йирик ҳамкор давлатлар (ХХР, Россия Федерацияси, Қозоғистон, Корея Республикаси, Туркия, Германия ва Туркменистон) жами импортнинг 2/3 қисмини ташкил этди.

**Республика импортида асосий ҳамкор давлатларнинг улуши**  
(2022 йил январь-декабрь, % да)



Ўзбекистон Республикасининг асосий ҳамкор давлатларга амалга  
оширган импорт ҳажмлари ва ўсиш суръатлари  
(январь-декабрь)

Давлатлар	Млн. АҚШ доллари		Ўсиш суръати, % да		Ўрни	
	2021 й.	2022 й.	2021 й.	2022 й.	2021 й.	2022 й.
ХХР	4 923,4	6 404,8	109,4	130,1	2	1
Россия Федерацияси	5 462,2	6 212,8	130,9	113,7	1	2
Қозоғистон	2 742,2	3 241,2	130,7	118,2	3	3
Корея Республикаси	1 841,1	2 292,5	87,7	124,5	4	4
Туркия	1 717,6	1 716,5	158,0	99,9	5	5
Германия	693,5	1 070,4	91,3	154,3	7	6
Туркменистон	710,1	731,5	172,3	103,0	6	7
Ҳиндистон	460,6	654,9	108,9	142,2	9	8
Бразилия	348,2	553,3	3,9 м.	158,9	13	9
Беларусь	319,2	409,7	145,4	128,3	14	10
Литва	438,7	399,7	92,8	91,1	10	11
БАА	187,1	394,3	168,5	2,1 м.	18	12
АҚШ	365,5	368,3	147,1	100,8	12	13
Италия	390,2	329,6	117,2	84,5	11	14
Эрон	254,2	296,0	2,4 м.	116,4	16	15
Қирғиз Республикаси	161,6	280,7	110,2	173,7	22	16
Франция	259,5	271,3	195,9	104,5	15	17
Украина	472,6	228,2	149,8	48,3	8	18
Швейцария	163,8	222,5	156,7	135,8	21	19
Япония	156,9	219,0	78,6	139,6	24	20

2021 йил билан таққослаганда, импорт бўйича шерик мамлакатлар еттиталиги ўзгармади. Шундай қилиб, Ўзбекистон Республикаси томонидан импорт ҳажмининг жадал ўсиши ҳисобига Япония (20-ўрин) ва Қирғиз Республикаси (16-ўрин) (2021 йилнинг шу даврига нисбатан мос равишда, ўсиш суръати 39,6 ва 73,7 фоизга) импорт бўйича йигирмата йирик ҳамкор мамлакатлар қаторига кирди.




2021 йилга нисбатан импорт ҳажмининг тушишига қарамасдан 20 та йирик ҳамкор давлатлар қаторида Украина (-51,7%) ўз импорт ҳажми билан ўз ўрнини сақлаб қолган.

Ўзбекистон Республикасининг ҳудудлар кесимида импорти  
(2022 йил январь-декабрь)

	Млн. АҚШ доллари	Ўсиш суръати, % да	Улуши, % да
<b>Ўзбекистон Республикаси</b>	<b>30 699,3</b>	<b>120,4</b>	<b>100,0</b>
Қорақалпоғистон Республикаси	246,5	105,8	0,8
ҳудудлар:			
Андижон	3 035,3	138,8	9,9
Бухоро	917,5	105,6	3,0
Жиззах	488,5	145,5	1,6
Қашқадарё	244,1	82,6	0,8
Навоий	649,2	98,4	2,1
Наманган	694,9	116,8	2,3
Самарқанд	1 728,4	124,5	5,6
Сурхондарё	145,2	70,1	0,5
Сирдарё	485,8	112,1	1,6
Тошкент	3 541,0	107,3	11,5
Фарғона	1 234,3	119,3	4,0
Хоразм	540,3	188,9	1,8
Тошкент ш.	14 913,2	117,1	48,6

Энг юқори ҳажм,  
млн. АҚШ доллари




1 Тошкент ш. – 14 913,2

2 Тошкент – 3 541,0

3 Андижон – 3 035,3

Энг қуйи ҳажм,  
млн. АҚШ доллари



1 Сурхондарё – 145,2

2 Қашқадарё – 244,1

3 Қорақалпоғистон  
Республикаси – 246,5

Республика импорти таркибида энг юқори улушни Тошкент шаҳри 48,6 % билан 14 913,2 млн. АҚШ долларини, энг қуйи улушни эса Сурхондарё вилояти 0,5 % билан 145,2 млн. АҚШ долларини ташкил этди.


Импорт ҳажмининг энг юқори ўсиш суратлари 2021 йилга нисбатан Хоразм (188,9 %), Жиззах (145,5 %), Андижон (138,8 %), Самарқанд (124,5 %), Фарғона (119,3 %), Наманган (116,8 %) вилоятларида ва Тошкент шаҳрида (117,1 %) қайд этилди. Энг паст ўсиш суръати Сурхондарё (70,1 %) ва Қашқадарё (82,6 %) вилоятларига тўғри келди.

**Хизматлар импорти**  
(2022 йил январь-декабрь, млн. АҚШ доллари)



2021 йилнинг январь-декабрь ойлари якуни билан хизматлар импорти ҳажми 2 526,3 млн. АҚШ долларини ёки жами импорт ҳажмининг 8,2 % ини ташкил этди ва ўтган йилга нисбатан 42,9 % га кўпайди. Хизматлар импорти таркибининг асосий улуши бошқа сафарлар (туризм хизматлари) (56,6 %), транспорт хизматлари (15,5 %), телекоммуникация, компьютер ва ахборот хизматлари (9,4 %) ва бошқа тадбиркорлик билан боғлиқ хизматлар (5,3 %)га тегишли бўлди.

**Хизматлар импорти таркиби**  
(2022 йил январь-декабрь, улуши, % да)




### Машиналар ва транспорт асбоб-ускуналари импорти

Республикада инвестиция муҳитининг яхшиланиб бораётгани сари ва ушбу соҳада амалга оширилаётган ислохотлар натижасида машина ва асбоб-ускуналар импортининг ошиши табиий ҳол.

Жумладан, 2022 йил январь-декабрь ойларида импорт таркибида машиналар ва транспорт-асбоб ускуналари ҳажми 9 648,3 млн. АҚШ долларини ташкил этиб, 2021 йилнинг шу даврига нисбатан 16,9 % га кўпайди ва импортнинг умумий ҳажмидаги улуши 31,4 % га етди.

#### Машина ва асбоб-ускуналар импорт қилинган асосий ҳамкор давлатлар (2022 йил январь-декабрь)



2022 йил январь-декабрь ойларида машина ва транспорт асбоб-ускуналари импорти ҳажми ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 1 396,0 млн. АҚШ долларига ошди. Ушбу товарларни Ўзбекистон Республикасига етказиб беришнинг асосий қисми ХХР — 3 44,5 млн. АҚШ доллари (37,8 %) ва Корея Республикаси — 1 547,1 млн. АҚШ доллари (16,0 %), Туркия – 726,9 млн. АҚШ доллари (7,5 %) каби давлатларга тўғри келди.

### Саноат товарлари импорти

2022 йил январь-декабрь ойларида импорт таркибида саноат маҳсулотлари товарлари ҳажми 5 761,5 млн. АҚШ доллари ташкил этиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 22,0 % га ошган ҳамда импортнинг умумий ҳажмидаги улуши 18,8 % га етди.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, давлатимиз томонидан импортни ўрнини босувчи товар ва маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳамда ички бозорни сифатли ва арзон маҳсулотлар билан таъминлаш бўйича бир қатор ислохотлар амалга оширилмоқда.

Импорт таркибида асосий улушни ташкил қилаётган саноат маҳсулотлари асосан қайси давлатлардан республикамизга олиб кирилаётганини қуйидаги маълумотдан кўриш мумкин.

#### Саноат маҳсулотлари импорт қилинган асосий ҳамкор давлатлар (2022 йил январь-декабрь)



Саноат маҳсулотлари импорти асосан чўян ёки легирланмаган пўлат (2 508,4 млн. АҚШ доллари), металлдан тайёрланган буюмлар (730,8 млн. АҚШ доллари), йиғирилган ип, матолар, тайёр буюмлар ва шунга ўхшаш маҳсулотлар (546,9 млн. АҚШ доллари), қоғоз ва картон (466,1 млн. АҚШ доллари) ва бошқалардан ташкил топган.

Шу билан, юртимизда ташқи иқтисодий фаолиятни ривожлантириш борасида амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотлар ва дунё мамлакатлари билан олиб борилаётган мустаҳкам алоқалар натижасида мамлакатимизнинг экспорт салоҳияти ошиб бораётгани яққол намоён бўлмоқда.

Шунингдек, ҳукуватимиз томонидан ишлаб чиқарувчилар учун бир қатор солиқ, божхона имтиёзларининг яратилиши, ишлаб чиқариш қувватларни модернизация қилиш ва рақобатбардош маҳсулотларни ишлаб чиқарилиши миллий маҳсулотларимизни ташқи бозорларда мустаҳкам ўрин эгаллашлари учун замин яратмоқда.

## Статистик кўрсаткичларга изоҳлар

**Товарлар экспорти** – агар қонунчиликда бошқа тартиб кўзда тутилмаган бўлса, товарларни Ўзбекистон Республикаси божхона чегарасидан қайтариб олиб кириш мажбуриятисиз олиб чиқиш.

**Резкспорт** – хорижий товарлар божхона ҳудудидан олиб чиқилган божхона режими.

**Товарлар импорти** – товарларни Ўзбекистон Республикаси божхона чегарасидан қайтариб олиб чиқиш мажбуриятисиз олиб кириш.

**Реимпорт** – божхона ҳудудидан экспорт режимида олиб чиқилган Ўзбекистон Республикаси товарлари Ўзбекистон Республикасининг Божхона кодексида кўрсатилган муддатда (олиб чиқилган пайтдан бошлаб ўн йил ичида) қайтариб олиб кириладиган режим.

**Ташқи савдо айланмаси** – мамлакатнинг муайян даврдаги экспорт ва импорт қийматлари суммаси.

**Товарлар келиб чиққан мамлакат** – товар тўлиқ ишлаб чиқарилган ёки етарли даражада қайта ишлов берилган мамлакат (товар етарли даражада қайта ишлов берилган мамлакат “Божхона тарифи тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 26- моддасига асосан аниқланади).

**Товарларнинг белгиланган манзили** – юклаб жўнатиш пайтида товар етказиб берилиши белгиланган мамлакат сифатида маълум бўлган мамлакат.

**Товарларнинг статистик қиймати** – шартнома валютасидан қатъи назар ягона базисга келтирилган шартнома бўйича товарлар қиймати.

**Хизматлар (ишлар) экспорти** — Ўзбекистон Республикасининг резидентлари томонидан норезидентларга, иқтисодий географик жойлашувидан қатъи назар, кўрсатилган хизматлар (бажарилган ишлар).

**Хизматлар (ишлар) импорти** — норезидентлар томонидан Ўзбекистон Республикаси резидентларига, иқтисодий географик жойлашувидан қатъи назар, кўрсатилган хизматлар (бажарилган ишлар).

**Маълумот учун:** Ўзбекистон Республикасида товарлар ташқи савдоси статистика кўрсаткичларини шакллантиришида, Ташқи иқтисодий фаолият товар номенклатураси (кейинги ўринларда ТИФ ТН) билан биргаликда, Бирлашган Миллатлар Ташилотининг Халқаро стандартлашган савдо таснифлагичи (кейинги ўринларда – ХССТ) ишлатилади. Бу ўз навбатида таҳлилий мақсадларда экспорт ва импорт қилинадиган товарларни 10 та катта қисмга гуруҳлаш учун имкон беради. Товарларни ХССТ бўйича кодлаштириши, ТИФ ТН ва ХССТ ўртасида ўтиши калитлари ёрдамида амалга оширилади.


## IX. КИЧИК ТАДБИРКОРЛИК

### 1- БЎЛИМ. КИЧИК ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИНГ СОНИ ТАҲЛИЛИ

**Тадбиркорлик фаолияти (кичик тадбиркорлик)** – тадбиркорлик фаолияти субъектлари томонидан қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга ошириладиган, ўзи таваккал қилиб ва ўз мулкӣ жавобгарлиги остида даромад (фойда) олишга қаратилган ташаббускорлик фаолиятидир.

Тадбиркорлик фаолияти субъектлари (тадбиркорлик субъектлари) белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтган ҳамда тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган юридик ва жисмоний шахслардир.

#### 2017-2022 йилларда фаолият юритаётган кичик корхона ва микрофирмалар сони динамикаси (фермер ва деҳқон хўжаликларисиз), минг birlikда




#### Фаолият юритаётган кичик корхона ва микрофирмалар

2023 йилнинг 1 январь ҳолатига фаолият юритаётган кичик корхона ва микрофирмалар сони 523,6 мингтани ташкил этиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 60,8 мингтага кўпайган ёки 13,1 % га ошган. Кичик тадбиркорлик субъектларининг сони ҳар 1000 аҳолига 17,9 birlikни ташкил қилди.

#### Янги ташкил этилган кичик корхона ва микрофирмалар

2022 йилнинг январь-декабрида 90,2 мингта янги кичик корхона ва микрофирмалар (фермер ва деҳқон хўжаликларисиз) ташкил қилинди, бу 2021 йилнинг шу даврига нисбатан 8,8 % га кам демакдир.

#### Худудлар бўйича 1 январь ҳолатига фаолият юритаётган кичик корхона ва микрофирмалар сони, birlikда



2023 йил 1 январь ҳолатига фаолият юритаётган кичик корхона ва микрофирмалар (фермер ва деҳқон хўжаликларисиз) сони жами 523 556 тани, шундан янги ташкил этилганлари 90 177 тани ташкил этди.


2023 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра ҳудудлар бўйича фаолият юритаётган кичик корхона ва микрофирмаларнинг энг кўпи Тошкент шаҳрида 106 071 тани ёки жамига нисбатан 20,3 % ни ташкил этди.

**2018-2022 йилларнинг январь-декабрь ойларида Ўзбекистон Республикасида фаолият юритаётган кичик тадбиркорлик субъектларининг сони динамикаси, (ҳар 1000 аҳолига, бирликда)<sup>1</sup>**



2022 йилнинг январь-декабрида кичик тадбиркорлик субъектларининг сони ҳар 1000 аҳолига нисбатан ҳудудлар бўйича энг юқори кўрсаткич Тошкент шаҳрида 35,9 бирлик, Навоий вилоятида 24,8 бирлик, Сирдарё вилоятида 23,0 бирлик, Жиззах вилоятида 21,5 бирлик ва Тошкент вилоятида 19,7 бирликни ташкил этган.

**2017-2022 йилларнинг январь-декабрь ойларида Ўзбекистон Республикасида фаолият юритаётган кичик тадбиркорлик субъектларининг сони динамикаси, (ҳар 1000 аҳолига, бирликда)**



Республика бўйича 2022 йилда фаолият юритаётган кичик тадбиркорлик субъектларининг сони ҳар 1000 аҳолига нисбатан 17,9 бирликни ташкил этди.

<sup>1</sup> Кичик корхона ва микрофирмалар (фермер ва деҳқон хўжаликларини қўшиган ҳолда)

2022 йилда ҳар 1000 аҳолига нисбатан тўғри келадиган тадбиркорлик субъектларини энг кўп ташкил этган шаҳар ва туманлар, бирликда

2022 йилнинг январь-декабрида кичик тадбиркорлик субъектларининг сони ҳар 1000 аҳолига туман ва шаҳарлар бўйича энг юқори кўрсаткич Яккасарой туманида 74,1 бирлик, Миробод туманида 57,7 бирлик, Томди туманида 55,6 бирлик, Бектемир туманида 50,9 бирлик, Қоровулбозор туманида 50,1 бирлик, Чилонзор туманида 50,0 бирлик, Гулистон шаҳрида 42,5 бирлик, Мирзо-Улўғбек туманида 37,9 бирликни ташкил этди.



Худудлар бўйича янги ташкил топган кичик корхона ва микрофирмалар, бирликда


	2021 й. январь-декабрь	2022 й. январь-декабрь	фарқи (+;-)
Ўзбекистон Республикаси	98 886	90 177	- 8 709
Қорақалпоғистон Республикаси	4 308	4 308	-
<i>вилоятлар:</i>			
Андижон	7 111	5 406	- 1 705
Бухоро	6 418	4 413	- 2 005
Жиззах	4 373	4 505	132
Қашқадарё	9 463	8 551	- 912
Навоий	4 835	4 323	- 512
Наманган	6 469	5 542	- 927
Самарқанд	10 814	10 613	- 201
Сурхондарё	5 050	4 083	- 967
Сирдарё	2 309	2 073	- 236
Тошкент	7 799	6 799	- 1 000
Фарғона	9 051	8 828	- 223
Хоразм	4 914	5 655	741
Тошкент ш.	15 972	15 078	- 894



2022 йил январь-декабрь ойларида  
ҳудудлар бўйича янги ташкил  
топган жами кичик корхона ва  
микрофирмаларнинг улуши, % да

Тошкент ш.	16,7
Самарқанд	11,8
Фарғона	9,8
Қашқадарё	9,5
Тошкент	7,5
Хоразм	6,3
Наманган	6,1
Андижон	6,0
Жиззах	5,0
Бухоро	4,9
Навоий	4,8
Қорақалпоғистон Респ.	4,8
Сурхондарё	4,5
Сирдарё	2,3

2018-2022 йилларнинг январь-  
декабрь ойларида янги ташкил  
этилган кичик корхона ва  
микрофирмалар сони динамикаси,  
бирликда



2022 йилнинг январь-декабрь ойларида ҳудудлар бўйича янги ташкил этилган кичик корхона ва микрофирмаларнинг жамига нисбатан энг кўп улуши Тошкент шаҳри –16,7 %, Самарқанд вилояти – 11,8 %, Фарғона вилояти – 9,8 %, Қашқадарё вилояти – 9,5 %, Тошкент вилояти – 7,5 %, Хоразм вилояти – 6,3 %, Наманган вилояти – 6,1 %, ҳиссаларига тўғри келди.

Иқтисодий фаолият турлари бўйича янги ташкил этилган кичик  
корхона ва микрофирмалар, бирликда


	2021 й. январь-декабрь	2022 й. январь-декабрь	фарқи (+;-)
<b>Жами</b>	<b>98 886</b>	<b>90 177</b>	<b>- 8 709</b>
Қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги	11 710	12 018	308
Саноат	19 285	16 191	- 3 094
Қурилиш	6 330	4 795	- 1 535
Савдо	38 459	34 384	- 4 075
Ташиш ва сақлаш	2 642	3 355	713
Яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	6 621	5 812	- 809
Ахборот ва алоқа	2 521	2 617	96
Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш	1 760	1 498	- 262
Бошқа фаолият турлари	9 558	9 507	- 51

**2021-2022 йилларда иқтисодий фаолият турлари бўйича янги ташкил этилган кичик корхона ва микрофирмалар, бирликда**

2021 й.		2022 й.	2021 й.		2022 й.
11 710	Қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги	12 018	6 621	Яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	5 812
19 285	Саноат	16 191	2 521	Ахборот ва алоқа	2 617
6 330	Қурилиш	4 795	1 760	Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш	1 498
38 459	Савдо	34 384	9 558	Бошқа фаолият турлари	9 507
2 642	Ташини ва сақлаш	3 355			

2022 йилда иқтисодий фаолият турлари бўйича энг кўп кичик корхона ва микрофирма савдо соҳасида 34 384 та, саноатда 16 191 та ҳамда қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалигида 12 018 та янгидан ташкил этилган.

**Иқтисодий фаолият турлари бўйича 2018-2022 йилларда янги ташкил этилган кичик корхона ва микрофирмалар сони, минг бирлик**



Янги ташкил этилган корхоналар бўйича энг юқори кўрсаткичга эга бўлган шаҳар ва туманлар, бирликда

	2021 й. январь-декабрь	2022 й. январь-декабрь	фарқ (+;-)
Самарқанд шаҳри	2 734	2 605	-129
Мирзо-Улуғбек тумани	1 863	1 840	-23
Чилонзор тумани	2 011	1 837	-174
Юнусобод тумани	1 908	1 806	-102
Наманган шаҳри	1 749	1 689	-60
Шайхонтоҳур тумани	1 558	1 387	-171
Фарғона шаҳри	1 233	1 373	140
Яшнобод тумани	1 344	1 369	25
Олмазор тумани	1 593	1 368	-225
Яккасарой тумани	1 282	1 286	4

Иқтисодий фаолият турлари кесимида 2018-2022 йиллар давомида янги ташкил этилган кичик корхона ва микрофирмалар сони, минг бирлик



Сўнгги йилларда Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан кичик тадбиркорлик субъектларини қўллаб қувватлаш ҳамда ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатдан яхшилаш бўйича қабул қилинган қарор ва фармонлари, шунингдек бу соҳага бераётган катта эътибор натижасида 2018-2022 йиллар давомида жами 424 073 та кичик корхона ва микрофирма янгидан ташкил этилди. Янги ташкил этилган кичик корхона ва микрофирмалар соҳалар кесимида таҳлил қилинганда, энг кўп янги субъектлар савдо соҳасида – 156 069 (ёки 36,8 %) та, хизматлар соҳасида – 99 198 (ёки 23,4 %) та, саноат соҳасида – 84 830 та (ёки 20,0 %), қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалигида – 51 752 та (ёки 12,2 %) ва қурилиш соҳасида – 32 224 (ёки 7,6 %) та ташкил этилган.

2020-2022 йилларда асосий фаолият тури бўйича энг катта улушга эга бўлган  
янги ташкил этилган кичик корхона ва микрофирмалар сони тўғрисида

<i>Тармоқ номи</i>	<i>Янги ташкил этилган кичик корхона ва микрофирмалар сони, бирлик</i>	<i>Тармоқдан улуши, % да</i>
<b>Қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги</b>		
Аралаш қишлоқ хўжалиги	4 859	12,6
<b>Паррандачилик</b>	<b>4 082</b>	<b>10,5</b>
Йирик шохли қорамолларнинг сут берадиган зотларини кўпайтириш	3 445	8,9
<b>Сабзавотлар етиштириш</b>	<b>2 683</b>	<b>6,9</b>
Қоракўл зотлилардан ташқари қўйларни кўпайтириш	2 415	6,2
<b>Саноат</b>		
Нон, хамирдан янги тайёрланган қандолат маҳсулотлари, торт ва пирожное ишлаб чиқариш	7 277	13,5
<b>Бошқа тўқилган ва трикотаж маҳсулотлар ишлаб чиқариш</b>	<b>4 146</b>	<b>7,7</b>
Бошқа устки кийимлар ишлаб чиқариш	2 789	5,2
<b>Бошқа мебеллар ишлаб чиқариш</b>	<b>2 410</b>	<b>4,5</b>
Металл эшик ва деразалар ишлаб чиқариш	2 270	4,2
<b>Қурилиш</b>		
Турар жой биноларини қуриш	5 025	29,3
<b>Яшаш учун мўлжалланмаган бинолар қуриш</b>	<b>3 949</b>	<b>23,0</b>
Бошқа тоифаларга киритилмаган бошқа ихтисослаштирилган қурилиш ишлари	3 512	20,5
<b>Қурилиш лойиҳаларини ишлаб чиқиш</b>	<b>1 044</b>	<b>6,1</b>
Бошқа тоифаларга киритилмаган қурилиш- монтаж ишлари	783	4,6
<b>Савдо</b>		
Ихтисослашмаган дўконларда бошқа товарлар чакана савдоси	29 728	27,5
<b>Ихтисослашмаган улгуржи савдо</b>	<b>18 210</b>	<b>16,9</b>
Ихтисослашмаган дўконларда асосан озиқ-овқат маҳсулотлари, жумладан ичимликлар, ва тамаки маҳсулотлари чакана савдоси	9 633	8,9
<b>Ихтисослашган дўконларда бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари чакана савдоси</b>	<b>7 683</b>	<b>7,1</b>
Ихтисослашган дўконларда бошқа янги товарлар чакана савдоси	5 841	5,4

Тармоқ номи	Янги ташкил этилган кичик корхона ва микрофирмалар сони, бирлик	давоми
		Тармоқдан улуши, % да
<b>Хизматлар соҳаси</b>		
Овқатланишни ташкил қилишнинг бошқа турлари	8 658	13,5
Ресторанлар ва озиқ-овқат маҳсулотлари етказиш бўйича хизматлар	6 498	10,1
Бошқа тоифаларга киритилмаган шахсий хизматлар	5 177	8,0
Автомобил транспортида юк ташиш	4 060	6,3
Таълим соҳасидаги ёрдамчи фаолият	2 264	3,5

Юқоридаги жадвал маълумотлари асосида таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, сўнгги уч йилда барча соҳада янги турдаги кичик корхона ва микрофирмалар ташкил этилмоқда. Жумладан, сўнгги 3 йилда энг кўп савдо соҳасининг ихтисослашган дўконларда бошқа товарлар чакана савдоси йўналишида 29 728 та янги кичик корхона ва микрофирма ташкил этилган бўлиб, бу эса савдо соҳасида охириги 3 йилда ташкил этилган корхоналарнинг 27,5 % ини ташкил этмоқда. Бундан ташқари сўнгги йилларда хизматлар соҳасини ривожлантириш борасида олиб борилаётган ислохотлар ҳамда кичик тадбиркорлик субъектларига берилаётган имконият ва преференциялар натижасида, хизматлар соҳасининг овқатланишни ташкил этиш, автомобил транспорти хизматлари ва таълим йўналишларида ҳам кўплаб кичик корхона ва микрофирмалар очилаётганлигини кўришимиз мумкин.

Шунингдек, саноат соҳасида сўнгги йилларда асосан қандолатчилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш, трикотаж маҳсулотларини ишлаб чиқариш, мебел ишлаб чиқариш, дераза ҳамда эшик ромларини ишлаб чиқариш кенг йўлга қўйилган бўлса, қурилиш соҳасида эса кўпроқ янги кичик корхона ва микрофирмалар, турар жойларни қурилиши, қурилиш лойиҳалаш ишлари ҳамда бошқа тоифаларга киритилмаган қурилиш монтаж йўналишларида кўпроқ ташкил этилмоқда.

#### Январь-декабр ойларида кичик тадбиркорликнинг асосий кўрсаткичлари


	Ўлчов бирлиги	2021 й.	2022 й.	(+;-)
Фаолият юритаётган кичик корхона ва микрофирмалар	бирликда	462 834	523 556	60 722
Янги ташкил этилган кичик корхона ва микрофирмалар	бирликда	98 886	90 177	-8 709
<i>Кичик тадбиркорлик улушлари:</i>				
ЯИМ	%	54,1	51,8	-2,3

давоми

	Ўлчов бирлиги	2021- й.	2022 й.	(+;-)
Саноат	%	27,4	25,9	-1,5
Қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги	%	96,0	95,3	-0,7
Инвестиция	%	45,6	47,6	2,0
Қурилиш	%	72,5	71,6	-0,9
Чакана савдо	%	82,3	79,4	2,9
Хизматлар	%	51,7	48,4	-3,3
Юк ташиш	%	42,9	46,6	3,7
Юк айланмаси	%	72,4	71,1	-1,3
Йўловчи ташиш	%	92,7	93,2	0,5
Йўловчи айланмаси	%	94,6	95,9	1,3
Экспорт	%	20,0	29,5	9,5
Импорт	%	45,2	49,4	4,2

## 2- БЎЛИМ. КИЧИК ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИНГ АСОСИЙ ИҚТИСОДИЙ КЎРСАТКИЧЛАРИ

2018-2022 йилларнинг январь-декабрь ойларида кичик тадбиркорлик  
субъектларининг ЯИМдаги улуши динамикаси




2017 й. 2018 й. 2019 й. 2020 й. 2021 й. 2022 й.


2022 йилда ЯИМ таркибида кичик тадбиркорлик субъектларининг улуши 51,8 % ни ташкил қилиб, 2021 йилга нисбатан 2,3 пунктга камайган. Камайишининг асосий сабаби, йирик тадбиркорлик субъектлариде кўшилган қиймат ҳажмининг ошиши билан ифодаланади.

### 2022 йилда кичик тадбиркорлик субъектларининг энг юқори улушга эга бўлган тармоқлари, % да

2022 йилда кичик тадбиркорликнинг энг юқори улушлари йўловчи айланмасида 95,9 % ни, қишлоқ хўжалигида 95,3 % ни, йўловчи ташишда 93,2 % ни, чакана савдода 79,4 % ни, қурилишда 71,6 % ни ташкил этди.




### Кичик тадбиркорлик субъектларининг ҳудудлар бўйича ЯХМдаги улуши, % да




Ҳудудлар кесимида кичик тадбиркорлик субъектларининг энг кўп ЯХМдаги улуши Жиззах вилояти (78,4 %), Сурхондарё вилояти (76,8 %), Бухоро вилояти (74,1 %), Наманган вилояти (72,8 %) ва Хоразм вилояти (71,6 %) ҳиссасига тўғри келди. Навобй вилоятида (26,8 %) ЯХМдаги ҳажми энг паст кўрсаткичи қайд этилди.


**Кичик тадбиркорлик субъектларининг асосий иқтисодий кўрсаткичлари**  
**Кичик тадбиркорлик субъектларида саноат фаолияти**



**Кичик тадбиркорлик субъектларида қурилиш фаолияти**




**Кичик тадбиркорлик субъектларида инвестиция фаолияти**







### Кичик тадбиркорлик субъектларида қишлоқ хўжалиги фаолияти



### Кичик тадбиркорлик субъектларининг чакана савдодаги фаолияти




### Кичик тадбиркорлик субъектларининг хизмат кўрсатишдаги фаолияти



**2017-2022 йилларда кичик тадбиркорлик субъектларининг sanoatдаги улуши динамикаси, % да**

2022 йилда sanoat ишлаб чиқаришининг умумий ҳажмида кичик тадбиркорликнинг улуши 25,9 % ни ташкил этди.



**2022 йилда ҳудудлар бўйича кичик тадбиркорлик субъектлари томонидан sanoat маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми, млрд. сўм**

2022 йилда кичик тадбиркорлик субъектлари томонидан 142 611,7 миллиард сўмлик sanoat маҳсулотлари ишлаб чиқарилди.

Ҳудудлар кесимида кичик тадбиркорлик субъектларининг энг кўп sanoat маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми Тошкент шаҳри (38 904,8 млрд. сўм), Тошкент (18 549,3 млрд. сўм), Фарғона (13 398,3 млрд. сўм), Андижон (12 077,9 млрд. сўм) ва Самарқанд (11 262,1 млрд. сўм) вилоятлари ҳиссасига тўғри келди. Хоразм вилоятида (2 956,0 млрд. сўм) sanoat маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми энг паст бўлиб қолмоқда.

Тошкент ш.	38 904,8
Тошкент	18 549,3
Фарғона	13 398,3
Андижон	12 077,9
Самарқанд	11 262,1
Бухоро	9 237,4
Наманган	8 331,8
Навоий	6 300,7
Жиззах	5 446,8
Қашқадарё	5 392,4
Сирдарё	3 880,5
Қорақалпоғистон Респ.	3 744,6
Сурхондарё	3 128,8
Хоразм	2 956,0


**2022 йилнинг январь-декабрь ойларида жами sanoat маҳсулотларидаги кичик тадбиркорликнинг ҳудудлар бўйича улуши, % да**

Жиззах	48,9
Наманган	45,7
Фарғона	44,1
Сурхондарё	42,9
Самарқанд	38,3
Тошкент ш.	36,3
Бухоро	33,9
Сирдарё	31,9
Қашқадарё	23,6
Андижон	22,3
Қорақалпоғистон Респ.	21,0
Тошкент	19,9
Хоразм	16,1
Навоий	7,5

Ҳудудлар кесимида кичик тадбиркорликнинг жами sanoat маҳсулотларидаги энг юқори улушини Жиззах вилояти (48,9 %), Наманган вилояти (45,7 %), Фарғона вилояти (44,1 %), Сурхондарё вилояти (42,9 %), Самарқанд вилояти (38,3 %), Тошкент ш. (36,3 %), Бухоро вилояти (33,9 %), Сирдарё вилояти (31,9 %), Қашқадарё (23,6 %) ва Андижон (22,3 %) вилоятлари ташкил этди.

### Кичик тадбиркорлик субъектларининг қурилиш фаолияти

#### 2017-2022 йилларда кичик тадбиркорлик субъектларининг қурилишдаги улуши динамикаси, % да




2022 йил январь-декабрь ойларида кичик тадбиркорлик субъектлари томонидан амалга оширилган қурилиш ишлари ҳажми 93 620,8 млрд. сўмни ёки қурилиш ишлари умумий ҳажмининг 71,6 % ини ташкил этди. Ўсиш суръати 2021 йил январь-декабрь ойларига нисбатан 105,3 % ни ташкил қилди.

#### 2022 йилнинг январь-декабрида ҳудудлар бўйича кичик тадбиркорлик субъектларида бажарилган қурилиш ишлари ҳажми ва улуши




Ҳудудлар кесимида кичик тадбиркорлик субъектларининг энг кўп бажарилган қурилиш ишлари ҳажми Тошкент шаҳри (20 122,6 млрд. сўм), Тошкент (9 111,1 млрд. сўм), Самарқанд (6 916,2 млрд. сўм), Фарғона (6 906,8 млрд. сўм), Бухоро (6 766,0 млрд. сўм), Андижон (6 411,0 млрд. сўм) ҳамда Сурхондарё (6 033,6 млрд. сўм) вилоятларида қайд этилди.

#### 2017-2022 йилларда кичик тадбиркорлик субъектларининг қурилиш ишлари ҳажмини ўзгариш динамикаси, трлн. сўмда



Кичик тадбиркорлик субъектларининг инвестиция фаолияти


2017-2022 йилларда кичик тадбиркорлик субъектларининг инвестиция ҳажмининг ўзгариш динамикаси, трлн. сўмда




2022 йилда кичик тадбиркорлик субъектлари томонидан асосий капиталга киритилган инвестициялар ҳажми 128 489,5 миллиард сўмни ёки жами инвестиция ҳажмини 47,6 % ини ташкил этди. Ўсиш суръати 2021 йилга нисбатан 105,6 % ни ташкил қилди.

Худудлар кесимида кичик тадбиркорлик субъектларининг энг юкори асосий капиталга киритилган инвестициялари ҳажми Тошкент шаҳри (24 108,9 млрд. сўм), Тошкент (13 308,9 млрд. сўм), Самарқанд (10 449,8 млрд. сўм), Фарғона (9 731,7 млрд. сўм), Сирдарё (9 690,7 млрд. сўм), Бухоро (9 498,8 млрд. сўм) ҳамда Наманган (9 430,1 млрд.сўм), ва Андижон (8 633,4 млрд.сўм) вилоятларида қайд этилди.

2022 йилда кичик тадбиркорлик субъектларининг инвестиция ҳажми ва улуши




2017-2022 йилларда кичик тадбиркорлик субъектларининг инвестициядаги улуши динамикаси, % да



2017 й. 2018 й. 2019 й. 2020 й. 2021 й. 2022 й.

■ ҳажми, млрд. сўм ■ улуши, % да


**Кичик тадбиркорлик субъектларининг қишлоқ хўжалиги фаолияти**  
**2017-2022 йилларда кичик тадбиркорлик субъектларининг қишлоқ хўжалиги**  
**ҳажмини ўзгариш динамикаси, трлн. сўмда**




2022 йилда кичик тадбиркорлик субъектлари томонидан ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳажми 347 222,0 млрд. сўмни ёки жами қишлоқ хўжалиги маҳсулоти ҳажмининг 95,3 % ини ташкил этди. Ўсиш суръати 2021 йилга нисбатан 103,4 % ни ташкил қилди.

Худудлар кесимида кичик тадбиркорлик субъектларининг энг кўп ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳажми Самарқанд (41 249,8 млрд. сўм), Андижон (36 105,6 млрд. сўм), Бухоро (33 212,0 млрд. сўм), Қашқадарё (32 740,7 млрд. сўм), Фарғона (31 921,5 млрд. сўм) ҳамда Тошкент (30 568,4 млрд.сўм) вилоятларида қайд этилди.


**2017-2022 йилларда кичик тадбиркорлик субъектларининг қишлоқ хўжалигидаги улуши динамикаси, % да**



**2022 йилда кичик тадбиркорлик субъектлари томонидан ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳажми ва улуши**



2017-2022 йилларнинг январь-декабрь ойларида ҳудудлар бўйича кичик  
тадбиркорлик (бизнес)да чакана савдо товар айланмаси улушининг  
динамикаси




2022 йилда кичик тадбиркорлик субъектларининг чакана савдо товар айланмаси ҳажми 253 573,4 млрд. сўмни ёки умумий чакана савдо товар айланмасининг 79,4 % ини ташкил этиб, ўсиш суръати 2021 йилга нисбатан 108,4 % ни ташкил қилди.

2022 йилда ҳудудлар бўйича кичик тадбиркорлик субъектларида чакана савдо товар айланмаси, млрд. сўм

Тошкент ш.	49 886,4
Тошкент	24 098,4
Фарғона	23 254,4
Самарқанд	21 804,4
Андижон	19 498,4
Наманган	18 174,7
Сурхондарё	17 867,9
Қашқадарё	17 539,6
Бухоро	15 497,7
Хоразм	11 075,3
Навоний	10 448,5
Қорақалпоғистон Респ.	10 038,3
Жиззах	9 789,3
Сирдарё	4 599,9


2017-2022 йилларда кичик тадбиркорлик субъектларининг чакана савдо айланмасидаги улуши динамикаси, % да



Ҳудудлар кесимида кичик тадбиркорлик субъектларининг энг кўп чакана савдо товар айланмаси ҳажми Тошкент шаҳри (49 886,4 млрд. сўм), Тошкент (24 098,4 млрд. сўм), Фарғона (23 254,4 млрд. сўм), Самарқанд (21 804,4 млрд. сўм), Андижон (19 498,4 млрд. сўм) ва Наманган (18 174,7 млрд. сўм) вилоятлари ҳиссасига тўғри келди.

**Кичик тадбиркорлик субъектларининг хизмат кўрсатиш фаолияти  
2017-2022 йилларда кичик тадбиркорлик субъектларининг кўрсатилган  
хизматлар ҳажмидаги улуши динамикаси, % да**

2022 йил январь-декабрь ойларида кичик тадбиркорлик субъектлари томонидан 173 157,7 млрд. сўмлик хизматлар кўрсатилди ёки кўрсатилган хизматлар умумий ҳажмининг 48,4 % ини ташкил қилди ва ўсиш суръати 2021 йил январь-декабрь ойларига нисбатан 108,5 % ни ташкил қилди.



**2022 йилнинг январь-декабрида ҳудудлар бўйича кичик тадбиркорлик  
субъектларида хизмат кўрсатиш ҳажми, млрд. сўмда**

Тошкент ш.	51 124,7
Тошкент	17 845,4
Самарқанд	15 458,4
Фарғона	14 150,6
Андижон	11 698,7
Қашқадарё	10 724,4
Наманган	9 713,5
Бухоро	9 664,4
Сурхондарё	8 417,2
Хоразм	6 396,6
Навоий	5 376,4
Қорақалпоғистон Респ.	5 204,2
Жиззах	4 763,5
Сирдарё	2 619,7

Ҳудудлар кесимида кичик тадбиркорлик субъектларининг энг кўп хизматлар ҳажми Тошкент шаҳри (51124,7 млрд. сўм), Тошкент (17845,4 млрд. сўм), Самарқанд (15458,4 млрд. сўм), Фарғона (14150,6 млрд. сўм), Андижон (11698,7 млрд. сўм), Қашқадарё (10724,4 млрд. сўм) ва Наманган (9713,5 млрд. сўм) вилоятлари ҳиссасига тўғри келди.

**Хизматлар соҳасида кичик тадбиркорлик субъектларининг энг юқори улушга  
эга бўлган турлари**




Юқоридаги диаграмма маълумотларига кўра, хизматлар соҳасида кичик тадбиркорлик субъектларининг энг юқори улуши савдо хизматларида – 42,8 % (74 161,5 млрд. сўм), транспорт хизматларида – 24,1 % (41 726,5 млн. сўм), шахсий хизматларда – 4,9 % (8 566,9 млн. сўм) ҳамда яшаш ва овқатланиш хизматларида 4,8 % (8 231,7 млн. сўм) ни ташкил этди.

Кичик бизнес субъектларининг хизматлар соҳасида энг кичик улуши молиявий хизматларда 0,9 % (1 602,2 млн сўм) кузатилди.


### Кичик тадбиркорлик субъектларининг ташқи савдо фаолияти

#### Кичик тадбиркорлик субъектларининг экспорт фаолияти

Ҳажми, млрд. АҚШ дол.




Улуши, % да




#### Кичик тадбиркорлик субъектларининг импорт фаолияти

Ҳажми, трлн сўмда




Улуши, % да





### Кичик тадбиркорлик субъектларининг экспорт фаолияти Кичик бизнес субъектлари маҳсулот (ишлар ва хизматлар) экспорти динамикаси

2022 йил январь-декабрь ойларида кичик бизнес субъектлари маҳсулот (ишлар ва хизматлар) экспорти ҳажми 5 695,8 миллион АҚШ долларини ёки умумий экспорт ҳажмининг 29,5 % ини ташкил этди.



2017 й. 2018 й. 2019 й. 2020 й. 2021 й. 2022 й.

### 2022 йилда кичик тадбиркорлик субъектлари томонидан амалга оширилган маҳсулот (ишлар ва хизматлар) экспортининг ҳажми ва улуши




■ ҳажми, млн. АҚШ дол.  
— улуши, %

2022 йилда ҳудудлар бўйича кичик тадбиркорлик субъектлари томонидан амалга оширилган маҳсулот (ишлар ва хизматлар) экспортининг жамига нисбатан энг кўп улуши Сирдарё вилоятида – 69,2 %, Сурхондарё вилоятида – 64,0 %, Хоразм вилоятида – 58,1 %, Бухоро вилоятида – 53,6 %, Фарғона вилоятида – 51,6 %, Жиззах вилоятида – 49,3 %, Самарқанд вилоятида – 48,6 % ва Наманган вилоятида – 44,1 %, энг паст кўрсаткич Навоий вилоятида – 8,9 % ни ташкил этди.

### Кичик тадбиркорлик субъектларининг импорт фаолияти

2017-2022 йилларда кичик тадбиркорлик субъектларнинг маҳсулотлар (ишлар ва хизматлар) импорти ҳажмидаги улуши динамикаси, % да




2022 йилда кичик бизнес субъектлари томонидан амалга оширилган маҳсулот (ишлар ва хизматлар) импортининг ҳажми 15 154,1 миллион АҚШ долларини ёки жами импортнинг 49,4 % ини ташкил этди.

### 2022 йилда кичик тадбиркорлик субъектлари томонидан амалга оширилган маҳсулотлар (ишлар ва хизматлар) импортининг жами импортдаги улуши, % да



2022 йилда ҳудудлар бўйича кичик тадбиркорлик субъектлари томонидан амалга оширилган маҳсулотлар (ишлар ва хизматлар) импортининг жами импортга нисбатан энг юқори улуши Жиззах вилоятида – 87,5 %, Сурхондарё вилоятида – 72,6 %, Фарғона вилоятида – 72,5 %, Сирдарё вилоятида – 72,1 %, Наманган вилоятида – 71,9 %, Қашқадарё вилоятида – 50,2 %, ҳамда Тошкент шаҳрида 48,7 % ни ташкил этди.

Жиззах	87,5
Сурхондарё	72,6
Фарғона	72,5
Сирдарё	72,1
Наманган	71,9
Қашқадарё	50,2
Тошкент ш.	48,7
Тошкент	48,4
Бухоро	48,3
Қорақалпоғистон Респ.	44,1
Самарқанд	37,2
Хоразм	35,0
Навоий	34,5
Андижон	11,0




2022 йилда автомобил транспортида юк ташишнинг умумий ҳажмида кичик тадбиркорликнинг улуши 46,6 % ни ташкил этди. 2021 йилга нисбатан ўсиш суръати 106,9 % ни ташкил қилди.

2022 йилда, автомобил транспортида юк айланмасининг умумий ҳажмида кичик тадбиркорликнинг улуши 71,1 % ни ташкил этган бўлиб, 2021 йилга нисбатан ўсиш суръати 104,3 % ни ташкил қилди.




2022 йилда, автомобил транспортида йўловчи ташиш хизматларининг умумий ҳажмида кичик тадбиркорликнинг улуши 93,2 % ни ташкил этиб, 2021 йилга нисбатан ўсиш суръати 102,2 % ни ташкил қилди.

2022 йилда, автомобил транспорти йўловчи айланмасининг умумий ҳажмида кичик тадбиркорликнинг улуши 95,9 % ни ташкил этиб, 2021 йилга нисбатан ўсиш суръати 102,4 % ни ташкил қилди.



### 3- БЎЛИМ. КИЧИК КОРХОНА ВА МИКРОФИРМАЛАРНИНГ ТАНЛАНМА КУЗАТУВЛАРИ

Кичик тадбиркорлик субъектларининг 2017-2022 йиллар учун умумий иқтисодий ҳолатини баҳолашни динамикаси (жорий даврга нисбатан), бирлик



Кичик корхона ва микрофирмалар фаолияти натижалари бўйича ўтказиладиган танланма кузатув маълумотлари натижаси бўйича кичик корхона ва микрофирмаларнинг ишбилармонлик муҳити ҳолати таҳлил қилинганда, корхоналар томонидан ўзларининг умумий иқтисодий вазиятини жорий давр учун қулай деб баҳолаган корхоналарнинг сони 2017 йилда 12 976 тани ташкил этган бўлса, бу кўрсаткич 2022 йилга келиб эса 28 507 тага етган ёки 2017 йилга нисбатан 15 531 тага ошган.

Шунингдек, иқтисодий вазиятини қониқарли деб баҳолаган корхоналарнинг сони 2017 йилда 21 296 та бўлган бўлса, бу кўрсаткич 2022 йилда 42 544 та ёки 21 248 тага ошган.

Ўз навбатида, иқтисодий вазиятини қониқарсиз деб ҳисоблаган корхоналарнинг улуши эса 2017 йилда 2 840 тани ташкил этган бўлса, 2022 йилга келиб 5 719 тани ташкил этган ва бу кўрсаткич 2017 йилга нисбатан 2 879 тага ошган.

Кичик тадбиркорлик субъектларининг 2017-2022 йиллар учун умумий иқтисодий ҳолатини баҳолаганлар сони (ўтган йилнинг тегишли даврига нисбатан), бирлик




Кичик корхона ва микрофирмалар фаолияти натижалари бўйича ўтказиладиган танланма кузатув маълумотлари натижаси бўйича кичик корхона ва микрофирмаларнинг ишбилармонлик муҳити ҳолати таҳлил қилинганда, корхоналар томонидан ўзларининг умумий иқтисодий вазиятини ўтган йилнинг мос даврига нисбатан яхшиланган деб баҳолаган корхоналарнинг сони 2017 йилда 21 931 тани ташкил этган бўлса, бу кўрсаткич 2022 йилга келиб эса 26 042 тага етган ёки 2017 йилга нисбатан 4 111 тага ошган.

Шунингдек, иқтисодий вазиятини ўзгаришсиз деб баҳолаган корхоналарнинг сони 2017 йилда 12 668 та бўлган бўлса, бу кўрсаткич 2022 йилда 37 168 та ёки 24 500 тага ошган.

Ўз набатида, иқтисодий вазиятини ёмонлашган деб ҳисоблаган корхоналарнинг сони эса 2017 йилда 2 331 тани ташкил этган бўлса, 2022 йилга келиб, бу кўрсаткич 4 989 тани ташкил этиб, 2 658 тага ошган.

**Кичик тадбиркорлик субъектларининг 2017-2022 йиллар учун умумий иқтисодий ҳолатининг баҳоланиш динамикаси (корхонанинг жорий ҳолати бўйича), % да**




Кичик корхона ва микрофирмалар фаолияти натижалари бўйича ўтказиладиган танланма кузатув маълумотлари натижаси бўйича кичик корхона ва микрофирмаларнинг ишбилармонлик муҳити ҳолати таҳлил қилинганда, корхоналар томонидан ўзларининг умумий иқтисодий вазиятини жорий давр учун қулай деб баҳолаган корхоналар улуши 2017 йилда 35,0 % ни ташкил этган бўлса, бу кўрсаткич 2022 йилга келиб эса 37,1 % га етган ёки 2017 йилга нисбатан 2,1 % бирлик ошган.

Шунингдек, иқтисодий вазиятини қониқарли деб баҳолаган корхоналарнинг улуши 2017 йилда 57,4 % бўлган бўлса, бу кўрсаткич 2022 йилда 55,4 % ёки 2,0 % бирликка камайган.

Ўз навбатида, иқтисодий вазиятини қониқарсиз деб ҳисоблаган корхоналарнинг улуши эса 2017 йилда 7,6 % ни ташкил этган бўлса, 2022 йилга келиб, бу кўрсаткич 7,5 % га етган ёки 0,1 % га камайган.

**Кичик тадбиркорлик субъектларининг 2017-2022 йиллар учун умумий иқтисодий ҳолатининг баҳоланиш динамикаси (ўтган йилларнинг мос даврига нисбатан), % да**




Кичик корхона ва микрофирмалар фаолияти натижалари бўйича ўтказиладиган танланма кузатуви маълумотлари натижаси бўйича кичик корхона ва микрофирмаларнинг ишбилармонлик муҳити ҳолати таҳлил қилинганда, корхоналар томонидан ўзларининг умумий иқтисодий вазиятини ўтган йилларнинг мос даврига нисбатан яхшилланган деб баҳолаган корхоналар улуши 2017 йилда 59,4 % ни ташкил этган бўлса, бу кўрсаткич 2022 йилга келиб эса 38,2 % га етган ёки 2017 йилга нисбатан 21,2 бирлик камайган.

Шунингдек, иқтисодий вазиятини ўзгаришсиз деб баҳолаган корхоналарнинг улуши 2017 йилда 34,3 % бўлган бўлса, бу кўрсаткич 2022 йилда 54,5 % ёки 20,2 бирликка ошган.

Ўз навбатида, иқтисодий вазиятини ёмонлашган деб ҳисоблаган корхоналарнинг улуши эса 2017 йилда 6,3 % ни ташкил этган бўлса, 2022 йилга келиб, бу кўрсаткич 7,3 % ёки 1,0 % бирликка ошган.

**2022 йил IV чорак бўйича танланма кузатувда иштирок этган кичик корхона ва микрофирмаларнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича тақсимланиши, минг бирликда**




2022 йил IV чорак якунларига қўра, кичик корхона ва микрофирмалар ўртасида танланма кузатувлар ўтказилди.

Ушбу сўровномада 18 397 та кичик корхона ва микрофирмалар иштирок этди. Уларнинг 6 909 (37,5 %)таси иқтисодий вазиятни қулай деб баҳолади. 10 095 (54,9 %)та субъектлар иқтисодий вазиятни қониқарли деб баҳолади. Қолган 1 393 (7,6 %)та субъектлар иқтисодий вазиятни қониқарсиз деб баҳолаган.

Иқтисодий фаолият турлари бўйича кузатувда иштирок этган кичик корхона ва микрофирмаларнинг тақсимланиши (улуши) савдода – 38,2 % (7 029 та), хизматлар соҳасида – 29,9 % (5 494 та), саноатда – 17,1 % (3 141 та), қурилишда – 8,6 % (1 584 та), қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалигида – 6,2 % (1 149 та)ни ташкил этди.

**2022 йил IV чорак бўйича танланма кузатувда иштирок этган кичик корхона ва микрофирмаларнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича тақсимланиши, % да**



2022 йил IV чорак бўйича кузатувда иштирок этган кичик корхона ва  
микрофирмаларнинг хуудлар бўйича тақсимланиши





**2022 йилнинг IV чорагида кузатувда иштирок этган кичик корхона ва микрофирмаларнинг жорий даврда иқтисодий вазиятини баҳолаш, % да**




Кичик корхона ва микрофирмаларнинг 2022 йилнинг IV чорагида ўтказилган кузатув натижаларига кўра, жорий даврда иқтисодий вазиятни қулай деб баҳолаган корхоналарнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича энг кўп улуши қурилишда – 39,1 % ни, савдода – 38,4 % ни, хизматлар соҳасида – 38,2 % ни ташкил этди.

Шунингдек, иқтисодий вазиятни қониқарли деб баҳолаган корхоналарнинг энг кўп улуши қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалигида – 58,1 % ни, саноатда – 55,8 % ни, хизматлар соҳасида – 54,9 % ни ташкил этди.

Иқтисодий вазиятни қониқарсиз деб баҳолаган корхоналарнинг энг кўп улуши қурилишда – 9,2 % ни, саноатда – 8,9 % ни, қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалигида – 8,5 % ни ташкил этди.

**2022 йилнинг IV чорагида кузатувда иштирок этган кичик корхона ва микрофирмаларнинг яқин 3 ойдаги ўзгаришлар истиқболи бўйича иқтисодий вазиятини баҳолаш, % да**



2022 йилнинг IV чорагида кузатувда иштирок этган кичик корхона ва микрофирмаларнинг яқин 3 ойдаги ўзгаришлар истиқболи бўйича иқтисодий вазиятни қулай деб баҳолаган корхоналарнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича энг кўп улуши қурилишда – 46,2 % ни, савдода – 44,2 % ни, хизматлар соҳасида – 43,0 % ни ташкил этди.

Шунингдек, яқин 3 ойдаги ўзгаришлар истиқболи бўйича иқтисодий вазиятни қониқарли деб баҳолаган корхоналарнинг энг кўп улуши қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалигида – 53,5 % ни, хизматлар соҳасида – 51,6 % ни, саноатда – 50,8 % ни ташкил этди.


Яқин 3 ойдаги ўзгаришлар истиқболи бўйича иқтисодий вазиятни қониқарсиз деб баҳолаган корхоналарнинг энг кўп улуши саноатда – 7,1 % ни, қурилишда – 6,9 % ни, қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалигида – 6,0 % ни ташкил этди.

**2022 йилнинг IV чорагида бизнесга ишонч муҳитини баҳолаш, % да.**


	<i>Ўтган йилнинг шу даврига нисбатан жорий даврдаги ўзгаришлар</i>		
	<i>кўпайиш (яхшиланиш<sup>1</sup>)</i>	<i>ўзгаришсиз</i>	<i>камайиш (ёмонлашиш<sup>1</sup>)</i>
Корхонанинг умумий айланмаси	44,4	44,7	10,9
<b>Банд бўлганлар сони</b>	<b>24,5</b>	<b>68,1</b>	<b>7,4</b>
Сотилган маҳсулот (товарлар, ишлар ва хизматлар) учун нарх	38,2	56,0	5,8
<b>Молиявий маблағлар: ўз, кредит ва қарз маблағлари</b>	<b>29,0</b>	<b>63,8</b>	<b>7,2</b>
Рақобат муҳити	40,8	54,3	4,9

	<i>Яқин 3 ойда ўзгаришлар истиқболи</i>		
	<i>кўпайиш (яхшиланиш<sup>1</sup>)</i>	<i>ўзгаришсиз</i>	<i>камайиш (ёмонлашиш<sup>1</sup>)</i>
Корхонанинг умумий айланмаси	46,8	47,7	5,5
<b>Банд бўлганлар сони</b>	<b>28,6</b>	<b>67,1</b>	<b>4,3</b>
Сотилган маҳсулот (товарлар, ишлар ва хизматлар) учун нарх	38,1	57,4	4,4
<b>Молиявий маблағлар: ўз, кредит ва қарз маблағлари</b>	<b>32,4</b>	<b>62,3</b>	<b>5,3</b>
Рақобат муҳити	42,1	54,0	3,9

2022 йилнинг IV чорагида бизнесга ишонч муҳитини баҳолаш,  
ўтган йилнинг шу даврига нисбатан жорий даврдаги ўзгаришлар, % да



2022 йилнинг IV чорагида бизнесга ишонч муҳитини баҳолаш, яқин 3 ойда  
ўзгаришлар истиқболи, % да



## Статистик кўрсаткичларга изоҳлар

**Тадбиркорлик фаолияти (тадбиркорлик)** – тадбиркорлик фаолияти субъектлари томонидан қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга ошириладиган, ўзи таваккал қилиб ва ўз мулкий жавобгарлиги остида даромад (фойда) олишга қаратилган ташаббускорлик фаолиятидир.

Тадбиркорлик фаолияти субъектлари (тадбиркорлик субъектлари) белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтган ҳамда тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган юридик ва жисмоний шахслардир.

**Юридик шахс** – ўз мулкида, хўжалик юритишида ёки оператив бошқарувида алоҳида мол-мулкка эга бўлган ҳамда ўз мажбуриятлари юзасидан ушбу мол-мулк билан жавоб берадиган, ўз номидан мулкий ёки шахсий номулкий ҳуқуқларга эга бўла оладиган ва уларни амалга ошира оладиган, мажбуриятларни бажара оладиган, судда даъвогар ва жавобгар бўла оладиган ташкилот юридик шахс ҳисобланади.

Юридик шахслар мустақил баланс ёки сметага эга бўлишлари керак.

**Якка тартибдаги тадбиркорлик** – жисмоний шахс (якка тартибдаги тадбиркор) томонидан тадбиркорлик фаолиятини юридик шахс ташкил этмаган ҳолда амалга оширишдир.

Якка тартибдаги тадбиркорлик якка тартибдаги тадбиркор томонидан мустақил мулк ҳуқуқи асосида ўзига тегишли бўлган мол-мулк негизида, шунингдек, мол-мулкка эгалик қилиш ва (ёки) ундан фойдаланишга йўл қўядиган ўзга ашёвий ҳуқуқ асосида амалга оширилади.

Тадбиркорлик субъектлари ўз фаолиятларини мувофиқлаштириш, шунингдек, ўз ҳуқуқлари ва манфаатларини ифода этиш ҳамда ҳимоя қилиш мақсадида, нотижорат ташкилотлар бўлган уюшмаларга (иттифоқларга) ва бошқа бирлашмаларга бирлашиши мумкин.

**Корхонанинг фаолиятини таҳлил қилиш** – унинг асосида корхона фаолиятини ҳар томонлама ўрганиш. Натижада, маълумот тўплашнинг маълум усулларида фойдаланиш орқали корхона фаолиятини баҳолаш ва заиф томонларини аниқлаш учун керакли маълумотларни олиш.

**Ишлаб чиқарилган (кўрсатилган) хизматлар ҳажми, бу** - хизматлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган ва хизмат кўрсатиш асосий фаолият тури ҳисобланмайдиган барча хизматлар ишлаб чиқарувчилари (юридик ва жисмоний шахслар) томонидан кўрсатилган бозор хизматлари қийматидир.

Маълум бир вақт давомида кўрсатилган хизматлар қийматини ўлчовчи “Ишлаб чиқарилган (кўрсатилган) хизматлар ҳажми” статистик кўрсаткичи, ташкилотлардан уларнинг ходимларига хизмат кўрсатилгани учун келиб тушган қўшимча тўловлар (ёки тўлиқ компенсация)ни қўшган ҳолда, истеъмолчиларга (юридик ва жисмоний шахслар, резидент ва норезидентларга) кўрсатилган хизматлар қийматини акс эттиради.

## Х. НАРХЛАР

### 1- БЎЛИМ. ИСТЕЪМОЛ НАРХЛАРИ


**Инфляция** бу — товарлар ва хизматлар нархлари умумий даражасининг барқарор ўсишидир. Шу билан бирга, бу жараёнда айрим товарлар сезиларли қимматлашиши, айримлари арзонлашиши ва айримларининг нархлари умуман ўзгармаслиги мумкин. Бирок, инфляция – иқтисодчилар орасида баҳс ва мунозаралар келтириб чиқарувчи мураккаб ва турли хил намоён бўладиган ижтимоий-иқтисодий ҳодисадир.

**Инфляциянинг оқибатлари** ҳам иқтисодий, ҳам ижтимоий соҳаларда намоён бўлиши мумкин. Инфляция шароитида аҳоли реал даромадларининг қисқариши рўй беради. Шу билан бирга, замонавий иқтисодчиларнинг юқори, назоратсиз инфляция ҳам, доимий дефляция ҳам ўзининг салбий оқибатларига эгалиги ва кўрсаткични маълум бир таргет (мақсадли кўрсаткич)дан ошиб кетмаслигини таъминлаш ҳамда аҳоли ва бизнеснинг инфляцион кутималарини пасайтириш инфляцияга қарши сиёсатнинг устувор йўналишларидан ҳисобланиши тўғрисида яқдил фикрга кўшиладилар.

Мамлакат истеъмол секторида инфляциянинг муҳим, ҳал қилувчи кўрсаткичи – **истеъмол нархлари индекси (ИНИ)** бўлиб, у ўзгармас истеъмол тузилмасига эга бўлган ҳолда товарлар ва хизматлар белгиланган тўплами қийматининг ўзгаришларини ифодалайди.

#### Ўзбекистон Республика бўйича йиғма ИНИ

ўтган йилнинг декабрга нисбатан



2022 йилда Ўзбекистон Республикаси бўйича истеъмол нархлари даражаси 12,3 % га ўсди. Йил давомида қисқа муддатли ИНИ тебранишлар оралиғи март ойида 101,5 % дан, июл ойидаги энг паст кўрсаткич 99,9 % гачани ташкил этди.

ИНИ турли шаклларда дунёнинг кўплаб давлатларида, шу жумладан, кўшни давлатларда ҳам ҳисобланади.

Республикада ИНИни ҳисоблаш 1994 йилда ХВЖнинг техник кўмаги остида жорий қилинган.

ИНИни шакллантиришга “Истеъмол нархлари индекси бўйича қўлланма: Назария ва амалиёт” (ХВЖ, ИХРТ, ЙҲСБ (Евростат), БМТ, ЙИК, Бутунжаҳон банки ва ХМТ) тавсияларини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилган Товарлар ва хизматларнинг истеъмол нархлари (тарифлари) кузатувини ташкил этиш ҳамда истеъмол нархлари индексини ҳисоблаш бўйича услубий низом (Давлат статистика қўмитасининг 2020 йил 30 ноябрдаги 46-сон қарори билан янги таҳрири тасдиқланган) асос бўлиб хизмат қилади. <https://lib.stat.uz>

### Айрим давлатлардаги йиғма ИНИ\*


ўтган йилнинг декабрига нисбатан ўсиш суръати, % да

 Арманистон	<b>8,3</b>	 Молдова	<b>30,2</b>
 Белоруссия	<b>12,8</b>	 Россия	<b>11,9</b>
 Грузия	<b>9,8</b>	 Украина	<b>26,6</b>
 Қозоғистон	<b>20,3</b>	 Туркия	<b>64,3</b>
 Хитой	<b>1,8</b>	 Франция	<b>6,0</b>
 Қирғиз Республикаси	<b>14,7</b>	 Эстония	<b>17,6</b>
 Латвия	<b>20,8</b>	 Жанубий Корея	<b>5,0</b>
 Литва	<b>21,7</b>	 Япония	<b>4,0</b>

\*) давлатларнинг статистика хизматлари расмий сайтларидаги маълумотлар асосида


2022 йилда йиғма ИНИ ўртача ойлик ўсиш суръати 1,0 % ни ташкил этиб, 2020 ва 2021 йиллардаги кўрсаткичлардан баланд, бироқ 2018-2019 йиллардаги кўрсаткичдан паст бўлди.

### Йиғма ИНИ ўртача ойлик ўсиш суръати, % да




2022 йил давомида қисқа муддатли ИНИ тебранишлар оралиғи  $-0,1$  % дан  $1,5$  % гача атрофида бўлди. Шу билан бирга, июл ойида ўртача ойлик кўрсаткичдан энг юқори чекиниш қайд этилиб ( $1,0$  % дан  $-0,1$  %, яъни  $-1,1$  фоиз бандга), бунга мева-сабзавот маҳсулотлари нархларининг мавсумий пасайиши таъсир қилган.

### 2022- йил давомидаги қисқа муддатли йиғма ИНИ ўсиш (пасайиш) суръатининг ўртача ойлик ўсиш суръати билан таққосламаси




Ўзбекистон Республикаси бўйича товарлар ва хизматлар ИНИ, % да  
ўтган йилнинг декабрига нисбатан

**ТОВАРЛАР**




**ХИЗМАТЛАР**





2022 йилда товарлар нархлари 13,4 %, хизматлар нархлари эса 8,4 % атрофида ўсди.

Товарларнинг қисқа муддатли ИНИ оралиғи 1,9 % дан (март)  $-0,2$  % (июл) чегарасида тебранди. Хизматлар учун ушбу оралиқ 1,5 % дан (октябрь)  $0,3$  % гачани (июл) ташкил қилди.

**Товарлар ва хизматлар нархлари ўзгаришларининг  
йиғма ИНИ ўсиш суръатига таъсири тузилмаси, ф.д.\***



\*) товарлар ва хизматларнинг умумий ўсиш суръатига таъсири даражаси йиғиндисининг  $0,1$  ф.д. га баробарлиги кўрсаткичларнинг яхлитланганлиги билан боғлиқ.





Тасдиқланган Услубий низомга мувофиқ, нархларни рўйхатга олиш ҳар ойнинг 10 санасидан 20 санасигача амалга оширилади. Маълумотларни йиғиш шундай ташкил этилганки, бу вақт оралиғида нархларни рўйхатга олиш ҳар бир товар ва хизмат бўйича бир марта амалга оширилади ва қўшни даврлар учун рўйхатга олиш оралиғи бир календарь ойни ташкил қилади. ИНИни ҳисоблашда фақатгина инфляция омилларини аниқлаш учун ассортимент ва ҳудудий силжишлар омилларининг таъсири чиқариб ташланади.

Нархлар ўзгаришини кузатиш учун товарлар ва хизматлар тўпламига аҳоли харажатлари таркибидаги ижтимоий-иқтисодий аҳамияти ва вакиллигини ҳисобга олган ҳолда танлаб олинган **510 та позиция** киради. Ушбу позициялар учта йирик гуруҳга бўлинган:


- озик-овқат маҳсулотлари** (170 та маҳсулот),
- ноозик-овқат маҳсулотлар** (250 та маҳсулот),
- хизматлар** (90 та хизмат).

Ҳар ойда **10 мингдан** ортиқ савдо ва хизмат кўрсатиш объектлари кузатилади, **110 мингдан** ортиқ нарх котировкалари қайд этилади.


### Ўзбекистон Республикаси бўйича товар ва хизматлар асосий гуруҳлари ИНИ, % да

#### ўтган йилнинг декабрига нисбатан



#### Озик-овқат маҳсулотлари





#### ўртача ойлик ўсиш суръати



#### Ноозик-овқат маҳсулотлар



#### Хизматлар



ИНИни шакллантириш иккита маълумотлар манбаси асосида амалга оширилади:


1) уй хўжаликларида ўтказиладиган танланма кузатувлар маълумотлари асосида шаклланидиган аҳолининг истеъмол харажатлари таркиби тўғрисидаги маълумотлар;

2) ҳудудлар, савдо ва хизмат кўрсатиш объектлари, намуна товарлар танланмаси доирасида нархларни қайд этиш маълумотлари.


Шундай қилиб, ҳар бир позициянинг (бўлим, гуруҳ, аниқ товар ёки хизмат) йиғма кўрсаткич ўзгаришига таъсири позициянинг нарх ўзгаришлари ва харажатлар таркибидаги салмоқ вазнидан келиб чиққан ҳолда аниқланади.

**Товарлар ва хизматлар асосий гуруҳлари нархлари ўзгаришларининг йиғма ИНИ ўсиш суръатига таъсири тузилмаси, ф.д. ўтган йилнинг декабрга нисбатан**

**Таъсири, ф.д.**



**Умумий таъсирдаги улуши, % да**



■ Озиқ-овқат маҳсулотлари ■ Ноозиқ-овқат маҳсулотлар ■ Хизматлар


2022 йилда ҳам аввалги тўрт йилдаги каби, озиқ-овқат маҳсулотлари нархлари ўзгаришларининг таъсири асосий ўринни эгаллади. Ушбу гуруҳ товарларининг таъсири улуши сўнгги беш йил давомида 44,7-58,2 % атрофида тебраниди.

2022 йилда озиқ-овқат маҳсулотлари нархлари 15,6 % га ўсиб, йиғма ИНИ ўсиш суръатига 6,6 ф.д. таъсир қилди.


Салмоқ улушларида 2022 йилда озиқ-овқат маҳсулотлари нархлари ўзгаришларининг кузатилаётган товарлар ва хизматлар жами таъсиридаги улуши 53,9 % га тўғри келди.

Ўзбекистон Республикаси бўйича  
мева-сабзавот маҳсулотлари ҳисобисиз ИНИ, % да  
ўтган йилнинг декабрига нисбатан


Йиғма ИНИ



Товарлар – жами



Озиқ-овқат маҳсулотлари



2022- йил давомида ҳар бир гуруҳ бўйича қисқа муддатли нарх ўзгаришлари динамикаси нотекис кўринишга эга бўлди. Ушбу ҳолат озиқ-овқат маҳсулотлари учун яққолроқ намоён бўлиб, бу асосан мавсумийлик омилининг таъсири ва мева-сабзавот маҳсулотлари нархларининг тебранишлари билан боғлиқдир.


Озиқ-овқат маҳсулотлари нархларининг ойлик ўзгаришлари оралиғи 2,5 % дан (март) –1,0 % (июл) чегарасида жойлашди.

Мева-сабзавот маҳсулотлари нархларидаги ўзгаришларнинг таъсирини ҳисобга олмаганда озиқ-овқат маҳсулотлари ИНИ ўсиш суръати 2022 йилда 18,6 % ни (мева-сабзавот маҳсулотларини ҳисобга олганда 15,6 %) ташкил этди.

Мева-сабзавот маҳсулотлари нархларидаги ўзгаришларнинг таъсирини ҳисобга олмаганда йиғма ИНИ ўсиш суръати 2022 йилда 13,1 % га етди, ҳамда йиғма кўрсаткичдан 0,8 фоиз бандга ошди (12,3 %).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 3 августдаги ПҚ-4796-сонли қарори билан тасдиқланган 2020-2025 йилларда Ўзбекистон Республикаси статистикасини ривожлантиришнинг миллий стратегиясини амалга ошириш бўйича “ЙЎЛ ХАРИТАСИ”нинг 36-банди ижросини таъминлаш юзасидан, 2021 йил январь ойидан бошлаб, Давлат статистика қўмитаси МДХга аъзо давлатлар орасида биринчилардан бўлиб истеъмол нархлари индексини (ИНИ) тўлиқ БМТнинг Слассифисатион оф Индивидуал Сонсумптион Ассординг то Пурпосе (СОИСОП) 2018 халқаро стандартига асосланган, Мақсадлар бўйича индивидуал истеъмол таснифлагичи 2018 (МИИТ 2018) асосида шакллантиришни жорий этди.

ЎЗР МИИТ – 2018\* бўлимлари бўйича ИНИ, % да  
ўтган йилнинг декабрига нисбатан



ЎЗР МИИТ – 2018 таснифлагичи 2021 йилдан ИНИни ҳисоблаш амалиётига жорий этилган. Статистик мақсадларда 2020 йил учун ИНИнинг ЎЗР МИИТ – 2018 тузилмаси бўйича қайта ҳисоб-китоблари амалга оширилди. Таққослама базанинг мавжуд бўлмаганлиги сабабли аввалги йиллардаги ИНИ кўрсаткичлари мазкур таснифлагич бўлимлари ва гуруҳлари кесимида шакллантирилмаган.

\* Ўзбекистон Республикаси Мақсадлар бўйича индивидуал истеъмол таснифлагичи


Ўзбекистон Республикасида “Озиқ-овқат маҳсулотлари ва спиртсиз  
ичимликлар” бўлими (I) асосий гуруҳлари бўйича ИНИ, % да

ўтган йилнинг декабрига нисбатан

Донли экинлар ва ёрма маҳсулотлари



Гўшт маҳсулотлари




Балиқ ва бошқа денгиз маҳсулотлари



Сут, бошқа сут маҳсулотлари ва тухум



Ёғлар ва мойлар



Мевалар ва ёнғоқлар



Сабзавотлар, илдизмевалилар ва  
дуккаклилар



Шакар, қандолат маҳсулотлари ва десертлар



Тайёр озиқ-овқат маҳсулотлари












Спиртсиз ичимликлар



2022 йилда гўшт маҳсулотлари, балиқ, ёғ-мой маҳсулотлари ҳамда сабзавотлар, илдизмевалилар ва дуккаклилар нархларининг ўсиш суръати 2021 йилга нисбатан пастроқ бўлди. Мевалар ва ёнғоқлар нархларининг ўртача даражалари 2022 йилнинг декабрида 2021 йилнинг якунига нисбатан 5,7 % га паст бўлди.

Ўзбекистон Республикасида “Озиқ-овқат маҳсулотлари ва спиртсиз  
ичимликлар” бўлими (I) асосий гуруҳлари бўйича ИНИ, % да

ўтган йилнинг декабрига нисбатан



Ўзбекистон Республикаси бўйича  
алоҳида турдаги мева-сабзавот маҳсулотларининг ИНИ, % да

2022 йил декабрида 2021 йил декабрига нисбатан

2022 йилда саримсоқ 26,7 % га арзонлашди. Саримсоқ 2022 йилда сабзавотлар орасида нархлар пасайиши бўйича етакчи бўлди.


Пиёз нархлари йил давомида бир қанча омиллар таъсирида тебраниб турди. Шу билан бирга, унинг нархларининг ошиши республика бўйича ўртача 2200 сўмдан ошмади.



■ нархлар ошиши ■ нархлар пасайиши

декабрь ўтган йилнинг декабрига нисбатан


Картошка



Пиёз




Сабзи




Карам




Саримсоқ




Олма



Банан



Цитрус мевалар



Ўзбекистон Республикаси бўйича  
умумий ИНИ ўсиш суръатига озиқ-овқат маҳсулотлари  
ва спиртсиз ичимликлар  
асосий гуруҳлари нархлари ўзгаришининг таъсири, ф.д. да

ўтган йилнинг декабрга нисбатан



2022 йилда йиғма ИНИ ўсиш суръатига “Озиқ-овқат маҳсулотлари ва спиртсиз ичимликлар” (I) бўлимига кирувчи товарлар гуруҳлари орасида донли экинлар ва ёрма маҳсулотлари, гўшт, сут маҳсулотлари ва тухум нархларининг тебранишлари таъсир кўрсатди. Ушбу гуруҳ товарлари нархларининг тебранишлари ҳисобига йиллик йиғма ИНИ 4,29 ф.д.га ўзгарди.

Мевалар ва ёнғоқлар нархларининг пасайиши тутиб турувчи омил сифатида хизмат қилди ва йиғма ИНИ 0,25 ф.д. пасайишини таъминлади.

**Нарх индекси салмоғи** – нарх индексининг шаклланишида қатнашувчи ўлчам бўлиб, улар ёрдамида:

- кузатилаётган ҳодисаларнинг умумий йиғиндисидagi ҳар бир аниқ таркибий қисмнинг мазмуни ифодаланади;

- аввалдан ўзаро солиштириб бўлмайдиган бирламчи таркибий қисмлар таққосланадиган шаклга келтирилади;



- қўлланилаётган таснифлагичнинг барча босқичлари бўйича ўзаро солиштирилиши мумкин бўлган таркибий қисмлар кетма-кетлиги умумлаштирилади ва ўрганилаётган ҳодиса бўйича нарх ўзгаришининг умумий моҳияти аниқланади.





Ўзбекистон Республикасида  
“Спиртли ичимликлар, тамаки маҳсулотлари” бўлими (II) бўйича ИНИ, % да  
ўтган йилнинг декабрига нисбатан




СПИРТЛИ ИЧИМЛИКЛАР




ТАМАКИ МАҲСУЛОТЛАРИ



II бўлим умумий таъсиридаги гуруҳларнинг улуши, % да  
II бўлим таъсири =100 %



2020 йил



2021 йил




2022 йил

Спиртли ичимликлар нархлари тебранишлари 2022 йилда 11,0 % ни ташкил этиб, йиғма ИНИ га 0,07 ф.д. таъсир этди. Шу тариқа, ушбу гуруҳ товарлари ҳиссасига II бўлим умумий таъсирининг 70,0 % и ва йиғма ИНИ умумий ўсиш суръатининг 0,6 % и атрофида тўғри келди.

Тамаки маҳсулотлари нархлари ушбу даврда 9,9 % атрофида тебраниб, йиғма кўрсаткич ўсиш суръатига 0,03 ф.д. таъсир қилди. Ушбу гуруҳ товарлари ҳиссасига II бўлим умумий таъсирининг 30,0 % и ва йиғма ИНИ умумий ўсиш суръатининг 0,2 % и атрофида тўғри келди.

Ўзбекистон Республикасида  
“Кийим ва пойабзал” бўлими (Ш) бўйича ИНИ, % да  
ўтган йилнинг декабрига нисбатан



КИЙИМЛАР ТАЙЁРЛАШ УЧУН МАТЕРИАЛЛАР



БОШҚА КИЙИМ ПРЕДМЕТЛАРИ ВА ФУРНИТУРА



УСТКИ КИЙИМЛАР



КИЙИМЛАРНИ ТОЗАЛАШ, ТИКИШ, ТАЪМИРЛАШ  
ВА ИЖАРАГА БЕРИШ



ЭТИКЛАР, ТУФЛИЛАР ВА БОШҚА ПОЙАБЗАЛЛАР




ПОЙАБЗАЛЛАРНИ ТОЗАЛАШ, ТАЪМИРЛАШ  
ВА ИЖАРАГА БЕРИШ



Ш бўлим умумий таъсиридаги гуруҳларнинг таъсири улуши, % да

Ш бўлим таъсири = 100 %



2022 йилда кийимлар нархлари тебранишлари 9,4 % ни ташкил этиб, йиғма кўрсаткичга 0,81 ф.д. таъсир қилди. Пойабзаллар нархларининг ўсиш суръати 9,6 % га етиб, йиғма ИНИ га 0,29 ф.д. таъсир қилди. Шу тариқа, Ш бўлим умумий таъсиридаги кийимларнинг улуши 73,6 % ни, пойабзаллар улуши – 26,4 % ни ташкил этди. Кийимлар нархлари ўзгаришларининг йиғма ИНИ ўсиш суръатига қузатилаётган барча товарлар ва хизматлар умумий таъсиридаги улуши 6,6 % га, пойабзалларда эса 2,4 % га етди.

Ўзбекистон Республикасида “Турар жой хизматлари, сув, электр, газ  
ва бошқа ёнилғи турлари” бўлими (IV) бўйича ИНИ, % да


ўтган йилнинг декабрига нисбатан



	2020 йил	2021 йил	2022 йил
Турар жойларга хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш учун материаллар	111,2	106,0	111,1
Турар жойларга хизмат кўрсатиш, таъмирлаш ва қўриқлаш бўйича хизматлар	116,2	110,0	115,7
Совуқ сув ва канализация учун тўлов	117,7	161,2	100,0
Иссиқ сув таъминоти учун тўлов	100,7	100,0	101,5
Марказлашган иситиш тизими учун тўлов	100,7	100,0	102,1
Чиқиндиларни йиғиб, олиб кетиш учун тўлов	102,1	103,7	105,4


IV бўлим умумий таъсиридаги гуруҳларнинг таъсири улуши, % да

IV бўлим таъсири =100 %



2022 йил давомида ушбу бўлимда турар жойларнинг ижара ҳақи миқдориди ҳамда турар жойларга хизмат кўрсатиш, таъмирлаш ва қўриқлаш хизматларига тааллуқли товарлар ва хизматлар нархларида ўзгаришлар кузатилди. Турар жойларга хизмат кўрсатиш учун тўловлар миқдоридидаги ўзгаришларнинг йиғма ИНИга таъсири IV бўлим умумий таъсирининг 75,9 % ини ташкил этиб, йиғма кўрсаткич ўсиш суръатига 0,41 ф.д. таъсир қилди.

Ўзбекистон Республикасида  
“Уй-рўзгор асбоблари, маиший техника ва турар жойларга  
кундалик хизмат кўрсатиш” бўлими (V) бўйича ИНИ, % да  
ўтган йилнинг декабрига нисбатан




— Мебель, уй-рўзгор асбоблари ва тукли гиламлар




— Уй хўжаликларида ишлатиладиган тўқимачилик маҳсулотлари



— Маиший асбоблар



— Шиша идишлар ва ошхона анжомлари



— Боғдорчиликда фойдаланиладиган асбоблар ва мосламалар



— Уй хўжалигини юритиш билан боғлиқ ҳолда ишлатилувчи товарлар ва хизматлар

V бўлим умумий таъсиридаги гуруҳларнинг таъсири улуши, % да

V бўлим таъсири =100 %

	2020 йил	2021 йил	2022 йил
Уй хўжалигини юритиш билан боғлиқ ҳолда ишлатилувчи товарлар ва хизматлар	40,4	33,3	39,3
Мебел, уй-рўзгор асбоблари ва тукли гиламлар	14,0	22,2	21,3
Маиший асбоблар	17,5	22,2	14,9
Уй хўжаликларида ишлатиладиган тўқимачилик маҳсулотлари	15,8	11,1	13,8
Шиша идишлар	8,8	7,5	6,4
Боғдорчиликда ишлатиладиган асбоблар ва мосламалар	3,5	3,7	4,3

Ўзбекистон Республикасида  
“Соғлиқни сақлаш” бўлими (VI) бўйича ИНИ, % да  
ўтган йилнинг декабрига нисбатан



**ДОРИ ВОСИТАЛАРИ  
ВА ТИББИЁТ МАҲСУЛОТЛАРИ**



**АМБУЛАТОРИЯДА ДАВОЛАШ  
БЎЙИЧА ХИЗМАТЛАР**



**СТАЦИОНАРДА ДАВОЛАШ  
БЎЙИЧА ХИЗМАТЛАР**




**СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ  
СОҲАСИДАГИ БОШҚА  
ХИЗМАТЛАР**



Стационарда даволаш бўйича хизматлар нархларидаги тебранишлар 2022 йилда 2021 йилга нисбатан пастроқ даражада бўлди (8,2 % га 10,6 %).

Амбулаторияда стоматологик хизматлар нархларининг ўзгариш суръати 2022 йилда 21,8 % даражасида, дори воситаларида ўртача 19,1 %, тиббий лабораториялар хизматларида 18,9 % даражасида кузатилди.

**VI бўлим умумий таъсиридаги гуруҳларнинг таъсири улуши, % да  
VI бўлим таъсири =100 %**




Дори воситалари ва тиббиёт маҳсулотлари ҳиссасига VI бўлим умумий таъсирининг 59,4 % и тўғри келди. Ушбу гуруҳ товарлари нархларидаги ўзгаришлар ҳисобига йиллик нисбатдаги йиғма ИНИ 0,63 ф.д. га ўсди.

Амбулаторияда даволаш хизматлари нархларидаги ўзгаришларнинг йиғма кўрсаткич ўсиш суръатига таъсири +0,21 ф.д.ни ташкил этган бўлса, соғлиқни сақлаш соҳасидаги бошқа хизматлар нархларидаги ўзгаришлар 0,17 ф.д. таъсир қилди.


Ўзбекистон Республикасида  
“Транспорт” бўлими (VII) бўйича ИНИ, % да  
ўтган йилнинг декабрига нисбатан




ТРАНСПОРТ ВОСИТАЛАРИНИ СОТИБ  
ОЛИШ




ШАХСИЙ ТРАНСПОРТ  
ВОСИТАЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ



ЙЎЛОВЧИ ТАШИШ ТРАНСПОРТИ  
ХИЗМАТЛАРИ




ТОВАРЛАРНИ ТАШИШ БЎЙИЧА  
ХИЗМАТЛАР



■ нарх индекси  
—●— гуруҳлар таъсирининг бўлим таъсиридаги улуши, % да

2022 йилда йўловчи ташиш  
транспорти бўйича ИНИ, % да



2022 йилда ёқилғи-мойлаш  
маҳсулотлари бўйича ИНИ, % да



2022 йил давомида бензин 5,7 % га арзонлашди. Пропан ва метан нархларида қисқа тебранишлар кузатилди (1,1-1,3 % чегарасида). Мойлаш маҳсулотлари нархлари йил давомида 13,6 % га, транспорт воситаларига техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш бўйича хизматлар 17,0 % га ошганлиги кузатилди.

Йўловчи ташиш транспорти хизматлари нархлари ва тарифларида йил давомида 15,4 % га ўсиш кузатилиб, бунинг ҳисобига йиғма ИНИ 0,47 ф.д.га ўзгарди.

Ўзбекистон Республикасида  
“Ахборот ва алоқа” бўлими (VIII) бўйича ИНИ, % да  
ўтган йилнинг декабрига нисбатан



**АХБОРОТ ВА КОММУНИКАЦИЯ  
УСКУНАЛАРИ**



2022 йилда периферик ускуналар ва уларнинг сарфлаш компонентлари нархларининг тебранишлари юқори даражаси 9,1 % атрофида бўлди.


Мобил телефон ускуналари нархларининг ўсиш суръати ушбу даврда 7,7 % ни, стационар ускуналар 6,1 % ни ташкил этди.

**АХБОРОТ ВА АЛОҚА  
СОҲАСИДАГИ ХИЗМАТЛАР**



Шу билан бир қаторда, мобил алоқа 3,0 % га арзонлашди. Ахборотлаштириш соҳасидаги хизматлар орасида ахборот-коммуникация ускуналарини таъмирлаш хизматлари нархларида (14,1 %) ўсиш кузатилди. Комплекс телекоммуникация хизматлари нархлари йил давомида 5,0 % га ошди.

**Гуруҳларнинг йиғма ИНИга таъсири, ф.д.**




Ахборот-коммуникация ускуналари нархлари ўзгаришининг 2022 йил учун йиғма ИНИ ўсиш суръатига таъсири 0,08 ф.д.ни ташкил этди. Улар орасида мобил алоқа ускуналари ҳиссасига 0,04 ф.д., овоз ва тасвирларни қабул қилиш, ёзиб олиш ва акс эттириш ускуналари ҳиссасига 0,02 ф.д., компьютер, ноутбук ва планшетлар ҳиссасига – 0,01 ф.д., периферик ускуналар ва сарфлаш харажатлари ҳиссасига 0,01 ф.д. тўғри келди.

Мобил алоқа хизматлари нархларининг пасайиши тутиб турувчи омил сифатида хизмат қилиб, йиғма ИНИни 0,04 ф.д. пасайтирди. Ахборот-коммуникация ускуналарини таъмирлаш бўйича хизматлар ҳамда комплекс телекоммуникация хизматлари нархларининг ошиши ҳисобига йиғма кўрсаткич 0,01 ф.д. ошди.

Ўзбекистон Республикасида  
“Дам олиш, спорт ва маданият” бўлими (IX) бўйича ИНИ, % да  
ўтган йилнинг декабрига нисбатан




ДАМ ОЛИШНИ ТАШКИЛ  
ЭТИШ БЎЙИЧА ХИЗМАТЛАР




2020- йил 2021- йил 2022- йил

МАДАНИЙ ТАДБИРЛАРНИ  
ТАШКИЛ ЭТИШ БЎЙИЧА  
ХИЗМАТЛАР




2020- йил 2021- йил 2022- йил

КОМПЛЕКС ДАМ  
ОЛИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ




2020- йил 2021- йил 2022- йил

БОҒДОРЧИЛИК  
МАҲСУЛОТЛАРИ  
ВА УЙ ҲАЙВОНЛАРИ




2020- йил 2021- йил 2022- йил

ГАЗЕТАЛАР, КИТОБЛАР  
ВА КАНЦЕЛЯРИЯ  
ТОВАРЛАРИ



2020- йил 2021- йил 2022- йил




ДАМ ОЛИШ УЧУН БОШҚА  
ТОВАРЛАР



2020- йил 2021- йил 2022- йил

IX бўлим умумий таъсиридаги гуруҳларнинг таъсири улуши, % да

IX бўлим таъсири =100 %




Газеталар, китоблар ва канцелярия товарлари нархларидаги ўзгаришларнинг 2022 йил учун йиғма ИНИга таъсири 0,16 ф.д.ни, маданий тадбирларни ташкил этиш бўйича хизматлар нархларининг ўзгаришлари эса 0,13 ф.д. таъсир қилди.



Ўзбекистон Республикасида  
“Таълим соҳасидаги хизматлар” бўлими (X) бўйича ИНИ, % да  
ўтган йилнинг декабрига нисбатан




**МАКТАБГАЧА ВА БОШЛАНҒИЧ ТАЪЛИМ**




2022 йилда мактабгача таълим соҳасида нархларнинг ўзгаришлари 1,0 % ни ташкил этиб, бу сўнгги уч йиллик давомидаги энг паст кўрсаткич бўлди. Шу билан бирга, нархларнинг ошиши хусусий мактабгача таълим ташкилотлари хизматларида кузатилди (республика бўйича ўртача 4,5 %).

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ**



Олий таълим соҳасида 2022 йилда нархлар ўзгаришлари ҳам паст даражада бўлиб, 2,2 %га етди. Нодавлат олий таълим муассасаларида ўқиш учун тўловларнинг ўртача катталиги йил давомида 9,8 % ни ташкил этди. Бунинг фонида давлат олий таълими соҳасида 2022 йилда нархлар ҳолати барқарорликни сақлаб қолди.


**БОСҚИЧЛАРГА БЎЛИНМАГАН ТАЪЛИМ**



Умуман олганда, 2022 йилда ўқув курсларида ўқиш учун тўловлар ўртача 12,6 % даражасида, репетиторлар хизматлари 7,0 % фоиз даражасида ошди.

**X бўлим умумий таъсиридаги гуруҳларнинг таъсири улуши, % да**

X бўлим таъсири = 100 %




Ушбу бўлим гуруҳлари орасида 2022 йил учун йиғма кўрсаткич ўсиш суръатига бошқичларга бўлинмаган таълим соҳасининг таъсири (йиғма ИНИ га +0,06 ф.д.) устун бўлди.


Ўзбекистон Республикасида  
“Ресторанлар ва меҳмонхоналар хизматлари” бўлими (XI) бўйича ИНИ, % да  
ўтган йилнинг декабрига нисбатан




ОЗИҚ-ОВҚАТ МАҲСУЛОТЛАРИНИ  
ЕТКАЗИБ БЕРИШ  
БЎЙИЧА ХИЗМАТЛАР




шу жумладан:



МЕҲМОНХОНАЛАР ХИЗМАТЛАРИ




шу жумладан:



Озиқ-овқат маҳсулотлари ва ичимликларни етказиб бериш бўйича хизматлар нархларининг 2022 йилда ўсиш суръати меҳмонхоналар хизматлари нархларига нисбатан тезлашди (24,2 % га 16,8 %).


XI бўлим умумий таъсиридаги гуруҳларнинг таъсири улуши, % да  
XI бўлим таъсири =100 %



Умумий овқатланиш соҳасидаги нархларнинг ўзгаришлари ҳисобига 2022 йил учун йиғма ИНИ 0,39 ф.д., меҳмонхоналар хизматлари ҳисобига 0,03 ф.д. ошди


Ўзбекистон Республикасида  
“Суғурталаш ва молиявий хизматлар” бўлими (ХП) бўйича ИНИ, % да  
ўтган йилнинг декабрига нисбатан

СУҒУРТАЛАШ



Кузатилаётган суғурта хизматлари бозорида нархлар даражалари сўнгги уч йил давомида барқарор бўлди.

МОЛИЯВИЙ ХИЗМАТЛАР



Суғурталаш соҳасидаги нархлар барқарорлиги ҳисобига, молиявий хизматлар нархларининг ўзгаришлари ХП бўлим бўйича нарх индекси шаклланишида муҳим рол ўйнади. 2022 йил давомида молиявий хизматлар нархларида 8,9 % лик ўсиш кузатилиб, уларнинг йиғма кўрсаткичга таъсири 0,02 ф.д.ни ташкил этди.

шу жумладан:




2022 йил давомида банк хизматлари учун тўловлар 6,6 % га, пул ўтказмалари учун 3,8 % га, электрон тўлов тизимлари орқали пул ўтказмалари учун 17,7 % га ўсганлиги кузатилди.

Ўзбекистон Республикасида  
“Маиший товарлар ва хизматлар, ижтимоий химоя ва турли товарлар  
ва хизматлар” бўлими (ХШ) бўйича ИНИ, % да  
ўтган йилнинг декабрига нисбатан




МАИШИЙ ТОВАРЛАР ВА ХИЗМАТЛАР




Саргарошхоналар хизматлари нархларининг 2022 йилдаги тебранишлари юқори даражаси 26,7 % ни ташкил этди. Улар нархларининг ўсиши ўртача 5,5 минг сўмдан ортмади. Ушбу хизмат турида нархларнинг ошиши ҳисобига йиғма ИНИ 0,19 ф.д. ўсди. Шахсий фойдаланиш учун асбоблар ва товарлар нархлари йил давомида 15,1 % га ўсиб, йиғма ИНИга 0,28 ф.д. таъсир қилди.

ШАХСИЙ ФОЙДАЛАНИШ УЧУН БОШҚА ПРЕДМЕТЛАР



Соатсозлар хизматлари 2022 йилда 14,3 % га, сўм кўринишида эса ўртача 1800 сўмга ошди. Никоҳ узуклари 10,9 % га ошиб, йиғма ИНИ ўсиш суръатига 0,05 ф.д. таъсир кўрсатди.

БОШҚА ХИЗМАТЛАР



Ҳуқуқий тусдаги хизматлар нархларининг пасайиши йил давомида 23,1 % га етиб (таъсири -0,04 ф.д.), бу автотранспорт воситаларини расмийлаштиришда давлат божларининг пасайтирилиши билан боғлиқдир.

Нусха кўчириш (ксерокопия) хизматлари нархларининг ошиши йиғма ИНИга 0,01 ф.д. таъсир кўрсатди.

2022 йилда Ўзбекистон Республикаси бўйича йиғма ИНИ ўсиш суръатига  
ЎзР МИИТ – 2018 бўлимлари кесимида товарлар ва хизматлар нархлари  
ошишининг таъсири

ўтган йилнинг декабрига нисбатан

Жами таъсири

+12,25 ф.д.



ЎзР МИИТ – 2018 бўлимлари орасида 2022 йилдаги йиғма кўрсаткич асосан озиқ-овқат маҳсулотлари ва спиртсиз ичимликлар нархларининг ўзгаришлари таъсирида шаклланди. Ушбу бўлим товарлари нархларининг ўзгаришлари ҳисобига йиғма ИНИ 6,14 ф.д.га ўсди. Ушбу бўлим ҳиссасига кузатилаётган товарлар ва хизматлар жами таъсирининг 50,1 % и тўғри келди ва шу билан бирга, сўнгги уч йил давиомидаги энг паст кўрсаткични қайд этди.

Кийимлар ва пойабзал (+1,10 ф.д., ёки умумий таъсирнинг 9,0 % и) ҳамда соғлиқни сақлаш соҳасида (+1,06 ф.д., ёки 8,7 %) нархларнинг ўзгаришлари ҳам сезиларли таъсир кўрсатди.

**Таққослаш учун:** озиқ-овқат маҳсулотлари нархлари ўзгаришлари 2021 йилдаги йиғма ИНИ ўсиш суръатига ҳам асосий таъсир кўрсатган. Улар нархларининг ошиши йиғма ИНИ умумий 10,0 % га ошишига 5,2 ф.д. таъсир кўрсатган.

Салмоқ кўрсаткичларида озиқ-овқат маҳсулотлари ва спиртсиз ичимликлар ҳиссасига кузатиладиган жами товарлар ва хизматлар таъсирининг (52,1 %) ярмидан ортиғи тўғри келган.

2020 йилда I бўлим ҳиссасига йиғма кўрсаткич ўсиш суръатининг 55 % и тўғри келган.

## 2- БЎЛИМ. САНОАТ МАҲСУЛОТЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИЛАР НАРХЛАРИ ИНДЕКСИ


Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар нархлари индекси (ИЧНИ) – истеъмол нархлари индекси билан бир қаторда, иқтисодчилар ва таҳлилчилар томонидан иқтисодиётдаги ва биринчи навбатда товарлар ва хизматлар ишлаб чиқариш соҳасидаги инфляцион жараёнларни баҳолаш учун фойдаланилади.

ИЧНИ инфляцияни баҳолаш ва таҳлил қилишда муҳим кўрсаткич ҳисобланади. Бунинг сабаби шундаки, ишлаб чиқарувчилар нархларининг ўзгариши, қоида тариқасида, тегишли равишда чакана нархларда (ИНИда ҳисобга олинади) ҳам акс этади. Бирок, бу таъсир дарҳол сезилмайди, бир неча ҳафтадан уч ойгача кечикиш билан акс этади. Ишлаб чиқариш давомийлиги ҳисобига, бу муддат янада узоқроқ бўлиши мумкин.

Шуни таъкидлаш керакки, баъзи ҳолларда ИЧНИнинг ўсиши ҳар доим ҳам мамлакатда инфляция даражасининг ошишида акс этмайди. Савдо тармоқлари бошқа маҳсулотлар учун харажатларни камайтириш орқали маҳаллий ишлаб чиқарилган товарларнинг чакана нархларини оширмаслиги мумкин. Бундан ташқари, истеъмол секторидаги нархлар даражасига импорт қилинадиган товарлар нархларининг ўзгариши ва бошқа бир қатор омиллар ҳам таъсир кўрсатади.

### Ўзбекистон Республикаси бўйича йиғма ИЧНИ

ўтган йилнинг декабрига нисбатан, % да



2022 йилда саноат ишлаб чиқаришида нархларнинг ўртача даражалари 17,0 % га ўсганлиги кузатилди. Йил давомида қисқа муддатли ИЧНИ тебранишлари 3,6 % лик ўсиш суръатидан (июнь) 0,3 % лик пасайиш (сентябрь) чегарасида жойлашди.

### Айрим давлатлардаги йиғма ИЧНИ



ИНИ сингари саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилари нархлари индекси кўплаб давлатларда шакллантирилади ва статистика хизматлари сайтларида эълон қилинади.

ИНИдан фарқли равишда ушбу кўрсаткич товарларнинг улгуржи даражада сотиладиган яъни уларни ишлаб чиқарувчилар нархлари ўзгаришларини акс эттиради. ИНИ эса маҳсулотнинг якуний сотиладиган жойдаги нарх ўзгаришини акс эттиради.


2022 йилда йиғма ИЧНИ ўртача ойлик ўсиш суръати 1,3 % га етиб, 2021 ва 2020 йиллардаги кўрсаткичлардан мос равишда 0,3 ва 0,7 фоиз бандга баланд ва 2018-2019 йиллардаги кўрсаткичлардан 1,5 ва 0,8 фоиз бандга паст бўлди.

### ИЧНИ ўртача ойлик ўсиш суръати, % да



Ҳисоб-китобларга кўра, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар нархлари индексининг ўртача ойлик ўсиш суръати 2022 йилда 1,3 % ни ташкил этди. Бу, 2022 йилнинг I чораги ва биринчи ярим йиллигидаги кўрсаткичлардан мос равишда 0,4 ва 0,5 фоиз бандларга кўп ва 2022 йилнинг январ-сентябрдаги мос кўрсаткич билан баробар бўлди.

2022 йилдаги қисқа муддатли йиғма ИЧНИ ўсиш (пасайиш) суръатининг ўртача ойлик ўсиш суръати билан таққосламаси




январь февраль март апрель май июнь июль август сентябрь октябрь ноябрь декабрь

■ Фарқи — Ойлик ИЧНИ ўзгариши, % да — Йил давомидаги ўртача ойлик ўсиш суръати, % да

Кузатувда “Ўзстандарт” агентлигининг 2011 йил 28 январдаги 05-268-сонли қарори билан тасдиқланган Иқтисодий фаолият турлари умумдавлат таснифлагичига мувофиқ, (ИФУТ2) асосий иқтисодий фаолият турлари В – “Тоғ-кон саноати ва очик конларни ишлаш”, С – “Ишлаб чиқарадиган саноат”, D – “Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш”, E – “Сув билан таъминлаш; канализация тизими, чиқиндиларни йиғиш ва утилизация қилиш” сексияларига тааллуқли бўлган корхоналар қамраб олинади.


2022 йилда сексиялар бўйича ИЧНИ ўтган йилнинг декабрга нисбатан



- В** Тоғ-кон саноати ва очик конларни ишлаш
- С** Ишлаб чиқариш саноати
- D** Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш
- E** Сув билан таъминлаш, канализация тизими, чиқиндиларни йиғиш ва утилизация қилиш



Секциялар бўйича ишлаб чиқарувчилар нархлари ўзгаришларининг  
2022 йилдаги йиғма ИЧНИ ўсиш суръатига таъсири тузилмаси  
ўтган йилнинг декабрига нисбатан



Саноат ишлаб чиқариши умумий ҳажмида ишлаб чиқариш саноати улуши катта ўринни эгаллайди. Шунга кўра, ушбу фаолият туридаги нархлар ўзгаришлари одатда йиғма ИЧНИга ҳал қилувчи таъсир кўрсатади.


Шундай қилиб, 2022 йил учун йиғма ИЧНИ ўсиш суръати тузилмасида ишлаб чиқариш саноати ҳиссасига тўртта секция умумий таъсирининг 79 % и тўғри келди. Ушбу соҳада ишлаб чиқарувчилар нархлари ўзгаришлари ҳисобига 2022 йилнинг январь-декабридаги йиғма ИЧНИ умумий 17,0 % лик ўсиш суръатига 13,44 ф.д. таъсир қилди.

Кейинг ўринларда, пасайиб бориш тартибида “Тоғ-кон саноати ва очик конларни ишлаш” В секцияси ўрин олди.

Ушбу соҳада нархларнинг ўзгаришлари 2022 йилда ишлаб чиқаришдаги нархларнинг умумий даражасига 3,20 ф.д. таъсир қилди. В секциясида нархлар ўзгаришларининг таъсири улуши 18,8 % га етди.

“Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш” D секцияси ва “Сув билан таъминлаш, канализация тизими, чиқиндиларни йиғиш ва утилизация қилиш” E секциясида нархлар ўзгаришлари ҳисобига йиғма кўрсаткич 0,35 ф.д. ўсди. Салмоқ кўрсаткичларида бу тўртта секция умумий таъсирининг 2,1 % ини ташкил этди.


**В СЕКЦИЯ** Тоғ-кон саноати ва очик конларни ишлашда ИЧНИ, % да  
ўтган йилнинг декабрига нисбатан



2022 йилда тоғ-кон саноати ва очик конларни ишлаш фаолиятида ИЧНИ 34,3 % га етди.

Ҳисоб-китобларга кўра ИЧНИ ўртача йиллик ўсиш суръати ушбу ишлаб чиқариш фаолиятида 2018-2022 йилларда 33,2 % ни ташкил этди.

**2022 йилда В секция бўйича қисқа муддатли йиғма ИЧНИ ўсиш (пасайиш) суръатининг унинг ўртача ойлик ўсиш суръати билан таққосламаси**



январь февраль март апрель май июнь июль август сентябрь октябрь ноябрь декабрь

■ Фарқи — Ойлик ИЧНИ ўзгариши, % да — Йил давомидаги ўртача ойлик ўсиш суръати, % да

2022 йил давомида В секцияси бўйича қисқа муддатли ИЧНИ тебранишлари -0,3 % (октябрда) +10,3 % гача (ноябрда) оралиқда жойлашди.


Ҳисоб-китобларга кўра, В секция бўйича 2022 йилнинг январь-декабрида нарх индексининг ўртача ойлик ўсиш суръати 2,5 % га етди.

Ўртача ойлик ўсиш суръатидан фарқланиш ноябрь ойида 7,8 фоиз бандни, августда 4,0 фоизни бандни, февралда 3,0 фоиз бандни ташкил этди. Секция бўйича нархларнинг ўртача даражалари пасайган даврларда ўртача ойлик ўсиш суръатидан фарқланиш -2,7 (январь) ва -2,8 фоиз бандларга (октябрь) етди.


“Тоғ-кон саноати ва очиқ конларни ишлаш” В секциясига  
кирувчи фаолият турлари бўйича ИЧНИ, % да

ўтган йилнинг декабрга нисбатан


КЎМИР ВА ЛИГНИТ ҚАЗИБ ОЛИШ




ХОМ НЕФТ ВА ТАБИЙ ГАЗ ҚАЗИБ ОЛИШ



МЕТАЛЛ РУДАЛАР ҚАЗИБ ОЛИШ\*




БОШҚА ФАОЛИЯТ



\*) фаолият тури 2019 йилда нархлар ўзгаришларини кузатиш учун танланмада мавжуд бўлмаган

2022 йилда фойдали қазилмаларни қазиб олиш соҳасидаги хизматлар нархлари кузатила бошлади. 2022 йил давомида 33 % га арзонлашди.

2022 йилда В секция бўйича нархлар ўзгаришларининг таъсири, ф.д.



В секциясида йиғма ИЧНИ ўсиш суръатига хом нефт ва табиий газ қазиб олишда нархларнинг ўзгаришлари +33,70 ф.д. таъсир кўрсатди.

Фойдали қазилмаларни қазиб олиш соҳасидаги хизматлар нархларининг пасайиши тутиб турувчи омил бўлиб (-0,94 ф.д.) хизмат қилди.

**“Тоғ-кон саноати ва очиқ конларни ишлаш” В секцияси бўйича  
2022 йилда нархларида ўзгариш кузатилган маҳсулотлар турлари ИЧНИ  
ўсиш (пасайиш) суръати, % да ўтган йилнинг декабрига нисбатан**

**нархларида ўсиш кузатилган маҳсулотлар ▲**




**нархларида пасайиш кузатилган маҳсулотлар ▼**



2022 йилда тоғ-кон саноати ва очиқ конларни ишлаш соҳасида ишлаб чиқариладиган асосий турдаги маҳсулотлар орасида нархларнинг пасайиши шағал (-2,1 %) ва гравий нархларида кузатилди (-1,8 %). Бу, респондентлар томонидан тақдим этилган маълумотларга асосан, ишлаб чиқариладиган маҳсулот таннархининг қайта кўриб чиқилиши ва харажатларнинг мақбуллаштирилиши билан боғлиқдир.


**С. СЕКЦИЯ Ишлаб чиқариш саноатида ИЧНИ, % да  
ўтган йилнинг декабрига нисбатан**



Ишлаб чиқариш саноатида ИЧНИ 2022 йилда 116,5 % ни ташкил этди.

Ҳисоб-китобларга кўра, С секциясида ИЧНИ ўртача йиллик ўсиш суръати 2018-2022 йилларда 18,5 % ни ташкил этди. Шундай қилиб, 2022 йилда ИЧНИ ўсиш суръати сўнгги беш йил учун ўртача йиллик ўсиш суръатидан 2,0 фоиз бандга паст бўлди.

**2022 йилда С секция бўйича қисқа муддатли йиғма ИЧНИ ўсиш (пасайиш) суръатининг унинг ўтача ойлик ўсиш суръати билан таққосламаси**



■ Фарқи — Ойлик ИЧНИ ўзгариши, % да — Йил давомидаги ўртача ойлик ўсиш суръати, % да

2022 йил сентябрь ойида ойлик нисбатда нархлар пасайиши кузатилиб (–0,4 %), бу ҳолат бир қатор ишлаб чиқариш фаолиятларида, шу жумладан, кимё, металлургия ва бошқа нометалл – минерал маҳсулотлар ишлаб чиқариш соҳаларида нархларнинг пасайиши билан боғлиқдир.

Йил давомида қисқа муддатли ИЧНИ ўсиш суръати тебранишлари 0,1 % дан (июль) 4,1 % гача (июнь) оралиқда бўлди.

Ҳисоб-китобларга кўра, С секциясида нарх индексининг ўртача ойлик ўсиш суръати 2022 йилнинг январь-декабрида 1,3 % га етди.

Ушбу давр мобайнида қисқа муддатли ИЧНИ ўртача ойлик ўсиш суръати билан фарқланишлари катталиги +2,8 дан (июнь) –1,7 фоиз бандгача (сентябрь) оралиғида бўлди.

**“Ишлаб чиқариш саноати” С секциясига  
кирувчи фаолият турлари кесимида ИЧНИ, % да  
ўтган йилнинг декабрига нисбатан**

Бошқа тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш	149,8
Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш	140,4
Кимё маҳсулотлари ишлаб чиқариш	124,0
Тўқимачилик буюмлари ишлаб чиқариш	119,4
<b>Ишлаб чиқариш саноати</b>	<b>116,5</b>
Ичимликлар ишлаб чиқариш	116,4
Автотранспорт воситалари, трейлерлар ва ярим тиркмалар ишлаб чиқариш	115,6
Қоғоз ва қоғоз буюмлар ишлаб чиқариш	113,9
Тери ва унга тааллуқли маҳсулотлар ишлаб чиқариш	111,9
Бошқа транспорт ускуналари ишлаб чиқариш	111,7
Асосий фармацевтика маҳсулотлари ва дорилар ишлаб чиқариш	111,5
Тамаки маҳсулотлари ишлаб чиқариш	111,3
Компьютерлар, электрон ва оптик маҳсулотлари ишлаб чиқариш	110,9
Бошқа нометалл-минерал маҳсулотлар ишлаб чиқариш	109,8
Ёғоч ва пўкак буюмлар ишлаб чиқариш	109,6
Электр ускуналар ишлаб чиқариш	109,5
Машина ва ускуналардан ташқари тайёр металл буюмлар ишлаб чиқариш	109,4
Машина ва ускуналарни ўрнатиш ва таъмирлаш	108,4
Кийимлар ишлаб чиқариш	107,7
Ёзиб олинган материалларни чоп этиш	105,6
Мебеллар ишлаб чиқариш	105,5
Бошқа тоифаларга киритилмаган машина ва ускуналарни ишлаб чиқариш	103,7
Металлургия саноати	99,1
Резина ва пластмасса буюмлар ишлаб чиқариш	98,9
Кокс ва нефтни қайта ишлаш маҳсулотлари ишлаб чиқариш	94,1

2022 йилда С секцияси бўйича ўртача даражадан юқорироқ нархлар ошиши тўртта фаолият турида кузатилди.

Нархларнинг пасайиши кокс ва нефтни қайта ишлаш маҳсулотлари нархларида (–5,9 %), резина ва пластмасса буюмлар ишлаб чиқариш (–1,1 %) ҳамда металлургия соҳасида (–0,9 %) кузатилди.

С секцияси бўйича ишлаб чиқарувчилар нархлари ўзгаришларининг  
2022 йил учун йиғма ИЧНИ ўсиш суръатига таъсири тузилмаси



Жами таъсири **+16,5 ф.д.**



Ишлаб чиқариш саноати бўйича 2022 йилда ИЧНИ ўсиш суръатига таъсир тузилмасида озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш асосий улушни эгаллади. Ушбу фаолият тури ҳиссасига С секция бўйича ИЧНИ ўсиш суръатининг 40,1 % и тўғри келди. Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришда нархларнинг ўзгаришлари ҳисобига ишлаб чиқариш саноатида йиллик нисбатдаги ИЧНИ 6,62 ф.д. ўсди.


Тўқимачилик буюмлари ишлаб чиқариш ҳам йиғма ИЧНИга таъсир кўрсатди. Ушбу фаолият турида нархлар ўзгаришларининг таъсири улуши 20,8 % га етиб, ўсиш суръатига 3,44 ф.д. таъсир қилди.

**Таққослаш учун:** 2021 йилда ишлаб чиқариш саноатида йиғма ИЧНИга тўқимачилик маҳсулотлари (14,9 ф.д.дан 3,44 ф.д.), кимё маҳсулотлари (2,53 ф.д.) ишлаб чиқариш ва металлургия саноати (1,89 ф.д.) асосий таъсир кўрсатган. Уларнинг ҳиссасига умумий таъсирнинг 52,7 % и тўғри келган.

Яна бир йил олдин 2020 йилда ўсиш суръатига металлургия саноати (8,7 ф.д.дан 4,45 ф.д.), автотранспорт воситалари, трейлерлар ва яримтиркалар (1,10 ф.д.) ва озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришда (0,83 ф.д.) нархларнинг ўзгаришлари асосий таъсир кўрсатган.

“Ишлаб чиқариш саноати” С секциясига  
кирувчи фаолият турлари кесимида ИЧНИ, % да  
ўтган йилнинг декабрига нисбатан

**ОЗИҚ-ОВҚАТ МАҲСУЛОТЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ**




2022 йилда ишлаб чиқариладиган асосий турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари орасида тегирмон-ёрма саноати маҳсулотлари ишлаб чиқаришда нархлар ўзгаришлари + 1,7 баробарни, ун-нон маҳсулотлари ҳамда мевалар ва сабзавотларни қайта ишлаш ва консервалашда 1,7 баробарни ташкил этди.

Шу билан бир қаторда, товук гўштини қайта ишлаш (-5,2 %) ҳамда чой ва кофени қайта ишлашда (-1,1 %) нархларнинг пасайганлиги қайд этилди.


**ИЧИМЛИКЛАР ИШЛАБ ЧИҚАРИШ**

Ичимликлар ишлаб чиқаришда 2022 йилда газланмаган, ширинлантирилмаган минерал сувлар (31,1 %), ароқ (24,1 %), узум виноси (23,3 %) ва пиво (19,8 %) нархларида ўсиш кузатилди.

Шу билан бирга, газланмаган, ширинлантирилмаган минерал сувлар ишлаб чиқарувчилар нархларни 2,3 % га арзонлаштирди.



**КИМЁ МАҲСУЛОТЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ**



Кимё маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича асосий фаолият турлари орасида 2022 йилда саноат газлари (33,6 %), ўғитлар (44,5 %), бошқа органик кимё моддалари (ўртача 32,4 %), бошқа асосий ноорганик кимё моддалари нархларида ўсиш кузатилди (32,2 %).




Давоми


### БОШҚА ТАЙЁР БУЮМЛАР ИШЛАБ ЧИҚАРИШ

Бошқа тайёр буюмлар ишлаб чиқаришда тоштахталар (1,7 баробар) нархларида ўсиш кузатилди. Бундан ташқари, торли мусиқа асбоблари ишлаб чиқарувчилар маҳсулотлари нархларини 28,3 % га, медицина ва стоматология асбобларни 20,6 % га, уй учун супурги ва чўткалар нархларини 14,3 % га оширдилар.

Нархларнинг пасайиши тиббиёт, жарроҳлик, стоматологик ёки ветеринарлар мебеллари нархларида (-0,4 %) кузатилди.



### ТЎҚИМАЧИЛИК МАҲСУЛОТЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ




Ушбу фаолият турида ип газлама ишлаб чиқариш нархлари жорий йилда 42,0 % га, бошқа тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришда 20,3 % га ўсди.

Синтетик ва сунъий комплекс иплардан тўқилган газламалар нархлари ушбу даврда -12,5 % га арзонлашди.

### КИЙИМЛАР ИШЛАБ ЧИҚАРИШ


Ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар орасида кимёвий иплардан трикотаж свитерлар, жемперлар, пуловерлар, кардиганлар, нимчалар ва шу каби нархларида пасайиш кузатилди (-16,4 %).

2022 йилда ишлаб чиқарувчилар табиий мўйнадан кийимлар, махсус кийимлар, ички кийимлар ва бошқа аксессуарлар нархларини оширдилар.



Давоми

### КОКС ВА НЕФТНИ ҚАЙТА ИШЛАШ МАҲСУЛОТЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ



2022 йилда ушбу фаолият тури бўйича шаклланган ИЧНИга бензин (-24,0 %) ва керосин типидagi реактив ёқилғи (-10,2 %) нархларининг пасайиши таъсир кўрсатди.

2022 йилда нефтни ҳайдашнинг бошқа ўртача маҳсулотлари, бошқа гуруҳларга киритилмаган ўртача нефт дистиллятлари (44,5 %), ёғлаш учун ишлатиладиган нефт мойлари; бошқа гуруҳларга киритилмаган оғир нефт дистиллятлари (21,1 %) нархларида ўсиш кузатилди.


### АВТОТРАНСПОРТ ВОСИТАЛАРИ, ТРЕЙЛЕРЛАР ВА ЯРИМ ТИРКАМАЛАР ИШЛАБ ЧИҚАРИШ

2022 йилда моторли транспорт воситалари ишлаб чиқаришда нархлар 16,0 % га, бутловчи қисмлар ва аксессуарларда 13,7 % га, кузов, тиркама ва ярим тиркамаларда 2,5 % га ўсганлиги кузатилди.

Республикада ишлаб чиқариладиган маҳсулот турлари орасида нархларнинг сезиларли пасайиши ўт олдириш свечаси (-8,3 %) нархларида кузатилди.



### МЕТАЛЛУРГИЯ САНОАТИ




2022 йил давомида металлургия саноатида нархлар динамикаси нотекис кўринишга эга бўлди. ИЧНИ тебранишлари диапазони ушбу фаолият турида нархларнинг пасайишида 8,1 % (июл) ва нархларнинг ўсишида 3,6 % гача (август) оралиғида жойлашди. 2022 йилда ушбу фаолият турида нархларнинг ўртача даржаларининг умумий пасайиши қимматбаҳо ва рангли металлар ишлаб чиқаришда нархларнинг пасайиши (-8,5 %) билан боғлиқдир. Чўян, пўлат ва ферроқотишмалар ишлаб чиқаришда йил давомида нархларнинг ўртача 13,8 % га ўсиши кузатилди.

Давоми


### БОШҚА НОМЕТАЛЛ МИНЕРАЛ МАҲСУЛОТЛАР ИШЛАБ ЧИҚАРИШ

2022 йилда ушбу фаолият турида ишлаб чиқарувчилар нархлари ўзгаришлари нотекис бўлди. Нархларнинг ўсиши қурилиш мақсадларига мўлжалланган гипс ва толали цемент буюмлар ҳамда листланган шиша ишлаб чиқаришда кузатилди.

Қуйиш учун тайёр бетон ишлаб чиқаришда нархларнинг пасайганлиги (-40,5 %) кузатилди.



### ҚОҒОЗ ВА ҚОҒОЗ МАҲСУЛОТЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ



Ёзув қоғози ишлаб чиқариш нархлари 2022 йилда 36,0 % га, Ёғоч массаси ва целлюлозаси ишлаб чиқаришда 26,5 % га, хўжалик-маиший ва санитария-гигиенага мўлжалланган қоғоз буюмлар ишлаб чиқаришда 16,9 % га, қоғоз ёки картондан буюмлар ишлаб чиқаришда 13,4 % га, гулқоғозларда 5,1 % га ўсганлиги кузатилди.


Ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар орасида қоғоз, картон, целлюлоза пахтаси ва полотноси нархларида пасайиш (-0,2 %) кузатилди.

### БОШҚА ТРАНСПОРТ УСКУНАЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ


2022 йилнинг декабрида бошқа транспорт ускуналарини ишлаб чиқаришда ИЧНИ ой давомида 9,3 % га, йил давомида эса 11,7 % га ўсди.

Бошқа транспорт ускуналари орасида 2022 йилда темир йўл локомотивлари ва ҳаракатдаги составлар ишлаб чиқариш (23,9 %) нархларида ўсиш кузатилди.

Нархларнинг пасайганлиги республикада ишлаб чиқарилган велосипедлар (-9,5 %) нархларида кузатилди.




**D СЕКЦИЯСИ** Электр, газ, буғ билан таъминлаш  
ва ҳавони кондициялашда ИЧНИ, % да  
ўтган йилнинг декабрига нисбатан



Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялашда нархларнинг ўсиш суръати 2022 йилда 4,0 % ни ташкил этди.

Сўнгги беш йил давомида ИЧНИ ўртача йиллик ўсиш суръати 17,9 % га етди. Шундай қилиб, 2022 йилда ИЧНИ ўсиш суръати ушбу кўрсаткичдан 13,9 фоиз бандга паст бўлди.

**2022- йилда D секция бўйича қисқа муддатли йиғма ИЧНИ ўсиш (пасайиш) суръатининг унинг ўртача ойлик ўсиш суръати билан таққосламаси**



■ Фарқи — Ойлик ИЧНИ ўзгариши, % да — Йил давомидаги ўртача ойлик ўсиш суръати, % да

2022 йил давомида, ой давомида нархларнинг ўсиши асосан май (4,5 %) ойида кузатилиб, бу электр энергияни ишлаб чиқариш, узатиш ва тақсимлашда нархларнинг ўзгаришлари билан боғлиқ.

Декабрь ойида D секцияси бўйича нархларнинг ўртача даражаларида пасайиш (-1,0 %) кузатилди.

Ҳисоб-китобларга кўра, D секцияси бўйича 2022 йилда индекснинг ўртача ойлик ўсиш суръати 0,3 % ни ташкил этди.

Май ойида ўртача ойлик ўсиш суръати билан фарқ 4,2 фоиз бандга етган.


“Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш”  
D секциясига кирувчи фаолият турлари кесимида ИЧНИ, % да  
ўтган йилнинг декабрига нисбатан

**ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИНИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ, УЗАТИШ ВА  
ТАҚСИМЛАШ**




Электр энергиясини ишлаб чиқариш, узатиш ва тақсимлашда нархларнинг ўзгаришлари ҳисобига D секцияси бўйича 2022 йилдаги ИЧНИ 4,55 ф.д. ўсди. Электр энергиясини узатиш тарифларида йил давомида 2,5 баробарга, уларни сотиш бўйича хизматларда 19,8 % га ўсиш кузатилди. Электр энергиясини ишлаб чиқариш нархларида ушбу даврда ўзгаришлар кузатилмади.

**ГАЗСИМОН ЁҚИЛҒИНИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ВА ТАҚСИМЛАШ**



Газсимон ёқилғини ишлаб чиқариш ва тақсимлаш нархлари 2022 йилда 3,5 % га ўзгаргани ҳисобига, D секцияси бўйича ИЧНИ ўсиш суръати 0,24 ф.д.ўсди. Шу билан бирга, кўмирни ер остида газга айлантириш натижасида ҳосил бўлган газ нархлари 1,4 баробарга ўзгарди. Газсимон ёқилғини қувурлар орқали тақсимлаш бўйича хизматлар нархларида ушбу давр мобайнида ўзгаришлар кузатилмади.

**БУҒ УЗАТИШ ВА ҲАВОНИ КОНДИЦИЯЛАШ ТИЗИМЛАРИ**



Иссиқлик энергияси ишлаб чиқаришда тарифлар 2022 йилда 7,0 % га пасайди. Шу билан бирга, асосий пасайиш декабрь ойида (-10,0 %) кузатилди.

Ушбу фаолият турида тарифларнинг пасайтирилиши D секцияси бўйича ИЧНИга 0,75 ф.д. пасайиш имконини берди.

**Нархлар ўзгаришларининг D секцияси бўйича 2022 йилдаги ИЧНИга таъсири, ф.д.**

Электр энергиясини ишлаб чиқариш, узатиш ва тақсимлаш


Газсимон ёқилғини ишлаб чиқариш ва тақсимлаш

Буғ узатиш ва ҳавони кондициялаш тизимлари



**Е СЕКЦИЯ** Сув билан таъминлаш; канализация тизими, чиқиндиларни йиғиш ва утилизация қилишда ишлаб чиқарувчилар нархлари индекси, % да

ўтган йилнинг декабрига нисбатан



2018 йил 2019 йил 2020 йил 2021 йил 2022 йил

2022 йилда Сув билан таъминлаш, канализация, чиқиндиларни йиғиш ва утилизация қилишда нархлар 1,0 % га ўсиб, сўнгги беш йилликдаги энг паст йиллик кўрсаткич бўлди.


Сув билан таъминлаш, канализация, чиқиндиларни йиғиш ва утилизация қилишда ишлаб чиқарувчилар нархлари 2022 йил давомида нисбатан барқарор бўлди.

Ушбу фаолият турида ишлаб чиқарувчилар нархларининг ўзгаришлари фақат апрель (0,3 %), сентябрь (0,4 %) ва ноябрь (0,2 %) ойларида кузатилди.

2022 йилда ўртача ойлик ўсиш суръати 0,1 % даражасида шаклланди.

Шундай қилиб, санаб ўтилган ойларида ўртача ойлик ўсиш суръатида чекиниш мос равишда 0,2, 0,3 ва 0,1 фоиз бандларини ташкил этди.

**2022- йилда Е секция бўйича қисқа муддатли йиғма ИЧНИ ўсиш (пасайиш) суръатининг унинг ўртача ойлик ўсиш суръати билан таққосламаси**




■ Фарқи — Ойлик ИЧНИ ўзгариши, % да — Йил давомидаги ўртача ойлик ўсиш суръати, % да


“Сув билан таъминлаш; канализация тизими, чиқиндиларни йиғиш ва утилизация қилиш” Е секциясига кирувчи фаолият турлари кесимида ИЧНИ, % да

ўтган йилнинг декабрига нисбатан


СУВНИ ЙИҒИШ, ҚАЙТА ИШЛАШ  
ВА ТАҚСИМЛАШ



КАНАЛИЗАЦИЯ ТИЗИМИ



ТИКЛАШ ВА ЧИҚИНДИЛАРНИ ЙЎҚОТИШ СОҲАСИДАГИ БОШҚА ХИЗМАТЛАР




Сувни йиғиш, қайта ишлаш ва сув қувурлари бўйича тақсимлаш ҳамда канализация тизими соҳасидаги фаолиятда 2022 йил давомида ўзгаришлар кузатилмади.

Шу билан бирга, тиклаш ва чиқиндиларни йўқотиш соҳасидаги бошқа хизматлар нархларида ўзгаришлар кузатилди (+2,2 %).

Тиклаш ва чиқиндиларни йўқотиш соҳасидаги бошқа хизматлар ИЧНИ 2022 йилда хавфли (заҳарли) кимёвий чиқиндилар (1,3 баробар) ҳамда иккиламчи металл чиқиндилар (13,1 %) нархларидаги ўзгаришлар таъсирида шаклланди.

2022 йилдан ишлаб чиқарувчилар нархлари танланма кузатувиغا бинолар ва хоналарни ифлослантирувчи моддалардан тозалаш бўйича хизматлар соҳасида фаолият кўрсатувчи корхоналар киритилган эди. Йил давомида ушбу соҳада ишлаб чиқарувчилар нархлари 2,1 баробарга ўсганлиги кузатилди.

Нархлар ўзгаришларининг Е секцияси бўйича 2022 йилдаги ИЧНИга таъсири, ф.д.



## Статистик кўрсаткичларга изоҳлар

**Истеъмол нархлари индекси (ИНИ)** – инфляция даражасини ифодалайдиган муҳим кўрсаткичлардан бири бўлиб, бу ўртача истеъмолчи томонидан сотиб олинган товарлар ва хизматлар мажмуи қийматининг умумий ўзгаришини ҳисоблайди, яъни, маълум давр мобайнида, товар ва хизматлар истеъмоли миқдори ўзгармас бўлган ҳолда, аҳолининг истеъмол харажатлари умумий миқдорининг ўзгаришини ифодалайди.

ИНИда, мамлакатнинг барча ҳудудлари бўйича турли товар ва хизматлар нархларининг ҳаракати ўртача даражага келтирилади.

Йиғма ИНИни ҳисоблаш, базис даврининг салмоғидан фойдаланган ҳолда, модификацияланган Ласпейрес формуласи орқали амалга оширилади. ИНИни ҳисоблаш жараёнида салмоқ сифатида, оилаларнинг товар ва хизматлар сотиб олиш харажатлари тўғрисида уй хўжаликларининг кузатуви натижасида олинган аҳолининг истеъмол харажатларидан фойдаланилади.

**Нарх** – товар бирлиги миқдори учун маълум бир валюта (миллий ёки халқаро) пул бирлигида ифодаланган товар қийматининг ифодаси.

**Қиёсий нарх (муомаладаги нарх)** – айнан бир савдо объекти ва пуллик хизмат соҳасида рўйхатга олинган бир хил ёки сифати бўйича айнан ўхшаш товар (хизмат, маҳсулот тури) нархи.

**Нархлар даражаси** – муайян вақт, маълум бир ҳудудда, худди шундай истеъмол хусусиятлари билан товар ва товарларнинг умумий таркибида нархларнинг ҳолатини тавсифловчи кўрсаткич. Нархлар даражасини баҳолаш нархларни статистик ўрганиш босқичларидан бири бўлиб ҳисобланади.

**Ўртача нарх** – маълум вақт ёки макондаги бир турга мансуб товарлар гуруҳидаги нархларнинг ўзгаришини умумлаштириш характеридаги нарх. Статистик тажрибаларга асосан, дастлабки маълумотлар ҳамда уларни шакллантириш тартибига кўра ўртача нархларни ҳисоблашнинг турли усуллари мавжуд.

**Индивидуал нарх индекси** – ўрганилаётган бир элементнинг жами нархлари ўзгаришини акс эттиради (аниқ турдаги товар, хизмат) ва индивидуал ҳодисани тавсифлашда фойдаланилади.

**Жамланган (йиғма) нарх индекси** – алоҳида кичик гуруҳлар, гуруҳлар ёки ўрганилаётган жараёнлар бўйича умумий ҳисобда нархлар ўзгариши даражасини тавсифловчи ва индивидуал нарх индекслари асосида шаклланувчи нисбий кўрсаткич.

**Ишлаб чиқарувчи нархи** – ишлаб чиқарилган саноат маҳсулоти бирлигининг корхона “дарвозалари”дан чиққан вақтидаги, маҳсулотни ишлаб чиқарувчидан харидорга йўналтирилиши билан боғлиқ қўшилган қиймат солиғи, акцизлар, бошқа қўшимча солиқлар, савдо, сотиш устамаси, транспорт ва бошқа харажатлар ҳисобга олинмаган нархи.



## XI. КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАРНИНГ МОЛИЯВИЙ НАТИЖАЛАРИ <sup>1)</sup>

Даромад (фойда) солиғи тўлагунга қадар фойда (зарар) – корхона ва ташкилотларнинг барча хўжалик операцияларини бухгалтерия ҳисобида акс эттирадиган якуний молиявий натижа. Маҳсулот (товар, иш ва хизмат)ларни сотишнинг ялпи фойдаси (зарари), асосий фаолиятнинг бошқа даромадлари, молиявий фаолиятнинг даромадлари ва фавқулодда фойда йиғиндисидан давр харажатлари, молиявий фаолият бўйича харажатлар ва фавқулодда харажатлар чегириб ташланадиган фойданинг умумий фойдасини (зарарини) ифодалайди.

### 1- БЎЛИМ. КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАРНИНГ МОЛИЯВИЙ НАТИЖАЛАРИ

Фойда. 2022  
йилнинг январь-  
ноябрь ойларида  
иқтисодиёт

тармоқларида корхона  
ва ташкилотлар  
томонидан 74 009,8  
млрд. сўм миқдорида  
якуний молиявий  
натижа олинди.

2021 йилнинг шу  
даврига нисбатан  
солиштирилганда  
фойда 15,0 % га кўпайган.

2021 йилнинг январь – ноябрь  
ойларида фойда, зарар(-),  
млрд. сўм

64 350,8


2022 йилнинг январь –  
ноябрь ойларида фойда,  
зарар(-), млрд. сўм

74 009,8

2021 йилнинг январь –  
ноябрь ойларига  
нисбатан

115,0 %

### Якуний молиявий натижаларнинг йиллар бўйича динамикаси (январь-ноябрь, млрд. сўм)



<sup>1)</sup>Бюджет ва бошқа нотижорат ташкилотлар, маҳсулот ишлаб чиқарувчи қишлоқ хўжалик корхоналари, фермер ва деҳқон хўжаликлари, сугурта ташкилотлари, банklar, кичик корхоналар ва микрофирмаларсиз.

Иқтисодий фаолият турлари бўйича  
яқуний молиявий натижалар

	2021 йил январь- ноябрь	2022 йил январь- ноябрь	2021 йилнинг январь- ноябрига нисбатан, % да
	Фойда, зарар (-), млрд. сўм		
<b>Жами</b>	<b>64 350,8</b>	<b>74 009,8</b>	<b>115,0</b>
Тоғ-кон саноати ва очик конларни ишлаш	117,5	6 724,0	57,2 м.
Ишлаб чиқарадиган саноат	57 508,1	56 507,2	98,3
Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш	-520,8	-2 259,0	-
Қурилиш	377,3	592,8	157,1
Савдо	2 590,8	3 628,3	140,0
Ташиш ва сақлаш	153,5	2 436,4	15,9 м.
Яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	32,5	166,6	5,1 м.
Ахборот ва алоқа	1 912,3	3 274,5	171,2
Молиявий ва суғурта фаолияти	417,4	498,0	119,3
Кўчмас мулк билан операциялар	136,8	168,2	123,0
Профессional, илмий ва техник фаолият	997,9	1 708,1	171,2
Бошқариш бўйича фаолият ва ёрдамчи хизматлар кўрсатиш	135,8	209,1	153,9
Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш	215,3	133,8	62,2
Бошқалар	276,4	221,8	80,2

### Иқтисодий фаолият турлари бўйича якуний молиявий натижалар, млрд.сўм



2022 йилнинг январь – ноябрь ойларида 2021 йилнинг шу даврига нисбатан солиштирганда, фойданинг асосий ўсиши “Ўзкимёсаноат” АЖ (1 786,1 млрд.сўм), “Ўзавтосаноат” АЖ (1 169,5 млрд. сўм), “Иссиқлик электр станциялари” АЖ (718,3 млрд. сўм), “Uzbekistan Airways” АЖ (635,0 млрд. сўм), “Ўзсаноатқурилишматериаллари” уюшмаси АЖ (302,6 млрд. сўм), “Ҳудудий электр тармоқлари” АЖ (256,2 млрд. сўм)га тўғри келди.

#### Фойданинг ўсиши, (млрд. сўм)



2022 йилнинг январь-ноябрь ойларида 2021 йилнинг шу даврига нисбатан солиштирганда, фойданинг асосий пасайиши Навоий кон-металлургия комбинати – 2551,0 млрд.сўмга, “Олмалиқ КМК” АЖ – 2049,6 млрд. сўмга, “Ўзбекнефтгаз” АЖ – 406,5 млрд. сўмга, Ўзбекистон тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноати корхоналари уюшмаси – 402,7 млрд. сўмга, Ўзбекистон электротехника саноати корхоналари уюшмаси – 362,6 млрд. сўмга, “Ўзбекистон металлургия комбинати” АЖ корхоналарида – 346,7 млрд. сўмга, “Ўзмахсусмонтажқурилиш” акциядорлик компанияси корхоналарида – 325,2 млрд. сўмга кузатилган.

## Корхона ва ташкилотларнинг молиявий натижалари

Фойданинг пасайиши, млрд. сўм



Худудлар кесимида якуний молиявий натижалар

	2021 йил	2022 йил	2021 йилнинг январь-ноябрга нисбатан, % да
	январь-ноябрь	январь-ноябрь	
	Фойда, зарар (-), млрд. сўм		
Ўзбекистон Республикаси <sup>1)</sup>	64 350,8	74 009,8	115,0
Қорақалпоғистон Республикаси	5 158,0	5 207,5	101,0
<i>вилоятлар:</i>			
Андижон	1 994,2	3 022,9	151,6
Бухоро	930,2	587,3	63,1
Жиззах	470,2	440,5	93,7
Қашқадарё	2 787,9	2 411,3	86,5
Навоий	26 529,8	27 400,3	103,3
Наманган	582,5	1 168,1	2,0 м.
Самарқанд	591,1	721,0	122,0
Сурхондарё	-27,3	16,0	-
Сирдарё	307,8	149,8	48,7
Тошкент	15 190,4	13 819,4	91,0
Фарғона	1 420,3	1 328,5	93,5
Хоразм	408,4	806,4	197,5
Тошкент шаҳри	7 842,7	16 222,2	2,1 м.

Худудлар кесимида фойданинг асосий қисми Навоий вилояти 27 400,3 млрд. сўм (жами фойданинг 37,0 % и), Тошкент шаҳри 16 222,2 млрд. сўм (21,9 %), Тошкент вилояти 13 819,4 млрд. сўм (18,7 %), Қорақалпоғистон Республикаси 5 207,5 млрд. сўм (7,0 %), Андижон вилоятида 3 022,9 млрд. сўм (4,1 %), Қашқадарё вилояти 2 411,3 млрд. сўм (3,3 %) ва Фарғона вилояти 1 328,5 млрд. сўм (1,8 %)га тўғри келди.

<sup>1)</sup> Худудларга тақсимланмаган маълумотларни қўшиган ҳолда.

**2022 йилнинг январь-ноябрида зарар кўрган айрим вазирлик ва хўжалик бошқаруви органларининг молиявий натижалари (жамига нисбатан % да)**

Зарарнинг асосий қисми “Ўзбекистон миллий электр тармоқлари” АЖ – 3784,1 млрд.сўм, “Ўзтрансгаз” АЖ – 2213,2 млрд. сўм, Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги – 454,6 млрд.сўм, “Ўзбекнефтгаз” АЖ – 391,4 млрд. сўм, шунингдек, Тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноати корхоналари уюшмаси – 165,2 млрд. сўм, “Тошшаҳар-трансхизмат” АЖ – 145,3 млрд. сўм, “Ўзкимёсаноат” АЖ – 102,0 млрд. сўмга тўғри келди.



**Иқтисодий фаолият турлари бўйича зарар кўрган корхона ва ташкилотларнинг молиявий натижалари**

	2021 йил январь-ноябрь		2021 йил январь-ноябрь	
	Корхоналар сони	Зарар суммаси млрд. сўм	Корхоналар сони	Зарар суммаси млрд. сўм
<b>Жами</b>	<b>448</b>	<b>9 298,9</b>	<b>540</b>	<b>11 706,7</b>
Тоғ-кон саноати ва очиқ конларни ишлаш	12	926,0	15	399,5
Ишлаб чиқарадиган саноат	88	696,6	99	1 151,7
Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш	31	3 085,0	23	5 028,5
Сув билан таъминлаш; канализация тизими, чиқиндиларни йиғиш ва утилизация қилиш	10	46,1	14	518,6
Қурилиш	31	250,7	37	120,1
Савдо	93	515,1	135	901,9
Ташиш ва сақлаш	39	2829,8	36	2 528,5
Яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	13	94,1	14	42,2
Ахборот ва алоқа	18	458,4	20	280,7
Кўчмас мулк билан операциялар	11	77,8	25	238,1
Профессional, илмий ва техник фаолият	27	88,4	29	183,9
Бошқариш бўйича фаолият ва ёрдамчи хизматлар кўрсатиш	20	29,5	18	45,8
Санъат, кўнгил очиш ва дам олиш	20	108,7	22	102,1
Бошқалар	35	92,7	53	165,1

Иқтисодий фаолият турлари бўйича зарарнинг асосий қисми электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш – 43,0 % и, ташиш ва сақлаш – 21,6 % и, ишлаб чиқарадиган саноат – 9,8 % га тўғри келади.

**2022 йилнинг январь-ноябрида иқтисодий фаолият турлари бўйича зарар кўрган корхона ва ташкилотларнинг молиявий натижалари (жамига нисбатан % да)**



Зарарларнинг асосий қисми қуйидаги тармоқларга тўғри келди: электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш 5028,5 млрд. сўм (43,0 % и), ташиш ва сақлаш – 2528,5 млрд. сўм (жами зарарнинг 21,6 % и).

**Ҳудудлар кесимида зарар кўрган корхона ва ташкилотларнинг молиявий натижалари**

	2021 йил январь-ноябрь		2021 йил январь-ноябрь	
	Корхоналар сони	Зарар суммаси млрд. сўм	Корхоналар сони	Зарар суммаси млрд. сўм
Ўзбекистон Республикаси <sup>1)</sup>	448	9 298,9	540	11 706,7
Қорақалпоғистон Республикаси	7	59,4	9	87,7
<i>вилоятлар:</i>				
Андижон	16	164,4	13	134,7
Бухоро	12	44,0	17	488,7
Жиззах	13	11,9	11	25,5
Қашқадарё	14	142,1	21	140,6
Навоий	9	35,1	7	40,3
Наманган	11	9,6	9	20,2
Самарқанд	24	119,6	24	79,4
Сурхондарё	13	140,9	20	129,9
Сирдарё	7	43,3	11	20,9
Тошкент	55	732,8	70	901,4
Фарғона	18	73,5	20	67,8
Хоразм	7	7,3	9	8,1
Тошкент шаҳри	241	7 697,8	299	9 561,3

<sup>1)</sup> Ҳудудларга тақсимланмаган маълумотларни қўшган ҳолда.

Ҳудулар бўйича зарарнинг асосий қисми Тошкент шаҳри – 81,7 % и, Тошкент вилояти – 7,7 % и ва Бухоро вилояти – 4,2 % га тўғри келди.

## 2- БЎЛИМ. КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАРНИНГ ДЕБИТОРЛИК ҚАРЗДОРЛИГИ ХОЛАТИ<sup>1)</sup>

2022 йилнинг 1 декабрь ҳолатига кўра, дебитор қарздорликнинг умумий ҳажми 220 191,2 млрд. сўмни ташкил қилди, шундан муддати ўтгани – 6 826,7 млрд. сўм (жами қарздорликнинг 3,1 % и).

Муддати ўтган дебитор қарздорлик 2021 йилнинг 1 декабрига нисбатан солиштирилганда 3,1 мартага кўпайган, жами дебитор қарздорликдаги улуши 1,7 пунктга кўпайган.

2022 йил 1 декабрь ҳолатига  
дебитор қарздорлик жами  
220 191,2 млрд. сўм


шундан:

етказиб берувчиларга ва  
пудратчиларга берилган аванслар  
73 344,8 млрд. сўм


харидор ва буюртмачилар  
81 668,3 млрд. сўм

ички идоравий қарз  
17 848,0 млрд. сўм

### 1 декабрь ҳолатига корхона ва ташкилотларнинг дебитор қарздорлиги динамикаси, млрд. сўм



### декабрь ҳолатига корхона ва ташкилотларнинг муддати ўтган дебитор қарздорлиги динамикаси, млрд.сўм




<sup>1)</sup> Бюджет ва бошқа нотижорат ташкилотлар, маҳсулот ишлаб чиқарувчи қишлоқ хўжалик корхоналари, фермер ва деҳқон хўжаликлари, суғурта ташкилотлари, банклар, кичик корхоналар ва микрофирмаларсиз.

Ҳудудлар кесимида корхона ва ташкилотларнинг  
дебитор қарздорлиги, млрд.сўм

	2021 йил 1 декабрь ҳолатига		2022 йил 1 декабрь ҳолатига	
	Дебитор қарздорлик	шундан муддати ўтгани	Дебитор қарздорлик	шундан муддати ўтгани
Ўзбекистон Республикаси <sup>1)</sup>	160 462,5	2207,1	220 191,2	6826,7
Қорақалпоғистон Республикаси	2 151,7	14,4	2 117,2	17,1
вилоятлар:				
Андижон	10 867,1	89,1	15 336,3	106,5
Бухоро	2 931,2	28,1	3 011,8	25,1
Жиззах	1 388,4	16,7	1 469,0	7,2
Қашқадарё	9 660,3	129,9	11 196,7	33,4
Навоий	7 435,1	161,6	9 138,1	1456,5
Наманган	3 004,6	269,4	4 421,5	1 000,5
Самарқанд	6 266,8	66,4	7 505,5	104,5
Сурхондарё	2 007,3	201,5	2 419,5	67,8
Сирдарё	2 180,8	38,5	3 392,3	12,8
Тошкент	12 116,4	513,0	31 307,2	409,2
Фарғона	4 756,9	157,0	6 629,0	1996,1
Хоразм	1 553,5	68,3	2 122,7	6,6
Тошкент шаҳри	88 417,5	449,0	113 484,9	1 561,3

Ҳудудлар кесимида дебитор қарздорликнинг асосий қисми Тошкент шаҳри – 113 484,9 млрд. сўм, Тошкент вилояти – 31307,2 млрд. сўм, Андижон вилояти – 15336,3 млрд. сўм, Қашқадарё вилояти – 11 196,7 млрд. сўм ва Навоий вилоятида – 9138,1 млрд. сўмга тўғри келди.

2022 йил 1 декабрь ҳолатига кўра ҳудудлар кесимида  
корхона ва ташкилотларнинг дебитор қарздорлиги (млрд.сўм)




<sup>1)</sup> Ҳудудларга тақсимланмаган маълумотларни қўшган ҳолда..



Худудлар кесимида муддати ўтган дебитор қарздорликнинг асосий қисми Фарғона вилояти – 1996,1 млрд. сўм, Тошкент шаҳрида – 1561,3 млрд. сўм, Навоий вилоятида – 1456,5 млрд.сўм, Наманган вилоятида – 1000,5 млрд.сўм, Тошкент вилояти –409,2 млрд. сўм, Андижон вилоятида – 106,5 млрд. сўм, Самарқанд вилоятида –104,5 млрд. сўм, ва Сурхондарё вилоятида – 67,8 млрд. сўмни ташкил этган.

**2022 йил 1 декабрь ҳолатига кўра, алоҳида хўжалик бошқаруви органларининг дебитор қарздорлиги (жамига нисбатан % да)**



Энг юқори дебитор қарздорлик “Ўзтрансгаз” АЖда – 18 462,4 млрд. сўм (республика бўйича жами қарздорликдан 8,4 % и), “Ўзавтосаноат” АЖ – 17 980,6 млрд.сўм (8,2 %), “ОКМК” АЖ – 15 907,6 млрд. сўм (7,2 %), “Иссиқлик электр станциялари” АЖ – 12 849,0 млрд. сўм (5,8 %), “Ўзбекнефтгаз” АЖ – 11 289,4 млрд. сўм (5,1 %), Тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноати корхоналари уюшмаси –8 740,5 млрд. сўм (4,0 %), “Худудий электр тармоқлари” АЖ – 8 446,1 млрд. сўм (3,8 %) эканлиги кузатилмоқда.

**2022 йил 1 декабрь ҳолатига кўра, иқтисодий фаолият турлари бўйича муддати ўтган дебитор қарздорликнинг таркиби**

	Жами	шундан:			муддати ўтган қарздорликнинг улуши, % да
		харидор ва буюртмачилар	етказиб берувчиларга ва пудратчиларга берилган аванслар	ички идоравий қарз	
<b>Жами</b>	<b>6 826,7</b>	<b>4 428,4</b>	<b>2 207,9</b>	<b>49,8</b>	<b>3,1</b>
Тоғ-кон саноати ва очиқ конларни ишлаш	181,0	132,8	40,3	7,7	0,7
Ишлаб чиқарадиган саноат	2 630,8	597,7	1 904,2	27,0	3,2
Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш	2 871,9	2 864,4	2,5	0,1	9,5
Сув билан таъминлаш; канализация тизими, чиқиндиларни йиғиш ва утилизация қилиш	430,9	421,3	-	9,7	29,7

davomi

	Жами	шундан:			муддати ўтган қарздорликнинг улуши, % да
		харидор ва буюртмачилар	етказиб берувчиларга ва пудратчиларга берилган аванслар	ички идоравий қарз	
Қурилиш	69,0	60,5	5,6	2,6	0,6
Савдо	323,3	78,3	229,9	-	1,6
Ташиш ва сақлаш	33,5	30,4	0,1	-	0,1
Кўчмас мулк билан операциялар	27,6	26,2	0,4	0,4	3,1
Профессional, илмий ва техник фаолият	161,9	150,7	10,3	-	2,2
Бошқалар	96,8	66,1	14,6	2,3	1,2

Иқтисодий фаолият турлари бўйича муддати ўтган дебитор қарздорликнинг энг кўпи электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялашда – 42,1%, ишлаб чиқарадиган саноатда – 38,5 %, сув билан таъминлаш, канализация тизими, чиқиндиларни йиғиш ва утилизация қилишда – 6,3 %, савдода – 4,7 % ни ташкил этди.

**Мулкчилик шакли бўйича корхона ва ташкилотларнинг дебитор ва кредитор қарздорлиги тўғрисида график, млрд. сўмда**




**Корхона ва ташкилотларнинг 2022 йил 1 декабрь ҳолатига иқтисодий тармоқлар кесимида мулкчилик шакли бўйича кредиторлик қарздорлиги, млрд. Сўмда**

	<i>Давлат мулки</i>			
	<i>Дебитор қарздорлиги</i>		<i>Кредитор қарздорлиги</i>	
	<i>Жами</i>	<i>шундан муддати ўтгани</i>	<i>Жами</i>	<i>шундан муддати ўтгани</i>
<b>Жами</b>	<b>9 180,8</b>	<b>460,9</b>	<b>6 527,8</b>	<b>482,6</b>
Қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги	-	-	-	-
Саноат	5 516,9	454,0	4 100,3	480,3
Қурилиш	542,6	4,6	591,7	2,3
Савдо	5,1	-	9,5	-
Ташиш ва сақлаш	148,4	0,8	28,5	-
Яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	0,01	-	0,2	-
Ахборот ва алоқа	105,3	0,03	163,7	0,005
Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш	2,7	-	3,1	-
Бошқалар	2 860,0	1,5	1 630,8	-

**Корхона ва ташкилотларнинг 2022 йил 1 декабрь ҳолатига иқтисодий тармоқлар кесимида мулкчилик шакли бўйича кредиторлик қарздорлиги, млрд. сўмда**

	<i>Хусусий мулк</i>			
	<i>Дебитор қарздорлиги</i>		<i>Кредитор қарздорлиги</i>	
	<i>Жами</i>	<i>шундан муддати ўтгани</i>	<i>Жами</i>	<i>шундан муддати ўтгани</i>
<b>Жами</b>	<b>211 010,4</b>	<b>6 365,8</b>	<b>240 620,0</b>	<b>6 893,2</b>
Қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги	102,6	8,8	153,4	0,3
Саноат	135 442,2	5 660,6	136 332,9	6 662,4
Қурилиш	10 986,8	64,4	16 367,7	21,7
Савдо	20 197,6	323,3	26 665,6	139,4
Ташиш ва сақлаш	30 825,1	32,7	39 717,0	1,1
Яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	477,8	30,9	682,9	1,0
Ахборот ва алоқа	3 708,1	2,9	6141,0	12,1
Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш	170,0	0,1	256,3	1,1
Бошқалар	9 100,2	242,0	14 303,3	54,0

Мулкчилик шакли бўйича корхона ва ташкилотларнинг дебитор ва кредитор қарздорлиги тўғрисида, млрд. сўмда



Корхоналарнинг 2022 йил январь-ноябрь ойлари маълумотлари мулкчилик шакли бўйича таҳлил қилинганда, давлат мулки иштирокидаги корхоналар ҳиссасига жами дебитор қарздорликнинг 9 180,8 млрд.сўми ёки 4,2 % и тўғри келди, шу билан бирга хусусий мулк иштирокидаги корхоналар ҳиссасига 211 010,4 млрд.сўм ёки жамига нисбатан 95,8 % и тўғри келган.

Шунингдек, корхоналарнинг мулкчилик шакли бўйича 2022 йилнинг январь-ноябрь ойлари бўйича жами кредитор қарздорликнинг 6 527,8 млрд.сўми ёки 2,6 % и давлат мулки иштирокидаги корхоналар ҳиссасига тегишли бўлган бўлса, хусусий мулк иштирокидаги корхоналарники эса 240 620,0 млрд.сўмни ёки жамига нисбатан 97,4 % ни ташкил этди.

Корхона ва ташкилотларнинг 2022 йил 1 декабрь ҳолатига мулкчилик шакли бўйича дебитор қарздорликнинг асосий таркиблари, % да



Корхона ва ташкилотларнинг 2022 йил 1 декабрь ҳолатига мулкчилик шакли бўйича дебитор қарздорликнинг энг юқори улуши харидор ва буюртмачилар (37,1 %), етказиб берувчиларга ва пудратчиларга берилган аванслар (33,3 %) ҳамда солиқлар ва бюджетга йиғимлар бўйича аванс тўловлари ва мақсадли давлат жамғармалари (5,6 %) ҳиссасига тўғри келди.

**Корхона ва ташкилотларнинг 2022 йил 1 декабрь ҳолатига мулкчилик шакли бўйича кредитор қарздорликнинг асосий таркиблари, % да**



Корхона ва ташкилотларнинг 2022 йил 1 декабрь ҳолатига мулкчилик шакли бўйича кредитор қарздорликнинг энг юқори улуши етказиб берувчилар ва пудратчиларга (51,4%), олинган аванслар (22,6%) ҳамда бюджет ва мақсадли фондларга тўловлар (3,4 %) ҳиссасига тўғри келади.

**Корхона ва ташкилотларнинг 2022 йил 1 декабрь ҳолатига ташкилий - ҳуқуқий шакли бўйича дебитор ва кредиторлик қарздорлиги, млрд сўмда**



2022 йилнинг январь-ноябрь ойларида, корхона ва ташкилотларнинг ташкилий - ҳуқуқий шакли бўйича дебитор қарздорлигининг энг катта улушида акциядорлик жамиятлари дебитор қарздорлиги 109 644,8 млрд. сўм ёки жамига нисбатан 49,8 % ни ташкил этган. Шунингдек, кредитор қарздорлик бўйича энг юқори улуш масъулияти чекланган ёки қўшимча масъулиятли жамиятлар қарздорлиги 122 440,9 млрд. сўм ёки 49,5 % ҳиссасига тўғри келди.

Ўз навбатида, дебитор ва кредитор қарздорлик бўйича энг кам улушни ишлаб чиқариш кооперативлари ва оилавий корхоналар ташкил қилган.

### 3- БЎЛИМ. КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАРНИНГ КРЕДИТОРЛИК ҚАРЗДОРЛИГИ ХОЛАТИ 1)

2022 йил 1 декабрь ҳолатига кўра, кредитор қарздорликнинг умумий ҳажми 247 147,8 млрд. сўм, шундан муддати ўтгани – 7 375,8 млрд. сўм (жами кредитор қарздорликнинг 3,0 % и)ни ташкил этди.

Муддати ўтган кредитор қарздорлик 2021 йилнинг 1 декабрига нисбатан солиштирилганда 2,0 мартага ортган, жами кредитор қарздорликдаги улуши 1,0 пунктга ортган.

**2022 йил 1 декабрь ҳолатига,  
корхона ва ташкилотларнинг  
кредитор қарздорлиги, млрд.сум**

**Кредитор қарздорлик жами  
247 147,8 млрд. сўм**

**шундан:**

етказиб берувчиларга ва  
пудратчиларга берилган аванслар  
**127 118,2 млрд. сўм**


олинган бўнақлар  
**55 805,6 млрд. сўм**

Бюджетга тўловлар бўйича  
қарз  
**5 951,0 млрд. сўм**

Давлат мақсадли фондларига  
тўловлар бўйича қарз  
**2 482,1 млрд. сўм**


ички идоравий қарз  
**20 437,3 млрд. сўм**

**1 декабрь ҳолатига корхона ва  
ташкилотларнинг кредитор  
қарздорлиги динамикаси, млрд.сўм**



<sup>1)</sup> Бюджет ва бошқа нотижорат ташкилотлар, маҳсулот ишлаб чиқарувчи қишлоқ хўжалик корхоналари, фермер ва деҳқон хўжаликлари, сугурта ташкилотлари, банклар, кичик корхоналар ва микрофирмаларсиз.

1 декабрь ҳолатига корхона ва ташкилотларнинг  
кредитор қарздорлиги динамикаси, млрд.сўм



Ҳудудлар кесимида корхона ва ташкилотларнинг  
кредитор қарздорлиги, млрд. сўм

	2021 йил 1 декабрь ҳолатига		2022 йил 1 декабрь ҳолатига	
	Кредитор қарздорлик	шундан муддати ўтгани	Кредитор қарздорлик	шундан муддати ўтгани
Ўзбекистон Республикаси <sup>1)</sup>	188 342,6	3 687,7	247 147,8	7 375,8
Қорақалпоғистон Республикаси	3 539,2	3,7	3 660,7	2,7
<i>вилоятлар:</i>				
Андижон	17 522,6	48,7	29 340,5	62,2
Бухоро	4 652,0	13,7	4 948,9	14,2
Жиззах	1 347,5	9,2	1 528,4	8,5
Қашқадарё	6 978,3	2,0	6 309,5	4,7
Навоий	4 408,5	54,6	5 390,6	60,9
Наманган	3 135,3	104,3	3 587,4	0,9
Самарқанд	8 059,9	60,7	9 587,4	48,8
Сурхондарё	2 712,0	14,2	2 854,5	36,3
Сирдарё	2 392,5	39,3	2 156,7	3,1
Тошкент	12 816,5	437,9	16 224,1	591,2
Фарғона	3 926,4	80,6	5 267,3	115,9
Хоразм	1 717,9	27,4	2 972,6	0,2
Тошкент шаҳри	112 791,2	2 791,6	149 622,3	6 426,3

<sup>1)</sup> Ҳудудларга тақсимланмаган маълумотларни қўшиган ҳолда.

Худудлар кесимида кредитор қарздорликнинг асосий қисми Тошкент шаҳри – 149 622,3 млрд. сўм, Андижон вилояти – 293 40,5 млрд. сўм, Тошкент вилояти – 16 224,1 млрд. сўм, Самарқанд вилояти – 9 587,4 млрд. сўм, Қашқадарё вилоятига – 6 309,5 млрд. сўм ва Навоий вилоятига – 5 390,6 млрд. сўм тўғри келди.

Худудлар кесимида муддати ўтган кредитор қарздорликнинг асосий қисми Тошкент шаҳри – 6 426,3 млрд. сўм, Тошкент вилоятида – 591,2 млрд. сўм, Фарғона вилоятида – 115,9 млрд. сўм, Андижон вилоятида – 62,2 млрд. сўм ва Навоий вилоятида – 60,9 млрд. сўмни ташкил этди.

**2022 йил 1 декабрь ҳолатига кўра худудлар кесимида  
корхона ва ташкилотларнинг кредитор қарздорлиги, млрд. сўм**



Энг юқори кредитор қарздорлик “Ўзавтосаноат” АЖ – 31 232,3 млрд. сўм (республика бўйича жами кредитор қарздорликнинг 12,6 % и), “Ўзтрансгаз” АЖда – 30 951,5 млрд. сўм (12,5 %), “Ўзбекистон миллий электр тармоқлари” АЖ – 10 923,6 млрд. сўм (4,4 %), Ўзбекистон тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноати корхоналари уюшмаси – 10 184,3 млрд. сўм (4,1 %) ва “Худудий электр тармоқлари” АЖда – 9 885,9 млрд. сўм (4,0 %)ни ташкил этди.

**2022 йил 1 декабрь ҳолатига кўра алоҳида хўжалик бошқаруви органларининг  
кредитор қарздорлиги (жамига нисбатан % да)**





**Дебиторлик қарзлар** – харидорлар ва буюртмачилар, шўба ва қарам хўжалик жамиятларининг қарзлари, ходимларга, мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга берилган бўнақлар, бюджет ва давлат мақсадли жамғармаларига солиқлар, йиғимлар ва суғурта бўйича бўнақ тўловлари, муассисларнинг устав фондидаги улушлари бўйича қарзи, ходимларнинг бошқа операциялар бўйича қарзлари ва бошқа дебиторлик қарзларини ўз ичига олади.

**2022 йил 1 декабр ҳолатига кўра, алоҳида хўжалик бошқаруви органларининг дебитор ва кредитор қарздорлоги, млрд.сўм**



## Статистик кўрсаткичларга изоҳлар

**Даромад (фойда) солиғи тўлагунга қадар фойда (зарар)** – корхона ва ташкилотларнинг барча хўжалик операцияларини бухгалтерия ҳисобида акс эттирадиган яқуний молиявий натижа. Маҳсулот (товар, иш ва хизмат)ларни сотишнинг ялпи фойдаси (зарари), асосий фаолиятнинг бошқа даромадлари, молиявий фаолиятнинг даромадлари ва фавқулодда фойда йиғиндисидан давр харажатлари, молиявий фаолият бўйича харажатлар ва фавқулодда харажатлар чегириб ташланадиган фойданинг умумий фойдасини (зарарини) ифодалайди.

**Дебиторлик қарзлар** – харидорлар ва буюртмачилар, шўба ва қарам хўжалик жамиятларининг қарзлари, ходимларга, мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга берилган бўнақлар, бюджет ва давлат мақсадли жамғармаларига солиқлар, йиғимлар ва суғурта бўйича бўнақ тўловлари, муассисларнинг устав фондидаги улушлари бўйича қарзи, ходимларнинг бошқа операциялар бўйича қарзлари ва бошқа дебиторлик қарзларини ўз ичига олади.

**Кредиторлик қарзлар** – етказиб берувчилар ва пудратчилар, шўба ва қарам хўжалик жамиятларининг қарзи, солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича муддати кечиктирилган мажбуриятлар, олинган аванслар, бюджетга тўловлар бўйича қарз, суғурта бўйича қарз, давлат мақсадли жамғармаларига тўловлар бўйича қарз, таъсисчиларга қарзлар, меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича қарзлар ва бошқа кредиторлик қарзларини ўз ичига олади.

**Маҳсулот (товар, иш ва хизматлар)** – тайёр маҳсулот, товар, бажарилган иш ва кўрсатилган хизматларни сотишдан олинган даромадлар, шунингдек, сотилган товарларнинг қайтиши, сотиш ва баҳолардан чегирмалар кўшимча қиймат солиғи ҳамда акциз солиғини қўшган ҳолда.

**Муддати ўтган қарзлар** – қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда сўндирилмаган қарзнинг умумий суммаси.

**Фойда солиғи тўлагунга қадар фойда (зарар)** — бу корхона (ташкилот) нинг барча хўжалик операцияларини ҳисобга олиш асосида аниқланадиган яқуний молиявий натижадир. Маҳсулотларни (товарларни, ишларни ва хизматларни) сотишдан ялпи фойда (зарар), асосий фаолиятдан олинадиган бошқа даромадлар, молиявий фаолиятдан олинган даромадлар ва давр харажатлари, молиявий фаолият харажатлари ва фавқулодда ҳаражатлар чегириб ташланадиган умумий фойда (зарар)ини ифодалайди.

**Акциядорлик жамиятининг устав капиталидаги давлат улуши** – бу давлат органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, давлат унитар корхоналари ва давлат идораларига, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, Тикланиш ва тараққиёт жамғармасига тегишли аксиялар.

## ХII. КОРХОНА ВА ОБЪЕКТЛАРНИ ХУСУСИЙЛАШТИРИШ

**Хусусийлаштириш** – жисмоний шахсларнинг ва давлатга тааллуқли бўлмаган юридик шахсларнинг оммавий мулк объектларини ёки давлат акциядор жамиятларининг акцияларини давлатдан сотиб олишидир.

Ўзбекистон Республикаси давлат активларини бошқариш агентлигининг маълумотига кўра, 2022 йилнинг январь-декабр ойларида 515 та (дастур доирасидаги ва дастурдан ташқари объектларни қўшган ҳолда) корхона ва объектлар (кейинги ўринларда – объектлар) хусусийлаштирилди.

### Хусусийлаштиришнинг асосий кўрсаткичлари (2022 йил январь-декабрь ҳолатига кўра)

	Хусусийлаштирилган корхона ва объектлар сони		Давлат активларини сотишдан олинган тушумлар	
	бирлик	жамига нисбатан фоизда	бирлик	жамига нисбатан фоизда
Ўзбекистон Республикаси	515	100,0	6 651,0	100,0
Қорақалпоғистон Республикаси	26	5,1	48,3	0,7
<i>вилоятлар:</i>				
Андижон	46	8,9	48,7	0,7
Бухоро	18	3,5	83,6	1,3
Жиззах	21	4,1	18,6	0,3
Қашқадарё	29	5,6	55,1	0,8
Навоий	19	3,7	48,8	0,7
Наманган	42	8,2	24,9	0,4
Самарқанд	49	9,5	93,2	1,4
Сурхондарё	32	6,2	34,7	0,5
Сирдарё	11	2,1	8,6	0,1
Тошкент	33	6,4	125,0	1,9
Фарғона	74	14,4	70,1	1,1
Хоразм	81	15,7	87,3	1,3
Тошкент ш.	34	6,6	1 222,0	18,4
Агентлик марказий аппарати	-	-	4 682,1	70,4

Ҳисобот даврида энг кўп хусусийлаштирилган объектлар сони Хоразм вилоятида – 81 та (15,7 %), Фарғона вилоятида – 74 та (14,4 %), Самарқанд вилоятида – 49 та (9,5 %) ва Андижон вилоятида – 46 та (8,9 %)ни ташкил этди.


## Корхона ва объектларни хусусийлаштириш

Давлат активларини бошқариш, трансформация ва хусусийлаштириш  
жамғармасига маблағлар тушуми



**Давлат тасарруфидан чиқариш** – давлат корхоналарини ва ташкилотларини хўжалик ширкатлари ва жамиятларига, оммавий мулк бўлмайдиган бошқа корхоналар ва ташкилотларга айлантиришдир.

Хусусийлаштириш жамғармасига маблағлар тушуми тўғрисида, млрд сўмда  
(2022 йил январь-декабрь ҳолатига кўра)



2021 йилда жами Давлат активларини бошқариш, трансформация ва хусусийлаштириш жамғармасига маблағлар тушуми жами 3 809,4 млрд. сўмни ташкил этган бўлса, 2022 йилда бу кўрсаткич 6 651,0 млрд. сўмни ташкил қилиб, ўтган йилга нисбатан 74,6 % га кўпайди.

**Корхона ва объектларни  
хусусийлаштириш**

2022 йилда бошқа манбалардан тушган тушум энг кам улушни ташкил қилди ва жами тушумга нисбатан 0,2 фоизни ташкил қилди.


**2022 йилнинг январь-декабрида вазирлик ва идоралар кесимида хусусийлаштирилган давлат объектларининг таркиби (жамига нисбатан % да)**



Хусусийлаштирилган давлат мулки объектлари таркибида энг кўп улуш Давлат активларини бошқариш агентлигига – 349 та объект (республика бўйича жами хусусийлаштирилган объектларнинг 67,8 % и), маҳаллий ҳокимиятларга – 101 та объект (19,6 %), Молия вазирлигига – 3 та объект (0,6 %) тўғри келди.

2022 йилнинг январь-декабрида давлат мулкани сотишдан тушган тушумлар 6 651,0 млрд. сўмни ташкил қилди.

Худудлар кесимида давлат мулкани сотишдан тушган тушумларнинг асосий қисми Агентлик марказий аппаратида (барча тушумларнинг 70,4 % и), Тошкент шаҳри (18,4 %), Тошкент (1,9 %), Самарқанд (1,4 %), Хоразм (1,3 %), Бухоро (1,3 %), Фарғона (1,1 %) ва Қашқадарё (0,8 %) вилоятлари ҳиссасига тўғри келди.



Давлат нотулар жой фондидан самарали фойдаланиш мақсадида, 2022 йилнинг январь-декабрида объектларни ижарага бериш бўйича 27 466 та ижара шартномалари тузилди.

Натижада 7,5 мингдан ортиқ янги иш ўринлари яратилди.

Давлат мулкани ижарага беришдан тушган тушумлар жами 297,6 млрд.сўмни ташкил этди.

Худудлар кесимида давлат мулкани ижарага беришдан тушган тушумларнинг асосий қисми Тошкент шаҳрига (барча тушумларнинг 44,4 % и), Тошкент (9,0 %), Фарғона (5,6 %), Хоразм (5,3 %) ва Андижон (4,9 %) вилоятларига тўғри келди.

## Корхона ва объектларни хусусийлаштириш

## Статистик кўрсаткичларга изоҳлар

**Хусусийлаштириш** – жисмоний шахсларнинг ва давлатга тааллуқли бўлмаган юридик шахсларнинг оммавий мулк объектларини ёки давлат акциядор жамиятларининг акцияларини давлатдан сотиб олишидир.

**Давлат кўчмас мулк объектлари бўйича савдолар (ким ошди савдолари)** – сотувчи ёки кўчмас мулк ташкилоти, шунингдек, ким ошди савдолари ва ким ошди савдоларини ташкил этиш ва ўтказиш бўйича хизматларни кўрсатувчи ихтисослашган ташкилот, шу жумладан, электрон шаклда, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда давлат кўчмас мулк объектларини сотишни ташкиллаштириш.

**Харидор** – қонун ҳужжатларига мувофиқ, давлат мулки бўлган кўчмас мулк объекти (бундан буён матнда олди-сотди шартномаси деб юритилади) учун сотувчи билан олди-сотди шартномасини тузган нодавлат юридик ёки жисмоний шахс (Ўзбекистон Республикаси резиденти ёки норезиденти).

**Инвестиция мажбурияти** – инвестор томонидан инвестиция лойиҳасида назарда тутилган муайян мақсадларга эришиш учун олган мажбурияти.

**Ижтимоий мажбуриятлар** – пул қийматига эга бўлмаган ва қонунга зид бўлмаган шаклларда амалга ошириладиган давлат мулкни сотишда харидор томонидан қабул қилинган мажбуриятлар.

**Аукцион** – танлов асосида харидор билан савдонинг шакли, бунда унга энг юқори нархни таклиф этган иштирокчи давлат мулкни сотиш шартномасини тузиш ҳуқуқини олади. Аукционлар очик ёки ёпиқ бўлиши мумкин.

**Балансда сақловчи** – балансида давлат кўчмас мулки бўлган юридик шахс.

**Бошланғич нарх** – ким ошди савдосига очик мулкни бериш учун сотувчи томонидан белгиланган нарх.

**Бўш турган ер участкаси** — бинолар ва иншоотлар жойлашмаган, ҳеч қандай мажбуриятлар ёки тақиқлар ўрнатилмаган ҳамда жисмоний ва юридик шахсларга қонунчиликка мувофиқ ажратиб берилмаган, давлат мулки бўлган, қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ер участкаси.

**Давлат кўчмас мулк объектлари** — давлат мулки бўлган мулкый мажмуалар (корхоналар), бинолар ва иншоотлар, қурилиши тугалланмаган объектлар.

**Ер участкасини хусусийлаштириш** — давлат мулки бўлган қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ер участкасини Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг ва (ёки) юридик шахсларининг мулкига ўтказиш.

**Электрон онлайн-аукцион** — аукцион шаклидаги электрон савдоларни ўтказиш усули бўлиб, бунда қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ер участкалари Интернет жаҳон ахборот тармоғидаги ихтисослаштирилган электрон савдо майдончасида аукциондан потенциал харидорларнинг тенг равишда фойдаланиши асосида реализация қилинади.

## ХП. КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАР ФАОЛИЯТИНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ

Сўнгги йилларда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва бунёдкорлик салоҳиятини қўллаб-қувватлаш орқали аҳолига муносиб ҳаёт шароитларини яратиш, ишбилармонлик муҳитини яхшилаш, бандликни таъминлаш бўйича кенг қўламли ишлар амалга ошириб келинмоқда.


Хусусан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик мамлакатимиз иқтисодиётининг асосий бўғини ҳисобланиб, бугунги кунда мазкур соҳани жадаллик билан ривожлантириш, тадбиркорлар фаолиятини қўллаб-қувватлаш, уларнинг сафини янада кенгайтириш ва рағбатлантириш бўйича кенг қўламли ишлар амалга ошириляпти.

Жумладан, 2023 йил 1 январь ҳолатига республикада фаолият кўрсатаётган корхоналар ва ташкилотларнинг сони (фермер ва деҳқон хўжаликларидан ташқари) 592,4 мингтани ташкил этди (улардан кичик корхона ва микрофирмалар 523,6 мингта). Ўтган йилнинг мос даврига нисбатан фаолият кўрсатаётган корхоналар сонининг ўсиши 12,0 фоизни (жумладан, кичик корхона ва микрофирмалар 13,1 фоиз) ташкил этди.

**Корхона ва ташкилотлар тўғрисида умумий маълумотлар**  
(фермер ва деҳқон хўжаликларидан ташқари, 1 январь ҳолатига кўра, бирликда)


Фаолият кўрсатаётган

Рўйхатдан ўтган



Корхона ва ташкилотлар  
фаолиятининг умумий тавсифи

### Тадбиркорлик субъектларининг фаоллик даражаси тўғрисида маълумот



Мамлакатимизда хусусий мулк, кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш, бу йўлдаги тўсиқ ва ғовларни бартараф этиш мақсадида узокни кўзлаб олиб борилаётган ислохотлар самарасида бугунги кунда мазкур соҳа миллий иқтисодиётимизнинг чинакам таянчига айланди.

Хусусан, республикада фаолият кўрсатаётган тадбиркорлик субъектларининг сони (фермер ва деҳқон хўжаликларидан ташқари) 527,2 мингтани ташкил этди. Улардан 3 йил давомида фаолият кўрсатаётган тадбиркорлик субъектларининг сони 238,6 мингтани, 5 йил давомида фаолият кўрсатаётган тадбиркорлик субъектларининг сони 118,8 мингтани, 10 йил давомида фаолият кўрсатаётган тадбиркорлик субъектларининг сони 86,7 мингтани ва 10 йилдан ортиқ даврда фаолият кўрсатаётган тадбиркорлик субъектларининг сони 83,0 мингтани ташкил қилади.


Худудлар кесимида жами фаолият кўрсатаётган тадбиркорлик субъектлари сонига нисбатан 10 йилдан ортиқ даврда фаолият кўрсатаётган тадбиркорлик субъектларининг энг юқори улушлари Сирдарё (18,2 фоиз), Андижон (18,0 фоиз), Фарғона (17,4 фоиз), Қашқадарё (17,1 фоиз) вилоятлари ва Тошкент шаҳрида (17,4 фоиз) қайд этилди.

## Корхона ва ташкилотлар фаолиятининг умумий тавсифи




## 1- БЎЛИМ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БЎЙИЧА КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАРНИНГ Сони 2022 йил январь-декабрь ҳолатига кўра, бирликда

### Йиллар кесимида сони



### Янги ташкил этилганларнинг фаолият кўрсатаётганларга нисбати (фоизда)



2022 йил январь-декабрь ойда янги ташкил этилган корхона ва ташкилотлар сони 2018 йилнинг мос даври билан солиштирилганда 38 600 тага кўпайганлигини кўриш мумкин.

Янги ташкил этилган корхона ва ташкилотлар сонининг ташкилий-ҳуқуқий шакли бўйича 2018 йилнинг мос даври билан солиштирилганда, масъулияти чекланган жамиятлар 30 277 тага, оилавий корхоналар 7 473 тага, хусусий корхоналар 3 148 тага кўпайган.

### Иқтисодий фаолият турлари кесимида



### Худудлар кесимида


Тошкент ш.	15 772	13,4 %	Андижон в.	5 656	12,7 %
Самарқанд в.	10 877	20,1 %	Жиззах в.	4 667	18,1 %
Фарғона в.	9 099	17,3 %	Бухоро в.	4 572	13,6 %
Қашқадарё в.	8 869	21,3 %	Қорақалпоғистон Р.	4 472	16,8 %
Тошкент в.	7 094	12,8 %	Навоий в.	4 464	17,7 %
Хоразм в.	5 792	20,0 %	Сурхондарё в.	4 316	13,7 %
Наманган в.	5 774	15,6 %	Сирдарё в.	2 187	12,7 %

## Корхона ва ташкилотлар фаолиятининг умумий тавсифи


## Фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотлар

2023 йил 1 январь ҳолатига кўра, бирликда

Йиллар кесимида сони



Йиллар кесимида ўсиш суръати (фоизда)



## Иқтисодий фаолият турлари кесимида



2023 йил 1 январь ҳолатига фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотлар сони 2022 йилнинг мос даврига (528 929 та) нисбатан 63 442 тага ошганлигини қуйидаги соҳаларда корхоналар сонининг сезиларли ўсиши билан ифодалаш мумкин: савдо – 157 129 тадан 182 917 тага (ўсиш 25 788 та), саноат – 91 152 тадан 98 805 тага (ўсиш 7 653 та), қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалигида – 46 501 тадан 53 808 тага (ўсиш 7 307 та).

Шунингдек, ушбу даврда республика даражасига (112,0 фоиз) нисбатан юқори ўсиш суръатлари Самарқанд (116,1 фоиз), Қашқадарё (115,1 фоиз) ва Хоразм (114,9 фоиз) вилоятларида қайд этилди.


## Ҳудудлар кесимида

Тошкент ш.	117 812	111,6%	Бухоро в.	33 686	108,1%
Тошкент в.	55 472	110,3%	Сурхондарё в.	31 427	111,1%
Самарқанд в.	54 163	116,1%	Хоразм в.	28 904	114,9%
Фарғона в.	52 746	113,1%	Қорақалпоғистон Р.	26 692	112,5%
Андижон в.	44 658	110,3%	Жиззах в.	25 847	113,8%
Қашқадарё в.	41 612	115,1%	Навоий в.	25 179	110,9%
Наманган в.	36 914	110,4%	Сирдарё в.	17 259	108,4%

# Корхона ва ташкилотлар фаолиятининг умумий тавсифи

### Янги ташкил этилган тадбиркорлик субъектлари тўғрисида маълумотлар 2022 йил январь-декабрь ҳолатига кўра, бирликда

Йиллар кесимида сони



Янги ташкил этилганларнинг фаолият кўрсатаётганларга нисбати (фоизда)



Тадбиркорлик субъектларини давлат томонидан тартибга солиш ва уларга қулай шарт-шароитлар яратиб бориш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижасида уларнинг сони йил сайин ошиб бормоқда. 2022 йил январь-декабрь ойида янги ташкил этилган тадбиркорлик субъектлари сони 2018 йилнинг мос даврига нисбатан 84,6 фоизга (41 509 та) ошган бўлиб, шундан:

- микрофирмалар 86,6 фоиз, (41 234 тага ошган);
- кичик корхоналар 1,6 фоиз, (21 тага ошган);
- йирик корхоналарда эса 254 тага ўсган, бу эса 2,9 баробарга ошган.

### Иқтисодий фаолият турлари кесимида



### Ҳудудлар кесимида

Тошкент ш.	15 225	14,1%	Андижон в.	5 412	13,8%
Самарқанд в.	10 639	22,1%	Жиззах в.	4 520	20,0%
Фарғона в.	8 862	19,0%	Бухоро в.	4 426	14,6%
Қашқадарё в.	8 597	23,5%	Навоий в.	4 336	18,9%
Тошкент в.	6 806	13,8%	Қорақалпоғистон Р.	4 323	18,8%
Хоразм в.	5 674	22,0%	Сурхондарё в.	4 094	14,9%
Наманган в.	5 572	17,2%	Сирдарё в.	2 079	13,8%

## Корхона ва ташкилотлар фаолиятининг умумий тавсифи

## Фаолият кўрсатаётган тадбиркорлик субъектлари тўғрисида маълумотлар 2023 йил 1 январь ҳолатига кўра, бирликда

### Йиллар кесимида сони

2023		527 222
2022		465 889
2021		414 186
2020		337 096
2019		265 016

### Йиллар кесимида ўсиш суръати (фоизда)



### Иқтисодий фаолият турлари кесимида



Фаолият кўрсатаётган тадбиркорлик субъектлари сони 2023 йил 1 январь ҳолатига 527,2 мингтага етиб, 2019 йилнинг мос даврига нисбатан ўсиш суръати 198,9 фоизни ташкил этди (265,0 мингта). Уларнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича тақсимланиши (умумий сонидаги улуши) қуйидагича бўлди: савдо – 34,7 фоиз, саноат – 18,7 фоиз, кишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги – 10,1 фоиз, қурилиш – 8,9 фоиз, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар – 7,0 фоиз, ташиш ва сақлаш – 3,9 фоиз, ахборот ва алоқа – 2,3 фоиз, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш – 1,9 фоиз, бошқа турлари – 12,5 фоиз.


### Ҳудудлар кесимида

Тошкент ш.	107 654	112,2 %	Бухоро в.	30 238	108,7 %
Тошкент в.	49 488	111,3 %	Сурхондарё в.	27 470	112,1 %
Самарқанд в.	48 155	117,7 %	Хоразм в.	25 751	116,6 %
Фарғона в.	46 601	114,8 %	Қорақалпоғистон Р.	22 955	114,4 %
Андижон в.	39 190	111,6 %	Навоий в.	22 951	111,6 %
Қашқадарё в.	36 639	116,9 %	Жиззах в.	22 551	115,4 %
Наманган в.	32 476	111,6 %	Сирдарё в.	15 103	109,0 %


## Қорхона ва ташкилотлар фаолиятининг умумий тавсифи

## Янги ташкил этилган кичик бизнес субъектлари тўғрисида маълумотлар 2022 йил январь-декабрь ҳолатига кўра, бирликда

### Йиллар кесимида сони



### Янги ташкил этилганларнинг фаолият кўрсатаётганларга нисбати (фоизда)



Мамлакат иқтисодиётининг “соғломлиги”ни баҳолашнинг муҳим омили – кичик бизнес субъектларининг самарали фаолият кўрсатиши бўлиб, бу унинг мослашувчанлиги ва доимий ўзгарувчан иқтисодий вазиятларга мослаша олиш кўрсаткичидир.

Шундай қилиб, 2022 йил январь-декабрь ойида янги ташкил этилган кичик бизнес субъектлари сони 2018 йилнинг мос даврига нисбатан 41 255 тага кўпайган.

### Иқтисодий фаолият турлари кесимида




### Ҳудудлар кесимида

Тошкент ш.	15 078	14,2%	Андижон в.	5 406	13,8%
Самарқанд в.	10 613	22,1%	Жиззах в.	4 505	20,0%
Фарғона в.	8 828	19,0%	Бухоро в.	4 413	14,7%
Қашқадарё в.	8 551	23,5%	Навоий в.	4 323	18,9%
Тошкент в.	6 799	13,8%	Қорақалпоғистон Р.	4 308	18,8%
Хоразм в.	5 655	22,1%	Сурхондарё в.	4 083	14,9%
Наманган в.	5 542	17,2%	Сирдарё в.	2 073	13,8%

## Қорхона ва ташкилотлар фаолиятининг умумий тавсифи

## Фаолият кўрсатаётган кичик бизнес субъектлари тўғрисида маълумотлар 2023 йил 1 январь ҳолатига кўра, бирликда

Йиллар кесимида сони



Йиллар кесимида ўсиш суръати (фоизда)



### Иқтисодий фаолият турлари кесимида



Ҳудудий кесимда энг кўп кичик бизнес субъектлари Тошкент шаҳрида (20,3 фоиз), Тошкент (9,4 фоиз), Самарқанд (9,2 фоиз), Фарғона (8,9 фоиз) ва Андижон (7,5 фоиз) вилоятларида фаолият кўрсатмоқда. Ушбу ҳудудларда жами кичик бизнес субъектлари сонининг 50 фоиздан ортиғи фаолият кўрсатмоқда.

Маълумки айти пайтда кичик бизнес субъектлари иқтисодиётнинг деярли барча тармоқларида илғор фаолият юритмоқда.

### Ҳудудлар кесимида

Тошкент ш.	106 071	112,1 %	Бухоро в.	30 082	108,6 %
Тошкент в.	49 145	111,3 %	Сурхондарё в.	27 368	112,2 %
Самарқанд в.	47 943	117,7 %	Хоразм в.	25 616	116,5 %
Фарғона в.	46 350	114,7 %	Навоий в.	22 844	111,6 %
Андижон в.	39 038	111,5 %	Қорақалпоғистон Р.	22 863	114,3 %
Қашқадарё в.	36 421	116,9 %	Жиззах в.	22 474	115,5 %
Наманган в.	32 305	111,6 %	Сирдарё в.	15 036	108,9 %


## Корхона ва ташкилотлар фаолиятининг умумий тавсифи

## 2-БЎЛИМ. КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАРНИНГ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ ТУРЛАРИ БЎЙИЧА МАЪЛУМОТЛАР

Қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалигида фаолият  
кўрсатаётган корхона ва ташкилотлар тўғрисида маълумотлар  
2023 йил 1 январь ҳолатига кўра, бирликда

### Худудлар кесимида

Қашқадарё в.	7 742
Тошкент в.	6 184
Жиззах в.	4 655
Самарқанд в.	4 333
Сурхондарё в.	4 187
Қорақалпоғистон Р.	3 826
Андижон в.	3 685
Бухоро в.	3 542
Хоразм в.	3 335
Наманган в.	3 137
Навоий в.	3 098
Сирдарё в.	2 541
Фарғона в.	2 469
Тошкент ш.	1 074



Ўзбекистон Республикасида мамлакатнинг озик-овқат хавфсизлигини таъминлашга қаратилган қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг чуқур ўйланган стратегияси изчил амалга оширилмоқда.

Давлатимиз иқтисодий ва ижтимоий ислохотларининг муҳим таркибий қисмларидан бири мева-сабзавот етиштиришга қаратилган. Бундай ёндашув аҳоли эҳтиёжларини тўлиқ таъминлаш, уларнинг саломатлигини сақлаш ва бандлик шарт-шароитларини яратишда асосий йўналишлардан бирига айланди.

### Балиқ овлаш ва аквакултура




## Корхона ва ташкилотлар фаолиятининг умумий тавсифи

**Саноат йўналишида фаолият кўрсатаётган  
корхона ва ташкилотлар тўғрисида маълумотлар**  
2023 йил 1 январь ҳолатига кўра, бирликда


**Худудлар кесимида**

Тошкент ш.	16 779
Фарғона в.	11 058
Тошкент в.	9 998
Андижон в.	9 887
Самарқанд в.	8 854
Наманган в.	7 888
Қашқадарё в.	5 605
Бухоро в.	5 089
Сурхондарё в.	4 853
Хоразм в.	4 794
Жиззах в.	4 080
Навоий в.	3 985
Қорақалпоғистон Р.	3 633
Сирдарё в.	2 302



Саноат тармоғи иқтисодий тармоқлар ичида энг юқори салоҳиятга эга бўлган тармоқлардан ҳисобланади. Сўнгги уч йил ичида фаолият кўрсатаётган саноат корхоналари сонининг ўсиш суръати 140,0 фоизни ташкил этди.

Саноат корхоналари сони жами корхона ва ташкилотларнинг 16,7 фоиз улушини ташкил этди. Шундан – 94,9 фоизини ишлаб чиқариш саноати (ўтган йилнинг мос даврига нисбатан ўсиш 108,3 фоиз), 3,1 фоизини тоғ-кон саноати ва очик конларни ишлаш (ўсиш 108,4 фоиз), 1,5 фоизини сув билан таъминлаш, канализация тизими, чиқиндиларни йиғиш ва утилизация қилиш (ўсиш 113,2 фоиз) ва 0,5 фоизини электр, газ, буг билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш (ўсиш 108,4 фоиз) ташкил этган.




**Корхона ва ташкилотлар  
фаолиятининг умумий тавсифи**



**Қурилиш фаолияти билан шуғулланаётган корхона ва ташкилотлар тўғрисида маълумотлар**  
2023 йил 1 январь ҳолатига кўра, бирликда

**Худудлар кесимида**

Тошкент ш.	9 634
Тошкент в.	4 122
Фарғона в.	3 968
Самарқанд в.	3 559
Қашқадарё в.	3 497
Андижон в.	3 378
Сурхондарё в.	3 047
Бухоро в.	3 004
Қорақалпоғистон Р.	2 501
Наманган в.	2 454
Жиззах в.	2 205
Хоразм в.	2 176
Навоий в.	1 771
Сирдарё в.	1 655




Ўзбекистонда қурилиш саноати иқтисодийнинг устувор тармоғи сифатида белгиланган. Қурилиш саноатининг йўналишлари бўйича ўтказилган таҳлил шуни кўрсатдики:

- бинолар ва иншоотлар қуриш йўналиши 56,6 фоиз улушни ташкил этиб, ўсиш суръати ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 107,9 фоизга ошган;
- фуқаролик объектларини қуриш йўналиши 11,7 фоиз улушни ташкил этиб, ўсиш суръати ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 127,3 фоизга ошган;
- ихтисослаштирилган қурилиш ишлари йўналиши 31,7 фоиз улушни ва 101,1 фоиз ўсиш суръатини ташкил этди.

**5 502**

Фуқаролик  
объектларини қуриш



**14 880**

Ихтисослаштирилган  
қурилиш ишлари

**26 589**


Бино ва  
иншоотлар қуриш

**Корхона ва ташкилотлар  
фаолиятининг умумий тавсифи**

**Савдо соҳасида фаолият кўрсатаётган корхона ва  
ташкilotлар тўғрисида маълумотлар**  
2023 йил 1 январь ҳолатига кўра, бирликда

**Худудлар кесимида**

Тошкент ш.	36 093
Самарқанд в.	19 019
Фарғона в.	17 413
Тошкент в.	16 561
Андижон в.	13 279
Қашқадарё в.	12 344
Наманган в.	11 718
Бухоро в.	9 711
Сурхондарё в.	9 450
Хоразм в.	9 034
Навоий в.	8 685
Қорақалпоғистон Р.	7 434
Жиззах в.	6 747
Сирдарё в.	5 429




Таҳлиллар шуни кўрсатдики, республикада фаолият кўрсатаётган ҳар учинчи корхона савдо соҳасида фаолият юритади, уларнинг 99,6 фоизи ёки 182,2 мингтаси кичик бизнес субъектларига тўғри келади.

Савдо соҳасининг йўналишлар бўйича тақсимооти қуйидагича:

- автомобиль ва мотоцикллар савдосидан ташқари чакана савдо йўналиши 62,4 фоиз улушни ташкил этган бўлиб, 2022 йилнинг мос даври билан солиштирилганда ўсиш суръати 113,5 фоизни ташкил этди;

- автомобиль ва мотоцикллар савдосидан ташқари улгуржи савдо йўналишида 28,9 фоиз улушни ташкил этиб, ўсиш суръати 121,3 фоизни ташкил этди;

- автомобиль ва мотоциклларнинг улгуржи ва чакана савдоси ва уларни таъмирлаш йўналишида 8,7 фоиз улушни ташкил этиб, ўсиш суръати 122,5 фоизни ташкил этди.




**Корхона ва ташкilotлар  
фаолиятининг умумий тавсифи**

**Яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар соҳасида фаолият  
кўрсатаётган корхона ва ташкилотлар тўғрисида маълумотлар**  
2023 йил 1 январь ҳолатига кўра, бирликда

**Худудлар кесимида**


Тошкент ш.	7 549
Самарқанд в.	4 620
Тошкент в.	4 135
Фарғона в.	2 970
Бухоро в.	2 550
Андижон в.	2 028
Қашқадарё в.	2 016
Сурхондарё в.	1 896
Хоразм в.	1 756
Наманган в.	1 685
Жиззах в.	1 610
Навоий в.	1 540
Қорақалпоғистон Р.	1 497
Сирдарё в.	959



2023 йил 1 январь ҳолатига кўра, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар соҳасида фаолият кўрсатаётган корхоналар ўсиш суръати 2019 йилнинг мос даврига нисбатан 185,8 фоизни ташкил этди. Ушбу хизматлар соҳаси таҳлили шуни кўрсатдики:

- меҳмонхоналар, туристик оромгоҳлар, дам олиш ва кўнгилочар парклар яшаш бўйича хизматлар йўналишининг асосий фаолияти ҳисобланиб, 2023 йил 1 январь ҳолатига кўра, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар соҳасида фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотларнинг 10,1 фоиз улушини ташкил этди;

- ресторан ва буюртма бўйича озиқ-овқат ва овқат маҳсулотларини етказиш, озиқ-овқат ва ичимликлар етказиш бўйича хизматлар йўналишининг асоси ҳисобланиб, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар соҳасининг 89,9 фоиз улушини ташкил этди.




**Корхона ва ташкилотлар  
фаолиятининг умумий тавсифи**

**Ахборот ва алоқа соҳасида фаолият кўрсатаётган корхона  
ва ташкилотлар тўғрисида маълумотлар**  
2023 йил 1 январь ҳолатига кўра, бирликда


**Ҳудудлар кесимида**

Тошкент ш.	5 346
Фарғона в.	1 208
Самарқанд в.	875
Тошкент в.	752
Андижон в.	639
Наманган в.	531
Қашқадарё в.	480
Қорақалпоғистон Р.	421
Хоразм в.	408
Сурхондарё в.	374
Бухоро в.	363
Навоий в.	302
Жиззах в.	283
Сирдарё в.	222



2023 йил 1 январь ҳолатига кўра ноширлик фаолияти, кино-видеофильмлар, телевизион дастурлар, фонограммалар ва мусикали ёзувларни ишлаб чиқиш йўналишларида фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотлар сони ахборот ва алоқа соҳасининг 20,2 фоизини ташкил этиб, ўсиш суръати 2022 йилнинг мос даврига нисбатан 109,0 фоизни ташкил этди.

Дастурлар яратиш бўйича фаолият ва телекўрсатув ва радиоэшиттиришлар ҳамда алоқа йўналишларидаги корхоналар сони ахборот ва алоқа соҳасининг 28,1 фоизини ташкил этиб, ўсиш суръати 2022 йилнинг мос даврига нисбатан 104,9 фоизни ташкил этди. Компютер дастурлаштириш ва ахборот хизмати кўрсатиш йўналишларида эса корхоналар сони, ахборот ва алоқа соҳасидаги корхона ва ташкилотларнинг 51,7 фоизини ташкил этиб, ўсиш суръати 124,8 фоизни ташкил этди.




**Корхона ва ташкилотлар  
фаолиятининг умумий тавсифи**

Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар соҳасида фаолият  
кўрсатаётган корхона ва ташкилотлар тўғрисида маълумотлар  
2023 йил 1 январь ҳолатига кўра, бирликда

Худудлар кесимида

Тошкент ш.	2 246
Фарғона в.	1 257
Андижон в.	1 139
Самарқанд в.	1 070
Тошкент в.	933
Қашқадарё в.	852
Бухоро в.	820
Наманган в.	768
Хоразм в.	607
Сурхондарё в.	491
Қорақалпоғистон Р.	474
Навоий в.	370
Жиззах в.	352
Сирдарё в.	218



Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар соҳасида фаолият кўрсатаётган жами корхона ва ташкилотларнинг салмоқли қисми – 10 077 та ёки 86,9 фоиз улуши тадбиркорлик субъектлари ҳиссасига тўғри келган.

Йўналишлар бўйича таҳлил шуни кўрсатдики:

94,7 фоиз корхоналар соғлиқни сақлаш йўналишига тўғри келиб, ўсиш суръати 2022 йилнинг мос даврига нисбатан 111,7 фоизни ташкил этди;

Яшаш учун жой билан таъминланган ҳолда парваришlash йўналишидаги корхоналар сони 2,7 фоизни ташкил этиб, ўсиш суръати 104,3 фоизни ташкил этди;

Яшаш учун жой билан таъминланмаган ҳолда ижтимоий хизматлар кўрсатиш йўналишидаги корхоналар сони ушбу соҳанинг 2,6 фоизини ташкил этиб, ўсиш суръати 116,0 фоизни ташкил этди;




Корхона ва ташкилотлар  
фаолиятининг умумий тавсифи

**Ташиш ва сақлаш хизматлари соҳасида фаолият кўрсатаётган  
корхона ва ташкилотлар тўғрисида маълумотлар**  
2023 йил 1 январь ҳолатига кўра, бирликда

**Худудлар кесимида**

Тошкент ш.	4 673
Бухоро в.	2 263
Тошкент в.	1 895
Фарғона в.	1 876
Андижон в.	1 485
Самарқанд в.	1 252
Наманган в.	1 215
Қашқадарё в.	1 070
Хоразм в.	1 046
Қорақалпоғистон Р.	996
Сурхондарё в.	887
Навоий в.	816
Жиззах в.	634
Сирдарё в.	558



2023 йил 1 январь ҳолатига кўра, ташиш ва сақлаш хизматлари соҳасида фаолият кўрсатаётган корхоналар жами республикадаги фаолият кўрсатаётган корхонанинг 3,5 фоиз улушини ташкил этди.

2022 йилнинг мос даври билан солиштирганда ташиш ва сақлаш хизматларининг йўналишлари бўйича таҳлиллар шуни кўрсатдики:

куруқликдаги ва қувур транспорти йўналишида фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотларнинг ўсиш суръати 113,5 фоизни ташкил этди;

омбор хўжалиги ва ёрдамчи транспорт йўналишининг ўсиш суръати 112,3 фоизни;

почта ва курьерлик йўналиши 112,6 фоизни ташкил этди;

ҳаво транспорти йўналишида фаолият юритаётган корхона ва ташкилотлар сони 1,3 баробарга ошган;


сув транспорти йўналишидаги корхоналар сони 3 тага камайган.



**Корхона ва ташкилотлар  
фаолиятининг умумий тавсифи**

### 3- БЎЛИМ. ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИНГ ТАШКИЛИЙ- ХУҚУҚИЙ ШАКЛИ БЎЙИЧА МАЪЛУМОТЛАР

Тадбиркорлик субъектларининг ташкилий-ҳуқуқий  
шакли бўйича умумий маълумот  
2023 йил 1 январь ҳолатига кўра, бирликда



Ташкилий-ҳуқуқий шакл деганда, субъект томонидан мулкнинг бириктирилиши, шакллантирилиши ва ундан фойдаланиш усули ҳамда унинг бундан келиб чиқувчи ҳуқуқий ҳолати ва фаолият мақсади тушунилади. Шунингдек, қуйидагилар билан боғлиқ масалаларни ҳал қилишда фойдаланилади:

- хўжалик юритувчи субъектлар тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олган регистр, реестр ва кадастрларнинг ахборот ресурсларини шакллантириш;
- ташкилий-ҳуқуқий шакллар доирасида статистика маълумотларини ишлаб чиқиш;
- идоралараро ахборот алмашилишини таъминлаш;
- ижтимоий-иқтисодий жараёнларни ва ҳодисаларни таҳлил қилиш ва прогнозлаштириш.

## Корхона ва ташкилотлар фаолиятининг умумий тавсифи


### Янги ташкил этилган масъулияти чекланган жамиятлар

тўғрисида маълумот

2022 йил январь-декабрь ҳолатига кўра, бирликда

Йиллар кесимида сони

Янги ташкил этилганларнинг фаолият кўрсатаётганларга нисбати (фоизда)



### Иқтисодий фаолият турлари кесимида



Қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги



Саноат



Қурилиш



Савдо



Ташиш ва сақлаш



Яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар



Ахборот ва алоқа



Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш



Бошқа турлар

Масъулияти чекланган жамият – бир ёки бир неча шахс томонидан таъсис этилган, устав фонди (устав капитали) таъсис ҳужжатлари билан белгиланган миқдорда улушларга бўлинган хўжалик жамияти ҳисобланади. Масъулияти чекланган жамиятнинг иштирокчилари унинг мажбуриятлари бўйича жавобгар бўлмайдилар ва жамият фаолияти билан боғлиқ зарарлар учун ўзлари қўшган ҳиссалари қиймати доирасида жавобгар бўладилар. Масъулияти чекланган жамиятнинг ўз ҳиссасини тўла қўшмаган иштирокчилари, жамият мажбуриятлари бўйича ҳар бир иштирокчи ҳиссасининг тўланмаган қисми қиймати доирасида солидар жавобгар бўладилар.

### Ҳудудлар кесимида

Тошкент ш.	14 015	Бухоро в.	3 661
Самарқанд в.	6 039	Хоразм в.	3 416
Фарғона в.	5 802	Қорақалпоғистон Р.	3 361
Тошкент в.	5 553	Жиззах в.	3 220
Наманган в.	4 912	Сурхондарё в.	2 674
Андижон в.	4 806	Навоий в.	2 515
Қашқадарё в.	4 230	Сирдарё в.	1 874


Корхона ва ташкилотлар  
фаолиятининг умумий тавсифи



## Фаолият кўрсатаётган масъулияти чекланган жамиятлар тўғрисида маълумот 2023 йил 1 январь ҳолатига кўра, бирликда

Йиллар кесимида сони

Йиллар кесимида ўсиш суръати (фоизда)



### Иқтисодий фаолият турлари кесимида



2023 йил 1 январь ҳолатига кўра фаолият кўрсатаётган 527,2 мингта тижорат корхона ва ташкилотларининг 367,1 мингтаси масъулияти чекланган жамиятлар улushiга тўғри келди. Мазкур жамиятлар мамлакатимизда тадбиркорлик фаолиятининг энг кенг тарқалган шакли ҳисобланади.

Соҳалар кесимида ўсиш суръатларининг таҳлили шуни кўрсатдики, энг юқори кўрсаткич ахборот ва алоқада – 120,4 фоиз, қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалигида – 120,3 фоиз, савдода – 119,7 фоиз, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматларда – 117,0 фоизни ташкил этди.

### Ҳудудлар кесимида


Тошкент ш.	90 736	Қашқадарё в.	19 767
Тошкент в.	37 621	Қорақалпоғистон Р.	17 074
Андижон в.	31 270	Жиззах в.	15 623
Самарқанд в.	28 446	Хоразм в.	14 057
Фарғона в.	27 359	Сурхондарё в.	13 792
Наманган в.	24 285	Навоий в.	12 567
Бухоро в.	22 650	Сирдарё в.	11 902

## Корхона ва ташкилотлар фаолиятининг умумий тавсифи

**Янги ташкил этилган хусусий корхоналар тўғрисида маълумотлар**  
2022 йил январь-декабрь ҳолатига кўра, бирликда

Йиллар кесимида сони

Янги ташкил этилганларнинг фаолият кўрсатаётганларга нисбати (фоизда)



Иқтисодий фаолият турлари кесимида



Хусусий корхона – мулкдор ягона жисмоний шахс томонидан тузилган ва бошқариладиган тижоратчи ташкилот деб эътироф этилади. Хусусий корхона тадбиркорлик субъектларининг ташкилий-ҳуқуқий шаклидир.

Хусусий корхона ўз мулкида алоҳида мол-мулкка эга бўлади, ўз номидан мулкий ва шахсий номулкий ҳуқуқларга эга бўлиши ҳамда уларни амалга ошириши, мажбуриятларни бажариши, судда даъвогар ва жавобгар бўлиши мумкин.

2022 йил январь-декабрь ойида кишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалигида янги ташкил этилган хусусий корхоналар сони 2021 йилнинг мос даврига нисбатан 327 тага кўпайган.

**Ҳудудлар кесимида**


Қашқадарё в.	2 337	Сурхондарё в.	492
Самарқанд в.	2 260	Тошкент в.	346
Фарғона в.	1 572	Бухоро в.	298
Навоий в.	1 285	Наманган в.	267
Хоразм в.	707	Қорақалпоғистон Р.	264
Тошкент ш.	706	Анджон в.	262
Жиззах в.	522	Сирдарё в.	76

**Корхона ва ташкилотлар  
фаолиятининг умумий тавсифи**

## Фаолият кўрсатаётган хусусий корхоналар тўғрисида маълумотлар 2023 йил 1 январь ҳолатига кўра, бирликда

Йиллар кесимида сони

Йиллар кесимида ўсиш суръати (фоизда)



Иқтисодий фаолият турлари кесимида



2023 йил 1 январь ҳолатига кўра, фаолият кўрсатаётган хусусий корхоналар сони ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 4,5 фоизга кўпайди.

Хусусий тадбиркорлик субъектлари ўсиш суръатларининг ўтган йилга нисбатан кўпайишига қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги (109,8 фоиз), савдо (106,5 фоиз), ташиш ва сақлаш соҳалари (104,8 фоиз), яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар (103,6 фоиз), вилоятлар кесимида эса – Самарқанд (118,0 фоиз), Қашқадарё (112,8 фоиз), Навоий (109,2 фоиз) ва Хоразм (105,5 фоиз) вилоятлари таъсир кўрсатмоқда.

Ҳудудлар кесимида


Тошкент ш.	12 039	Навоий в.	5 991
Фарғона в.	11 882	Хоразм в.	5 875
Қашқадарё в.	10 891	Андижон в.	4 394
Самарқанд в.	8 554	Жиззах в.	4 352
Сурхондарё в.	7 353	Бухоро в.	3 801
Наманган в.	6 260	Қорақалпоғистон Р.	3 081
Тошкент в.	6 222	Сирдарё в.	2 446

## Корхона ва ташкилотлар фаолиятининг умумий тавсифи

**Янги ташкил этилган оилавий корхоналар тўғрисида маълумотлар**  
2022 йил январь-декабрь ҳолатига кўра, бирликда

Йиллар кесимида сони

Янги ташкил этилганларнинг фаолият кўрсатаётганларга нисбати (фоизда)



Иқтисодий фаолият турлари кесимида



Оилавий корхона – унинг иштирокчилари томонидан товарлар ишлаб чиқариш (ишлар бажариш, хизматлар кўрсатиш) ва реализация қилишни амалга ошириш учун ихтиёрий асосда, оилавий корхона иштирокчиларининг улушли ёки биргаликдаги мулкида бўлган умумий мол-мулк, шунингдек, оилавий корхона иштирокчиларидан ҳар бирининг мол-мулки негизда ташкил этиладиган кичик тадбиркорлик субъектидир.

Оилавий корхона фаолияти унинг иштирокчилари шахсий меҳнатига асосланади ва тадбиркорлик субъектларининг ташкилий-ҳуқуқий шаклларида биридир.

Худудлар кесимида


Самарқанд в.	2 295	Навоий в.	513
Қашқадарё в.	1 899	Тошкент ш.	474
Хоразм в.	1 491	Бухоро в.	440
Фарғона в.	1 373	Қорақалпоғистон Р.	391
Сурхондарё в.	867	Наманган в.	321
Тошкент в.	852	Андижон в.	249
Жиззах в.	727	Сирдарё в.	54

**Корхона ва ташкилотлар  
фаолиятининг умумий тавсифи**

## Фаолият кўрсатаётган оилавий корхоналар тўғрисида маълумотлар 2023 йил 1 январь ҳолатига кўра, бирликда

Йиллар кесимида сони

Йиллар кесимида ўсиш суръати (фоизда)



Иқтисодий фаолият турлари кесимида



Юридик шахс сифатида давлат рўйхатидан ўтиб, фаолият кўрсатаётган оилавий корхоналар сони 2023 йил 1 январь ҳолатига кўра 2022 йилнинг мос даврига нисбатан 6 615 тага кўпайган.

Бу эса қуйидаги соҳалардаги корхоналар: савдода – 16 691 тадан 19 621 тага (ўсиш 2 930 тага), саноатда – 15 899 тадан 17 623 тага (ўсиш 1 724 тага), яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар – 8 501 тадан 9 523 тага (ўсиш 1 022 та) сонининг сезиларли ошиши билан изоҳланади.

### Ҳудудлар кесимида

Самарқанд в.	10 499	Тошкент ш.	3 795
Фарғона в.	6 608	Бухоро в.	3 450
Сурхондарё в.	5 847	Андижон в.	2 962
Хоразм в.	5 488	Қорақалпоғистон Р.	2 172
Қашқадарё в.	5 226	Жиззах в.	2 140
Тошкент в.	5 073	Наманган в.	1 337
Навоий в.	4 157	Сирдарё в.	356

## Корхона ва ташкилотлар фаолиятининг умумий тавсифи


#### 4- БЎЛИМ. ХОРИЖИЙ КАПИТАЛ ИШТИРОКИДАГИ КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАР ТЎҒРИСИДА МАЪЛУМОТЛАР

##### Янги ташкил этилган хорижий капитал иштирокидаги корхона ва ташкилотлар тўғрисида маълумотлар

2022 йил январь-декабрь ҳолатига кўра, бирликда

Йиллар кесимида сони

Янги ташкил этилганларнинг фаолият  
кўрсатаётганларга нисбати (фоизда)



#### Иқтисодий фаолият турлари кесимида



Хорижий капитал иштирокидаги корхоналар – корхонанинг устав жамғармасида норезидентлар, чет эл юридик шахслари (чет эл фирмаларининг филиал ва бўлинмалари), чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар мулки иштирокидаги корхоналар ҳисобланади.

Мамлакатимизда халқаро иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш бўйича олиб борилаётган жадал ишлар натижасида, хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарнинг сони сезиларли даражада ошиб бораётганлигини кўришимиз мумкин.

2022 йил январь-декабрь ойида хорижий капитал иштирокидаги янги ташкил этилган корхона ва ташкилотлар сони 2018 йилнинг мос даври билан солиштирилганда 1,2 баробарга ошган.

#### Худудлар кесимида

Тошкент ш.	2 111	Наманган в.	42
Тошкент в.	238	Навой в.	39
Самарқанд в.	86	Сирдарё в.	29
Сурхондарё в.	81	Хоразм в.	29
Фарғона в.	78	Қашқадарё в.	21
Андижон в.	75	Қорақалпоғистон Р.	17
Бухоро в.	60	Жиззах в.	16

## Корхона ва ташкилотлар фаолиятининг умумий тавсифи

## Фаолият кўрсатаётган хорижий капитал иштирокидаги корхона ва ташкилотлар тўғрисида маълумотлар 2023 йил 1 январь ҳолатига кўра, бирликда



### Иқтисодий фаолият турлари кесимида



Кейинги беш йилда хорижий капитал иштирокида фаолият кўрсатаётган корхоналар сони 2,9 баробарга ошди. Етакчи ўринни 3 156 та корхонада тўлиқ ёки қисман улуши мавжуд бўлган Россия Федерацияси эгаллаган. Бу республикада хорижий капитал иштирокида фаолият кўрсатаётган корхоналар умумий сонининг 20,0 фоиз улушини ташкил этади. Шунингдек, Ўзбекистон иқтисодиётига ўз капиталини киритаётган Туркия (улуши 13,9 фоиз), Хитой (улуши 13,5 фоиз), Қозоғистон (улуши 8,0 фоиз) ва Жанубий Корея (улуши 5,9 фоиз) давлатлари ҳам етакчилар ҳисобланишади.

### Ҳудудлар кесимида

Тошкент ш.	9 716	Наманган в.	317
Тошкент в.	1 642	Навой в.	279
Самарқанд в.	710	Қашқадарё в.	246
Сурхондарё в.	626	Жиззах в.	228
Фарғона в.	596	Сирдарё в.	219
Андижон в.	433	Қорақалпоғистон Р.	196
Бухоро в.	400	Хоразм в.	193

## Корхона ва ташкилотлар фаолиятининг умумий тавсифи

**Давлатлар кесимида янги ташкил этилган хорижий капитал  
иштирокидаги корхоналар тўғрисида маълумотлар**  
2022 йил январь-декабрь ҳолатига кўра, бирликда

	Россия	967
	Туркия	369
	Хитой	275
	Қозоғистон	195
	Жанубий Корея	92
	Тожикистон	73
	Қирғиз Респ.	66
	Озарбайжон	43
	АҚШ	40
	Германия	39
	Туркманистон	30
	бошқалар	733

Ўзбекистонда иқтисодий ўсишни жадаллаштириш, халқаро алоқаларни кенгайтириш ва тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар учун қулай ҳуқуқий муҳит яратиш бўйича кенг қамровли иқтисодий ва ижтимоий ислохотлар олиб борилмоқда. Мамлакатнинг стратегик географик жойлашуви, бой ва хилма-хил табиий ресурслари ўсиш учун улкан имкониятларни намоён этади. Ўзбекистон ҳукумати ўз фуқароларининг фаровонлигини ошириш, бизнесни ривожлантириш ва замонавий технологияларни жорий этишни рағбатлантириш мақсадида, чет эл инвестицияларини кўпайтиришга устувор аҳамият бермоқда.

## Корхона ва ташкилотлар фаолиятининг умумий тавсифи



Давлатлар кесимида фаолият кўрсатаётган хорижий капитал  
иштирокидаги корхоналар тўғрисида маълумотлар  
2023 йил 1 январь ҳолатига кўра, бирликда



Ўзбекистоннинг янги ташқи сиёсатини асосий хусусиятлари бу очиқлик, узоқ муддатли барқарор ривожланишнинг устувор йўналишларига эътибор бериш, кўшни давлатлар билан яхши кўшничлик муносабатларини мустаҳкамлаш, халқаро ҳамкорликни беғараз асосда кенгайтиришдир.

Бунинг самарасида, бугунги кунда Ўзбекистон иқтисодиётнинг турли тармоқларида тадбиркорлик фаолиятини юритиш ва инвестицияларни жалб қилиш учун зарур бўлган ички шароитларни яратиш жараёнини рағбатлантиришга қаратилган изчил ислохотлар амалга оширилаётгани кузатилмоқда.

Шунингдек, хорижий капитал иштирокидаги фаолият кўрсатаётган корхоналардан 6 419 таси қўшма корхоналар, 9 382 таси эса хорижий корхоналар ҳисобига тўғри келди.


## Корхона ва ташкилотлар фаолиятининг умумий тавсифи

Худудлар кесимида фаолият кўрсатаётган хорижий ва қўшма  
корхоналар сони тўғрисида маълумотлар  
2023 йил 1 январь ҳолатига кўра, бирликда

хорижий корхоналар		қўшма корхоналар
<b>6 381</b>	Тошкент ш.	<b>3 335</b>
<b>947</b>	Тошкент в.	<b>695</b>
<b>264</b>	Самарқанд в.	<b>446</b>
<b>241</b>	Фарғона в.	<b>355</b>
<b>476</b>	Сурхондарё в.	<b>147</b>
<b>174</b>	Андижон в.	<b>259</b>
<b>187</b>	Бухоро в.	<b>213</b>
<b>132</b>	Наманган в.	<b>185</b>
<b>119</b>	Навой в.	<b>160</b>
<b>87</b>	Қашқадарё в.	<b>159</b>
<b>89</b>	Жиззах в.	<b>139</b>
<b>91</b>	Хоразм в.	<b>102</b>
<b>104</b>	Сирдарё в.	<b>115</b>
<b>87</b>	Қорақалпоғистон Р.	<b>109</b>

Корхона ва ташкилотлар  
фаолиятининг умумий тавсифи

**Иқтисодий фаолият турлари кесимида фаолият кўрсатаётган қўшма  
ва хорижий капитал иштирокидаги корхоналар сони тўғрисида маълумотлар**  
2023 йил 1 январь ҳолатига кўра, бирликда



Сўнгги йилларда Ўзбекистон иқтисодиётни жадал ўзгартиришни бошдан кечирди ва халқаро ҳамжамиятда очиклик, инновация ва бизнес ва сармоявий тўсиқларни бартараф этишда қатъийлик тимсолларидан бири сифатида тобора кўпроқ эътироф этилмоқда.

Демак, хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар сонининг кўпайиши, авваламбор, мамлакатдаги сиёсий барқарорлик ва инвестиция фаолиятининг ҳуқуқий асослари такомиллаштирилгани билан боғлиқ.

## Корхона ва ташкилотлар фаолиятининг умумий тавсифи

## Статистик кўрсаткичларга изоҳлар

Корхона ва ташкилотларнинг ягона давлат регистри – реал вақт режимда янгилаб бориладиган маълумотлардан иборат бўлган ахборот-маълумотнома тусидаги автоматлаштирилган тизим ҳисобланиб, ягона классификациялар тизими асосида корхоналар ва ташкилотларнинг давлат ҳисобини ва уларни идентификациялаштиришни таъминлайди.

Рўйхатга олинган – рўйхатдан ўтказиш органлари томонидан белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилган ҳамда юридик шахсларнинг давлат реестрида мавжуд бўлган юридик шахслар (фаолияти тугатилган юридик шахслардан ташқари).

Фаолият кўрсатаётган – рўйхатдан ўтказиш органлари томонидан белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилган ҳамда молия-хўжалик фаолиятини амалга оширмаётганлиги ёки тугатиш жараёнида эканлиги тўғрисидаги маълумот келиб тушмаган юридик шахслар.

Янги ташкил этилган – рўйхатдан ўтказиш органлари томонидан белгиланган тартибда юридик шахсларнинг давлат реестрига янгидан киритилган юридик шахслар.

Юридик шахсларнинг фаоллик даражаси – маълум бир даврда фаолият кўрсатмаётган юридик шахсларнинг жами рўйхатдан ўтган юридик шахсларга нисбатининг фоиздаги ифодаси.

Кичик корхона ва микрофирмалар – Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 24 августдаги “Иқтисодий фаолият турларини таснифлашнинг халқаро тизимига ўтиш чора-тадбирлари тўғрисида” 275-сон қарорининг 1-иловасига мувофиқ, кичик тадбиркорлик субъектларига тегишли бўлган корхоналар ва ташкилотлар.

Хорижий капитал иштирокидаги корхоналар – норезидентлар иштирокидаги корхоналар, хорижий юридик шахслар (хорижий фирмаларнинг филиаллари ва бўлимлари), корхонанинг устав фондида чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар иштирок этган корхоналар.

Маълумотлар Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг Давлат хизматлари маркази маълумотлар базаси асосида 2023 йил 1 январь ҳолатига кўра (фермер ва деҳқон хўжаликларисиз) шакллантирилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 28 сентябрдаги 539-сон қарори билан тасдиқланган “Корхоналар ва ташкилотларнинг ягона давлат регистри тўғрисидаги Низом”га асосан юридик шахслар тўғрисидаги маълумотлар рўйхатдан ўтказувчи органлар томонидан тақдим этилади ҳамда Корхоналар ва ташкилотларнинг ягона давлат регистрига (КТЯДР) киритилади.

## XIV. АҲОЛИНИНГ УМУМИЙ ДАРОМАДЛАРИ

### 1- БЎЛИМ. АҲОЛИ УМУМИЙ ДАРОМАДЛАРИ ТАРКИБИ

Аҳолининг умумий даромадлари – доимий ёки такрорланувчи хусусиятга эга бўлган, йиллик ёки ундан кам вақт оралиғидаги даврда, уй хўжалиги ёки унинг алоҳида аъзоларига тушадиган пул ва натура шаклидаги тушумлардан ташкил топади.



Аҳоли фаровонлигини ифодалашда жами аҳолининг, oilаларнинг, алоҳида шахсларнинг умумий даромадлари муҳим аҳамиятга эга.

Дастлабки маълумотлар бўйича, 2022 йилнинг январь-декабрь ҳолатига кўра, аҳолининг умумий даромадлари **634,8** трлн. сўмни ташкил этди.

Аҳоли даромадлари бўйича реал ўсиш суръатларини ҳисоблашда нарх омиллари таъсирини чиқариб ташлаш мақсадида, инфляция кўрсаткичларининг асосий турларидан бири – истеъмол нархлари индексида (ИНИ) фойдаланилади. Истеъмол нархларининг ўзгариши сабабли ўтган йилнинг мос даврига нисбатан аҳоли умумий даромадларининг реал ўсиш суръати **109,7 %** ни ташкил этди.

Аҳоли умумий даромадларини ҳисоблаш – Миллий ҳисоблар тизимининг халқаро статистика стандартларига, Халқаро меҳнат ташкилотининг тавсияларига, Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига асосланган Давлат статистика қўмитаси томонидан ишлаб чиқилган ҳамда тасдиқланган методик қўлланма асосида амалга оширилади.

Аҳоли умумий даромадларини ҳисоблаш бўйича услубий низом (Давлат статистика қўмитасининг 2022 йил 13 июлдаги 25 сон қарори билан янги таҳрири тасдиқланган) асос бўлиб хизмат қилади. <https://lib.stat.uz>

Аҳоли умумий даромадларини ҳисоблашда Давлат статистика ҳисоботи маълумотларидан, шунингдек, мунтазам равишда статистика органлари томонидан ўтказиб бориладиган яқка тартибдаги тадбиркорлар ва деҳқон хўжаликларининг иқтисодий фаолияти бўйича ҳамда уй хўжаликлари даромадлари ва харажатларини ўрганиш бўйича танланма кузатув маълумотларидан, бундан ташқари Молия вазирлиги, Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси, Марказий Банк, Халқ Банки, Давлат солиқ қўмитаси томонидан аҳолига ҳисобланган даромадлар, ижтимоий тўловлар ва солиқ тўловлари тўғрисидаги умумлашган маълумотлардан фойдаланилади.




Дастлабки маълумотлар бўйича, 2022 йилнинг январь-декабрь ҳолатига кўра, аҳоли жон бошига умумий даромадлар **17,8** млн. сўмни, аҳоли жон бошига умумий даромадларнинг номинал ўсиш суръати **119,8 %** ни ташкил этди.

Истеъмом нархларининг ўзгариши сабабли ўтган йилнинг мос даврига нисбатан аҳоли жон бошига умумий даромадларнинг реал ўсиш суръати **107,5 %** ни ташкил этди.

Ўзбекистон Республикасида аҳоли жон бошига умумий даромадларнинг  
10 йиллик динамикаси, *минг сўм*



Ўзбекистон Республикасида аҳоли жон бошига  
умумий даромадларнинг ўсиш суръатлари, % да  
(10 йиллик динамикаси)



— Аҳоли жон бошига умумий даромадларнинг номинал ўсиш суръатлари  
— Аҳоли жон бошига умумий даромадларнинг реал ўсиш суръатлари

Ўзбекистон Республикасида аҳоли умумий даромадлари таркиби



Ўзбекистон Республикасида аҳоли умумий даромадлари таркиби  
ва ўтган йилнинг мос даврига нисбатан ўсиш суръати  
(2022 йил январь-декабрь ҳолатига)

Кўрсаткичлар	Жамига нисбатан, % да		Ўсиш суръати, % да
	2021й.	2022 й.	
Умумий даромадлар – жами (I+II)	100,0	100,0	122,3
I. Бирламчи даромадлар	73,8	70,2	116,4
I.1. Ишлаб чиқаришдан олинган даромадлар	71,7	67,9	115,8
I.1.1. Меҳнат фаолиятдан олинган даромадлар	65,0	61,6	115,9
I.1.1.1. Ёлланма ишчиларнинг даромадлари	28,5	28,3	121,4
I.1.1.2. Мустақил равишда банд бўлишдан олинган даромадлар	36,5	33,3	111,5
I.1.2. Шахсий истеъмол учун ўзида ишлаб чиқарилган хизматлардан олинган даромадлар	6,7	6,3	115,0
I.2. Мол-мулкдан олинган даромадлар	2,1	2,3	136,5
II. Трансфертлардан олинган даромадлар	26,2	29,8	138,9

Аҳоли бирламчи даромадлари ишлаб чиқаришдан олинган даромадлар ва мол-мулкдан олинган даромадлардан ташкил топади.


2022 йилнинг январь-декабрь ойларида аҳоли умумий даромадларининг **70,2 %** ини бирламчи даромадлар ташкил қилган бўлса, **29,8 %** и трансфертлардан олинган даромадлар ҳиссасига тўғри келди.

2022 йилнинг январь-декабрь ойларида аҳоли умумий даромадларининг катта қисми ёлланма ишчиларнинг даромадлари ва мустақил равишда банд бўлишдан олинган даромадларни ўз ичига олган меҳнат фаолиятдан олинган даромадлардан (жами аҳоли умумий даромадларининг **61,6 %** и) шаклланди, ҳамда номинал ўсиш суръати 2021 йилнинг мос даврига нисбатан **115,9 %** ни ташкил этди.


Аҳоли умумий даромадлари таркибида шахсий истеъмол учун ўзида ишлаб чиқарилган хизматлардан олинган даромадларнинг улуши **6,3 %**, мол-мулкдан олинган даромадларнинг улуши **2,3 %**, трансфертлардан олинган даромадлар улуши **29,8 %** ни ташкил қилди.



### Аҳоли умумий даромадлари таркиби, % да



### Худудлар бўйича аҳоли умумий даромадлари таркиби (2022 йил январь-декабрь ҳолатига, % да)



- меҳнат фаолиятидан олинган даромадлар
- шахсий истеъмол учун ўзида ишлаб чиқарилган хизматлардан олинган даромадлар ва мол-мулкдан олинган даромадлар
- трансфертлардан олинган даромадлар

Худудларнинг аҳоли умумий даромадлари таркибида меҳнат фаолиятдан олинган даромадларнинг (ёлланма ишловчиларнинг иш ҳақи ва мустақил равишда банд бўлишдан олинган даромадлар) энг юқори улуши Навоий вилоятида (**77,9 %**) кузатилди. Аксинча Самарқанд, Хоразм, Сурхондарё, Фарғона, Наманган вилоятлари, Қорақалпоғистон Республикаси, Қашқадарё ва Андижон вилоятларида ўртача республика даражасидан паст кўрсаткични ташкил этди.

Республика бўйича аҳоли умумий даромадлари таркибида шахсий истеъмол учун ўзида ишлаб чиқарилган хизматлардан олинган даромадлар ва мол-мулкдан олинган даромадларнинг улуши сезиларли даражада бўлмасада, Тошкент шаҳрида бундай даромадларнинг улуши **19,2 %** ни ташкил этди.


Шунингдек, трансфертлардан олинган даромадларнинг улуши Самарқанд ва Хоразм вилоятларида аҳоли умумий даромадларига нисбатан **40 %** дан юқори кўрсаткични ташкил этган бўлса, Навоий вилоятида мазкур даромад турининг улуши энг паст яъни, **14,8 %** ни ташкил этди.

**Меҳнат фаолиятдан олинган даромадлар**  
(2022 йил январь-декабрь ҳолатига)




Меҳнат фаолиятдан олинган даромад ёлланма ишчиларнинг ва мустақил равишда банд бўлган аҳолининг даромадидан таркиб топади.

**Меҳнат фаолиятдан олинган даромадларнинг умумий даромадлар таркибидаги улуши, % да**  
(январь-декабрь ҳолатига)




**Меҳнат фаолиятдан олинган даромадларнинг номинал ўсиш суръати, % да**  
(январь-декабрь ҳолатига)




**Мустақил равишда банд бўлишдан олинган даромад** – мустақил равишда ташкиллаштирилган ва уй хўжалиги аъзолари жалб қилинган меҳнат жараёни натижасида олинган даромадлар ҳисобланади.

**Мустақил равишда банд бўлишдан олинган даромадларнинг умумий даромадлар таркибидаги улуши, % да**  
(январь-декабрь ҳолатига)



2022 йилнинг январь-декабрь ойларида аҳолининг умумий даромадлари таркибида мустақил равишда банд бўлишдан олинган даромадлар **33,3 %** ни ташкил қилди, 2018 йилда эса бу курсаткич **41,9 %** ни ташкил этган.

**Мустақил равишда банд бўлишдан олинган даромадларнинг ўсиш суръати, % да**  
(январь-декабрь ҳолатига)



Жорий даврда мустақил равишда банд бўлишдан олинган даромадларнинг ўсиш суръати **111,5 %** ни ташкил этиб, аҳоли умумий даромадлари номинал ҳажмининг **4,2 %** га ўсишини таъминлади. 2018 йилда юқори ўсиш суръати – **122,4 %** ни ташкил этган.

**Худудлар бўйича аҳоли умумий даромадлари таркибида мустақил равишда банд бўлишдан олинган даромадларнинг улуши, % да**  
(2022 йил январь-декабрь ҳолатига)



Худудларда мустақил равишда банд бўлишдан олинган даромадларнинг энг юқори улушини Жиззах (**51,1 %**), Бухоро (**42,3 %**) ва Тошкент (**41,4 %**) вилоятлари ташкил этди. Аксинча, Тошкент шаҳри ва Қорақалпоғистон Республикаси ўртача республика даражасидан паст кўрсаткични ташкил этди.

Мустақил равишда банд бўлишдан олинган даромадларнинг **1 %** га ўсиши умумий даромадлар ҳажмининг **0,33 %** га ўсишига олиб келди.


**Худудлар бўйича мустақил равишда банд бўлишдан  
олинган даромадларнинг ўсиш суръати, % да  
(2022 йил январь-декабрь ҳолатига)**



Жиззах вилоятида аҳоли умумий даромадлари таркибида мустақил равишда банд бўлишдан олинган даромадларнинг улуши **51,1 %** ни ташкил этиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан номинал ўсиш суръати **109,8 %** ни ташкил этди. Биргина ушбу турдаги даромадлар Жиззах вилоятида аҳоли умумий даромадларини **5,4 %** га ўсишини таъминлаб берди.

Худди шундай Бухоро вилоятида **42,3 %** улушни ва **110,4%** ўсиш суръати, аҳоли умумий даромадларининг **4,8 %** га ўсишини таъминлаб берди.

Худудлар бўйича мустақил равишда банд бўлишдан олинган даромадларнинг  
1 % га ўсишини аҳоли умумий даромадлари ҳажмининг ўсишига таъсири, % да  
(2022 йил январь-декабрь ҳолатига)



Жами мустақил равишда банд бўлишдан олинган даромадларда  
худудларнинг улуши, % да  
(2022 йил январь-декабрь ҳолатига)




Мустақил равишда банд бўлишдан олинган даромадларнинг асосий улуши Тошкент – **10,6 %**, Самарқанд – **10,3 %**, Андижон – **9,6 %** ва Қашқадарё – **9,5 %** вилоятлари ҳиссасига тўғри келди. Аксинча Сирдарё вилояти – **2,3 %**, Қорақалпоғистон Республикасида – **3,7 %** ва Навоий **4,9 %** вилоятларида камроқ улушни ташкил этди.

**МАЪЛУМОТ УЧУН:** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 20 майдаги “Иш ҳақи миқдорини ошириш тўғрисида”ги ПФ-138-сон Фармониغا мувофиқ, аҳоли турмуш даражасини оширишга қаратилган чора-тадбирлар кўламини кенгайтириш ҳамда фуқароларнинг даромадларини изчил ошириб бориш мақсадида 2022 йилнинг 1 июнидан бошлаб, бюджет ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи миқдори 12 фоизга оширилди.

**Ёлланма ишчиларнинг даромади бу** – меҳнатга ҳақ тўлашнинг яширин (яъни, бирламчи ва бухгалтерия ҳисобида акс эттирилмасдан иш берувчи томонидан амалга оширилган тўловлар) қисмини қўшган ҳолда пул ва натура (товарлар ёки хизматлар кўринишида) шаклида меҳнатга ҳақ тўлаш кўринишидаги даромадлар.

### Ёлланма ишчилар даромадларининг ўсиш суръати, % да (январь-декабрь ҳолатига)




Жорий даврда ёлланма ишчилар даромадларининг ўсиш суръати **121,4 %** ни ташкил этиб, аҳоли умумий даромадлари номинал ҳажмининг **6,0 %** га ўсишини таъминлади. Бу кўрсаткич 2021 йилда – **130,5 %** ни, 2020 йилда – **114,1 %** ни, 2019 йилда – **132,8 %** ни, 2018 йилда – **122,5 %** ни ташкил этган.

### Аҳолининг умумий даромадлари таркибида ёлланма ишчиларнинг даромадлари улуши, % да (январь-декабрь ҳолатига)



2022 йилнинг январь-декабрь ойларида аҳолининг умумий даромадлари таркибида ёлланма ишчиларнинг даромадлари **28,3 %** ни ташкил қилди. Кўпроқ улуши 2021 йилда – **28,5 %** ни ташкил этган.

Худудлар бўйича умумий даромадлар таркибида  
ёлланма ишчилар даромадларининг улуши, % да  
(2022 йил январь-декабрь ҳолатига)



Худудлар бўйича умумий даромадлар таркибида ёлланма ишчилар даромадларининг ўртача республика даражасидан юқори кўрсаткичини Тошкент шаҳри (52,4 %), Навоий (41,8 %), Тошкент (32,2 %) вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикаси (29,0 %) ҳамда Сирдарё вилояти (28,8 %) ташкил этди. Аксинча Самарқанд (17,7 %), Сурхондарё (19,0 %), Хоразм (19,5 %), вилоятларида камроқ улушни ташкил этди.

Ёлланма ишчилар даромадларининг  
аҳоли умумий даромадларига таъсири, % да  
(2022 йил январь-декабрь ҳолатига)



Худудлар бўйича ёлланма ишчилар даромадларининг ўсиш суръати, % да  
(2022 йил январь-декабрь ҳолатига)



Худудлар бўйича таҳлил қиладиган бўлсак, Тошкент шаҳри, Навоий, Тошкент вилояти ёлланма ишчилар даромадларининг аҳоли умумий даромадларига нисбатан улуши ва уларнинг ўсиш суръатининг юқорилигига қараб, сезиларли таъсир кўрсатганлигини кўришимиз мумкин.

Ёлланма ишчилар даромадларининг энг юқори ўсиш суръати Тошкент шаҳри (128,3 %) ва Хоразм (127,8 %) вилоятида қайд этилди. Масалан, Тошкент шаҳрида аҳоли умумий даромадлари таркибида ёлланма ишчилар даромадларининг улуши 52,4 % ни, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан номинал ўсиш суръати 128,3 % ни ташкил этди.

Биргина ушбу турдаги даромадларнинг ўзи Тошкент шаҳри аҳолиси умумий даромадларининг 14,3 % га ўсишини таъминлаб берди.

Навоий вилоятида аҳоли умумий даромадлари таркибида ёлланма ишчилар даромадларининг улуши 41,8 % ни ташкил этиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан номинал ўсиш суръати 110,3 % ни ташкил этди. Биргина ушбу турдаги даромадларнинг ўзи Навоий вилояти аҳолиси умумий даромадларининг 3,9 % га ўсишини таъминлаб берди.

Худди шундай Тошкент вилоятида эса 32,2 % улуш ва 110,4 % ўсиш суръати аҳоли умумий даромадларининг 3,3 % га ўсишини таъминлаб берди.

Шунингдек, аҳоли даромадлари манбаларидан яна бири мол-мулкдан олинган даромадлар бўлиб, 2022 йилнинг январь-декабрь ҳолатига кўра, ушбу даромад манбаининг улуши 2,3 % ни ташкил этганлигини кўришимиз мумкин.



### Мол-мулкдан олинган даромадлар (2022 йил январь-декабрь ҳолатига)



Дастлабки маълумотлар бўйича, 2022 йилнинг январь-декабрь ҳолатига кўра, мол-мулкдан олинган даромадлар **15,0** трлн. сўмни ташкил этди. Жорий даврда мол-мулкдан олинган даромадлар аҳоли умумий даромадлари ҳажмининг **0,8** % га ўсишини таъминлади.

**Мол-мулкдан олинган даромадлар** (мулкий даромадлар) деганда мулкий эгаллик қилиш ҳуқуқи бўлган молиявий ва номолиявий активларни бошқа шахсларга фойдаланиш учун беришдан уй хўжаликларига тушган тушумлар тушунилади.

#### Мол-мулкдан олинган даромадларнинг ўсиш суръати, % да



Жорий даврда мол-мулкдан олинган даромадларнинг ўсиш суръати **136,5** % ни ташкил этди. Бу кўрсаткични йиллар бўйича таҳлил қиладиган бўлсак, 2019 йилда **90,6** % ни ташкил этиб пасайиш кузатилган.


#### Мол-мулкдан олинган даромадларнинг умумий даромадлар таркибидаги улуши, % да



2022 йилнинг январь-декабрь ойларида аҳолининг умумий даромадлари таркибида мол-мулкдан олинган даромадлар **2,3** % ни ташкил қилди. Кўпроқ улуши 2018 йилда – **2,9** % ни ташкил этган.

Мол-мулкдан олинган даромадлар таркибида ҳудудларнинг улуши, % да  
(2022 йил январь-декабрь ҳолатига)

2022 йилнинг январь-декабрь ойларида мол-мулкдан олинган даромадлар ҳажмининг учдан икки қисми улуши Тошкент шаҳри ҳиссасига тўғри келиб, **64,4 %** ни ташкил этди. Тошкент (**7,4 %**), Фарғона (**4,6 %**) ва Навоий (**4,2 %**) вилоятлари кейинги юқори улушга эга бўлган ҳудудлар ҳисобланади.



Мол-мулкдан олинган даромадларнинг  
ўтган йилнинг мос даврига нисбатан ўсиш суръати, % да



Мол-мулкдан олинган даромадларнинг юқори ўсиш суръати Андижон вилоятида (**243,2 %**) Тошкент шаҳри (**142,1 %**), Навоий (**137,5 %**), Фарғона (**129,7 %**) ҳамда Қорақалпоғистон Республикасида (**128,2 %**), Наманган (**128,0 %**), Сирдарё (**123,3 %**) ва Тошкент (**120,4 %**) вилоятларида қайд этилди.


**Трансфертлар бу – уй хўжалиқларига бошқа уй хўжалиқларидан, давлат томонидан, юридик шахслардан, чет элдан келиб тушадиган ҳамда келгусида қайтарилиши шарт бўлмаган товарлар, хизматлар ва активлардир.**

**Трансфертлардан олинган даромадлар**  
(2022 йил январь-декабрь ҳолатига)



2022 йилнинг январь-декабрь ойлари маълумотларига кўра, трансфертлардан олинган даромадларнинг ўтган йилнинг мос даврига нисбатан номинал ўсиш суръати **138,9 %** ни ташкил этди. Шу билан бирга, жорий даврда аҳолининг умумий даромадлари ҳажмида трансфертлардан олинган даромадларнинг улуши **29,8 %** ни ташкил этди.


**Трансфертлардан олинган даромадларнинг ўсиш суръати, % да**



**Трансфертлардан олинган даромадларнинг умумий даромадлар таркибидаги улуши, % да**



**Трансфертлардан олинган даромадлар таркиби, % да**




Кузатилаётган даврда ижтимоий трансфертларнинг ўсиш суръати **132,7 %** ни ташкил этди ва бунга ижтимоий трансфертлар таркибида **71,8 %** улушга эга бўлган пенсиялар асосий таъсир кўрсатди. 2021 йилнинг мос даври билан таққослаганда пенсияларнинг ўсиш суръатлари **122,4 %** ни ташкил этди. Ўтган давр мобайнида пенсия, нафақа ва стипендияларнинг ўзгариши аҳоли умумий даромадларининг **3,2 %** га ўсиши имконини берди.

### Ижтимоий трансфертлар таркиби, %



### Ижтимоий трансфертларнинг ўсиш суръатлари, % да



**Пенсиялар** – қонунчиликда назарда тутилган, яъни маълум бир ёшга етганлиги, ногиронлик, боқувчисини йўқотганлиги, шунингдек, қонунчиликка асосан таъсис этилган тизимларга кирмайдиган (масалан, иш берувчи томонидан таъсис этилган) ижтимоий таъминот бўйича мунтазам амалга ошириладиган пул тўловлари.

**Нафақалар** – қонунчиликда назарда тутилган ҳолатларда, яъни меҳнат қобилиятини қисман ёки тўлиқ йўқотганлик, оғир моддий аҳвол, болали оилаларни қўллаб қувватлаш мақсадида, қариндошларнинг ўлими сабабли, ишсизлик бўйича нафақалар ва шунга ўхшаш ҳолатларда мунтазам ёки бир марта амалга ошириладиган пул тўловлари.

**Стипендия** – олий таълим муассасаларининг талабаларига тўланадиган ҳар ойлик пул таъминоти, шунингдек, жисмоний шахсларга, шу жумладан, хорижий давлатлардан ажратиладиган ўқув грантлари.

### Ижтимоий трансфертларнинг ўсиш суръатлари

(2022 йил январь-декабрь ҳолатига, 2021 йилнинг мос даврига нисбатан, % да)



Ижтимоий трансфертларнинг ўтган йилнинг мос даврига нисбатан ҳудудлар бўйича таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, 2022 йилнинг январь-декабрь ҳолатига кўра, барча ҳудудларда ушбу даромад тури ўсиш тенденциясига эга бўлган, Қашқадарё (**140,3 %**), Жиззах (**140,0 %**), Наманган (**139,6 %**), Сурхондарё (**138,0 %**), Андижон (**136,3 %**), Сирдарё (**134,8 %**), Самарқанд (**134,7 %**), Хоразм (**133,4 %**) ва Фарғона (**133,4 %**) вилоятларида республика даражасидан юқори ўсиш суръатлари қайд этилди.

**Пенсиялар ва нафақаларнинг ўсиш суръатлари**  
(2022 йилнинг январь-декабрь ҳолатига, 2021 йилнинг мос даврига нисбатан, % да)



Республика бўйича жами пенсиялардан олинган даромадларнинг катта қисми (44,2 % и) Тошкент шаҳри (13,1 %), Фарғона (10,5 %), Тошкент (10,3 %) ва Самарқанд (10,3 %) вилоятлари ҳиссасига тўғри келди. Тошкент шаҳрида ушбу даромад манбаининг ўсиш суръати 119,9 % ни ташкил этган бўлса, Фарғона вилоятида 122,8 %, Тошкент вилоятида 118,6 % ва Самарқанд вилоятида 123,2 % ни ташкил этди.

Ижтимоий трансфертларнинг таркибида ижтимоий нафақаларнинг улуши 26,4 % бўлиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 172,5 % га ўсди. Нафақаларнинг энг юқори ўсиш суръати Тошкент шаҳри (189,3 %), Наманган (183,7 %), Қашқадарё (182,8 %) вилоятларида кузатилди. Шунингдек, Фарғона (178,4 %), Самарқанд (177,5 %) ва Андижон

(174,6 %) вилоятларида ҳам ўсиш суръати республика кўрсаткичидан юқори бўлди.

Дастлабки маълумотларга кўра, 2022 йилнинг январь-декабрь ойларида стипендияларнинг ижтимоий трансфертлар таркибидаги улуши 1,8 % ни ташкил этди.

Жорий йилнинг январь-декабрь ойларида аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш мақсадида жами 17,6 трлн. сўм миқдоридан нафақа ва моддий ёрдамлар ажратилган. Шундан 35,2 % и Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ҳисобидан молиялаштирилган давлат ижтимоий суғуртаси бўйича нафақалар ва 64,8 % и эса республика ва маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан молиялаштирилган.

Худудлар бўйича ижтимоий нафақаларнинг шаклланиш манбалари, % да  
(2022 йил январь-декабрь ҳолатига)



Худудлар кесимида эса бу кўрсаткич турлича. Наманган вилоятида **28,8 %** нафақалар Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ҳисобидан, **71,2 %** нафақалар республика ва маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан шакллантирилган бўлса, Тошкент шаҳрида жами ижтимоий нафақаларнинг **69,9 %** и Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ҳисобидан, **30,1 %** и республика ва маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан шакллантирилган.

Бошқа жорий трансфертлар  
(2022 йил январь-декабрь ҳолатига)

Бошқа жорий трансфертлар ҳажми чет элдан юборилган пул ўтказмалари таркибидан жисмоний шахсларнинг ишлаб чиқариш (бизнес) фаолиятидан олинган даромадлари билан боғлиқ ўтказмаларини (Марказий банк ва уй хўжаликлари танланма кузатуви маълумотлари асосида) чиқариб ташланган ҳолда келтирилган.

2022 йилнинг январь-декабрь ойлари бўйича бошқа жорий трансфертлар таркибига кирувчи республика ташқарисидан келиб тушган пул ўтказмалари ҳажмининг номинал ўсиш суръати **142,4 %** ни ташкил этиб, аҳоли умумий даромадлари таркибидаги улуши ўтган йилнинг шу даврига нисбатан **2,7 %** пунктга кўпайди. Ушбу даромадларнинг ўзгариши аҳоли умумий даромадлари номинал қийматининг **7,0 %** га ўсишини таъминлаб берди.


Жорий даврда аҳоли умумий даромадлари таркибида республика ташқарисидан келиб тушган пул ўтказмаларининг энг юқори улуши Хоразм (**31,1 %**) ва Самарқанд (**28,8 %**) вилоятларида кузатилди. Шунингдек, Сурхондарё (**25,8 %**), Андижон (**24,7 %**), Бухоро (**23,1 %**), Қашқадарё (**22,6 %**), Наманган (**22,3 %**), Фарғона (**21,4 %**) вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикасида (**20,1 %**) республика даражасидан юқори улушни ташкил этди.

Худудлар бўйича умумий даромадлар таркибида республика ташқарисидан келиб тушган пул ўтказмалари ҳажмининг улуши, % да  
(2022 йил январь-декабрь ҳолатига)




## 2- БЎЛИМ. ХУДУДЛАР КЕСИМИДА АҲОЛИ ДАРОМАДЛАРИ ТЎҒРИСИДА МАЪЛУМОТ

Ўзбекистон Республикаси худудлари бўйича аҳоли жон бошига ўртача умумий даромадлар ҳажми  
(2022 йилнинг январь-декабрь ҳолатига, минг сўм)




Дастлабки маълумотларга кўра, 2022 йилнинг январь-декабрь ойларида Ўзбекистон Республикасида аҳоли жон бошига ўртача умумий даромадлар **17,8** млн. сўмни ташкил этди. Аҳоли жон бошига ўртача умумий даромадлар бўйича Тошкент шаҳри (**37,5** млн. сўм), Навоий (**27,4** млн. сўм), Бухоро (**21,4** млн. сўм), Хоразм (**19,6** млн. сўм) ва Тошкент (**18,1** млн. сўм) вилоятларида ўртача республика даражасидан юқори кўрсаткичлар қайд этилди.

**Ўзбекистон Республикаси ҳудудлари бўйича  
аҳоли жон бошига умумий даромадлар ҳажмининг ўзгариши, млн сўм**





Ўзбекистон Республикаси ҳудудлари бўйича аҳоли жон бошига ўртача умумий даромадларнинг реал ўсиш суръатлари, % да  
(2022 йилнинг январь-декабрь ҳолатига)



Аҳоли жон бошига умумий даромадларнинг энг юқори реал ўсиш суръати Хоразм (11,8 %) ва Сурхондарё (10,6 %) вилоятига тўғри келди. Шунингдек, Тошкент шаҳар (9,9 %), Наманган (9,9 %), Андижон (9,1 %), Қашқадарё (8,4 %), Самарқанд (8,3 %) ва Фарғона (7,9 %) вилоятларида аҳоли жон бошига умумий даромад кўрсаткичларининг реал ўсиши республика даражасидан юқорини ташкил этди.

2022 йилнинг январь-декабр ойларида аҳолининг реал умумий даромадлари 569,6 трлн. сўмни ташкил этди ва ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 109,7 % га ўсди, аҳоли жон бошига эса 15 979,3 минг сўмни ташкил этди.

Аҳоли жон бошига реал умумий даромадларининг энг юқори кўрсаткичи Тошкент шаҳрида (33 534,2 минг сўм) кузатилди.

Шунингдек, Навоий (24 543,9 минг сўм), Бухоро (19 174,9 минг сўм), Хоразм

(17 617,5 минг сўм) ва Тошкент (16 284,4 минг сўм) вилоятларида республика даражасидан юқори кўрсаткич қайд этилди.

Энг қуйи кўрсаткичлар эса Қорақалпоғистон Республикасида (11 869,5 минг сўм), Фарғона (12 164,0 минг сўм) ва Наманган (12 476,0 минг сўм) вилоятларида кузатилди.


Ўзбекистон Республикаси ҳудудлари кесимида  
аҳолининг реал умумий даромадлари  
(2022 йилнинг январь-декабрь ҳолатига)

	Жами, млрд. сўм	Ўтган йилнинг мос даврига нисбатан, % да	Аҳоли жон бошига ўртача, минг сўм	Ўтган йилнинг мос даврига нисбатан, % да
Ўзбекистон Республикаси	569 631,2	109,7	15 979,3	107,5
Қорақалпоғистон Респ.	23 292,6	106,6	11 869,5	105,2
<i>вилоятлар:</i>				
Андижон	46 454,2	111,4	14 128,0	109,1
Бухоро	38 221,4	107,4	19 174,9	105,7
Жиззах	19 954,5	105,6	13 672,1	103,2
Қашқадарё	45 494,5	110,8	13 204,0	108,4
Навоий	25 641,0	101,1	24 543,9	99,1
Наманган	36 982,5	112,4	12 476,0	109,9
Самарқанд	57 017,0	110,6	13 992,2	108,3
Сурхондарё	36 296,7	113,2	13 079,9	110,6
Сирдарё	12 042,8	108,2	13 567,8	106,0
Тошкент	48 302,7	101,9	16 284,4	100,1
Фарғона	47 882,5	110,1	12 164,0	107,9
Хоразм	34 199,1	113,7	17 617,5	111,8
Тошкент ш.	97 550,9	113,3	33 534,2	109,9

**Аҳолининг реал умумий даромадлари бу** – аҳолининг номинал умумий даромадларини тегишли давр учун истеъмол нархлари индексига бўлиш йўли билан ҳисобланадиган нисбий кўрсаткич.


**Аҳоли ихтиёридаги даромад** – умумий даромаддан тўғри солиқларни (уларнинг қайтарилишини ҳисобга олган ҳолда), мажбурий йиғимлар ва жарималар ҳамда бир уй хўжалигига бошқа уй хўжалиги томонидан берилган моддий ёрдам пулларини чегириш орқали ҳисобланади.

Айрим мамлакатларда аҳоли жон бошига умумий  
даромадларнинг ўсиш суръатлари, 2021 йил ҳолатига, % да



МДХ Статистика қўмитаси тақдим этган расмий маълумотлардан фойдаланилган.  
\*III чорак маълумоти.

Ўзбекистон Республикасида аҳоли  
ихтиёридаги умумий  
даромадларнинг реал ўсиш  
суръатлари, % да



Дастлабки маълумотлар бўйича, 2022 йилнинг январ-декабр ҳолатига кўра, аҳоли ихтиёридаги умумий даромадларнинг реал ўсиш суръати **109,2 %** ни ташкил этди.

Айрим мамлакатларда аҳоли ихтиёридаги  
умумий даромадларнинг реал ўсиш  
суръатлари, 2021 йил ҳолатига, % да



МДХ Статистика қўмитаси тақдим этган расмий маълумотлардан фойдаланилган.

\*Аҳоли умумий даромадларининг реал ўсиш суръатлари.

Худудлар бўйича аҳоли ихтиёридаги умумий даромадларнинг  
реал ўсиш суръатлари

(2022 йил январь-декабрь ҳолатига, 2021 йилнинг мос даврига нисбатан, % да)



2022 йилнинг январь-декабрь ҳолатига кўра, аҳоли ихтиёридаги умумий даромадлар **586,5** трлн. сўмни ташкил этди (реал ўсиш суръати **109,2 %**), аҳоли жон бошига эса 16 453,1 минг сўмни (реал ўсиш суръати 107,0 %) ташкил этди.

Худудлар бўйича таҳлил қиладиган бўлсак, аҳоли жон бошига ихтиёридаги умумий даромадлар Тошкент шаҳри (**29 915,1** минг сўм) ҳамда Навоий (**26 326,2** минг сўм), Бухоро (**20 391,6** минг сўм), Хоразм (**18 865,6** минг сўм), ва Тошкент (**17 015,1** минг сўм) вилоятларида ўртача республика даражасидан юқори кўрсаткични ташкил этди.

Энг паст кўрсаткичлар Қорақалпоғистон Республикасида (**12 468,4** минг сўм), Фарғона (**12 698,2** минг сўм) ва Наманган (**13 069,4** минг сўм) вилоятларида кузатилди.

Хоразм (**113,8 %**), Сурхондарё (**113,6 %**), Наманган (**112,9 %**), Андижон (**111,9 %**) ва Қашқадарё (**110,9 %**) вилоятларида аҳоли ихтиёридаги умумий даромадларининг реал ўсиш суръати ўртача республика даражасидан юқори кўрсаткични ташкил этди.

2022 йилнинг январь-декабрь ҳолатига кўра, аҳоли реал ихтиёридаги умумий даромадлар **526,3** трлн. сўмни ташкил этди, аҳоли жон бошига эса **14 764,1** минг сўмни ташкил этди. Аҳоли жон бошига реал ихтиёридаги умумий даромадлар Қорақалпоғистон Республикасида (**11 166,4** минг сўм), Фарғона (**11 350,9** минг сўм), Наманган (**11 746,7** минг сўм) ва Қашқадарё (**12 684,1** минг сўм) вилоятларида худудлар бўйича энг паст кўрсаткич кузатилган бўлса, Тошкент шаҳри (**26 738,5** минг сўм), Навоий (**23 564,5** минг сўм), Бухоро (**18 286,8** минг сўм), Хоразм (**16 919,9** минг сўм) ва Тошкент (**15 283,5** минг сўм) вилоятларида ўртача республика даражасидан юқори кўрсаткични ташкил этди.

**Худудлар бўйича аҳоли жон бошига реал ихтиёридаги  
умумий даромадларнинг ўсиш суръатлари**  
(2022 йил январь-декабрь ҳолатига, 2021 йилнинг мос даврига нисбатан, % да)




Аҳоли жон бошига реал ихтиёридаги умумий даромадларнинг энг юқори ўсиш суръати Хоразм (111,9 %) вилоятида қайд этилди. Шунингдек, Сурхондарё (111,0 %), Наманган (110,4 %), Андижон (109,6 %), Қашқадарё ва Самарқанд (108,5 %), Фарғона (107,4 %) вилоятларида ўртача республика даражасидан юқори кўрсаткични ташкил этди.

Аксинча Навоий (98,9 %), Тошкент (99,9 %) ва Жиззах (103,0 %) вилоятларида аҳоли жон бошига реал ихтиёридаги умумий даромадларнинг ўсиш суръатларида паст кўрсаткич қайд этилди.

**3- БЎЛИМ. УМУМИЙ ДАРОМАДЛАР ТАРКИБИДАН,  
КИЧИК ТАДБИРКОРЛИКДАН ОЛИНГАН ДАРОМАДЛАР**

**Аҳоли умумий даромадлари ҳажмида  
кичик тадбиркорликдан олинган даромадларнинг улуши, % да**



2022 йилнинг январь-декабрь ойлари дастлабки маълумотларига кўра, аҳоли умумий даромадлари ҳажмида кичик тадбиркорликдан олинган даромадларнинг улуши **56,9 %** ни ташкил этди. Бу кўрсаткич 2018 йилда юқори улушни **64,2 %** ташкил этган.

*Маълумот учун: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 21 апрелдаги “Тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш, ишибилармонлик муҳитини янада яхшилаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ПҚ-5087-сон қарорига мувофиқ, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчиларга кенг имкониятлар яратиб берилмоқда.*

**Аҳоли умумий даромадлари ҳажмида  
кичик тадбиркорликдан олинган даромадларнинг улуши, % да  
(2022 йилнинг январь-декабрь ҳолатига)**

Қорақалпоғистон  
Республикаси

50,9

Самарқанд

59,1

Андижон

59,0

Сурхондарё

59,1

Бухоро

62,9

Сирдарё

58,9

Жиззах

67,9

Тошкент

59,5

Қашқадарё

59,6

Фарғона

57,3

Навоий

49,8

Хоразм

60,2

Наманган

60,5

Тошкент ш.

47,3

Аҳоли умумий даромадлари таркибида кичик тадбиркорликдан олинган даромадлар Жиззах (67,9 %), Бухоро (62,9 %), Наманган (60,5 %), Хоразм (60,2 %) ва Тошкент (59,5 %) вилоятларида сезиларли улушни эгаллади. Тошкент шаҳри (47,3 %), Навоий (49,8 %) вилоятида 50 % дан кам улушни ташкил этди.

## Статистик кўрсаткичларга изоҳлар

**Аҳоли умумий даромадларини** ҳисоблашда Давлат статистика ҳисоботи маълумотларидан, шунингдек, мунтазам равишда статистика органлари томонидан ўтказиб бориладиган якка тартибдаги тадбиркорлар ва деҳқон хўжаликларининг иқтисодий фаолияти бўйича ҳамда уй хўжаликлари даромадлари ва харажатларини ўрганиш бўйича танланма кузатув маълумотларидан, бундан ташқари Молия вазирлиги, Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси, Марказий Банк, Халқ Банки, Давлат солиқ кўмитаси томонидан аҳолига ҳисобланган даромадлар, ижтимоий тўловлар ва солиқ тўловлари тўғрисидаги умумлашган маълумотлардан фойдаланилади.

**Аҳолининг умумий даромадлари** доимий ёки такрорланувчи хусусиятга эга бўлган, йиллик ёки ундан кам вақт оралиғидаги даврда, уй хўжалиги ёки унинг алоҳида аъзоларига тушадиган пул ва натура шаклидаги тушумлардан ташкил топади.

**Аҳолининг бирламчи даромадлари** ишлаб чиқаришдан олинган даромадлар ва мол-мулкдан олинган даромадлардан ташкил топади.

**Ишлаб чиқаришдан олинган даромадларга** меҳнат фаолиятидан олинган даромад ва шахсий истеъмол учун ишлаб чиқарилган шахсий хизматлардан олинган даромадлар киради.

**Меҳнат фаолиятидан олинган даромад** ёлланма ишчиларнинг ва мустақил равишда банд бўлган аҳолининг даромадидан таркиб топади.

**Ёлланма ишчиларнинг даромади** бу меҳнатга ҳақ тўлашнинг яширин (яъни, бирламчи ва бухгалтерия ҳисобида акс эттирилмасдан иш берувчи томонидан амалга оширилган тўловлар) қисмини қўшган ҳолда пул ва натура (товарлар ёки хизматлар кўринишида) шаклида меҳнатга ҳақ тўлаш кўринишидаги даромадлар.

**Мустақил равишда банд бўлишдан олинган даромад** – мустақил равишда ташкиллаштирилган ва уй хўжалиги аъзолари жалб қилинган меҳнат жараёни натижасида олинган даромадлар.

**Шахсий истеъмол учун ўзида ишлаб чиқарилган хизматлардан олинган даромадларга** бозор учун мўлжалланмаган ва уй-жой эгалари томонидан фойдаланилаётган турар-жой хизматларининг шартли равишда ҳисобланган қиймати киради.

**Мол-мулкдан олинган даромадлар** (мулкий даромадлар) деганда мулкий эгалик қилиш ҳуқуқи бўлган молиявий ва номолиявий активларни бошқа шахсларга фойдаланиш учун беришдан уй хўжаликларига тушган тушумлар тушунилади.

**Фоизлар** – банк ҳисоб-рақамларидан, кредит уюшмалари ёки бошқа молиявий муассасаларга қўйилган омонатлардан, депозит сертификатлари, давлат облигациялари, заёмлар ва қимматли қоғозлар бўйича ҳамда бошқа шахсларга берилган қарздорлик мажбуриятлари ва кредитлар бўйича олинган тўловлари.

**Дивидендлар** – сармоядор (жисмоний шахс)нинг корхонада ишлаши ёки ишламаслигидан қатъий назар, корхонага сармоя киритиши натижасида олинган тушумлар.

**Муаллифлик ҳақи** – яратилган адабий асарлар, ихтиролар ва муаллифлик ҳуқуқи берилган (яъни, нафақат муаллифга (яратувчига) тўланиши мумкин бўлган, балки бошқа мулкдорларга, масалан, меросхўрга ҳам тўланадиган) бошқа патентланган материаллар учун эгаси томонидан олинган муаллифлик мукофотлари.

**Рента** – жисмоний шахс томонидан бошқа юридик ёки жисмоний шахсга ишлаб чиқарилмаган активларни (масалан, ер майдони) фойдаланишга беришидан олинган ижара тўловлари.

**Трансфертлар** – уй хўжаликларига бошқа уй хўжаликларидан, давлат томонидан, юридик шахслардан, чет элдан келиб тушадиган ҳамда келгусида қайтарилиши шарт бўлмаган товарлар, хизматлар ва активлардир.

**Пенсиялар** – қонунчиликда назарда тутилган, яъни маълум бир ёшга етганлиги, ногиронлик, боқувчисини йўқотганлиги, шунингдек, қонунчиликка асосан таъсис этилган тизимларга кирмайдиган (масалан, иш берувчи томонидан таъсис этилган) ижтимоий таъминот бўйича мунтазам амалга ошириладиган пул тўловлари.

**Нафақалар** – қонунчиликда назарда тутилган ҳолатларда, яъни меҳнат қобилиятини қисман ёки тўлиқ йўқотганлик, оғир моддий аҳвол, болали оилаларни қўллаб қувватлаш мақсадида, қариндошларнинг ўлими сабабли, ишсизлик бўйича нафақалар ва шунга ўхшаш ҳолатларда мунтазам ёки бир марта амалга ошириладиган пул тўловлари.

**Стипендия** – олий таълим муассасаларининг талабаларига тўланадиган ҳар ойлик пул таъминоти, шунингдек, жисмоний шахсларга, шу жумладан, хорижий давлатлардан ажратиладиган ўқув грантлари.

**Бошқа жорий трансфертларга** уй хўжалигига бошқа юридик ва жисмоний шахслар томонидан (мунтазам молиявий ёрдамлар, масалан, алиментлар, болалар ёки ота-оналар томонидан бериладиган моддий ёрдамлар, нотижорат ҳомийлик ташкилотларидан, касаба уюшмаларидан ва шунга ўхшашлардан мунтазам равишда тўланадиган) амалга ошириладиган тўловлар киради. Шунингдек, бошқа жорий трансфертлар тоифасига чет элдан, шу жумладан, жисмоний шахслар томонидан меҳнат фаолиятини амалга оширишдан олинган пул ўтказмалари киради.

**Аҳолининг реал умумий даромадлари бу** – аҳолининг номинал умумий даромадларини тегишли давр учун истеъмол нархлари индексига бўлиш йўли билан ҳисобланадиган нисбий кўрсаткич.

**Аҳоли ихтиёридаги даромад** – умумий даромаддан тўғри солиқларни (уларнинг қайтарилишини ҳисобга олган ҳолда), мажбурий йиғимлар ва жарималар ҳамда бир уй хўжалигига бошқа уй хўжалиги томонидан берилган моддий ёрдам пулларини чегириш орқали ҳисобланади.

**Аҳолининг ихтиёридаги реал умумий даромадлари** - бу аҳолининг ихтиёридаги умумий даромадларининг номинал ўсиш суръатларини тегишли даврдаги товарлар ва хизматлар истеъмол нархлари индексига бўлиш йўли билан ҳисобланган нисбий статистик кўрсаткич.



## XV. ЮРИДИК ШАХС МАҚОМИГА ЭГА БЎЛГАН КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАРДА ИШЛОВЧИ ХОДИМЛАРНИНГ ЎРТАЧА ОЙЛИК НОМИНАЛ ҲИСОБЛАНГАН ИШ ҲАҚИ


(2022 йил январь-декабрь, қишлоқ хўжалиги ва кичик тадбиркорлик  
субъектларидан ташқари, дастлабки маълумотлар)

**Номинал ҳисобланган иш ҳақи** – маълум бир давр (соат, ой, йил) мобайнида ходим томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулот (бажарилган иш ёки кўрсатилган хизмат) эвазига иш берувчилар томонидан, амалдаги қонун ҳужжатларига асосланган ҳолда солиқ ва бошқа тўловларни ўз ичига олувчи ёлланма ходимнинг меҳнатига ҳақ тўлаш тарзида жисмоний шахсга пул шаклида ҳисобланган даромадлардан иборат.

### 1 БЎЛИМ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БЎЙИЧА ЎРТАЧА ОЙЛИК НОМИНАЛ ҲИСОБЛАНГАН ИШ ҲАҚИ

Ўртача ойлик иш ҳақи ҳудудлар кесимида

қишлоқ хўжалиги корхоналари ҳамда кичик тадбиркорликсиз, январь-декабрь,  
минг сўмда



Ўртача ойлик номинал  
ҳисобланган иш ҳақи

Ўртача ойлик иш ҳақининг йиллар кесимидаги динамикаси  
(январь-декабрь)



Худудлар кесимида ўртача ойлик иш ҳақи динамикаси  
қишлоқ хўжалиги корхоналари ҳамда кичик тадбиркорликсиз,  
январь-декабрь, минг сўмда




2022 йилнинг январь-декабрь ойларида ҳудудлар бўйича ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақининг энг юқори кўрсаткичлари Тошкент шаҳрида (6 314,4 минг сўм), Навоий вилоятида (5 125,3 минг сўм), Тошкент вилоятида (3 946,9 минг сўм), Андижон вилоятида (3 381,8 минг сўм) ҳамда Бухоро вилоятида (3 310,0 минг сўм) кузатилди.

2022 йилнинг январь-декабрь ойларида ҳудудлар бўйича ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақининг энг юқори ўсиш суръатлари Тошкент шаҳрида (128,2 %), Хоразм вилоятида (123,1 %), Андижон вилоятида (122,6 %), Сурхондарё вилоятида (122,0 %), Самарқанд вилоятида (121,7 %) ҳамда Наманган вилоятида (120,6 %) кузатилди.





Ўртача ойлик номинал  
ҳисобланган иш ҳақи

Худудлар кесимида ўртача ойлик иш ҳақи динамикаси  
қишлоқ хўжалиги корхоналари ҳамда кичик тадбиркорликсиз,  
январь-декабрь, минг сўмда




Худудлар кесимида ўртача ойлик иш ҳақи динамикаси  
қишлоқ хўжалиги корхоналари ҳамда кичик тадбиркорликсиз,  
январь-декабрь, минг сўмда



Ўртача ойлик номинал  
ҳисобланган иш ҳақи

Республикадаги ўртача ойлик иш ҳақига нисбатан ҳудудлардаги ўртача  
ойлик иш ҳақи, январь-декабрь ҳолатида, % да



Иқтисодий фаолият турлари бўйича ходимлар сонининг  
жамига нисбатан улуши

(Корхона ва ташкилотларда (қишлоқ хўжалиги ва кичик тадбиркорлик субъектларисиз) меҳнат дафтарчалари мавжуд бўлган, ўртача ойлик иш ҳақини ҳисоблашда ҳисобга олинганлар, январь-декабрь ҳолатида)



Ўртача ойлик номинал  
ҳисобланган иш ҳақи

МАЪЛУМОТ  
УЧУН

**Барча юридик шахслар бўйича ўртача ойлик номинал иш ҳақи**  
(қишлоқ хўжалиги ва кичик тадбиркорлик субъектлари билан бирга, январь-декабрь)



Изоҳ: 2022 йил учун маълумот кичик тадбиркорлик субъектлари ва фермер хўжаликлари ҳисобот тақдим этганидан сўнг шакллантирилади.

**Йиллар кесимида номинал ҳисобланган ўртача ойлик иш ҳақи**  
(қишлоқ хўжалиги ва кичик тадбиркорлик субъектлари билан бирга)  
**ва истеъмол нархлари индекси кўрсаткичлари,**  
январь-декабрь, % да,



**Меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдори динамикаси, сўмда**



Батафсил  
маълумот олиш учун  
QR-коддан фойдаланинг:




**Ўртача ойлик номинал  
ҳисобланган иш ҳақи**

**Маълумот учун:** Меҳнатга ҳақ тўлашининг энг кам миқдориغا 2022 йил 1 июндан ўзгартириши киритилди ҳамда 920,0 минг сўмга етказилди.

2022 йил январь-декабрь ойлари учун ўртача ойлик иш ҳақи кўрсаткичини шакллантиришда қишлоқ хўжалиги ва кичик тадбиркорлик субъектлари ҳисобга олинмаган чунки фермер хўжаликлари ҳамда кичик тадбиркорлик субъектлари йилда бир марта ҳисобот тақдим этиши белгиланган.

**Ўртача ойлик иш ҳақининг тармоқлар бўйича ўзгариш динамикаси,  
январь-декабрь, минг сўм**




**Ўртача ойлик номинал  
ҳисобланган иш ҳақи**


Юридик шахс мақомига эга бўлган корхона ва ташкилотларда ишловчи ходимларнинг ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақлари (кейинги ўринларда – ўртача ойлик иш ҳақи) ҳар бир иқтисодий фаолият турларида турлича фарқланади.

Ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи таркибига қўшимча тўловлар, мукофот пуллари, рағбатлантирувчи тўловлар, компенсация ва ишламаган вақти учун тўловлар, шунингдек, жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи ва касаба уюшмасига ажратмалар киради.

**Баъзи тармоқлар бўйича ўртача ойлик иш ҳақининг  
Республикадаги ўртача ойлик иш ҳақига нисбати,  
январь-декабрь, % да,**



**2022 йилда ўртача ойлик иш ҳақининг ойлар кесимидаги динамикаси,  
минг сўм**




**Ўртача ойлик номинал  
ҳисобланган иш ҳақи**



## 2 БЎЛИМ. ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ ТУРЛАРИДА ЎРТАЧА ОЙЛИК НОМИНАЛ ҲИСОБЛАНГАН ИШ ҲАҚИ

Иқтисодий фаолият турлари кесимида ўртача ойлик иш ҳақи,  
январь-декабрь, минг сўм




2022 йил январь-декабрь ойларида иқтисодий фаолият турлари бўйича ўртача ойлик иш ҳақининг энг баланд кўрсаткичи – **банк, суғурта, лизинг, кредит ва воситачилик фаолияти соҳасига** тўғри келиб, 10 817,1 минг сўмни ташкил этди.

Шунингдек, **ахборот ва алоқа соҳаси** 7 556,4 минг сўмни, **ташиш ва сақлаш соҳаси** 5 079,8 минг сўмни ва **саноат соҳаси** 4 920,0 минг сўмни ташкил этиб, ўртача ойлик иш ҳақига нисбатан юқори кўрсаткични ташкил қилди. **Таълим** (2 695,4 минг сўм) ҳамда **соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиши** (2 611,7 минг сўм) соҳалари эса бошқа соҳаларга нисбатан энг қуйи поғоналарда эканлигини кўришимиз мумкин.

**Номинал ҳисобланган иш ҳақи** – маълум бир давр (соат, ой, йил) мобайнида ходим томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулот (бажарилган иш ёки кўрсатилган хизмат) эвазига иш берувчилар томонидан, амалдаги қонун ҳужжатларига асосланган ҳолда солиқ ва бошқа тўловларни ўз ичига олувчи ёлланма ходимнинг меҳнатига ҳақ тўлаш тарзида жисмоний шахсга пул шаклида ҳисобланган даромадлардан иборат.

Саноат соҳасида ўртача ойлик иш ҳақи




Саноатнинг асосий тармоқлари бўйича ўртача ойлик иш ҳақи,  
январь-декабрь, минг сўм



Саноатнинг асосий тармоқлари бўйича ўртача ойлик иш ҳақининг энг юқори кўрсаткичи **тоғ-кон саноати ва очик конларни ишлаш тармоғи** (7 126,6 минг сўм), **электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш** (5 703,4 минг сўм) ҳамда **ишлаб чиқариш саноатида** (4 786,3 минг сўм) кузатилди.

Ўртача ойлик номинал  
ҳисобланган иш ҳақи


Саноат соҳасида тармоқлар бўйича иш ҳақи ўзгариши динамикаси,  
январь-декабрь, минг сўм



Ҳудудлар кесимида,  
январь-декабрь, минг сўм



Ўртача ойлик иш ҳақининг йиллар кесимидаги динамикаси,  
январь-декабрь, минг сўм



Саноат иқтисодий фаолият тури бўйича ўртача ойлик иш ҳақининг энг юқори кўрсаткичи Навоий вилояти (7 444,7 минг сўм), Тошкент шаҳри (5 564,1 минг сўм), Тошкент (5 072,7 минг сўм), Андижон (4 812,8 минг сўм) ҳамда Қашқадарё вилоятларида (4 676,0 минг сўм) кузатилди.

Ўртача ойлик номинал  
ҳисобланган иш ҳақи


### Қурилиш соҳасида ўртача ойлик иш ҳақи



### Худудлар кесимида, январь-декабрь, минг сўм




### Ўртача ойлик иш ҳақининг йиллар кесимидаги динамикаси, январь-декабрь, минг сўм



Қурилиш фаолият тури бўйича ўртача ойлик иш ҳақининг энг юқори кўрсаткичи Тошкент вилояти (6 803,9 минг сўм), Тошкент шаҳри (5 350,5 минг сўм) ҳамда Навоий вилояти (5 178,9 минг сўм)да қайд этилди.

## Ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи

### Савдо соҳасида ўртача ойлик иш ҳақи



### Савдо соҳасининг асосий тармоқлари бўйича ўртача ойлик иш ҳақи, январь-декабрь, минг сўм



**3 649,7**

Автомобиль ва мототциклларнинг савдосидан ташқари чакана савдо



**4 267,0**

Автомобиль ва мототциклларнинг савдосидан ташқари улгуржи савдо



**4 832,4**

Автомобиль ва мототциклларнинг улгуржи ва чакана савдоси ва уларни таъмирлаш




**5 467,9**

Озиқ-овқат маҳсулотлари, жумладан, ичимликлар ва тамаки маҳсулотлари улгуржи савдоси

Савдо соҳасининг асосий тармоқлари бўйича ўртача ойлик иш ҳақининг энг юқори кўрсаткичи **озиқ-овқат маҳсулотлари, жумладан, ичимликлар ва тамаки маҳсулотлари улгуржи савдосида** (5 467,9 минг сўм), энг паст кўрсаткич эса **автомобил ва мототциклларнинг савдосидан ташқари чакана савдода** (3 649,7 минг сўм) кузатилди.

Савдо соҳасида тармоқлар бўйича иш ҳақи ўзгариши динамикаси,  
январь-декабрь, минг сўм



Худудлар кесимида,  
январь-декабрь, минг сўм




Ўртача ойлик иш ҳақининг  
йиллар кесимидаги  
динамикаси, январь-декабрь,



Савдо фаолият тури бўйича ўртача ойлик иш ҳақининг энг юқори кўрсаткичи Тошкент шаҳри (4 681,3 минг сўм), Бухоро (3 663,7 минг сўм) ва Жиззах вилоятларида (3 402,7 минг сўм) кузатилди. Юқори ўсиш суръати Сурхондарё вилоятида (160,2 %), Бухоро вилоятида (145,3 %), Тошкент шаҳрида (124,8 %) ва Қашқадарё вилоятида (121,2 %) қайд этилди.

Ўртача ойлик номинал  
ҳисобланган иш ҳақи

### Ташиш ва сақлаш соҳасида ўртача ойлик иш ҳақи



### Ташиш ва сақлаш иқтисодий фаолият турининг асосий тармоқлари бўйича ўртача ойлик иш ҳақи, январь-декабрь



**8 456,6** минг сўм

Омбор хўжалиги ва ёрдамчи транспорт фаолияти



**4 634,1** минг сўм

Қуруқликдаги ва қувур транспорти




**2 407,4** минг сўм

Почта ва курьерлик фаолияти



Ташиш ва сақлаш иқтисодий фаолият турининг асосий тармоқлари бўйича ўртача ойлик иш ҳақининг энг юқори кўрсаткичи **омбор хўжалиги ва ёрдамчи транспорт фаолиятида** (8 456,6 минг сўм), энг паст кўрсаткич эса **почта ва курьерлик фаолиятида** (2 407,4 минг сўм) кузатилди.


Ташиш ва сақлаш соҳасида тармоқлар бўйича  
иш ҳақи ўзгариши динамикаси, январь-декабрь, минг сўм



Худудлар кесимида,  
январь-декабрь, минг сўм



Ўртача ойлик иш ҳақининг  
йиллар кесимидаги  
динамикаси, январь-декабрь,  
минг сўм




Ташиш ва сақлаш иқтисодий фаолият тури бўйича ўртача ойлик иш ҳақининг энг юқори кўрсаткичи Хоразм вилояти (6 488,4 минг сўм), Тошкент шаҳри (6 069,2 минг сўм), Бухоро вилоятида (5 270,9 минг сўм) кузатилди. Юқори ўсиш суръати Жиззах вилоятида (177,3 %), Сирдарё вилоятида (172,7 %), Тошкент вилоятида (150,0 %) ва Хоразм вилоятида (136,5 %) қайд этилди.

Ўртача ойлик номинал  
ҳисобланган иш ҳақи



### Ахборот ва алоқа соҳасида ўртача ойлик иш ҳақи




### Ахборот ва алоқа соҳасининг асосий тармоқлари бўйича ўртача ойлик иш ҳақи, январь-декабрь



Ахборот ва алоқа соҳасининг асосий тармоқлари бўйича ўртача ойлик иш ҳақининг энг юқори кўрсаткичи **компьютер дастурлаштириш, маслаҳат бериш ва бошқа ёрдамчи хизматларда** (13 954,8 минг сўм), энг паст кўрсаткич эса **ноширлик фаолиятида** (6 584,3 минг сўм) кузатилди.

Ахборот ва алоқа соҳасида тармоқлар бўйича иш ҳақи ўзгариши динамикаси,  
январь-декабрь, минг сўм



Худудлар кесимида,  
январь-декабрь, минг сўм




Ўртача ойлик иш ҳақининг йиллар кесимидаги динамикаси,  
январь-декабрь, минг сўм



Ахборот ва алоқа иқтисодий фаолият тури бўйича ўртача ойлик иш ҳақининг энг юқори кўрсаткичи Тошкент шаҳри (9 144,7 минг сўм), Самарқанд вилояти (4 849,3 минг сўм) ҳамда Жиззах вилоятида (4 696,5 минг сўм) кузатилди. Юқори ўсиш суръати Тошкент (153,0%), Фарғона (142,4%), Бухоро (142,0%), Самарқанд вилоятларида (141,0%) қайд этилди.

Ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи

Банк, суғурта, лизинг, кредит ва воситачилик  
соҳасида ўртача ойлик иш ҳақи



Банк, суғурта, лизинг, кредит ва воситачилик фаолиятининг  
асосий тармоқлари бўйича ўртача ойлик иш ҳақи, январь-декабрь



**10 845,2** минг сўм

Суғурталаш ва нафақа таъминотидан ташқари молиявий хизматлар



**10 302,9** минг сўм

Мажбурий ижтимоий суғурталашдан ташқари, қайта суғурталаш ва нафақа жамғармалари фаолияти



**12 272,5** минг сўм

Молиявий хизматлар кўрсатиш ва суғурталаш бўйича ёрдамчи фаолият

Банк, суғурта, лизинг, кредит ва воситачилик фаолияти иқтисодий фаолият тури бўйича ўртача ойлик иш ҳақининг энг юқори кўрсаткичи **молиявий хизматлар кўрсатиш ва суғурталаш бўйича ёрдамчи фаолиятда** (12 272,5 минг сўм) энг паст кўрсаткичи эса **мажбурий ижтимоий суғурталашдан ташқари, қайта суғурталаш ва нафақа жамғармалари фаолиятида** (10 302,9 минг сўм) кузатилди.

Банк, суғурта, лизинг, кредит ва воситачилик соҳасида тармоқлар бўйича  
иш ҳақи ўзгариши динамикаси, январь-декабрь, минг сўм




Худудлар кесимида,  
январь-декабрь, минг сўм



● ўтган йилнинг мос даврига нисбатан ўсиш


Ўртача ойлик иш  
ҳақининг йиллар  
кесимидаги динамикаси,  
январь-декабрь, минг сўм



Банк, суғурта, лизинг, кредит ва воситачилик фаолияти иқтисодий фаолият тури бўйича ўртача ойлик иш ҳақининг энг юқори кўрсаткичи Тошкент шаҳри (14 254,1 минг сўм), Андижон (9 782,6 минг сўм), Хоразм (9 096,0 минг сўм) ва Бухоро (8 874,1 минг сўм) вилоятларида кузатилди. Юқори ўсиш суръати Сурхондарё вилоятида (55,1%), Фарғона вилояти (36,2%) ҳамда Андижон вилояти (35,4%) қайд этилди.

Ўртача ойлик номинал  
ҳисобланган иш ҳақи

### Таълим соҳасида ўртача ойлик иш ҳақи




### Таълим соҳасининг асосий тармоқлари бўйича ўртача ойлик иш ҳақи, январь-декабрь



Таълим соҳасининг асосий тармоқлари бўйича ўртача ойлик иш ҳақининг энг юқори кўрсаткичи **олий таълимда** (6 121,2 минг сўм), энг паст кўрсаткич эса **мактабгача таълимда** (1 539,2 минг сўм) кузатилди.

Таълим соҳасида тармоқлар бўйича иш ҳақи ўзгариши динамикаси,  
январь-декабрь, минг сўм




Худудлар кесимида,  
январь-декабрь, минг сўм



● ўтган йилнинг мос даврига нисбатан ўсиш


Ўртача ойлик иш  
ҳақининг йиллар  
кесимидаги динамикаси,  
январь-декабрь, минг сўм



Таълим соҳаси бўйича ўртача ойлик иш ҳақининг энг юқори кўрсаткичи Тошкент шаҳри (4 271,6 минг сўм), Андижон (2 688,0 минг сўм) ҳамда Сирдарё вилоятларида (2 680,0 минг сўм) кузатилди. Юқори ўсиш суръати Тошкент шаҳрида (124,0 %), Самарқанд (117,6 %), Навоий (117,5 %) ҳамда Хоразм вилоятларида (117,4 %) қайд этилди.

Ўртача ойлик номинал  
ҳисобланган иш ҳақи


Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш  
соҳасида ўртача ойлик иш ҳақи



Худудлар кесимида,  
январь-декабрь, минг сўм




Ўртача ойлик иш ҳақининг  
йиллар кесимидаги динамикаси,  
январь-декабрь, минг сўм



Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш соҳасининг фаолият тури бўйича ўртача ойлик иш ҳақининг энг юқори кўрсаткичи Тошкент шаҳри (3 039,7 минг сўм), Қорақалпоғистон Республикаси (2 826,0 минг сўм) ҳамда Самарқанд вилоятида (2 802,6 минг сўм) кузатилди. Юқори ўсими суръати Самарқанд (137,7 %), Навоий (128,7 %) ҳамда Жиззах (125,9 %) вилоятларида қайд этилди.

Ўртача ойлик номинал  
ҳисобланган иш ҳақи

Яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар соҳасида  
ўртача ойлик иш ҳақи



Худудлар кесимида,  
январь-декабрь, минг сўм



Ўртача ойлик иш ҳақининг  
йиллар кесимидаги  
динамикаси, январь-декабрь,  
минг сўм




Яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар соҳасининг фаолият тури бўйича ўртача ойлик иш ҳақининг энг юқори кўрсаткичи Тошкент шаҳри (3 648,6 минг сўм), Қорақалпоғистон Республикаси (3 064,5 минг сўм) ҳамда Сурхондарё (2 886,5 минг сўм) вилоятларида кузатилди. Юқори ўсиш суръати Тошкент шаҳрида (32,2 %) Сирдарё вилоятида (31,5 %) ва Қорақалпоғистон Республикасида (28,6 %) қайд этилди.

Ўртача ойлик номинал  
ҳисобланган иш ҳақи




### Санъат, кўнгил очиш ва дам олиш соҳасида ўртача ойлик иш ҳақи



### Худудлар кесимида, январь-декабрь, минг сўм



### Ўртача ойлик иш ҳақининг йиллар кесимидаги динамикаси, январь-декабрь, минг сўм



Санъат, кўнгил очиш ва дам олиш соҳасининг фаолияти тури бўйича ўртача ойлик иш ҳақининг энг юқори кўрсаткичи Тошкент (4 955,6 минг сўм), Наманган вилоятларида (3 943,4 минг сўм) ҳамда Тошкент шаҳрида (3 406,4 минг сўм) кузатилди. Юқори ўсиш суръати Наманган (137,1%), Самарқанд (136,0%) ҳамда Фарғона (128,1%) вилоятларида қайд этилди.

## Ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи

## Кўрсаткичларга изоҳлар

**Номинал ҳисобланган иш ҳақи** – маълум бир давр (соат, ой, йил) мобайнида ходим томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулот (бajarилган иш ёки кўрсатилган хизмат) эвазига иш берувчилар томонидан, амалдаги қонун ҳужжатларига асосланган ҳолда солиқ ва бошқа тўловларни ўз ичига олувчи ёлланма ходимнинг меҳнатига ҳақ тўлаш тарзида жисмоний шахсга пул шаклида ҳисобланган даромадлардан иборат.

**Меҳнат дафтарчалари мавжуд бўлган ходимлар сони** – ойнанинг маълум бир санасига, яъни биринчи ёки охириги санасига кўрсатилади. Бунда ҳақиқатда ишлаётганлар, вақтинча ишламаётган, бироқ ишга расман бириктирилганлиги ҳуқуқини сақлаб қолганлар ҳам ҳисобга олинади. Битта ташкилотнинг ичида ички ўриндош сифатида расмийлаштирилган ходим бир киши сифатида ҳисобга олинади. Меҳнат дафтарчалари мавжуд бўлган ходимлар таркибига қуйидагилар: Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 11, 83, 102, 119, 150, 159, 160, 165, 229, 236, 242, 254 моддаларида келтирилганлар ва бошқа меҳнатга оид қонунчилик ва меъёрий ҳужжатларда келтирилганлар киритилади.

Қуйидаги ходимлар меҳнат дафтарчалари мавжуд бўлган ходимлар таркибига киритилмайди: бошқа ташкилотлардан ўриндошлик бўйича ишга қабул қилинганлар; фуқаролик-ҳуқуқий тусда тузилган шартномалар бўйича иш бажарувчилар; ташкилот томонидан, ишдан ажралган ҳолда, таълим муассасаларига юборилганлар.

**Ўртача иш ҳақини ҳисоблаш учун қабул қилинадиган ходимлар сони** – ҳомиладорлик ва туғиш бўйича таътилда бўлган, бевосита туғуруқxonанинг ўзидан янги туғилган чақалоқни фарзандликка олиш муносабати билан таътилда бўлган, ҳамда болани унинг қонун ҳужжатларига мувофиқ маълум бир ёшга тўлгунига қадар парвариш қилиш бўйича таътилда бўлган аёллар; таълим муассасаларида ўқиётган ва иш ҳақи сақланмаган ҳолда қўшимча меҳнат таътилида бўлганлар, шунингдек, таълим муассасаларига кириш имтиҳонларини топшириш учун иш ҳақи сақланмаган ҳолда таътилда бўлган ходимларларни инобатга олмаган ҳолда, меҳнат дафтарчалари мавжуд бўлган ва иш ҳақи ҳисобланган ходимларнинг ўртача сонини ифодалайди.

Ҳисобот ойини қўшган ҳолда, йил бошидан ҳисобот давридаги ходимларнинг ўртача сони ўтган жами ойлардаги ходимларнинг ўртача ойлик сонини қўшиш ва олинган суммани ҳисобот давридаги ойлар сонига бўлиш орқали аниқланади.

Жисмоний шахсларга ҳисобланган меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги даромадлар Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 371, 372, 373 ва 374 моддаларига асосан шакллантирилади.








## XVI. ДЕМОГРАФИК ҲОЛАТИ

### 1-БЎЛИМ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ДЕМОГРАФИК ҲОЛАТИ

2022 йил январь-декабрь, дастлабки маълумотлар

**Демография статистикаси** – ижтимоий-иқтисодий статистиканинг соҳаларидан бири бўлиб, аҳоли сони, таркиби, аҳоли ёки унинг гуруҳларининг жойлашуви ва такрор ҳосил бўлиши билан боғлиқ маълумотларни статистик усуллардан фойдаланган ҳолда йиғиш, қайта ишлаш, ифодалаш ва таҳлил қилиш фаолияти билан шугулланади.

**Доимий аҳоли сони** **36 024,9** минг киши  
(2023 йил 1 январь ҳолатига)

<b>Туғилганлар сони</b> 	<b>Вафот этганлар сони</b> 	<b>Аҳолининг табиий ўсиши</b> 
<b>932 192</b> нафар 2021 йилга нисбатан <b>3,0 %</b> га кўпайган	<b>172 075</b> нафар 2021 йилга нисбатан <b>1,4 %</b> га камайган	<b>760 117</b> нафар 2021 йилга нисбатан <b>4,0 %</b> га кўпайган
<b>Туғилиш даражаси</b> <b>26,2</b> ‰ 2021 йилга нисбатан <b>0,3</b> ‰ га кўпайган	<b>Вафот этиш даражаси</b> <b>4,8</b> ‰ 2021 йилга нисбатан <b>0,2</b> ‰ га камайган	<b>Табиий ўсиш коэффициенти</b> <b>21,4</b> ‰ 2021 йилга нисбатан <b>0,5</b> ‰ га кўпайган
<b>Қайд этилган никоҳлар сони</b> 	<b>Никоҳдан ажралишлар сони</b> 	<b>Мингта никоҳга тўғри келадиган ажралишлар</b>
<b>296 689</b> nafar 2021 йилга нисбатан <b>2,8 %</b> га камайган	<b>48 734</b> nafar 2021 йилга нисбатан <b>23,9 %</b> га кўпайган	<b>164,3</b> ‰ Бунда, ҳар 1000 та тузилган никоҳга тўғри келадиган никоҳдан ажралишлар сони никоҳ мустаҳкамлиги коэффициенти ифодалайди.
<b>Никоҳ тузиш даражаси</b> <b>8,3</b> ‰ 2021 йилга нисбатан <b>0,4</b> ‰ га камайган	<b>Никоҳдан ажралиш даражаси</b> <b>1,4</b> ‰ 2021 йилга нисбатан <b>0,3</b> ‰ га кўпайган	<b>2021 йилга нисбатан 35,4 %</b> га кўпайган
<b>Хориждан кўчиб келганлар сони</b> 	<b>Хорижга кўчиб кетганлар сони</b> 	<b>Миграция сальдоси</b>
<b>2 322</b> киши 2021 йилга нисбатан <b>23,8 %</b> га кўпайган	<b>8 790</b> киши 2021 йилга нисбатан <b>56,4 %</b> га камайган	<b>-6 468</b> киши 2021 йилга нисбатан <b>64,6 %</b> га камайган
<b>Доимий аҳоли сонининг умумий ўсиши</b>	<b>+753,6</b> минг киши	<b>2021 йилга нисбатан 2,1 %</b> га кўпайган

Ўзбекистон ва жаҳоннинг айрим демографик кўрсаткичлари



Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан эълон қилинган маълумотлардан фойдаланилди.


Ўзбекистон Республикасининг айрим демографик кўрсаткичлар бўйича дунёдаги ўрни

## Ўзбекистон:



2022 йилда дунёнинг 196 та давлатлари ўртасида Ўзбекистон Республикасининг айрим демографик кўрсаткичлар бўйича тутган ўрни БМТ томонидан эълон қилиб бориладиган статистика маълумотлари асосида шакллантирилган.


Дунё аҳолиси сонининг сўнгги беш йил давомида йиллик ўзгариши  
миллион киши



БМТ маълумотларига кўра, 2017 йилда дунё аҳолиси сони 86,0 млн. кишига кўпайган бўлса, 2021 йилда эса аҳоли сонининг йиллик кўпайиши 20,9 фоизга камайиб 68,0 млн. кишини ташкил этган.


Дунё бўйича аҳоли сонининг дастлабки 1 млрд. кишидан 2 млрд. кишига етиши учун кетган вақт 123 йилни ташкил этган бўлса, 7 млрд. кишидан 8 млрд. кишига етиши учун кетган вақт эса 11 йилни ташкил этди.

Дунё аҳолиси сонининг ҳар млрд кишига кўпайиши  
млрд. киши




**Доимий аҳоли сони** – рўйхатдан ўтказилаётган вақтда муайян аҳоли пункти ёки ҳудудда доимий истиқомат қилаётган аҳолидан иборат бўлиб, бунга ушбу ҳудудда доимий рўйхатда туриб, лекин вақтинча яшамайдиган аҳоли ҳам киритилади.

**Ўзбекистон Республикаси доимий аҳолиси сонининг  
сўнгги юз йилдаги ўзгариши**  
1 январь ҳолатига, миллион киши, йиллар



Ўзбекистон Республикаси доимий аҳолиси сони 1920 йилда 4,4 млн. кишини ташкил этган бўлса, 2023 йилнинг 1 январига келиб, доимий аҳоли сони 31,6 миллион кишига ёки 8 баробарга кўпайиб 36 024,9 минг кишини ташкил этди. Ўз навбатида, табиий ўсиш коэффициенти 1920 йилга (11,0 промилле) нисбатан 9,9 промиллега кўпайган ҳамда 20,9 промиллени ташкил этди.

**Ўзбекистон Республикаси доимий аҳолисининг сўнгги юз йилда  
табиий ўсиш коэффициенти**  
1000 аҳолига нисбатан, промилле, йиллар



Ўзбекистон Республикасининг доимий аҳолиси сони


1 январь ҳолатига

Йиллик маълумотлар,  
минг киши



Чораклар якунлари,  
минг киши/улуши

1 апрель ҳолатига




Жинслар кесимида  
тақсимланиши




Шаҳар ва қишлоқ жойлар  
бўйича тақсимланиши



1 июль ҳолатига



1 октябрь ҳолатига



2023 йилнинг 1 январь ҳолатига доимий аҳоли сони 36 024,9 минг кишини ташкил этди. шундан эркаклар сони 18 128,6 минг кишини, аёллар сони 17 896,3 минг кишини, шаҳар аҳолиси сони 18 335,7 минг кишини, қишлоқ аҳолиси сони 17 689,2 минг кишини ташкил этди.


**Меҳнатга лаёқатли ёшдаги аҳоли сони** – Меҳнат Кодексига мувофиқ 16 ёшдан 60 ёшгача бўлган эркаклар ва 16 ёшдан 55 ёшгача бўлган аёллардан ташкил топади (16 ёшгача бўлган болалар ва ўсмирлар меҳнатга лаёқатли ёшдан кичиклар, 60 ёш ва ундан катта эркаклар ҳамда 55 ёш ва ундан катта аёллар меҳнатга лаёқатли ёшдан катталар тоифаларига ажратилади).

**Аҳоли сонининг ёш гуруҳлари бўйича тақсимланиши**  
2023 йил 1 январь ҳолатига % да



2023 йил 1 январь ҳолатига кўра доимий аҳоли сонининг 31,7 фоизи меҳнат ёшидан кичиклар, 56,8 фоизи меҳнат ёшидагилар ва 11,5 фоизи меҳнат ёшидан катталар ҳиссасига тўғри келмоқда.

**Ўзбекистон Республикаси бўйича аҳоли зинчлиги**  
2023 йил 1 январь ҳолатига, 1 кв.км.га тўғри келадиган аҳоли сони, киши




Ўзбекистон Республикасида 2023 йил 1 январь ҳолатига кўра 1 квадрат километрга ўртача 80,2 киши тўғри келмоқда. Бу эса ўтган йилнинг мос даврига нисбатан солиштирилганда 1,6 кишига ортган (2022 йилда 1 кв.км.га 78,6 киши).

Худудлар бўйича таҳлил этилганда, аҳоли зичлигининг энг юқори кўрсаткичи Тошкент шаҳрида 6 597,5 киши, Андижон вилоятида 772,7 киши, Фарғона вилоятида 588,2 кишини ташкил этган бўлса, энг паст кўрсаткичлар Навоий вилояти 9,5 киши, Қорақалпоғистон Республикасида 11,9 кишини ташкил этган.



Ўзбекистон Республикасида қайд этилган туғилишлар  
2022 йил январь-декабрь

Йиллар бўйича тақсимланиши,  
минг киши



Жинслар кесимида  
тақсимланиши




Шаҳар ва қишлоқ жойлар  
бўйича тақсимланиши




2022 йил давомида тирик туғилганлар сони 932,2 минг кишини ташкил этиб, шундан ўғил болалар сони 482,4 минг нафарни, қизлар сони эса 449,8 минг нафарни ташкил этган. Болаларнинг 473,4 минг нафари шаҳар жойларида туғилган бўлса, 458,8 минг нафари қишлоқ жойларида туғилган.

Ойлар бўйича  
тақсимланиши, киши/улуши




**Тирик туғилиш** – нафас, юрак уриши, киндик пулсацияси, мускулларнинг беихтиёр қисқаришларидан бири мавжуд бўлса ҳам бола тирик туғилган ҳисобланади. Бунда онанинг ҳомиладорлик муддати 22 ҳафта ва ундан ортиқ, боланинг бўйи 25 см ва ундан ортиқ, вазни 500 грамм ва ундан ортиқ бўлиши лозим.

**Туғилишларнинг чақалоқлар сони бўйича тақсимланиши**  
2022 йил январь-декабрь, % да




2022 йилда қайд этилган эгизак туғилган чақалоқлар сони таҳлил этилганда жами туғилганларнинг 97,8 фоизи 1 нафар туғилган, 2,1 фоизи 2 нафар эгизак туғилган ва 0,1 фоизи 3 нафар ва ундан ортиқ эгизак туғилганлиги кузатилди.

**Ота-онасининг ёши бўйича туғилганларнинг тақсимланиши**  
2022 йил январь-декабрь, % да



Туғилганлар сонини аниқлашда Оила кодексига мувофиқ, туғилган чақалоқнинг онаси ёки отасининг доимий яшаш жойига қараб туғилган ҳудуди аниқланади ҳамда ўша ҳудуднинг аҳолиси сонига қўшилади.


Туғилиш кўрсаткичлари бўйича МДХ давлатлари рейтинги  
1000 аҳолига нисбатан коэффициенти



МДХ давлатларида туғилиш даражасига кўра мамлакатлар бўйича энг юқори кўрсаткичлар Ўзбекистон Республикаси (26,2), Қозоғистон Республикаси (23,5), Қирғиз Республикаси (22,4), Арманистон Республикаси (12,4), Озарбайжон Республикаси (11,2), Молдова Республикаси (11,2), Россия Федерацияси (9,6), Украина Республикаси (7,3) хиссасига тўғри келган.

Ойлар кесимида туғилганлар сони

киши



Ўзбекистон Республикаси бўйича вафот этганлар  
2022 йил январь-декабрь

Йиллар бўйича тақсимланиши,  
минг киши



Жинслар кесимида  
тақсимланиши




Шаҳар ва қишлоқ жойлар  
бўйича тақсимланиши




2022 йил январь-декабрь ойларида вафот этганлар сони 172,1 минг кишини ташкил этди, шундан эркаклар сони 95,0 минг кишини, аёллар сони 77,1 минг киши, вафот этганлар сони шаҳар жойларида 92,0 минг кишини, қишлоқ жойларида 80,1 минг кишини ташкил этди.

Ойлар бўйича тақсимланиши, киши/улуши




**Ўлим (вафот этиш)** – тананинг ҳаётий фаолиятининг биологик ва физиологик жараёнларининг тўлиқ тўхташидир.

**Вафот этиш коэффиценти**  
1000 аҳолига нисбатан коэффиценти, йиллар



**Ўлим сабаблари** – ўлимга ёки унинг содир бўлишига таъсир этган касалликлар, патологик ҳолатлар ва жароҳатлар, шунингдек, ўлим билан яқун топган жароҳатга сабаб бўлган бахтсиз ҳодиса ва зўравонлик ҳолатлари тушунилади.


**Ўлимнинг асосий сабаблари бўйича тақсимланиши**  
2022 йил январь-декабрь, киши



2022 йилнинг январь-декабрь ойларида қайд этилган ўлим ҳолатининг 55,5 фоизи – қон айланиш тизими касалликларидан, 9,6 фоизи – нафас олиш аъзолари касалликларидан, 8,0 фоизи – ўсимталардан, 5,5 фоизи – бахтсиз ҳодиса, захарланиш ва жароҳатланишлардан, 4,1 фоизи – овқат ҳазм қилиш аъзолари касалликларидан, 1,4 фоизи – юқумли ва паразитар касалликлардан, 15,9 фоизи бошқа касалликлардан вафот этган.


### Ўлимнинг ёш гуруҳлари бўйича тақсимланиши

2022 йил январь-декабрь, % да



### Ойлар кесимида вафот этганлар сони


киши



Сўнгги 5 йил давомида қайд этилган вафот этганлар сони кўрсаткичи ойлар кесимида таҳлил этилганда, нисбатан кам вафот этганлар сони январь, сентябрь ойларида, кўп вафот этганлар сони эса июль, август ойларида қайд этилганлиги кузатилди.

Ўзбекистон Республикасида қайд этилган никоҳлар  
2022 йил январь-декабрь

Йиллар бўйича тақсимланиши,  
минг бирлик



2022 йил январь-декабрь ойларида қайд этилган никоҳлар сони 296,7 минг бирликни ташкил этиб, сўнгги 5 йилда сезиларли камайганлиги, яъни 2018 йилга нисбатан 14,7 мингтага ёки 4,7 фоизга камайганлиги кузатилди.

Шаҳар ва қишлоқ жойлар  
бўйича тақсимланиши



**Шаҳар**  
**149,3**  
минг бирлик



**Қишлоқ**  
**147,4**  
минг бирлик

2022 йил январь-декабрь ойларида қайд этилган никоҳлар сони 296,7 тани ташкил этган бўлса, шундан 149,3 таси шаҳар жойларда ва 147,4 таси қишлоқ жойларда қайд этилган.

Ойлар бўйича  
тақсимланиши, бирлик/улуши



**Никоҳ ёши** – Ўзбекистон Республикаси Оила кодексига мувофиқ никоҳ ёши эркеклар ва аёллар учун ўн саккиз ёш этиб белгиланади. Узрли сабаблар бўлганида, алоҳида ҳолларда, никоҳга киришни хоҳловчиларнинг илтимосига кўра никоҳ давлат рўйхатидан ўтказиладиган жойдаги туман, шаҳар ҳокими никоҳ ёшини кўпи билан бир йилга камайтириши мумкин.

### Никоҳланганларнинг ўртача ёши


2022 йил январь-декабрь



2022 йил январь-декабрь ойлари давомида қайд этилган никоҳларда аёлларнинг ўртача ёши 22,3 ёшни, эркекларнинг ўртача ёши эса 26,5 ёшни ташкил этган. Қайд этилган никоҳларнинг кўп қисми 25 ёшгача бўлганлар орасида бўлиб, жами никоҳларнинг 55,5 фоизини ташкил этган.

### Ойлар бўйича қайд этилган никоҳлар сони

бирлик



Сўнгги 5 йил давомида қайд этилган никоҳлар сони кўрсаткичи ойлар кесимида таҳлил этилганда, нисбатан кам никоҳ тузганлар сони апрель ва май ойларида, энг кўп никоҳ тузганлар сони эса сентябрь-октябрь ойларида қайд этилганлиги кузатилди.



Ўзбекистон Республикаси бўйича никоҳдан ажралишлар  
2022 йил январь-декабрь

Йиллар бўйича тақсимланиши,  
минг бирлик



2022 йил январь-декабрь ойларида қайд этилган никоҳлар сони 48,7 минг бирликни ташкил этиб, сўнгги 5 йилда сезиларли кўпайганлиги, яъни 2018-йилга нисбатан 16,4 мингтага ёки 50,8 фоизга камайганлиги кузатилди.

Шаҳар ва қишлоқ жойлар  
бўйича тақсимланиши



**Шаҳар**  
**30,2**  
минг бирлик



**Қишлоқ**  
**18,5**  
минг бирлик

2022 йил январь-декабрь ойларида никоҳдан ажралишлар сони 48,7 тани ташкил этган бўлиб, шундан 30,2 таси шаҳар жойларда ва 18,5 таси қишлоқ жойларда қайд этилган.

Ойлар бўйича тақсимланиши, бирлик/улуши

Ой	Шаҳар (%)	Шаҳар (бирлик)	Қишлоқ (%)	Қишлоқ (бирлик)
Январь	61,2%	2 479	38,8%	1 573
Февраль	59,9%	2 388	40,1%	1 597
Март	64,3%	2 650	35,7%	1 474
Апрель	60,7%	2 485	39,3%	1 610
Май	61,5%	2 674	38,5%	1 672
Июнь	63,6%	2 520	36,4%	1 443
Июль	62,0%	2 446	38,0%	1 496
Август	61,4%	2 527	38,6%	1 591
Сентябрь	61,5%	2 360	38,5%	1 478
Октябрь	63,0%	2 445	37,0%	1 437
Ноябрь	62,3%	2 738	37,7%	1 659
Декабрь	62,5%	2 494	37,5%	1 498

**Никоҳдан ажралиш (никоҳни бекор қилиш)** – эр-хотинларнинг ҳаёти давомида, томонлар учун қайта никоҳ ҳуқуқини берувчи никоҳларининг тўлиқ юридик тўхтатилиши, никоҳ суд ҳал қилув қарорлари асосида ёки ФХДЁ ажралишни рўйхатдан ўтказганидан сўнг бекор қилинган ҳисобланади.

### Никоҳдан ажрашганларнинг ўртача ёши

2022 йил январь-декабрь




Никоҳдан ажрашганларнинг ўртача ёши 2022 йилнинг январь-декабрь ойларида эркаклар учун 39,2 ёшни, аёллар учун 33,1 ёшни ташкил этган.


Никоҳдан ажрашганларнинг аксарият қисми 35 ёшгача бўлганлар орасида қайд этилган, яъни жами никоҳдан ажрашганларнинг 50,5 фоизини ташкил этган.

### Никоҳдан ажрашганларнинг фарзандлар сони бўйича тақсимланиши


2022 йил январь-декабрь, % да



Фарзандсиз  
ажрашганлар




1 нафар фарзанд билан  
ажрашганлар



2 ва ундан ортиқ фарзанд  
билан ажрашганлар

### Ойлар бўйича қайд этилган никоҳдан ажралишлар сони

бирлик



Ўзбекистон Республикаси бўйича жами кўчиб келганлар  
2022 йил январь-декабрь

Йиллар бўйича  
тақсимланиши,



Жинслар кесимида  
тақсимланиши



**Эркаклар**  
85,6  
минг киши



**Аёллар**  
129,2  
минг киши

Шаҳар ва қишлоқ жойлар  
бўйича тақсимланиши



**Шаҳар**  
164,3  
минг киши



**Қишлоқ**  
50,5  
минг киши

2022 йил январь-декабрь ойларида жами кўчиб келганлар сони 214,8 минг кишини ташкил этган, шундан эркаклар сони 85,6 минг кишини, аёллар сони 129,2 минг киши, кўчиб келганлар сони шаҳар жойларида 164,3 минг кишини, қишлоқ жойларида 50,5 минг кишини ташкил этди.

Ойлар бўйича  
тақсимланиши, киши/улуши

Эркаклар

Аёллар



Январь

39,9%  
7 569



60,1%  
11 395

Февраль

39,8%  
7 212

60,2%  
10 920

Март

40,3%  
6 339

59,7%  
9 390

Апрель

40,7%  
7 575

59,3%  
11 053

Май

41,0%  
7 202

59,0%  
10 385

Июнь

40,9%  
9 130

59,1%  
13 167

Июль

39,4%  
7 480

60,6%  
11 490

Август

38,8%  
7 881

61,2%  
12 409

Сентябрь

38,7%  
6 309

61,3%  
10 003

Октябрь

39,4%  
6 381

60,6%  
9 826

Ноябрь

39,1%  
6 558

60,9%  
10 196


Декабрь

39,6%  
5 927

60,4%  
9 024

Ўзбекистон Республикасига хориждан кўчиб келганлар  
2022 йил январь-декабрь

Йиллар бўйича тақсимланиши,  
минг киши



2022 йил январь-декабрь ойларида хориждан кўчиб келганлар сони 2,3 минг нафарни ташкил этиб, сўнгги 5 йилда сезиларли камайганлиги. Яъни 2018 йилга нисбатан 0,6 мингтага ёки 20,7 % га камайганлиги кузатилди

Жинслар кесимида тақсимланиши



Эркаклар  
**1,1**  
минг киши



Аёллар  
**1,2**  
минг киши

2022 йил январь-декабрь ойларида Хориждан кўчиб келганлар сони 2,3 минг кишини ташкил этди шундан эркаклар 1,1 минг кишини, аёллар 1,2 минг кишини ташкил этди.

Ойлар бўйича тақсимланиши, киши/улуши

Эркаклар Аёллар



Январь



45 41,3% 64 58,7%

Февраль

52 41,9% 72 58,1%

Март

73 48,0% 79 52,0%

Апрель

63 43,4% 82 56,6%

Май

68 45,6% 81 54,4%

Июнь

97 52,4% 88 47,6%

Июль

83 49,1% 86 50,9%

Август

102 44,9% 125 55,1%

Сентябрь

123 53,7% 106 46,3%

Октябрь

194 57,4% 144 42,6%

Ноябрь


139 50,2% 138 49,8%

Декабрь


116 53,2% 102 46,8%

**Кўчиб келганлар сони** – ҳисобот даврида маълум ҳудудга бошқа ҳудудлардан доимий яшаш мақсадида кўчиб келганлар сони.

**Ойлар бўйича хориждан кўчиб келганлар**  
киши



**Хорижий мамлакатлардан доимий яшаш мақсадида кўчиб келганларнинг давлатлар бўйича тақсимланиши**  
2022 йил январь-декабрь



Ўзбекистон Республикасига хорижий мамлакатлардан кўчиб келганларнинг асосий қисми Россия Федерацияси (жами хориждан кўчиб келганларга нисбатан 35,0 %), Қозоғистон Республикаси (32,8 %), Тожикистон Республикаси (6,7 %), Қирғиз Республикаси (4,8 %), Туркменистон Республикаси (1,6 %) ва бошқа мамлакатлар (19,1 %) ҳиссасига тўғри келган.

Ўзбекистон Республикаси бўйича жами кўчиб кетганлар  
2022 йил январь-декабрь

Йиллар бўйича  
тақсимланиши, минг киши



Жинслар кесимида тақсимланиши




Шаҳар ва қишлоқ жойлар  
бўйича тақсимланиши



2022 йил январь-декабрь ойларида кўчиб кетганлар сони 221,3 минг кишини ташкил этди, шундан эркаклар сони 88,5 минг кишини, аёллар сони 132,8 минг киши, кўчиб кетганлар сони шаҳар жойларида 145,8 минг кишини, қишлоқ жойларида 75,5 минг кишини ташкил этди.

Ойлар бўйича  
тақсимланиши, киши/улуши



Ўзбекистон Республикасидан хорижга кўчиб кетганлар  
2022 йил январь-декабрь

Йиллар бўйича тақсимланиши,  
минг киши



2022 йил давомида хорижга кўчиб кетганлар сони 8,8 минг нафарни ташкил этиб, сўнгги 5 йилда сезиларли камайганлиги, яъни 2018 йилга нисбатан 8,8 мингтага (50,0 фоиз) камайганлиги кузатилди.

Жинслар кесимида тақсимланиши



**Эркаклар**  
**4,1**  
минг киши



**Аёллар**  
**4,7**  
минг киши

2022 йил январь-декабрь ойларида Хорижга кўчиб кетганлар сони 8,8 минг кишини ташкил этди шундан эркаклар 4,1 минг кишини аёллар 4,7 минг кишини ташкил этди.

Ойлар бўйича тақсимланиши, киши/улуши

**Эркаклар**

**Аёллар**



**Январь**



**113 45,4%**      **136 54,6%**

**Февраль**

**295 57,2%**      **221 42,8%**

**Март**

**193 51,9%**      **179 48,1%**

**Апрель**

**45 46,4%**      **52 53,6%**

**Май**

**30 45,5%**      **36 54,5%**

**Июнь**

**48 46,2%**      **56 53,8%**

**Июль**

**58 42,0%**      **80 58,0%**

**Август**

**51 35,9%**      **91 64,1%**

**Сентябрь**

**665 45,3%**      **803 54,7%**

**Октябрь**

**1 567 45,8%**      **1 855 54,2%**

**Ноябрь**

**599 45,4%**      **721 54,6%**


**Декабрь**

**410 45,8%**      **486 54,2%**

**Кўчиб кетганлар сони** – ҳисобот даврида маълум ҳудуддан бошқа ҳудудга доимий яшаш мақсадида кўчиб кетганлар сони.


### Ойлар бўйича хорижга кўчиб кетганлар

киши



### Хорижий мамлакатларга доимий яшаш мақсадида кўчиб кетганларнинг давлатлар бўйича тақсимланиши

2022 йил январь-декабрь



Ўзбекистон Республикасидан хорижий мамлакатларга кўчиб кетганларнинг асосий қисми Қозоғистон Республикаси (жами 79,5 %), Россия Федерацияси (16,4 %), Қирғиз Республикаси (0,7 %), Тожикистон Республикаси (0,5 %), Туркменистон Республикаси (0,3 %) ва бошқа мамлакатлар (2,6 %) ҳиссасига тўғри келган.



## 2-БЎЛИМ. ХУДУДЛАР БЎЙИЧА ДЕМОГРАФИК ҲОЛАТ АҲОЛИ МИГРАЦИЯСИ

(Доимий яшаш мақсадида кўчиб келганлар ва кўчиб кетганлар)

2022 йил январь-декабрь ойларида республика бўйича доимий яшаш мақсадида кўчиб келганлар жами сони 214 821 кишини, шу жумладан республиканинг бошқа ҳудудларидан кўчиб келганлар 212 499 кишини, хорижий мамлакатлардан кўчиб келганлар 2 322 кишини ташкил этди. Доимий яшаш мақсадида кўчиб кетганлар сони жами 221 288 кишини, шу жумладан республиканинг бошқа ҳудудларига кўчиб кетганлар 212 498 кишини, хорижий мамлакатларга кўчиб кетганлар 8 790 кишини ташкил этиб, миграция салдоси минус - 6 467 кишини ташкил этди.

**Ўзбекистон Республикаси бўйича кўчиб келганлар ва кўчиб кетганлар сони**  
2022 йил январь-декабрь, киши

	Кўчиб келганлар			Кўчиб кетганлар		
	Жами	шундан:		Жами	шундан:	
		Республиканинг бошқа ҳудудларидан	хорижий мамлакатлардан		Республиканинг бошқа ҳудудларига	Хорижий мамлакатларга
<b>Ўзбекистон Республикаси</b>	<b>214 821</b>	<b>212 499</b>	<b>2 322</b>	<b>221 288</b>	<b>212 498</b>	<b>8 790</b>
Қорақалпоғистон Республикаси	7 754	7 596	158	13 167	8 478	4 689
вилоятлар:						
Андижон	6 585	6 583	2	8 395	8 324	71
Бухоро	6 236	6 218	18	9 273	9 191	82
Жиззах	6 631	6 606	25	8 417	8 298	119
Қашқадарё	9 138	9 124	14	16 235	16 178	57
Навоий	8 721	8 665	56	9 209	8 879	330
Наманган	2 506	2 483	23	4 808	4 665	143
Самарқанд	9 071	9 053	18	14 276	14 033	243
Сурхондарё	9 577	9 535	42	13 767	13 661	106
Сирдарё	6 885	6 864	21	7 833	7 711	122
Тошкент	27 350	26 841	509	33 119	31 547	1 572
Фарғона	8 618	8 557	61	11 422	11 243	179
Хоразм	6 685	6 672	13	8 148	8 020	128
Тошкент ш.	99 064	97 702	1 362	63 219	62 270	949

Ўзбекистон Республикаси ҳудудлари бўйича доимий аҳоли сони  
2023 йил 1 январь ҳолатига

Ҳудудлар бўйича доимий  
аҳоли сони, минг киши




Ҳудудлар бўйича доимий аҳоли сони энг кўп Самарқанд вилоятида 4 118,4 минг киши, Фарғона вилоятида 3 976,5 минг киши, Қашқадарё вилоятида 3 482,6 минг киши, энг кам аҳоли сони Сирдарё вилоятида 896,6 минг киши, Навоий вилоятида 1 055,5 минг киши ва Жиззах вилоятида 1 455,6 минг кишини ташкил этган.

Доимий аҳоли сони энг юқори  
бўлган шаҳар/туманлар



Доимий аҳоли сони энг кўп Наманган шаҳрида 678,2 минг киши, Самарқанд шаҳрида 573,2 минг киши, Ургут туманида 545,7 минг киши, Андижон шаҳрида 468,1 минг киши ва Денов туманида эса 409,5 минг кишини ташкил этган.

Доимий аҳоли сони энг кам  
бўлган шаҳар/туманлар



Доимий аҳоли сони энг кам Ғозғон шаҳрида 9,1 минг киши, Томди туманида 15,8 минг киши, Ширин шаҳрида 19,3 минг киши, Қоровулбозор туманида 19,5 минг киши ва Бўзатов туманида эса 21,9 минг кишини ташкил этган.


Ўзбекистон Республикаси ҳудудлари бўйича қайд этилган туғилишлар  
2022 йил январь-декабрь

Ҳудудлар бўйича туғилиш  
коэффициенти, ‰




Ҳудудлар бўйича туғилиш коэффициенти энг кўп Сурхондарё вилоятида 29,4 промилле, Қашқадарё вилоятида 28,5 промилле, Жиззах вилоятида 27,9 промилле, энг кам кўрсаткич Қорақалпоғистон Республикасида 21,8 промилле, Бухоро вилоятида 22,6 промилле ва Хоразм вилоятида 23,1 промиллени ташкил этган.

Туғилиш коэффициенти энг  
юқори бўлган таҳар/туманлар, ‰



Туғилиш коэффициенти энг юқори Чироқчи туманида 40,5 промилле, Наманган шаҳрида 39,4 промилле, Сергели туманида 34,9 промилле, Навоий шаҳрида 32,4 промилле ва Янгиер шаҳрида 32,2 промиллени ташкил этган.

Туғилиш коэффициенти энг  
паст бўлган шаҳар/туманлар, ‰



Туғилиш коэффициенти энг кам туман, шаҳарлардан Оҳангарон шаҳрида 10,9 промилле, Бўзатов туманида 16,1 промилле, Томди ва Боёвут туманларида 16,4 промилле ҳамда Бухоро туманида 17,1 промиллени ташкил этган.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудлари бўйича вафот этганлар

2022 йил январь-декабрь

Ҳудудлар бўйича ўлим  
коэффициенти, ‰




Ҳудудлар бўйича вафот этиш коэффициенти энг кўп Тошкент шаҳрида 5,7 промилле, Сурхондарё вилоятида 5,0 промилле, Тошкент вилоятида 5,0 промилле, энг кам кўрсаткич Навобий вилоятида 4,0 промилле, Наманган вилоятида 4,5 промилле ва Бухоро вилоятида 4,5 промиллени ташкил этган.

Ўлим коэффициенти юқори  
бўлган шаҳар/туманлар, ‰



Ўлим коэффициенти энг юқори бўлган Мирзо Улуғбек туманида 8,0 промилле, Урганч шаҳри 7,9 промилле Чилонзор туманида 7,9 промилле Андижон шаҳрида 6,9 промилле ва Яшнобод тумани 6,9 промиллени ташкил этган.

Ўлим коэффициенти паст  
бўлган шаҳар/туманлар, ‰



Ўлим коэффициенти энг кам бўлган Ғозғон шаҳри 1,8 промилле, Охангарон шаҳри 2,1 промилле, Кўкдала тумани 2,2 промилле, Зарафшон шаҳри 2,7 промилле ва Янгиҳаёт тумани 3,0 промиллени ташкил этган.


Ўзбекистон Республикаси ҳудудлари бўйича қайд этилган никоҳлар  
2022 йил январь-декабрь

Ҳудудлар бўйича никоҳ  
коэффициенти, ‰




Ҳудудлар бўйича никоҳ коэффициенти энг кўп Сурхондарё вилоятида 9,6 промилле, Қашқадарё вилоятида 9,4 промилле, Жиззах вилоятида 8,7 промилле, энг кам кўрсаткич Қорақалпоғистон Республикасида 7,6 промилле, Тошкент шаҳрида 7,7 промилле ва Тошкент вилоятида 7,8 промиллени ташкил этган.

Никоҳ коэффициенти энг юқори  
бўлган шаҳар/туманлар, ‰



Никоҳ коэффициенти бўйича энг юқори кўрсаткич Наманган шаҳрида 13,9 промилле, Яккасарой туманида 12,5 промилле, Чироқчи туманида 11,3 промилле Жарқўрғон туманида 11,0 промилле ва Қумқўрғон туманига 10,3 промилле кузатилди.

Никоҳ коэффициенти энг паст  
бўлган шаҳар/туманлар, ‰



Никоҳ коэффициенти бўйича энг кам кўрсаткич Янги Наманган тумани (3,0 ‰), Мирзаобод тумани (3,3 ‰), Томди тумани (3,6 ‰), Оҳангарон шаҳри (3,6 ‰) ва Боёвут туманида (5,5 ‰) кузатилди.


Ўзбекистон Республикаси ҳудудлари бўйича никоҳдан ажралишлар  
2022 йил январь-декабрь

Ҳудудлар бўйича никоҳдан  
ажралиш коэффициенти, ‰




Ҳудудлар бўйича никоҳдан ажралиш коэффициенти энг кўп Тошкент шаҳрида 2,0 промилле, Сирдарё вилоятида 2,0 промилле, Тошкент вилоятида 1,7 промилле, энг кам кўрсаткич Қашқадарё вилоятида 1,0 промилле, Сурхондарё вилоятида 1,0 промилле ва Қорақалпоғистон Республикасида 1,1 промиллени ташкил этган.

Никоҳдан ажралиш  
коэффициенти энг юқори бўлган  
шаҳар/туманлар, ‰



Никоҳдан ажралиш коэффициенти бўйича энг кўп кўрсаткич Сергели тумани ва Наманган шаҳрида 3,2 промилле, Янгиер шаҳрида 3,0 промилле ҳамда Олмалиқ шаҳри ва Бектемир туманида 2,7 промиллени ташкил этган.

Никоҳдан ажралиш  
коэффициенти энг паст бўлган  
шаҳар/туманлар, ‰



Никоҳдан ажралиш коэффициенти энг кам бўлган Янги Наманган тумани 0,3 промиллени, Ғозғон шаҳри 0,3 промиллени, Кўкдала тумани 0,4 промиллени, Декқонобод тумани 0,5 промиллени ва Бандихон тумани 0,6 промиллени ташкил этган.


Ўзбекистон Республикаси ҳудудлари бўйича жами кўчиб келганлар  
2022 йил январь-декабрь

Ҳудудлар бўйича кўчиб  
келиш коэффициенти, ‰



Ҳудудлар бўйича кўчиб келиш коэффициенти энг кўп Тошкент шаҳрида 34,1 промилле, Тошкент вилоятида 9,2 промилле, Навоий вилоятида 8,3 промилле, энг кам кўрсаткич Наманган вилоятида 0,8 промилле, Андижон вилоятида 2,0 промилле ва Фарғона вилоятида 2,2 промиллени ташкил этган.

Кўчиб келиш коэффициенти энг  
юқори бўлган шаҳар/туманлар, ‰



Кўчиб келиш коэффициенти энг юқори Сергели тумани 106,4 промилле, Бектемир тумани 81,3 промилле, Янгиҳаёт тумани 64,7 промилле, Яшнобод тумани 43,1 промилле ва Мирзо Улуғбек тумани 35,2 промиллени ташкил этган.

Кўчиб келиш коэффициенти энг  
паст бўлган шаҳар/туманлар, ‰



Кўчиб келиш коэффициенти энг кам бўлган Чортоқ тумани 0,1 промилле, Пахтачи тумани 0,1 промилле, Избоскан тумани 0,2 промилле, Ургут тумани 0,2 промилле ва Марғилон шаҳри 0,2 промиллени ташкил этган.


Ўзбекистон Республикаси ҳудудлари бўйича жами кўчиб кетганлар  
2022 йил январь-декабрь

Ҳудудлар бўйича кўчиб  
кетиш коэффициенти, ‰



Ҳудудлар бўйича кўчиб кетиш коэффициенти энг кўп Тошкент шаҳрида 21,7 промилле, Тошкент вилоятида 11,2 промилле, Сирдарё ва Навоий вилоятларида 8,8 промилле, энг кам кўрсаткич Наманган вилоятида 1,6 промилле, Андижон вилоятида 2,6 промилле ва Фарғона вилоятида 2,9 промиллени ташкил этган.

Кўчиб кетиш коэффициенти энг  
юқори бўлган шаҳар/туманлар, ‰



Кўчиб кетиш коэффициенти энг кўп бўлган Тахтақўпир тумани 54,9 промилле, Зангиота тумани 39,2 промилле, Сергели тумани 33,4 промилле, Қибрай тумани 32,2 промилле ва Чилонзор тумани 28,9 промиллени ташкил этган.

Кўчиб кетиш коэффициенти энг  
паст бўлган шаҳар/туманлар, ‰



Кўчиб кетиш коэффициенти энг кам Кўкдала тумани 0,3 промилле, Янги Наманган тумани 0,5 промилле, Сўх тумани 0,5 промилле, Тўрақўрғон тумани 1,0 промилле ва Янгиқўрғон тумани 1,1 промиллени ташкил этган.



## Статистика кўрсаткичларга изоҳлар

**Доимий аҳоли** – рўйхатдан ўтказилаётган вақтда муайян аҳоли пункти ёки ҳудудда доимий истиқомат қилаётган аҳолидан иборат бўлиб, бунга ушбу ҳудудда доимий рўйхатда туриб, лекин вақтинча яшамайдиган аҳоли ҳам киритилади.

**Шаҳар аҳолиси** – шаҳар ҳудудларида, яъни меъёрий ҳужжатлар билан шаҳарлар, шаҳарчалар сифатида белгиланган аҳоли пунктларида истиқомат қилувчи аҳоли.

**Қишлоқ аҳолиси** – шаҳарлар ва шаҳарчалар тоифасига киритилмаган ҳудудларда – қишлоқ жойлар (овуллар, қишлоқлар ва бошқалар)да истиқомат қилувчи аҳоли.

**Туғилиш** – туғилиш жараёнларининг содир бўлиши ва бошқа хусусиятларини тавсифловчи кўрсаткич.

**1000 аҳолига нисбатан туғилиш коэффициенти** – ҳисобот йилида жами туғилганлар (тирик) сонини ҳисобот давридаги доимий аҳолининг ўртача сонига бўлиб, 1000 га кўпайтириш орқали ҳисобланади.

**1000 аҳолига нисбатан ўлим коэффициенти** – ҳисобот йилида жами ўлганлар сонини ҳисобот йилидаги доимий аҳолининг ўртача сонига бўлиб, 1000 га кўпайтириш орқали ҳисобланади.

**Никоҳ** – эркак ва аёл ўртасидаги, уларнинг бир-бирларига ва фарзандларига нисбатан ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилаб берадиган ўзаро муносабатлари шакли. Эр ва хотин ўртасидаги юридик муносабатлар фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш (ФХДЁ) органларида никоҳларини рўйхатдан ўтказиш натижасида ўрнатилади.

**1000 аҳолига нисбатан никоҳлар коэффициенти** – ҳисобот йилида тузилган никоҳлар сонини доимий аҳолининг ўртача сонига бўлиб, 1000 га кўпайтириш орқали ҳисобланади.

**1000 аҳолига нисбатан никоҳдан ажралиш коэффициенти** – ҳисобот йилида никоҳдан ажралишлар сонини доимий аҳолининг ўртача сонига бўлиб, 1000га кўпайтириш орқали ҳисобланади.

**Кўчиб келганлар сони** – кўчиб келганларнинг абсолют миқдори, яъни муайян ҳудудга унинг ташқарисидан кўчиб келганлардан иборат. Ички ишлар органлари томонидан аҳолини яшаш жойи бўйича рўйхатга олишда тузиладиган статистик ҳисобга олиш сўровномаларини қайта ишлаш натижасида кўчиб келиш.

**Кўчиб кетганлар сони** – кўчиб кетганларнинг абсолют миқдори, яъни муайян ҳудудга унинг ташқарисидан кўчиб кетганлардан иборат. Ички ишлар органлари томонидан аҳолини яшаш жойи бўйича рўйхатга олишда тузиладиган статистик ҳисобга олиш сўровномаларини қайта ишлаш натижасида кўчиб кетиш.

**Аҳолининг миграцион ўсиши (фарқи)** – ҳисобот даврида кўчиб келганлар ва кўчиб кетганлар сони ўртасидаги фарқнинг абсолют миқдори.

## XVII. ҲУҚУҚБУЗАРЛИК

### 1- БЎЛИМ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА РЎЙХАТГА ОЛИНГАН ЖИНОЯТЛАР СОНИ


**Жиноят** – тарихий жиҳатдан ўзгарувчан ижтимоий ва жиной-ҳуқуқий салбий ҳодиса бўлиб, у маълум бир ҳудудда маълум вақт ичида содир этилган жиноятлар тизимидир.

Дунёдаги энг йирик маълумотлар базаси Numbeo ([www.numbeo.com](http://www.numbeo.com)) маълумотларига кўра, 2023 йил бошида жиноятчилик даражаси бўйича мамлакатлар рейтингда Ўзбекистон 142 та давлат орасида 104-ўринни эгаллади.

Жиноятчилик даражаси – жиноятнинг мутлақ (маълум вақт давомида маълум бир ҳудудда содир этилган жиноятлар сони) ва нисбий (10 ёки 100 минг аҳолига тўғри келадиган жиноятлар сони) даражаси билан ўлчанадиган миқдорий характеристикасидир.

Мамлакатда жиноятчилик даражаси жиноятчилик индексини баҳолаш асосида ҳисобланади, 0 дан 19,99 гача бўлган индекс жуда паст, 20 дан 39,99 гача – паст, 40 дан 59,99 гача – ўртача, 60 дан 79,99 гача – юқори, 80 ва ундан юқори – жуда юқори даражани билдиради. Ачинарли “етақчилик” 82,6 ва 79,9 индекслари билан Венесуэла ва Папуа-Янги Гвинеяга тегишли бўлиб, бу жиноятчиликнинг жуда юқори даражасини билдиради. Кейинги ўринда Афғонистон (3-ўрин 78,6 индекс билан). Россия 39,3 индекс билан 94-ўринда, Қирғизистон 38-ўринда 54,6 индекс билан, Қозоғистон 48-ўринда (индекс 52,7). Ўзбекистон индекси 33,5 ни ташкил этиб, бу жиноятчиликнинг паст даражасини, хавфсизлик даражаси эса 66,5 ни ташкил этади.

Мамлакатлар бўйича жиноятлар индекси  
(2022 йил январь-декабрь ойларида)



Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва жиноятчиликка қарши курашиш бўйича кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилди, бу эса ҳуқуқ-тартиботини таъминлашда ижобий натижаларга эришиш, мамлакатда жиноятчилик билан боғлиқ вазиятни сезиларли даражада яхшилаш имконини берди.


Шундай қилиб, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги маълумотларига кўра, 2022 йилнинг январь-декабрь ойларида республика бўйича рўйхатга олинган жиноятларнинг умумий сони 105 215 тани ташкил этиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 5,3 % га камайди. Ушбу даврдаги жиноятлар сони 10 минг кишига нисбатан 29,2 тага етди.

Жиноятлар ўз хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига кўра: ижтимоий хавфи катта бўлмаган; унча оғир бўлмаган; оғир; ўта оғир жиноятларга бўлинади.


### Жиноятлар динамикаси (2018-2022 йй., бирлик)




#### Оғир жиноятлар



#### Унча оғир бўлмаган жиноятлар



#### Ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятлар



<sup>1)</sup> Шундан 1 326та ҳолат Ўзбекистон Республикаси Транспортда жамоат хавфсизлигини таъминлаш департаменти (ТЖХТД) томонидан қайд этилган.

**Ижтимоий хавфи катта бўлмаган** жиноятларга қасддан содир этилиб, қонунда уч йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазо назарда тутилган жиноятлар, шунингдек, эҳтиётсизлик оқибатида содир этилиб, қонунда беш йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазо назарда тутилган жиноятлар киради.

**Унча оғир бўлмаган** жиноятларга қасддан содир этилиб, қонунда уч йилдан ортиқ, лекин беш йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазо назарда тутилган жиноятлар, шунингдек эҳтиётсизлик оқибатида содир этилиб, қонунда беш йилдан ортиқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазо назарда тутилган жиноятлар киради.

**Оғир** жиноятларга қасддан содир этилиб, қонунда беш йилдан ортиқ, лекин ўн йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси назарда тутилган жиноятлар киради.

**Ўта оғир** жиноятларга қасддан содир этилиб, қонунда ўн йилдан ортиқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш ёхуд умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазоси назарда тутилган жиноятлар киради.

**Ўзбекистон Республикасида  
ҳудудлар бўйича қайд этилган жиноятлар  
(2022 йил январь-декабрь ойларида, бирлик)**

Тошкент ш.	22 791	89,2 %
Фарғона	15 182	76,3 %
Тошкент	12 259	102,5 %
Самарқанд	7 727	103,0 %
Андижон	7 231	104,3 %
Наманган	7 212	102,2 %
Қашқадарё	5 810	99,9 %
Бухоро	5 175	98,3 %
Сурхондарё	4 995	99,1 %
Сирдарё	3 405	108,5 %
Қорақалпоғистон Республикаси	3 367	101,8 %
Навоий	2 965	98,9 %
Хоразм	2 905	99,2 %
Жиззах	2 865	104,9 %


● 2021 йилга нисбатан  
ўзгариш даражаси

2022 йилнинг январь-декабрь ойларида ҳудудлар бўйича энг кўп жиноятлар Тошкент шаҳрида (22 791 та), Фарғона (15 182 та), Тошкент (12 259 та) ва Андижон (7 231 та) вилоятларида, энг кам эса – Сирдарё (3 405 та), Хоразм (2 905 та) ва Жиззах (2 865 та) вилоятларида қайд этилган.

Ўтган йилнинг мос даврига нисбатан жиноятлар сони Тошкент шаҳрида (2 752 та), Фарғона (4 721 та), Бухоро (92 та) вилоятларида камайган бўлса, мазкур жиноятлар Тошкент (302 та), Андижон (301 та) ва Сирдарё (267 та) вилоятларида кўпайган.

Охирги беш йил давомида қайд этилган жиноятлар сони 2,1 баробарга ошгани қайд этилди. Демак, агар 2018 йилнинг январь-декабрь ойларида жиноятлар 49 011 тани ташкил этган бўлса, 2022 йилнинг шу даврида бу кўрсаткич 105 215 тага етди. Шу билан бирга, 2021 йилнинг январь-декабрь ойларида (111 082 дона) ўсиш кузатилди ва 2020 йилнинг шу даврига нисбатан 78,9 % ни ташкил этди. 2021 йилга нисбатан ўзгаришлар таҳлили шуни кўрсатдики, 2022 йилнинг январь-декабрь ойларида жиноятчиликнинг камайиши 5 867 та жиноятларни ташкил этди.

**Жиноятлар даражаси ҳудудлар кесимида**  
(2022 йил январь-декабрь ойларида, 10 минг аҳолига)



Жиноят даражаси кўпроқ маълумот берувчи кўрсаткичдир, чунки жиноятларнинг мутлақ сонидан фарқли ўлароқ, у мамлакатда ёки маълум бир ҳудудда жиноятларнинг тарқалиш даражасини баҳолашга имкон беради. Шундай қилиб, сўнгги беш йилда 2018 йилнинг январь-декабрдан 2022 йилнинг январь-декабрига қадар жиноятлар 2,0 баробарга ошди. 2022 йилда 10 минг аҳолига нисбатан жиноятчиликнинг энг юқори даражаси Тошкент шаҳрида – 77,1, Тошкент – 41,0, Фарғона – 38,2, Сирдарё – 38,0, Навоий – 28,1, Наманган – 24,1 ва Андижон – 21,8 вилоятларида қайд этилган.

Жиноятнинг энг паст даражаси Бухоро – 25,7, Жиззах – 19,4, Самарқанд – 18,8, Қашқадарё – 16,7 ва Сурхондарё – 17,8 вилоятларида, Қорақалпоғистон Республикасида – 17,0 қайд этилган. Хоразм вилояти жиноятчилик даражаси бўйича охирги ўринни эгаллаб, бу ерда 14,8 ни ташкил этди.

Барча хизмат йўналишлари бўйича рўйхатга олинган жиноятларнинг  
ҳудудлар кесимида сони

(2022 йил январь-декабрь ойларида, бирлик)

	Барча хизмат йўналишлари бўйича рўйхатга олинган жиноятларнинг ҳудудлар кесимида сони	улардан:			
		ижтимоий хавф катта бўлмаган жиноятлар	унча оғир бўлмаган жиноят- лар	оғир жиноят- лар	ўта оғир жиноят- лар
<b>Ўзбекистон Республикаси</b>	<b>105 215</b>	<b>48 189</b>	<b>27 830</b>	<b>25 678</b>	<b>3 518</b>
Қорақалпоғистон Республикаси	3 367	1 470	1 056	752	89
вилоятлар:					
Андижон	7 231	3 129	1 915	1 915	272
Бухоро	5 175	2 303	1 303	1 429	140
Жиззах	2 865	1 190	917	695	63
Қашқадарё	5 810	2 631	1 757	1 255	167
Навоий	2 965	1 310	949	646	60
Наманган	7 212	3 091	2 161	1 793	167
Самарқанд	7 727	3 458	2 040	1 812	417
Сурхондарё	4 995	2 085	1 352	1 320	238
Сирдарё	3 405	1 222	1 140	935	108
Тошкент	12 259	5 554	3 510	2 620	575
Фарғона	15 182	7 678	3 590	3 585	329
Хоразм	2 905	1 161	767	796	181
Тошкент ш.	22 791	11 508	4 790	5 832	661
ЖХТБ <sup>1)</sup>	1 326	399	583	293	51

2022 йилнинг январь-декабрь ойларида ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятлар орасида Тошкент шаҳри – 23,9 %, Фарғона вилояти – 15,9 % билан етакчи ўринни эгаллаб турибди.

Унча оғир бўлмаган жиноятлар орасида Тошкент шаҳри 17,2 %, Фарғона 12,9 % ва Тошкент вилоятида 12,6 % қайд этилган. Шу билан бирга, энг паст кўрсаткичлар Жиззах (3,3 %) ва Хоразм (2,8 %) вилоятларида қайд этилди.

Оғир жиноятлар бўйича ҳам Тошкент шаҳри 22,7 %, Фарғона 14,0 % ва Тошкент вилояти 10,2 % билан етакчилик қилмоқда. Кам нисбатлар эса Жиззах (2,7 %), Навоий (2,5 %) вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикасида (2,9 %) кузатилди.

Содир бўлган ўта оғир жиноятлар Тошкент шаҳри – 18,8 %, Тошкент – 16,3 % ва Самарқанд вилоятларида – 11,9 % га кўтарилган. Нисбатан кичик улуш Навоий – 1,7 %, Жиззах вилоятларига – 1,8 % ва Қорақалпоғистон Республикасига – 2,5 % га тўғри келади.

Қонунчиликка кўра, жиноятлар иқтисодиёт соҳасидаги, тинчлик ва хавфсизликка қарши, ҳарбий хизматни ўташ тартибига қарши, ҳокимият, бошқарув ва жамоат бирлашмалари органларининг фаолият тартибига қарши, шахсга қарши, жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартибига қарши, экология соҳасидаги жиноятлар бўлимларига ажратилади.

Рўйхатга олинган жиноятларнинг аксарияти иқтисодиёт соҳасидаги жиноятлар – 45,2 %, жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартибига қарши жиноятлар иккинчи ўринда – 22,6 %, шу билан бир қаторда ҳокимият, бошқарув ва жамоат бирлашмалари органларининг фаолияти тартибига қарши жиноятлар – 17,0 %, шунингдек, шахсга қарши жиноятлар – 14,7 % ни ташкил этди.

Тинчлик ва хавфсизликка қарши жиноятлар – 0,4 %, экология соҳасидаги жиноятлар – 0,1 % ни ташкил этди.

### Жиноятларнинг умумий таснифи (2020-2022 йиллар январь-декабрь ойларида, бирлик)

#### иқтисодий жиноятлар



тинчлик ва хавфсизликка қарши жиноятлар



ҳарбий хизматни ўташ тартибига қарши жиноятлар



ҳокимият, бошқарув ва жамоат бирлашмалари органларининг фаолият тартибига қарши жиноятлар





шахсга қарши жиноятлар



жиноят содир этган  
шахслар, киши



жамоат хавфсизлигига ва жамоат тартибига  
қарши жиноятлар



жиноят содир этган  
шахслар, киши



экология соҳасидаги жиноятлар



жиноят содир этган  
шахслар, киши




**Иқтисодий соҳада қайд этилган жиноятлар сони**  
(2020-2022 йиллар январь-декабрь ойларида, бирлик)


Ўзлаштириш ёки растрата  
йўли билан талон-тарож  
қилиш



фирибгарлик




ўғрилиқ




талончилик



солиқ тўлашдан бўйин  
товлаш



қалбаки пул, акциз  
маркаси ёки қимматли  
қоғозлар ясаш, уларни  
ўтказиш



товламачилик



босқинчилик




сохта тадбиркорлик




2022 йилнинг январь-декабрь ойлари якунларига кўра иқтисодий жиноятлар ичида жами 20 591 та **фирибгарлик** (алдаш ёки ишончни суистеъмол қилиш йўли билан ўзганинг мулкани ёки ўзганинг мулкига бўлган ҳуқуқни қўлга киритиш) (45,4 %), 15 237 та **ўғрилиқ** (ўзганинг мол-мулкани яширин равишда талон-торож қилиш) (33,6 %), 5 650 та ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-тарож қилиш (12,5 %), 1 214 та солиқ тўлашдан бўйин товлаш (2,7 %), 652 та талончилик (1,4 %), 261 та **босқинчилик** (ўзганинг мол-мулкани талон-торож қилиш мақсадида ҳужум қилиб, ҳаёт ёки соғлиқ учун хавfli бўлган зўрлик ишлатиб ёхуд шундай зўрлик ишлатиш билан кўрқитиб содир этиш) (0,6 %), 420 та қалбаки пул, акциз маркалари ёки қимматли қоғозлар ясаш, уларни ўтказиш (0,9 %), 364 та товламачилик (0,8 %), 858 та савдо ёки хизмат кўрсатиш қоидаларини бузиш (1,9 %).

Шаҳсга қарши қайд этилган жиноятлар  
(2020-2022 йиллар январь-декабрь ойларида, бирлик)

қасддан одам ўлдириш ва  
одам ўлдиришга уриниш



қасддан баданга оғир  
шикаст етказиш




номусга тегиш ва номусга  
тегишга уриниш



одам савдоси




эҳтиётсизлик оққасида  
одам ўлдириш



ўзини ўзи ўлдириш  
даражасига етказиш




қасддан баданга енгил  
шикаст етказиш



таносил ёки ОИВ  
касалиги/ОИТСни  
тарқатиш



вояга етмаган ёки  
меҳнатга лаёқатсиз  
шахсларни моддий  
таъминлашдан бўйин  
товлаш




2022 йилнинг январь-декабрь ойларида 2020 йилнинг мос даврига нисбатан қуйидаги жиноят турлари камайган: қасддан одам ўлдириш ва одам ўлдиришга уриниш 10,1 % га, ўз жонига қасд қилиш 27,5 % га камайди. Жиноятларнинг қуйидаги турлари бўйича ўсиш қайд этилди: **қасддан баданга оғир шикаст етказиш** (ҳаёт учун хавfli бўлган қасддан баданга оғир шикаст етказиш натижасида кўриш, сўзлаш, эшитиш қобилиятини йўқотиш) 13,7 % га, номусга тегиш ва номусга тегишга уриниш – 32,7 % га, одам савдоси – 77,4 % га, эҳтиётсизлик оқибатида ўлимга сабаб бўлиш – 31,3 % га, қасддан баданга енгил шикаст етказиш – 12,9 % га, вояга етмаган ёки меҳнатга лаёқатсиз шахсларни моддий таъминлашдан бўйин товлаш – 77,2 % га ўсган.

## Жамоат хавфсизлигига ва жамоат тартибига


### қарши жиноятлар

(2020-2022 йиллар январь-декабрь ойларида, бирлик)

гиёҳвандлик воситаларини  
ишлаб чиқариш ёки сотиш



қурол, ўқ-дорилар,  
портловчи моддалар ёки  
портлатиш қурилмаларига  
қонунга хилоф равишда  
эгаллик қилиш




йўл ҳаракати хавфсизлиги  
ёки транспорт  
воситаларидан  
фойдаланиш қоидаларини  
бузиш



жинойй фаолиятдан  
олинган даромадларни  
легаллаштириш



меҳнатни муҳофаза қилиш  
қоидаларини бузиш




тақиқланган экинларни  
етиштириш



транспорт воситасини  
олиб қочиш



безорилик



қимор ва таваккалчиликка  
асосланган бошқа  
ўйинларни ташкил этиш  
ҳамда ўтказиш




2022 йилнинг январь-декабрь ойларида 2020 йилнинг худди шу даврига нисбатан жиноятларнинг қуйидаги турлари ўсди: гиёҳвандлик воситаларини тайёрлаш ёки сотиш – 46,7 % га, қурол, ўқ-дорилар, портловчи моддаларни қонунга хилоф равишда сақлаш – 76,0 % га, йўл ҳаракати хавфсизлиги ёки транспорт воситаларидан фойдаланиш қоидаларини бузиш – 41,9 % га, **даромадларни легаллаштириш**, яъни мулк жиноий фаолият натижасида топилган бўлса, мулкка айлантириш ёхуд алмаштириш йўли билан унинг келиб чиқишига қонуний тус бериш – 78,9 % га, меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларини бузиш – 23,8 % га, тақиқланган экинларни етиштириш – 12,7 % га, транспорт воситаларини ўғирлаш – 56,1 % га, **безорилик** (жамиятда юриш-туриш қоидаларини қасддан менсимаслик, уриш-дўппослаш, баданга енгил шикаст етказиш) – 64,5 % га.

## 2-БЎЛИМ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ЖИНОЯТ СОДИР ЭТГАН ШАХСЛАР СОНИ

### Ўзбекистон Республикасида жиноят содир этган шахслар

(2018-2022 йиллар январь-декабрь ойларида, киши)



90 169 кишидан **80,3 %**  
жиноий жавобгарликка  
тортилган



Белгиланган даврда жиноят содир этган шахсларнинг умумий сони 90 169 нафарни ташкил этди.

**Жиноят содир этган шахслар** – ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари томонидан расман рўйхатга олинган, уларга нисбатан жиноят иши қўзғатилган шахслардир.

Аниқланган ҳуқуқбузарлар орасида 72 386 нафар шахс (80,3 %) жиноий жавобгарликка тортилган. Уларнинг 3,5 % ини вояга етмаганлар ташкил этди. Ҳуқуқбузарлик содир этган аёлларнинг улуши 12,7 % ни ташкил этди.

### Ўзбекистон Республикасида жиноят содир этган шахсларнинг сони ҳудудлар кесимида

(2022 йил январь-декабрь ойларида, киши)



2022 йил январь-декабрь ойларида 2021 йилнинг январь-декабрь ойларига нисбатан жиноят содир этган шахслар сони 9866 нафарга, 2020 йилнинг шу даврига нисбатан эса 1,8 баробарга ошган.

Энг кўп жиноят содир этган шахслар Тошкент шаҳрида (15 355 нафар), кейин Фарғона (12 898 нафар) ва Тошкент (10 450 нафар) вилоятларида қайд этилган.

Энг кам кўрсаткич Навоий (2 984 киши), Сирдарё (2 628 киши) ва Хоразм (2 256 киши) вилоятларида қайд этилган.

Жиноят содир этган шахсларни ҳар 100 минг аҳолига нисбатан таҳлил қилганда республика пойтахти – 536,8 минг киши, Тошкент – 355,2 Фарғона – 331,0, Сирдарё – 299,1, Навоий – 288,6, Наманган – 174,8, Андижон – 142,2 ва Сурхондарё вилоятлари – 117,1 минг киши ҳисобида устунлик қилмоқда.

### Ҳудудлар кесимида жинси бўйича жиноятлар содир этган шахслар (2022 йил январь-декабрь ойларида, киши)




	<i>аёллар</i>	<i>эркаклар</i>
Қорақалпоғистон Респ.	401	2 384
Андижон	1 021	5 580
Бухоро	545	3 648
Жиззах	332	2 767
Қашқадарё	707	5 254
Навоий	381	2 603
Наманган	1 080	6 651
Самарқанд	726	6 447
Сурхондарё	593	4 232
Сирдарё	246	2 382
Тошкент	1 199	9 251
Фарғона	1 826	11 072
Хоразм	273	1 983
Тошкент ш.	1 866	13 489

**Жиноят содир этган шахсларнинг тоифалари бўйича тақсимланиши**  
(2020-2022 йиллар январь-декабрь ойларида, бирлик)



**Жиноят содир этган шахсларнинг ёши бўйича тақсимланиши**  
(2021-2022 йиллар январь-декабрь ойларида, %)

31 ёшда ва  
ундан  
катталар



**Жиноят содир этган шахсларнинг жиноят турлари бўйича ёш таркиби**  
(2022 йил январь-декабрь ойларида, киши)

Жиноят турлари бўйича	Жами	улардан ёши бўйича:			
		13-17 ёш	18-24 ёш	25-30 ёш	31 ёш ва ундан катталар
қасддан одам ўлдириш ва	397	10	55	87	244
одам ўлдиришга уриниш	1 445	79	273	338	755
қасддан баданга оғир шикаст етказиш	354	46	93	67	148
номусга тегиш ва номусга тегишга уриниш	10 417	1 581	2 731	2 176	3 929
ўғрилиқ	1 377	152	527	325	373
талончилик ва босқинчилик	15 765	134	1 556	3 263	10 812
фирибгарлик	405	16	95	112	182
товламачилик	4 028	284	1 065	1 077	1 602
безорилик	9 601	-	252	1 075	8 274
ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-тарож қилиш	1 363	1	109	256	997

2022 йилнинг январь-декабрь ойларида жиноят содир этганларнинг ёши бўйича таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, қайд этилган ҳуқуқбузарларнинг умумий сонидан энг катта улушни 31 ёш ва ундан катта ёшдаги фуқаролар – 63,0 % (56 779 нафар)ни ташкил этди.

25-30 ёш – 19,4 % (17 550 киши), 18-24 ёшлилар орасида кичик нисбатлар – 14,1 % (12 728 киши), 13-17 ёшлилар – 3,5 % (3 112 киши)дан иборат.

Жиноят турлари бўйича 31 ёш ва ундан катта ёшдагилар орасида 19,0 % асосан фирибгарлик, ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-торож қилиш – 14,6 %. 25-30 ёшли ҳуқуқбузарлар орасида фирибгарлик – 18,6 %, ўғирлик – 12,4 %, безорилик – 6,1 % ни ташкил этган. 18-24 ёшлилар орасида энг кўп фирибгарлик 12,2 %, ўғирлик 21,5 % ни ташкил этди. 13-17 ёшлилар ўртасида энг кўп ўғирлик (50,8 %) ва безорилик (9,1 %) содир этилган.



**Жиноят содир этган шахсларнинг жинси ва жиноят  
тури бўйича тақсимланиши**

(2020-2022 йиллар январь-декабрь ойларида, бирлик)



аёллар



эркаклар

қасдан одам ўлдириш ва одам ўлдиришга уриниш




қасдан баданга оғир шикаст етказиш



ўғрилиқ



фирибгарлик



2022 йилнинг январь-декабрь ойларида жиноят содир этган аёлларнинг умумий сони 11 460 нафарни ташкил этди. Жиноят содир этган аёллар сонини таҳлил қилиш, ҳудудларда энг юқори даражада Фарғонада – 1 826, Тошкент вилоятларида – 1 199 ва Тошкент шаҳрида – 1 866 нафар қайд этилганлигини кўрсатди. Паст кўрсаткичлар Хоразм (273 нафар аёл) ва Сирдарё (246 аёл) ҳудудларида қайд этилган.

Шу билан бир қаторда, эркак жиноятчилар сони 78 709 кишига етди. Эркак жиноятчиларнинг юқори даражаси Тошкент шаҳрида – 13 489, Фарғонада – 11 072 ва Тошкент вилоятида – 9 251 нафарни ташкил этмоқда.

2022 йилнинг якунлари бўйича вояга етмаганлар орасида аниқланган шахслар сони таҳлили шуни кўрсатдики, уларнинг сони 2021 йилнинг шу даврига нисбатан 517 кишига кўпайган, 678 нафари 13-15 ёш, 2 434 нафари 16-17 ёшлилардир.

### Жиноят содир этган вояга етмаганларнинг жинси бўйича тақсимланиши

(2022 йил январь-декабрь ойларида, % да)




**Вояга етмаган шахс** – ўн саккиз ёшга тўлмаган шахс.

2022 йилнинг январь-декабрь ойларида ҳуқуқбузарлик содир этган вояга етмаганлар сони 3 112 нафарни ташкил этиб, уларнинг умумий сонининг 3,5 % ини ташкил этди. Таҳлиллар вилоятлар бўйича вояга етмаганлар ўртасида содир этилган жиноятларнинг 7,6 % ини (158 нафар) қиз болалар томонидан содир этилганини кўрсатди.

### Вояга етмаганлар томонидан содир этилган жиноятлар

(2018-2022 йиллар январь-декабрь ойларида, киши)



3 112 кишидан **81,4 %** и  
жиной жавобгарликка  
тортилган



Жиноят содир этган вояга етмаганларнинг ҳудудлар  
бўйича тақсимланиши

(2022 йил январь-декабрь ойларида, киши)



● вояга етмаганлар

● ўтган 2021 йилга нисбатан ўсиш суръати

2022 йилнинг ўтган даврига нисбатан вояга етмаганлар сони 19,9 % га, 2020 йилнинг январь-декабрь ойларида нисбатан эса 2,4 баробарга ошган. Вояга етмаганлар энг кўп Фарғона (770 киши), Тошкент (345 киши) ва Наманган (292 киши) вилоятларида, Тошкент шаҳрида (510 киши) қайд этилган. Шу билан бирга, Сирдарё (81 нафар), Жиззах (55 нафар), Хоразм (50 нафар) ва Навоий (50 нафар) вилоятларида энг кам ҳуқуқбузарлик содир этган вояга етмаганлар қайд этилган.

2022 йил январь-декабрь ойларида вояга етмаганлар томонидан 10 та қасддан одам ўлдириш ва одам ўлдиришга уриниш, 79 та қасддан баданга оғир шикаст етказиш, 46 та номусга тегиш ва номусга тегишга уриниш, 1581 та ўғирлик, 151 та талончилик ва босқинчилик, 134 та фирибгарлик, 284 та безорилик ва бошқа жиноятлар содир этилган.


Фарғона вилоятида жиноят содир этилишда аниқланган вояга етмаганлар ичида ўғил болалар энг кўп кузатилмоқда – бу вилоятда умумий ҳуқуқбузарлар сонининг 5,5 % и, кейин Тошкент шаҳрида – 467 нафар (шаҳардаги ҳуқуқбузарлар умумий сонининг 3,0 % и), Наманган вилоятида – 182 киши (3,4 %). Вояга етмаган қизлар ўртасида Фарғона вилояти – 62 нафар, Тошкент вилояти – 43 нафар билан устунлик қилмоқда. Тошкент шаҳри, Хоразм, Самарқанд, Навоий, Жиззах вилоятларида жиноят содир этган вояга етмаган қизлар йўқ.

**Вояга етмаганлар томонидан содир этилган жиноятлар**  
(2020-2022 йиллар январь-декабрь ойларида, ҳолатлар)


қасддан одам ўлдириш ва  
одам ўлдиришга уриниш



қасддан баданга оғир  
шикаст етказиш




номусга тегиш ва номусга  
тегишга уриниш




товламачилик



ўғрилиқ




талончилик




босқинчилик



фирибгарлик



безорилик



Вояга етмаганлар томонидан содир этилган жиноятлар бўйича 2022 йилнинг январь-декабрь ойларида 2020 йилнинг шу даврига нисбатан қасддан одам ўлдириш ва одам ўлдиришга уриниш (16,7 % га) камайган. Жиноятларнинг қуйидаги турлари бўйича ўсиш қайд этилди: қасддан баданга оғир шикаст етказиш 13,8 % га, номусга тегиш ва номусга тегишга уриниш – 84,0 % га, товламачилик – 128,0 % га, ўғрилиқ – 31,3 % га, талончилик – 330,0 % га, босқинчилик – 50,0 % га, фирибгарлик – 219,0 % га, безорилик – 153,6 % га ўсган.

Бундан ташқари, 2022 йил давомида вояга етмаганлар бўйича: 41 та гиёҳвандлик воситаларини ишлаб чиқариш ёки сотиш, 1 та пора олиш, 99 та ўлимга олиб келмайдиган йўл-транспорт ҳодисаси, 1 та валюта бойликларини қонунга хилоф равишда олиш ёки сотиш аниқланган.

Жиноят содир этилган пайтда ишлаган жойида вояга етмаганлар ўртасида 2579 нафар ўқиётганлар, 266 нафар ишчи, 160 нафар меҳнатга лаёқатли (ишламайдиган ва ўқимайдиганлар), 10 нафар ходим ва 1 нафар қишлоқ хўжалигида меҳнат қилаётганлар ҳисобга олинди.

## Статистик кўрсаткичларга изоҳлар

**Жиноятчилик** бу – аниқ ҳудудда муайян вақт давомида содир этилган жиноятлардан иборат бўлган ҳамда миқдор кўрсаткичлари билан таърифланадиган ижтимоий-ҳуқуқий ҳодисадир.

**Рўйхатга олинган жиноят** бу – ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан аниқланган ва расман ҳисобга олинган, жиноят қонунчилигида назарда тутилган ижтимоий хавфга эга хатти-ҳаракатдир.

**Жиноятларни таснифлаш** – жиноятлар ўз хусусияти ва ижтимоий хавфлилиқ даражасига кўра: ижтимоий хавфи катта бўлмаган; унча оғир бўлмаган; оғир; ўта оғир жиноятларга бўлинади. Ўзб.Респ. ЖК 15-модда.

**Фирибгарлик** – алдаш ёки ишончни суистеъмол қилиш йўли билан ўзганинг мулкани ёки ўзганинг мулкига бўлган ҳуқуқни қўлга киритиш. Ўзб.Респ. ЖК 168-модда.

**Товламачилик** – яъни жабрланувчи ёки унинг яқин кишиларига зўрлик ишлатиш, мулкка шикаст етказиш ёки уни нобуд қилиш ёхуд жабрланувчи учун сир сақланиши лозим бўлган маълумотларни ошкор қилиш билан кўрқитиб, ўзгандан мулкни ёки мулкнинг ҳуқуқни топширишни, мулкнинг манфаатлар беришни ёхуд мулкнинг йўсиндаги ҳаракатлар содир этишни талаб қилиш ёхуд жабрланувчини ўз мулки ёки мулкка бўлган ҳуқуқини беришга мажбур қиладиган шароитга солиб қўйиш. Ўзб.Респ. ЖК 165-модда.

**Ўғрилик** – яъни ўзганинг мол-мулкни яширин равишда талон-торож қилиш. Ўзб.Респ. ЖК 169-модда.

**Безорилик** – яъни жамиятда юриш-туриш қоидаларини қасдан менсимаслик, уриш-дўппослаш, баданга енгил шикаст етказиш ёки ўзганинг мулкига шикаст етказиш ёхуд нобуд қилиш анча зарар етказиш билан боғлиқ ҳолда содир этиш. Ўзб.Респ. ЖК 277-модда.

**Талончилик** – ўзганинг мулкни очикдан-очик ўғрилаш. Ўзб.Респ. ЖК 166-модда.

**Қасдан баданга оғир шикаст етказиш бу** – содир этилаётган пайтда ҳаёт учун хавfli бўлган қасдан баданга оғир шикаст етказиш натижасида кўриш, сўзлаш, эшитиш қобилиятини йўқотиш ёхуд бирон аъзонинг ишдан чиқиши ёки унинг фаолияти тамоман йўқолишига, руҳий ҳолатининг бузилишига ёки соғлиғининг бошқача тарзда бузилишига, умумий меҳнат қобилиятининг ўттиз уч фоизидан кам бўлмаган қисмининг доимий йўқолишига ёки ҳомиланинг тушиши ёхуд баданнинг тuzалмайдиган даражада хунуклашишига сабаб бўлишидир. Ўзб.Респ. ЖК 104-модда.

**Жиноят содир этган шахслар** – ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари томонидан расман рўйхатга олинган, уларга нисбатан жиноят иши қўзғатилган шахслар.

## XVIII. ТУРИСТИК ОЎҚИМ

(2022 йил январь-декабрь)

**Туризм** бу – одамларнинг доимий яшаш жойидан ташқарига чиқиши билан боғлиқ ижтимоий, маданий ва иқтисодий ҳодиса бўлиб, мақсади одатда кўнгил очиш ва дам олишдир.

Бугунги кунда туризм жаҳон иқтисодиётининг етакчи тармоқларидан бирига айланди. Бу борада Ўзбекистонда туризм индустриясини модернизация қилиш, соҳани барқарор ривожлантириш учун норматив-ҳуқуқий базани ривожлантириш ва такомиллаштириш, хорижлик меҳмонларга халқаро стандартлар асосида хизмат кўрсатишни ташкил этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Мустақиллик йилларида халқнинг тарихий-маданий меросини асраб-авайлаш ва юксалтириш, миллий анъана ва урф-одатларни, республиканинг диққатга сазовор жойларини тиклаш ва ободонлаштириш билан бир қаторда бу соҳада сезиларли ютуқларга эришилди.



Шундай қилиб, Ўзбекистонда туризм соҳасини жадал ривожланиши, жумладан, тарихий-маданий меросга эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлиш, халқаро стандартларга тўлиқ жавоб берадиган инфратузилма яратилиши, халқаро алоқаларни мустаҳкамланиши юртимизни дунёдаги энг кўп ташриф бўладиган давлатлардан бирига айлантirdи.

<sup>1</sup>) Республикага келганларнинг умумий сонидан бир киши бир неча марта ҳисобланиши мумкин ва бу алоҳида ҳолат сифатида ҳисобга олинади.


<sup>2</sup>) Республикадан кетганларнинг умумий сонидан бир киши бир неча марта ҳисобланиши мумкин ва бу алоҳида ҳолат сифатида ҳисобга олинади.

## 1-БЎЛИМ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИГА ТУРИСТИК МАҚСАДЛАРДА КЕЛГАН ЧЕТ ЭЛ ФУҚАРОЛАРИ

**Кирувчи туризм** – кўрилаётган мамлакат доимий яшовчиси бўлмаган ташриф буюрувчининг кирувчи сайёҳлик сафари вақтида ушбу мамлакат доирасидаги фаолиятини ўз ичига олади.

**Маълумот учун:** Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинларининг Ўзбекистон Республикасига ташриф буюрган чет эл фуқаролари тўғрисидаги маълумотлари асосида шакллантирилади.

Ўзбекистон Республикасига туристик мақсадларда  
келган чет эл фуқаролари  
(тегишли йилнинг январь-декабрь ойлари учун, минг киши)




2022 йил январь-декабрь ойларида Ўзбекистон Республикасига келган хорижий фуқаролар сони жами 5 232,8 минг нафарни ташкил этган. 2021 йилга нисбатан уларнинг сони 2,8 баробарга ошган. 2022 йил давомида чет элдан келганларнинг энг катта қисми учинчи чоракка тўғри келган – 1 710,9 минг киши, бу уларнинг умумий сонидан 32,7 % ини ташкил қилган.




2022 йилда МДХ давлатларидан республикамизга ташриф буюрган фуқаролар сони 2021 йилга нисбатан 2,9 баробарга, бошқа мамлакатлардан келганлар сони эса 58,1 % га ошди.

2022 йилда Ўзбекистон Республикасига МДХ давлатларидан 4 968,1 минг киши ташриф буюриб, бу жами келганларнинг 94,9 % ини ташкил этди, бошқа давлатлардан – 264,7 минг киши (5,1 %) ташриф буюрган.



\* Хориждан келган туристларнинг улуши, %

**Туристик мақсадларда келган чет эл фуқароларининг сафар мақсадлари бўйича тақсимланиши**  
(2022 йил январь-декабрь, минг киши)




2022 йилнинг январь-декабрь ойларида Ўзбекистонга келган чет эл фуқаролари сафар мақсадини ўқиш учун деб белгилаганлар сони 8,8 минг кишига (жами келганларнинг 0,2 % и) тенг, тижорат мақсадида келганлар – 20,4 минг киши (0,4 %), даволаниш учун – 70,0 минг киши (1,3 %), хизмат сафари учун – 83,8 минг киши (1,6 %), бўш вақт ва дам олиш учун – 392,2 минг киши (7,5 % га тўғри келган). Энг кўп саёҳатларнинг мақсадларига эса қариндошларни йўқлаш деб белгиланганлари – 4 657,6 минг киши (89,0 % га тенг бўлган). Тегишли даврнинг ўтган 2021 йилга нисбатан ўқиш мақсадидаги сафарлар 37,5 % га, хизмат сафарлари 38,1 % га, тижорат мақсадидаги сафарлар 48,9 % га ошган. Даволаниш учун амалга оширилган сафарлар 2,2 бараварга, бўш вақтини ўтказиш ва дам олиш учун 2,5 бараварга ва қариндошларни йўқлаш учун 2,9 баробарга ошган.

Қуйида келтирилган графиклардан хулоса қилиш мумкинки, 2022 йилда хорижий давлатлардан (МДХ давлатларидан ташқари) чет эл фуқаролари Ўзбекистон Республикасига асосан бўш вақтини ўтказиш ва дам олиш учун – 140,5 минг киши (хорижий давлатлардан (МДХ давлатларидан ташқари) ташриф буюрганларнинг умумий сонидан 53,08 % и), қариндошларини йўқлаш учун – 73,4 минг киши (27,73 %) ҳамда хизмат сафари мақсадида – 37,6 минг киши (14,2 %) ташриф буюрган.




Ўқиш учун – 7,1 минг киши (2,68 %), тижорат мақсадида – 6,0 минг киши (2,27 %) ва даволаниш учун – 0,1 минг киши (0,04 %) келган.



Ўз ўрнида, МДХ давлатларидан эса қариндошларидан хабар олиш мақсадида – 4 584,2 минг киши (МДХ давлатларидан ташриф буюрганларнинг умумий сонидан 92,27 % и), бўш вақт ва дам олиш учун – 251,7 минг киши (5,07 %) ҳамда даволаниш мақсадида – 69,9 минг киши (1,41 %) республикамизга кириб келишган. Хизмат сафари мақсадида – 46,2 минг киши (0,93 %), тижорат учун – 14,4 минг киши (0,29 %) ва ўқиш сабабли – 1,7 минг киши (0,03 %) келган.

Ўзбекистон Республикасига хориж давлатларидан  
келган чет эл фуқаролари  
(2022 йил январь-декабрь, минг киши)



Хорижий фуқароларнинг республикамызга энг кўп оқими қуйидаги давлатлардан қайд этилди: Қозоғистондан – 1 551,1 минг киши, Тожикистондан – 1 448,0 минг киши, Қирғиз Республикасидан – 1 356,9 минг киши, Россиядан – 567,6 минг киши, Туркиядан – 75,5 минг киши, Жанубий Кореядан – 20,0 минг киши, Германиядан – 17,7 минг киши, Ҳиндистондан – 16,8 минг киши, Беларус Республикасидан – 13,7 минг киши, АҚШдан – 13,2 минг киши, Исроилдан – 11,3 минг киши, Украинадан – 11,1 минг киши, Франциядан – 10,9 минг киши ва Буюк Британиядан – 10,4 минг киши. Қолган 108,6 минг киши Ўзбекистонга бошқа хорижий давлатлардан келганлар.


**Ўзбекистон Республикасига хориж давлатларидан келган  
чет эл фуқаролари сонининг сафар мақсадлари бўйича тақсимланиши**  
(2022 йил январь-декабрь, минг киши)




2022 йил давомида чет эл фуқаролари хизмат сафарлари билан Ўзбекистонга асосан Россия (14,6 минг киши), Тожикистон (12,5 минг киши) ва Туркиядан (11,7 минг киши) келганлар. Ўқиш учун асосан Ҳиндистон (3,8 минг киши), Покистон (1,2 минг киши) ва Тожикистондан (0,6 минг киши) ташриф буюришган. Бўш вақтини ўтказиш ва дам олиш учун юртимизга келган чет элликларнинг асосий қисми Россия (157,4 минг киши), Қозоғистон (37,9 минг киши) ва Туркияликлардан (23,3 минг киши) иборат. Мақсади қариндошларини йўқлаш бўлган сафарлар сонидан чет эл фуқаролари асосан Қозоғистон (1 477,5 минг киши), Тожикистон (1 363,6 минг киши) ҳамда Қирғиз Республикаси (1 328,0 минг киши) каби кўшни давлатлардан Ўзбекистонга ташриф буюришган. Даволаниш учун ҳам чет эл фуқаролари асосан Тожикистондан (37,2 минг киши), Қозоғистондан (24,7 минг киши) ва Қирғиз Республикасидан (6,8 минг киши) келишган. Тижорат мақсадида амалга оширилган сафарларнинг асосий қисми Тожикистон (10,8 минг киши), Туркменистон (2,4 минг киши) ва Афғонистон (1,7 минг киши) фуқароларидир.

**Туристик мақсадларда келган чет эл фуқароларининг  
жинси бўйича тақсимланиши**  
(2022 йил январь-декабрь, минг киши)

2022 йилнинг январь-декабрь ойларида Ўзбекистон Республикасига келган эркаклар сони 2 585,8 минг кишидан иборат бўлиб, бу келган барча хорижий фуқаролар умумий сонининг 49,4 % ини ташкил этди.



2021 йилга нисбатан уларнинг сони 2,7 баробарга ошган. 2022 йил давомида келган эркакларнинг энг катта қисми тўртинчи чоракка тўғри келган – 837,5 минг киши, бу уларнинг умумий сонининг 32,4 % ини ташкил этган.




2022 йилда юртимизга ташриф буюрган аёлларнинг умумий сони 2 647,0 минг кишидан иборат бўлган ва келган барча туристларнинг умумий сонининг 50,6 % ини ташкил этган. 2021 йилга нисбатан уларнинг сони 2,9 баробарга ошган.

2022 йил давомида келган аёлларнинг энг катта қисми учинчи чоракка тўғри келган – 884,8 минг киши, бу уларнинг умумий сонининг 33,4 % ини ташкил этган.


**Ўзбекистон Республикасига келган чет эл фуқаролари сонининг  
сафар мақсадлари бўйича гендер тақсимоти**  
(2022 йил январь-декабрь, минг киши)

2022 йил давомида Ўзбекистон Республикасига келган эркаклар сонидан 2 247,3 минг нафари қариндошларини йўқлаш мақсадида, 228,0 минг киши – бўш вақтини ўтказиш ва дам олиш учун, 66,9 минг киши – хизмат сафарига, 30,7 минг киши – даволанишга, 7,4 минг киши – тижорат учун ва 5,5 минг киши – ўқишга ташриф буюрган.




Аёлларга келсак, уларнинг 2 410,3 минг нафари қариндошларини йўқлашга, 164,2 минг нафари бўш вақтини ўтказиш ва дам олиш учун, 39,3 минг нафари даволаниш учун, 16,9 минг нафари хизмат сафари учун, 13,0 минг нафари тижорат мақсадида ва 3,3 минг нафари ўқиш учун келишган.

Ўзбекистон Республикасига хориж давлатларидан келган  
чет эл фуқаролари сонининг жинси бўйича тақсимланиши  
(2022 йил январь-декабрь, минг киши)




2022 йилда республикамызга чет эл эркаклари асосан Тожикистондан – 788,7 минг киши (уларнинг умумий сонидан 30,5 % и), Қозоғистондан – 705,8 минг киши (27,3 %), Қирғиз Республикасидан – 563,7 минг киши (21,8 %), Россиядан – 316,7 минг киши (12,3 %), Туркиядан – 63,0 минг киши (2,4 %), Жанубий Корейдан – 13,2 минг киши (0,5 %), Ҳиндистондан – 12,3 минг киши (0,5 %), Германиядан – 10,7 минг киши (0,4 %) ва Беларус Республикасидан – 8,4 минг киши (0,3 %) келган. Қолган 103,3 минг киши (4,0 %) бошқа давлатлардан ташриф буюрганлар.




Ўз ўрнида, аёлларнинг асосий қисми Қозоғистондан – 845,3 минг киши (уларнинг умумий сонидан 31,9 % и), Қирғиз Республикасидан – 793,2 минг киши (30,0 %), Тожикистондан – 659,3 минг киши (24,9 %), Россиядан – 250,9 минг киши (9,5 %), Туркиядан – 12,5 минг киши (0,5 %), Германиядан – 7,0 минг киши (0,3 %), Жанубий Корейдан – 6,8 минг киши (0,2 %), АҚШдан – 5,7 минг киши (0,2 %), Беларус Республикасидан – 5,3 минг киши (0,2 %) ва бошқа мамлакатлардан – 1,0 минг киши (2,3 %) келган.

### Ўзбекистон Республикасига келган чет эл фуқароларининг ёши бўйича гендер тақсимооти (2022 йил январь-декабрь, минг киши)

2022 йилнинг январь-декабрь ойларида Ўзбекистон Республикасига келган чет эл фуқароларининг ёши бўйича тақсимланиш таҳлилига кўра, уларнинг асосий қисми 31-55 ёшдагилар – 49,6 % ни (2 593,4 минг киши, шундан эркаклар – 49,4 % ни, аёллар – 50,6 % ни) ташкил этган. 56 ва ундан катта ёшдагилар – 20,4 % ни (1 069,6 минг киши, шундан эркаклар – 38,9 % ни, аёллар – 61,1 % ни), 19-30 ёшдагилар – 16,2 % ни (846,6 минг киши, шундан эркаклар – 60,9 % ни, аёллар – 39,1 % ни), 0-18 ёшдагилар – 13,8 % ни (723,2 минг киши, шундан ўғил болалар – 51,6 % ни, қизлар – 48,4 % ни) ташкил этганлар.



Ўзбекистон Республикасига келган чет эл фуқароларининг  
ёши ва сафар мақсадлари бўйича тақсимланиши  
(2022 йил январь-декабрь, минг киши)




2022 йилнинг январь-декабрь ойларида юртимизга хизмат сафари (ушбу мақсадда келганларнинг 69,4 % и), бўш вақтларини ўтказиш ва дам олиш (53,6 %), қариндошларни йўқлаш (48,9 %), соғломлаштириш (47,6 %), тижорат (55,9 %) мақсадларида асосан 31-55 ёшдаги чет эл фуқаролари ташриф буюрган. Ўқиш мақсадида эса асосан 19-30 ёшдагилар (72,7 %) келган.

## 2-БЎЛИМ. ТУРИСТИК МАҚСАДЛАРДА КЕТГАН ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФУҚАРОЛАРИ

**Чикувчи туризм** – кўрилаётган мамлакат доимий яшовчиси бўлган ташриф буюрувчининг ушбу мамлакат доирасидан ташқарига чикувчи ёки ички сайёҳлик сафарига доир фаолиятини ўз ичига олади.

**Маълумот учун:** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат Персоналлаштириш марказининг чет элга кетган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари тўғрисидаги маълумотлари асосида шакллантирилади.

### Туристик мақсадларда кетган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари (тегишли йилнинг январь-декабрь ойлари учун, минг киши)




2022 йил январь-декабрь ойларида чет элга кетган Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг сони жами 5 163,2 минг нафарни ташкил этди.

2021 йилнинг шу даврига нисбатан бу кўрсаткич 2 968,3 минг кишига, яъни 2,4 бараварга ошган. 2022 йилда кетганларнинг энг катта қисми учинчи чоракка тўғри келган – 1 818,4 минг киши, бу уларнинг умумий сонининг 35,2 % ини ташкил қилган.




2022 йил давомида МДХ давлатларига кетган республикаимиз фуқаролари сони 2021 йилга нисбатан 2,4 баробарга, бошқа давлатларга кетганлар сони эса 2,1 баробарга ошган.

2022 йилда МДХ давлатларига кетганлар сони 4 505,5 минг кишидан иборат бўлиб, бу жами кетганларнинг 87,2 % ини ташкил этган, бошқа давлатларга эса 658,7 минг киши (12,8 %) кетган.




\* Хорижга кетган туристларнинг улуши, % да

Сафар мақсадлари бўйича чет элга кетган  
Ўзбекистон Республикаси фуқаролари сони  
(2022 йил январь-декабрь, минг киши)



2022 йилнинг январь-декабрь ойларида хизмат сафарлари мақсадида чет элга кетган Ўзбекистон фуқаролари сони 15,2 минг нафар (республикадан чиқиб кетганлар умумий сонидан 0,3 % и), ўқиш мақсадида – 143,6 минг нафар (2,8 %), бўш вақтни ўтказиш ва дам олиш учун – 683,8 минг нафар (13,2 %), қариндошларни йўқлаш учун – 4 275,9 минг нафар (82,8 %) ҳамда даволанишга – 44,7 минг нафарни (0,9 %) ташкил этган.






Ўзбекистон фуқароларининг энг кўп қисми МДХ давлатларига қариндошларини йўқлаш (4 179,0 минг киши – МДХ давлатларига чиқиб кетган саёҳатларнинг умумий сонидан 92,8 % и), бўш вақтни ўтказиш ва дам олиш (156,5 минг киши – 3,5 %) ҳамда ўқиш мақсадида (128,5 минг киши – 2,8 %) кетган. МДХ давлатларига кетган сайёҳларнинг энг кам қисми хизмат сафарлари – 10,4 минг киши (0,2 %) ва даволаниш – 30,1 минг киши (0,7 %) мақсадида чиқиб кетганларга тўғри келади.


Бошқа давлатларга (МДХ давлатларидан ташқари) кетган республикаимиз фуқароларига келсак, энг кўп саёҳатлар бўш вақтни ўтказиш ва дам олиш (527,3 минг киши – бошқа давлатларга чиқиб кетганларнинг умумий сонидан 80,1 % и), қариндошларини йўқлаш (96,9 минг киши – 14,7 %) ва ўқиш (15,1 минг киши – 2,3 %) мақсадида амалга оширилган. Энг кам саёҳатларнинг мақсади эса, МДХ давлатларига кетганлар каби, хизмат сафарлари (4,8 минг киши – 0,7 %) ва даволанишга (14,6 минг киши – 2,2 %) тўғри келган.

### Хориж давлатларига кетган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари (2022 йил январь-декабрь, минг киши)



2022 йил давомида Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг асосий оқими Қирғиз Республикасига – 2 446,9 минг киши (кетган фуқароларнинг умумий сонидан 47,4 % и), Қозоғистонга – 1 001,3 минг киши (19,4 %), Тожикистонга – 784,9 минг киши (15,2 %), Туркияга – 306,0 минг киши (5,9 %), Россияга – 250,6 минг киши (4,9 %), Бирлашган Араб Амирликлари (БАА)га – 128,3 минг киши (2,5 %), Саудия Арабистонига – 69,5 минг киши (1,3 %), Мисрга – 36,8 минг киши (0,7 %), Қувайтга – 23,9 минг киши (0,5 %), Жанубий Кореяга – 23,1 минг киши (0,4 %), АҚШга – 16,6 минг киши (0,3 %), Озарбайжонга – 11,9 минг киши (0,2 %), Ҳиндистонга – 10,6 минг киши (0,2 %), Грузияга – 8,0 минг киши (0,2 %) ва бошқа давлатларга – 44,8 минг киши (0,9 %) кетгани қайд этилган.

2022 йилнинг январь-декабрь ойларида хизмат сафари мақсадида Ўзбекистон фуқароларининг асосий қисми Қирғиз Республикаси – 3,1 минг киши (хизмат сафари мақсадида кетган фуқароларнинг 20,4 % и), Россия – 2,3 минг киши (15,1 %) ва Туркманистонга – 2,3 минг киши (15,1 %) кетган. Ўқиш учун асосан улар Қирғиз Республикаси – 52,8 минг киши (36,8 %), Тожикистон – 49,9 минг киши (34,7 %) ва Россияга – 13,7 минг киши (9,5 %) чиққан. Бўш вақтини ўтказиш ва дам олиш учун фуқаролар асосан Туркия – 236,6 минг киши (34,6 %), БАА – 112,4 минг киши (16,4 %) ҳамда Россияга – 94,4 минг киши (13,8 %) кетган.





Қариндошларни йўқлаш учун Ўзбекистон фуқаролари асосан Қирғиз Республикаси – 2 356,6 минг киши (55,1 %), Қозоғистон – 958,8 минг киши (22,4 %) ва Тожикистонга – 728,4 минг киши (17,0 %) чиқишган.

Даволаниш мақсадида улар Қирғиз Республикаси – 14,3 минг киши (32,0 %), Россия – 8,4 минг киши (18,8 %) ҳамда Туркияга – 8,3 минг киши (18,6 %) кетишган.

### Чет элга кетган Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг жинси бўйича тақсимланиши (2022 йил январь-декабрь, минг киши)

2022 йилнинг январь-декабрь ойларида республикамиздан туризм мақсадида чиқиб кетган эркаклар сони 2 707,8 минг кишидан иборат бўлиб, бу кетган барча фуқаролар умумий сонининг 52,4 % ини ташкил этди. 2021 йилга нисбатан уларнинг сони 2,3 баробарга ошган.






2022 йил давомида кетган эркакларнинг энг кўп қисми учинчи чоракка тўғри келган – 941,8 минг киши, бу уларнинг умумий сонининг 32,4 % ини ташкил этган.

2022 йилда чет элга чиққан аёлларнинг умумий сони 2 455,4 минг кишидан иборат бўлган ва кетган барча туристлар умумий сонининг 47,6 % ини ташкил этган. 2021 йилга нисбатан уларнинг сони 2,4 баробарга ошган. 2022 йил давомида кетган аёлларнинг энг катта қисми учинчи чоракка тўғри келган – 876,6 минг киши, бу уларнинг умумий сонининг 35,7 % ини ташкил этган.

**Чет элга кетган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари сонининг  
сафар мақсадлари бўйича гендер тақсимоти**  
(2022 йил январь-декабрь, минг киши)




2022 йил давомида Ўзбекистон Республикасидан кетган эркакларнинг умумий сонидан 2 243,2 минг нафари (82,8 % и) қариндошларини йўқлаш мақсадида, 351,7 минг нафари (13,0 % и) – бўш вақтини ўтказиш ва дам олиш учун, 78,6 минг нафари (2,9 % и) – ўқишга, 21,0 минг нафари (0,8 % и) – даволанишга ва 13,3 минг нафари (0,5 % и) – хизмат сафари мақсадида чиққанлар.

Аёлларга келсак, уларнинг 2 032,7 минг нафари (аёллар умумий сонидан 82,8 % и) қариндошларини йўқлашга, 332,1 минг нафари (13,5 % и) бўш вақтини ўтказиш ва дам олиш учун, 65,0 минг нафари (2,6 % и) ўқиш мақсадида, 23,7 минг нафари (1,0 % и) даволаниш учун ва 1,9 минг нафари (0,1 % и) хизмат сафари учун кетганлар.

### Хориж давлатларига кетган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари сонининг сафар мақсадлари бўйича тақсимланиши


(2022 йил январь-декабрь, минг киши)



Ўзбекистондан 2022 йилнинг январь-декабрь ойларида чет элга эркаклар асосан Қирғиз Республикасига – 1 303,5 минг киши (уларнинг умумий сонидан 48,1 % ини ташкил этган), Қозоғистонга – 517,5 минг киши (19,1 %), Тожикистонга – 409,2 минг киши (15,1 %), Туркияга – 143,0 минг киши (5,3 %), Россияга – 140,5 минг киши (5,2 %), БААга – 67,0 минг киши (2,5 %), Саудия Арабистонига – 31,8 минг киши (1,2 %), бошқа давлатларга – 95,3 минг киши (3,5 %) кетган.

2021 йилнинг шу даврига нисбатан таҳлил қилинаётган даврда республикадан чиқиб кетган эркаклар сони 2,3 баробарга, хусусан, Россияга бўлган сафарлар 48,5 % га, БААга – 56,6 % га, Туркияга – 83,9 % га, Қирғиз Республикасига – 88,4 % га, Қозоғистонга – 3,8 баробарга, Тожикистонга – 4,2 баробарга, Саудия Арабистонига – 993,8 баробарга, бошқа давлатларга – 2 баробарга ошган.

Чет элга чиқиб кетган аёлларнинг умумий сонидан Қирғиз Республикасига – 1 143,4 минг киши (46,6 %) Қозоғистонга – 483,8 минг киши (19,7 %), Тожикистонга – 375,7 минг киши (15,3 %), Туркияга – 163,0 минг киши (6,6 %), Россияга – 110,1 минг киши (4,5 %), БААга – 61,3 минг киши (2,5 %), Саудия Арабистонига – 37,7 минг киши (1,5 %), бошқа давлатларга – 80,4 минг киши (3,3 %) кетган.




2021 йилнинг шу даврига нисбатан таҳлил қилинаётган даврда республикадан чиқиб кетган аёллар сони 2,4 баробарга, хусусан, Россияга бўлган сафарлар 48,9 % га, Туркияга – 69,3 % га, БААга – 75,8 % га, Қирғиз Республикасига – 2,2 баробарга, Қозоғистонга – 3,0 баробарга, Тожикистонга – 4,4 баробарга, Саудия Арабистонига – 1 984,2 баробарга, бошқа давлатларга – 2,2 баробарга ошган.


### Чет элга кетган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари сонининг ёши бўйича гендер тақсимоти (2022 йил январь-декабрь, минг киши)

2022 йилнинг январь-декабрь ойларида хорижга чиққан Ўзбекистон фуқароларининг ёши бўйича тақсимланиши таҳлилига кўра, уларнинг асосий қисми 31-55 ёшдаги 2 391,8 минг кишидан (барча чет элга чиққан фуқаролар сонининг 46,3 % и) иборат бўлиб, шундан эркаклар – 50,5 % ини, аёллар – 49,5 % ини ташкил этганлар. Республикамиздан чиқиб кетган 19-30 ёшдаги фуқаролар 1 215,0 минг кишини (23,6 %), шундан эркаклар – 67,9 % ни, аёллар эса – 32,1 % ни ташкил этганлар. 56 ва ундан катта ёшдаги фуқаролар 909,8 минг кишидан (17,6 %) иборат бўлган ва улардан эркаклар – 35,7 % ни, аёллар – 64,3 % ни ташкил этганлар.

Юртимиздан чиқиб кетган 0-18 ёшли болалар – 646,6 минг кишини (12,5 %), шундан ўғил болалар – 54,3 % ни, қизлар эса – 45,7 % ни ташкил этдилар.



Чет элга кетган Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг  
ёши ва сафар мақсадлари бўйича тақсимланиши  
(2022 йил январь-декабрь, минг киши)



2022 йил давомида хизмат сафари мақсадида асосан 31-55 ёшдаги (69,1 %) Ўзбекистон фуқаролари чет элга кетган. Таълим олиш учун асосан 19-30 ёшдаги ёшлар (74,9 %) кетган. Бўш вақтини ўтказиш ва дам олиш мақсадида асосан 31-55 ёшдаги (46,2 %) фуқароларимиз хорижга чиққан. Қариндошларни йўқлаш учун асосан 31-55 ёшдагилар (47,5 %) жўнаб кетган. Саломатлигини мустаҳкамлаш мақсадида ҳам асосан 31-55 ёшдаги (42,5 %) фуқароларимиз хорижга чиққан.

## Статистик кўрсаткичларга изоҳлар

**Туризм** – жисмоний шахсининг вақтинча бўлиш мамлакатига (жойидаги) манбалардан даромад олиш билан боғлиқ бўлган фаолият билан шуғулланмаган ҳолда доимий яшаш жойидан жўнаб кетиши (саёҳат қилиши).

**Турист** – вақтинча бўлиш мамлакатига (жойидаги) манбалардан даромад олиш билан боғлиқ бўлган фаолият билан шуғулланмаган ҳолда, вақтинча бўлиш мамлакатига (жойига) йигирма тўрт соатдан кетма-кет ўн икки ойгача бўлган даврга борувчи ёки вақтинча бўлиш мамлакатига (жойида) камида бир кеча тунаб қолувчи жисмоний шахс.

**Ишга доир ва касбий мақсадлар** – ушбу тоифага, мустақил равишда банд бўлган шахслар ва ёлланма ишловчилар фаолияти, агарда улар билан ташриф буюриладиган мамлакат ёки жойидаги ишлаб чиқарувчи-резидент ўртасида аниқ ёки назарда тутилган ёлланма меҳнат муносабатлари белгилари мавжуд бўлмаса, сармоядорлар, ишбилармонлар ва ҳоказолар фаолияти киради.

**Таълим ва касбий тайёргарлик** – бу тоифага, иш берувчи ёки бошқа ташкилотлар, шахслар томонидан тўланадиган қисқа муддатли курсларга қатнаш, тўлов асосида ўқиш, тилларни ўрганиш, касбий ёки бошқа махсус курслар, илмий таътилларни қўшган ҳолда муайян ўқув дастурларини ўтиш ёки курсларда муайян малакага эга бўлиш ва ҳоказолар киради.

**Таътил, бўш вақтни ўтказиш ва дам олиш** – бу тоифа, масалан, диққатга сазовор жойларни кўриш, табиий ва сунъий объектларга ташриф буюриш, спорт ёки маданий тадбирларда қатнашиш, профессионал бўлмаган спорт турлари билан шуғулланиш, пляжда дам олиш, сузиш ҳавзалари ва ҳар қандай дам олиш ва кўнгилочар объектлардан фойдаланиш, круизлар, кимор ўйинлари, ёзги ёшлар лагерлари, дам олиш уйлари, асал ойларига бориш, олий тоифадаги ресторанлар ва соғлом турмуш тарзига ихтисослашган муассасаларга ташриф буюриш (масалан, соғломлаштириш меҳмонхоналари), фитнес билан шуғулланиш, уй хўжалигига тегишли ёки ижарага олинган дала ҳовли (дача)ларда туриш ва ҳоказолар киради.

**Дўстларни ва қариндошларни кўргани бориш** – бу тоифа ўз ичига, қариндошлар ёки дўстларникига ташриф буюриш; тўйларга, дафн маросимлари ёки бошқа ҳар қандай оилавий тадбирларга ташриф буюриш; бемор ёки қарияларни қисқа муддат давомида парваришлаш ва бошқалар каби фаолият турларини қамраб олади.

**Даволаниш ва соғломлаштириш муолажалари** – бу тоифа касалланишдан кейинги қўшимча даволаниш мақсадида шифохоналар, клиникалар, санаториялар, умумий спектрдаги тиббий ва ижтимоий муассасалар хизматидан фойдаланиш, денгиз ва бошқа курортларга, шунингдек, тиббий хизматдан фойдаланиш учун тиббий ускуна ва хизматларга асосланган косметик жарроҳликни қўшган ҳолда, тиббий маслаҳатга асосланган бошқа ихтисослашган муассасаларга қатнашни ўз ичига олади. Бу тоифа фақат қисқа муддатли даволанишдан иборатдир.

## XIX. ТАЪЛИМ ТИЗИМИ

Сифатли таълим олиш одамларнинг турмуш шароитини яхшилаш ва барқарор тараққиётни таъминлашга замин яратади. Таълимнинг қулайлиги ва сифати масалалари дунёнинг барча давлатлари стратегик ривожланиш дастурларига киритилган, чунки давлат аҳолининг ўзини ўзи англаш имкониятлари учун таълим муҳитини яратиш орқали мамлакатда моддий фаровонлик ва ижтимоий-иқтисодий барқарорликни таъминлашга, инсон капиталини оширишга ҳисса қўшади, ўз ўрнида, мамлакатнинг иқтисодий салоҳиятини юксалтиради ва халқаро майдонда рақобатдош устунликни яратади.

Таълим тизимини ривожлантириш халқаро таълим фаолиятининг асосий тамойилларига асосланади, улардан бири арзон сифатли таълимни амалга ошириш учун шароит яратиш ва таъминлашдир.



Ўзбекистон Республикасида жинси, ирки, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, ҳар кимга таълим олиш учун тенг ҳуқуқлар кафолатланган.


Саводсизликка барҳам бериш ва барча фуқаролар учун арзон таълимни таъминлашда катта муваффақиятларга эришган Ўзбекистон таълимни давлат томонидан молиялаштиришнинг устунлигини сақлаб келмоқда, бу шубҳасиз ижобий омилдир.

Ўзбекистон Республикасида таълим турлари қуйидагилардан иборат:

- мактабгача таълим ва тарбия;
- умумий ўрта ва ўрта махсус таълим;
- профессионал таълим;
- олий таълим;
- олий таълимдан кейинги таълим;
- кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш;
- мактабдан ташқари таълим.

**25 ёш ва ундан катта ёшдаги аҳолининг таълим даражаси**

(уй хўжаликлари танланма кузатувлари маълумотларига асосан, 2021 йил учун, %)





## 1-БЎЛИМ. ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASIDA УМУМИЙ ЎРТА ТАЪЛИМ

Умумий ўрта таълим ўқув дастурига мувофиқ таълим олувчилар томонидан зарур билим, малака ва кўникмалар ўзлаштирилишига, шунингдек, таълимнинг кейинги тури танланишига ҳамда юқори малака талаб қилинмайдиган касблар эгалланишига қаратилган.


Умумий ўрта таълим кундузги таълим шаклида амалга оширилиб, қуйидаги босқичлар (I – XI синфлар)дан иборатдир:



Умумий ўрта таълим ташкилотларининг қуйидаги турлари мавжуд: бошланғич мактаб (ўқитиш муддати 4 йил: I – IV синфлар), умумий ўрта таълим мактаби (ўқитиш муддати 11 йил: I – XI синфлар), айрим фанларга ихтисослаштирилган мактаб (ўқитиш муддати 7 йил: V – XI синфлар), айрим фанларга ихтисослаштирилган мактаб-интернати (ўқитиш муддати 5 йил: VII – XI синфлар), ижод мактаби (ўқитиш муддати 5 йил: VII – XI синфлар), Президент мактаби (ўқитиш муддати 7 йил: V – XI синфлар), олимпия ва миллий спорт турлари бўйича давлат ихтисослаштирилган мактаб-интернати (ўқитиш муддати 7 йил: V – XI синфлар), жисмоний ривожланишида нуқсони бўлган болалар учун ихтисослаштирилган мактаб-интернати (ўқитиш муддати 11 йил: I – XI синфлар), психик (интеллектуал) ривожланишида нуқсони бўлган болалар учун ихтисослаштирилган (ёрдамчи) мактаб, мактаб-интернати (ўқитиш муддати 9 йил: I – IX синфлар), санаторий туридаги ихтисослаштирилган мактаб-интернати (ўқитиш муддати 11 йил: I – XI синфлар), республика ихтисослаштирилган ўқув-таълим муассасаси (ўқитиш муддати заруриятга кўра).

### Фаолият юритаётган умумий ўрта таълим ташкилотлари сони

(ўқув йили бошига, бирлик)



Ўзбекистон Республикасида фаолият юритаётган умумтаълим муассасалари сони 2018/2019 ўқув йили бошига нисбатан 748 тага, яъни 7,7% га кўпайган.


### Фаолият юритаётган нодавлат таълим ташкилотлари сони

(ўқув йили бошига, бирлик)



Нодавлат таълим ташкилотлари томонидан таълим фаолияти давлат таълим стандартлари ва давлат талабларига мувофиқ амалга оширилади. Сўнгги йилларда таълимнинг ушбу турига қаратилаётган эътибор сабабли нодавлат умумтаълим ташкилотлари сони йилдан-йилга ортиб бормоқда. Биргина 2022 йилнинг ўзида фаолият юритаётган нодавлат таълим ташкилотлари сони 59 тага кўпайган, ушбу рақамларни 2018/2019 ўқув йилига нисбатан таққосланса, 136 тага (3,3 баробарга) ошганини кузатиш мумкин.

**Фаолият юритаётган умумий ўрта таълим ташкилотлари сонининг  
худудлар кесимида ва мулкчилик шакли бўйича тақсимланиши**  
(2022/2023 ўқув йили бошига, бирлик)



Агар 2022/2023 ўқув йили бошига умумий ўрта таълим ташкилотларининг энг катта қисми Самарқанд (1 310 та), Қашқадарё (1 220 та) ва Фарғона (1 026 та) вилоятларида қайд этилган бўлса, бошқа вилоятларга нисбатан энг паст кўрсаткич Сирдарё (327 та) ва Навоий (374 та) вилоятларида қайд этилган.


**Фаолият юритаётган умумий ўрта таълим ташкилотлари сонининг  
таълим турлари бўйича тақсимланиши**  
(ўқув йили бошига, бирлик)



Умумий ўрта таълим ташкилотлари учта турга бўлинади: бошланғич мактаблар, умумий ўрта таълим мактаблари ва бошқалар.

2022/2023 ўқув йили бошига республикада 72 та бошланғич мактаблар, 10 359 та умумий ўрта таълим мактаблари ва 91 та бошқа таълим ташкилотлари фаолият юритган. 2018/2019 ўқув йилига нисбатан бошланғич мактаблар сони 94,6 % га, умумий ўрта таълим мактаблари сони 7,4 % га, бошқа таълим ташкилотлари сони эса 2,2 % га ошган.

**Умумий ўрта таълим ташкилотларида таҳсил олаётган ўқувчилар сони**  
(ўқув йили бошига, минг киши)



2022/2023 ўқув йили бошига умумий ўрта таълим ташкилотларида таҳсил олаётган ўқувчилар сони 2018/2019 ўқув йилига нисбатан 1,1 минг кишига, яъни 10,4 % га кўпайган.


**Нодавлат таълим ташкилотларида таҳсил олаётган ўқувчилар сони**  
(ўқув йили бошига, киши)



Нодавлат таълим ташкилотларида таҳсил олаётган ўқувчилар сонининг таҳлили уларнинг йилдан йилга ўсишини кўрсатмоқда.

Демак, 2022/2023 ўқув йилида 2018/2019 ўқув йилига нисбатан ўқувчилар сони 3,3 баробарга ошди.

Умумий ўрта таълим ташкилотларида таҳсил олаётган ўқувчилар сонининг  
худудлар кесимида ва мулкчилик шакли бўйича тақсимланиши  
(2022/2023 ўқув йили бошига, минг киши)




Агар 2022/2023 ўқув йили бошига умумий ўрта таълим ташкилотларида таҳсил олаётган ўқувчиларнинг энг кўп қисми Самарқанд (766,8 минг киши), Фарғона (690,3 минг киши) ва Қашқадарё (657,3 минг киши) вилоятларида қайд этилган бўлса, бошқа вилоятларга нисбатан энг паст кўрсаткичлар Сирдарё (159,1 минг киши) ва Навоий (187,7 минг киши) вилоятларида кузатилган.

Умумий ўрта таълим ташкилотларида таҳсил олаётган ўқувчилар сонининг  
таълим турлари бўйича тақсимланиши  
(2022/2023 ўқув йили бошига, минг киши)

Республикамизнинг бошланғич мактабларида жами 10,5 минг ўқувчи, умумий ўрта таълим мактабларида – 6 426,8 минг ўқувчи, бошқа таълим ташкилотларида – 21,8 минг ўқувчи таҳсил олмоқда. Ўқувчиларнинг қолган қисми (2,6 минг бола) тақсимланмайдиган маълумотларга ва бошқа таълим ташкилотларида ташкил этилган мактаб синфларининг ўқувчилари сонига тўғри келади.



Умумий ўрта таълим ташкилотларида таҳсил олаётган ўқувчиларнинг гендер тақсимоти  
(ўқув йили бошига, минг киши)



2022/2023 ўқув йили бошига умумий ўрта таълим ташкилотларида таҳсил олаётган ўқувчиларнинг сонида ўғил болаларнинг улуши 51,3 % ни, қизларнинг улуши эса 48,7 % ни ташкил этган. 2019/2020 ўқув йилига нисбатан қизларнинг сони 5,4 % га, ўғил болаларнинг сони 4,2 % га ошган.

Умумий ўрта таълим ташкилотларида таҳсил олаётган ўқувчилар  
ўртача сонининг синфлар ва ҳудудлар бўйича тақсимланиши

Ўзбекистон Республикасида 2022/2023 ўқув йили бошига умумий ўрта таълим ташкилотларида таҳсил олаётган ўқувчиларнинг битта синфдаги ўртача сони 25 нафарни ташкил этади.

	<i>Синфлар бўйича жами ўртача ўқувчилар сони (киши)</i>	<i>I синф</i>	<i>II синф</i>	<i>III синф</i>	<i>IV синф</i>	<i>V синф</i>	<i>VI синф</i>	<i>VII синф</i>	<i>VIII синф</i>	<i>IX синф</i>	<i>X синф</i>	<i>XI синф</i>
<b>Ўзбекистон Республикаси жами</b>	<b>25</b>	<b>26</b>	<b>25</b>	<b>25</b>	<b>25</b>	<b>26</b>	<b>25</b>	<b>26</b>	<b>26</b>	<b>25</b>	<b>24</b>	<b>23</b>
Қорақалпоғистон Республикаси	22	23	22	22	22	22	23	23	23	22	20	19
<i>вилоятлар:</i>												
Андижон	27	28	26	27	27	27	27	28	27	27	25	24
Бухоро	27	28	26	27	27	27	27	27	27	27	25	25
Жиззах	22	22	22	22	22	23	24	23	23	23	22	20
Қашқадарё	24	25	24	24	25	25	25	24	24	23	22	25
Навоий	23	25	23	23	23	24	23	24	24	23	22	20
Наманган	27	28	27	27	27	27	27	28	28	27	24	24
Самарқанд	25	26	25	25	24	25	26	26	25	25	24	23
Сурхондарё	22	22	22	22	22	23	23	23	23	23	22	21
Сирдарё	23	24	23	23	22	23	24	24	24	23	22	20
Тошкент	24	25	24	24	24	25	25	25	25	24	22	21
Фарғона	26	27	26	26	26	27	26	26	26	27	25	24
Хоразм	27	28	27	27	27	28	27	27	27	27	26	25
Тошкент ш.	37	37	32	37	40	38	37	38	37	35	36	35

**Умумий ўрта таълим ташкилотларида фаолият юритаётган  
ўқитувчилар (ўриндошларсиз) сони**  
(ўқув йили бошига, минг киши)



Умумий ўрта таълим ташкилотларида фаолият юритаётган ўқитувчилар сонининг таҳлили уларнинг йилдан йилга ўсишини кўрсатмоқда. Шундай қилиб, 2022/2023 ўқув йилида 2018/2019 ўқув йилига нисбатан ўқитувчиларнинг сони 77,4 минг кишига, яъни 17,4 % га кўпайган.

**Нодавлат таълим ташкилотларида фаолият юритаётган  
ўқитувчилар сони**  
(ўқув йили бошига, киши)




Нодавлат таълим ташкилотларида фаолият юритаётган ўқитувчилар сонининг таҳлили уларнинг йилдан йилга ўсишини кўрсатмоқда. Масалан, 2022/2023 ўқув йилида 2018/2019 ўқув йилига нисбатан уларнинг сони 3,1 баробарга кўпайган.

**Умумий ўрта таълим ташкилотларидаги ўқитувчилар (ўриндошларсиз)  
сонининг ҳудудлар кесимида ва мулкчилик шакли бўйича тақсимланиши**  
(2022/2023 ўқув йили бошига, минг киши)

Агар 2022/2023 ўқув йили бошига умумий ўрта таълим ташкилотларидаги ўқитувчиларнинг энг кўп қисми Самарқанд (60,0 минг киши), Қашқадарё (58,3 минг киши) ва Фарғона (54,1 минг киши) вилоятларида қайд этилган бўлса, бошқа вилоятларга нисбатан энг паст кўрсаткичлар Сирдарё (12,9 минг киши) ва Навоий (20,8 минг киши) вилоятларида кузатилган.





■ Умумий ўрта таълим ташкилотларидаги ўқитувчилар сони

■ 2018/2019 ўқув йилига нисбатан ўсиш суръати

■ Нодавлат таълим ташкилотларидаги ўқитувчилар сони

■ Давлат таълим ташкилотларидаги ўқитувчилар сони


Умумий ўрта таълим ташкилотларидаги олий маълумотли ўқитувчилар (ўриндошларсиз) сони  
(ўқув йили бошига, минг киши)



Умумий ўрта таълим ташкилотларида олий маълумотли ўқитувчилар сони йилдан йилга ортиб бормоқда.

Агар 2018/2019 ўқув йилида уларнинг улуши 83,9 % ни ташкил этган бўлса, 2022/2023 ўқув йилида бу кўрсаткич 90,1 % ни ташкил этди.


Умумий ўрта таълим ташкилотларининг битирувчилари  
(минг киши)




## 2-БЎЛИМ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ

Ўрта махсус таълим академик лицейларда тўққиз йиллик таянч ўрта таълим асосида икки йил мобайнида амалга оширилади ва таълим олувчиларнинг интеллектуал қобилиятларининг жадал ривожланишини, шунингдек чуқур, табақалаштирилган, касб-хунарга ва шахсга йўналтирилган таълим олишини таъминлайди.

### Академик лицейлар сони ва уларнинг ҳудудлар кесимида тақсимланиши (ўқув йили бошига, бирлик)




### Академик лицейларда таҳсил олаётган ўқувчиларнинг сони (ўқув йили бошига, минг киши)



Академик лицейларда таҳсил олаётган ўқувчиларнинг сони 2018/2019 ўқув йили бошига нисбатан 39,4 минг кишига, яъни 54,9 % га камайган.


Академик лицейларда таҳсил олаётган ўқувчиларнинг  
худудлар кесимида тақсимланиши  
(2022/2023 ўқув йили бошига, минг киши)



2022/2023 ўқув йили бошида академик лицейларда таҳсил олаётган ўқувчиларнинг энг катта қисми Тошкент шаҳрида (9,8 минг киши), энг кам қисми Сирдарё вилоятида (0,8 минг киши) қайд этилган.

2018/2019 ўқув йилига нисбатан энг юқори салбий ўсиш сурати Андижон (- 65,3 %) ва Сирдарё (- 65,2 %) вилоятларида, энг пастси эса – Жиззах вилояти (- 39,3 %) ва Тошкент шаҳрида акс этган (- 45,9 %).

Академик лицейларда таҳсил олаётган ўқувчиларнинг гендер тақсимооти  
(2022/2023 ўқув йили бошига, минг киши)



2022/2023 ўқув йили бошига академик лицейларда таҳсил олаётган ўқувчиларнинг умумий сонидан ўғил болалар улуши 60,2 % ни (19,5 минг киши), қизлар улуши 39,8 % ни (12,9 минг киши) ташкил этди.

### Академик лицейларнинг ўқитувчилари таркиби (ўқув йили бошига, киши)



2018-2022 йилларда академик лицейларнинг ўқитувчилари сони йилдан йилга камайиб келган. Ўз ўрнида, 2022/2023 ўқув йили бошида уларнинг сони 2018/2019 ўқув йилига нисбатан 2 486 кишига, яъни 43,3 % га камайган. Академик лицей ўқитувчиларининг энг кўп қисми Тошкент шаҳрида (929 киши), энг ками эса Сирдарё вилоятида (66 киши) қайд этилган.

### Академик лицейларнинг битирувчилари (минг киши)



2022 йилда академик лицей битирувчилари сони 2019 йилга нисбатан 12,2 минг кишига, яъни 38,6 % га камайган.

### 3-БЎЛИМ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ПРОФЕССИОНАЛ ТАЪЛИМ

Профессional таълим эгалладиган касб ва мутахассислик бўйича бошланғич professional таълим, ўрта professional таълим, ўрта махсус professional таълим даражаларини ўз ичига олади.



Бошланғич, ўрта, ўрта махсус professional таълим муассасалари сони  
(ўқув йили бошига, бирлик)



Касб-хунар мактаблари, коллежлар ва техникумлар сонининг таҳлили техникумлар кўпайганлиги, касб-хунар мактаблари ҳамда коллежлар эса камайганлигини кузатиш мумкин. Масалан, 2022/2023 ўқув йили бошида касб-хунар мактаблари сони 2020/2021 ўқув йилига нисбатан 2 тага, коллежлар 23 тага камайган, техникумлар сони эса 20 тага ошган.


**Бошланғич, ўрта, ўрта махсус профессионал таълим муассасаларида  
таҳсил олаётган ўқувчиларнинг сони**  
(ўқув йили бошига, минг киши)



2020/2021 ўқув йилидан 2022/2023 ўқув йилигача бўлган даврни таҳлили касб-хунар мактаблари, коллежлар ва техникумларда таҳсил олаётган ўқувчилар сонининг ўсишини кўрсатади.

Шундай қилиб, ушбу даврда уларнинг сони касб-хунар мактабларида 2,3 баробарга, техникумларда 2,2 баробарга, коллежларда эса 67,4 % га ошган.

**Бошланғич, ўрта, ўрта махсус профессионал таълим муассасаларида  
таҳсил олаётган ўқувчилар сонининг гендер тақсимоти**  
(2022/2023 ўқув йили бошига, минг киши)



2022/2023 ўқув йили бошида бошланғич, ўрта, ўрта махсус профессионал таълим муассасаларида таҳсил олаётган барча ўқувчилар сонидан қизларнинг улуши (53,3 %) ўғил болаларнинг улушига (46,7 %) нисбатан кўп бўлган.


Агарда профессионал таълимнинг ҳар бир даражаси алоҳида кузатилса, касб-хунар мактабларида таҳсил олаётган ўғил болалар (73,4 %) улуши қизлар (26,6 %) улушига нисбатан кўплигини кўриш мумкин. Коллеж ва техникумларда таҳсил олаётган ўқувчилар орасида қизлар ўғил болаларга қараганда кўпроқ. Шундай қилиб, коллежларда қизлар улуши 87,4 % ни, ўғил болалар улуши 12,6 % ни, техникумларда эса қизлар 53,3 % ни, ўғил болалар 46,7 % ни ташкил қилган.

**Бошланғич, ўрта, ўрта махсус профессионал таълим муассасаларининг  
ўқитувчилари таркиби**  
(ўқув йили бошига, киши)



Бошланғич, ўрта, ўрта махсус профессионал таълим муассасаларида сўнги уч йил давомида ўқитувчилар сони кўпайганини қайд этиш мумкин. Шундай қилиб, 2022/2023 ўқув йили бошида уларнинг сони 2020/2022 ўқув йилига нисбатан 45,5 % га ошган.

**Бошланғич, ўрта, ўрта махсус профессионал таълим муассасаларининг  
битирувчилари (2022 йил учун, минг киши)**





## 4-БЎЛИМ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ОЛИЙ ТАЪЛИМ

Ўзбекистон Республикасида олий таълим узлуксиз таълим тизимининг мустақил тури бўлиб, республика қонунчилигига мувофиқ, умумий ўрта ва ўрта махсус, профессионал таълим негизда, олий таълим ташкилотларида амалга оширилади.

Мамлакатда қуйидаги олий таълим ташкилотларининг турлари мавжуд: университет, академия, институт (уларга тенглаштирилган олий ўқув юртлири). Шунингдек, олий таълим икки босқичга – бакалаврият ва магистратура босқичига эга.

### Фаолият юритаётган олий таълим ташкилотлари сони

(ўқув йили бошига, бирлик)



2018-2022 йиллар давомида олий таълим ташкилотлари сони (олий ҳарбий таълим ташкилотларидан ташқари) кўпайганини қайд этиш мумкин.

Ўз ўрнида, 2022/2023 ўқув йилида уларнинг сони 2018/2019 ўқув йилига нисбатан қарийб икки бараварга ошган.


### Фаолият юритаётган нодавлат ва хорижий олий таълим ташкилотлари сони

(ўқув йили бошига, бирлик)



Нодавлат олий таълим ташкилотлари томонидан таълим фаолияти давлат таълим стандартлари ва давлат талабларига мувофиқ амалга оширилади.

Биргина 2022 йилнинг ўзида уларнинг сони 24 тага кўпайган, ушбу кўрсаткич 2018/2019 ўқув йилига нисбатан 40 та (41 баробар)га ортган.




Хорижий олий таълим ташкилотлари сони биргина 2022 йилнинг ўзида 3 тага кўпайган.

2018/2019 ўқув йилига нисбатан уларнинг сони 18 та (2,8 баробар)га ошган.

● Хорижий олий таълим ташкилотлари сони ○ Олий таълим ташкилотлари сонидаги хорижий ташкилотларнинг улуши

### Фаолият юритаётган олий таълим ташкилотлари сонининг ҳудудлар кесимида ва мулкчилик шакли бўйича тақсимланиши (2022/2023 ўқув йили бошига, бирлик)




■ Олий таълим ташкилотлари сони  
■ 2018/2019 ўқув йилига нисбатан ўсиш суръати

Давлат олий таълим ташкилотлари сони

Нодавлат олий таълим ташкилотлари сони

Нодавлат олий таълим ташкилотларининг (23 та) энг кўп сони, олий таълим ташкилотлари (82 та) каби Тошкент шаҳрида жойлашган. Қорақалпоғистон Республикаси, Сурхондарё ва Сирдарё вилоятларида эса нодавлат олий таълим ташкилотлари умуман мавжуд эмас.

**Олий таълим ташкилотларига қабул қилинган талабалар сони**  
(ўқув йили бошига, минг киши)



Олий таълим ташкилотларига қабул қилинганлар сони  
Ўтган йилга нисбатан ўсиш суръати

Нодавлат олий таълим ташкилотлари  
2018/2019 ўқув йили 2022/2023 ўқув йили



Хорижий олий таълим ташкилотлари


2018/2019 ўқув йили 2022/2023 ўқув йили



2018-2022 йиллар давомида олий таълим ташкилотларига қабул қилинганлар сони кўпайганлиги қайд этилган. Шундай қилиб, 2018/2019 ўқув йилидан 2022/2023 ўқув йилигача уларнинг сони 2,5 баробарга ошди.

Нодавлат олий таълим ташкилотларига қабул 45,4 баробарга, хорижий олий таълим ташкилотларига эса 2,3 баробарга ошди.

**Олий таълим ташкилотларида таҳсил олаётган талабалар сони**  
(ўқув йили бошига, минг киши)



Олий таълим ташкилотларининг талабалари сони  
Ўтган йилга нисбатан ўсиш суръати

2022/2023 ўқув йили

Тошкент ш.	354,0
Самарқанд	84,7
Фарғона	77,7
Тошкент	60,3
Андижон	58,3
Қорақалпоғистон Респ.	57,5
Қашқадарё	57,4
Бухоро	54,2
Наманган	52,3
Сурхондарё	50,6
Хоразм	44,6
Жиззах	37,0
Навоий	30,3
Сирдарё	21,5


2022/2023 ўқув йили бошига олий таълим ташкилотларида таҳсил олаётган талабаларнинг энг кўп қисми Тошкент шаҳри (354 минг киши), Самарқанд (84,7 минг киши) ва Фарғона (77,7 минг киши) вилоятларида қайд этилган бўлса, бошқа вилоятларга нисбатан энг паст кўрсаткичлар Сирдарё (21,5 минг киши) ва Навоий (30,3 минг киши) вилоятларида кузатилган.

**Нодавлат ва хорижий олий таълим ташкилотларининг талабалари**  
(ўқув йили бошига, минг киши)



2022/2023 ўқув йилида 2018/2019 ўқув йилига нисбатан нодавлат олий таълим ташкилотларининг талабалари сони 72,4 баробарга, хорижий олий таълим ташкилотларининг талабалари сони эса 2,4 баробарга кўпайган.


**Олий таълим ташкилотлари талабаларининг гендер тақсими**  
(2022/2023 ўқув йили бошига, минг киши)



2022/2023 ўқув йили бошида олий таълим ташкилотларидаги талабаларнинг умумий сонида ўғил болаларнинг улуши (52,4 %) қизларнинг улушига (47,6 %) нисбатан кўп бўлган. Нодавлат олий таълим ташкилотларида эса қизларнинг улуши (54,7 %) ўғил болаларнинг улушига (45,3 %) нисбатан ортган, хорижий олий таълим ташкилотларида, аксинча, ўғил болалар 65,1 % ни, қизлар 34,9 % ни ташкил этган.

### Олий таълим ташкилотларида фаолият юритаётган профессор-ўқитувчи ходимлар сони

(ўқув йили бошига, минг киши)



Олий таълим ташкилотларининг ўтган йилга нисбатан профессор-ўқитувчи ходимлари сони ўсиш суръати

2022/2023 ўқув йили

Тошкент ш.	14,6	● +46,0%
Самарқанд	4,0	● +21,2%
Бухоро	2,8	● +86,7%
Андижон	2,6	● +44,4%
Фарғона	2,5	● +56,3%
Қорақалпоғистон Респ.	2,4	● +60,0%
Сурхондарё	2,3	● +155,6%
Қашқадарё	2,0	● +66,7%
Наманган	2,0	● +100%
Тошкент	1,8	● +100%
Хоразм	1,6	● +77,8%
Жиззах	1,5	● +66,7%
Навоний	0,9	● +28,6%
Сирдарё	0,7	● +75,0%

2018/2019 ўқув йилига нисбатан ўсиш суръати

2018-2022 йиллар давомида олий таълим ташкилотларида фаолият юритаётган профессор-ўқитувчи ходимлар сонининг кўпайиши кузатилган. Ўз ўрнида, 2022/2023 ўқув йили бошида уларнинг сони 2018/2019 ўқув йилига нисбатан 15,1 минг кишига, яъни 56,8 % га кўпайган. Профессор-ўқитувчи ходимларнинг сонини вилоятлар кесимида тақсимлаганда уларнинг энг юқори қисми Тошкент шаҳрида (14,6 минг киши), Самарқанд (4,0 минг киши) ва Бухоро (2,8 минг киши) вилоятларида фаолият юритаётганини кузатиш мумкин. Энг паст кўрсаткич Сирдарё вилоятида (0,7 минг киши) қайд этилган.


### Нодавлат ва хорижий олий таълим ташкилотларида фаолият юритаётган профессор-ўқитувчи ходимлар сони

(ўқув йили бошига, киши)




2022/2023 ўқув йилида нодавлат олий таълим ташкилотларида 2018/2019 ўқув йилига нисбатан ўқитувчилар сони 200,1 баробарга, хорижий олий таълим ташкилотларида эса 2,2 баробарга ошган.

Олий таълим ташкилотларининг битирувчилари сони  
(минг киши)



2022 йилда олий таълим ташкилотларининг битирувчилари сони 2018 йилга нисбатан 31,6 минг кишига, яъни 45,0 % га кўпайган. Уларни ҳудудлар кесимида тақсимлаганда, энг кўп битирувчилар Тошкент шаҳри (34,6 минг киши), Самарқанд (9,0 минг киши) ва Фарғона (8,4 минг киши) вилоятларидаги олий таълим ташкилотларини тамомлаганини кўриш мумкин. Энг паст кўрсаткич Сирдарё вилоятида (1,9 минг киши) қайд этилган.

Хорижий олий таълим ташкилотларининг битирувчилари сони  
(минг киши)



2022 йилда хорижий олий таълим ташкилотлари битирувчилари сони ўтган йилга нисбатан 0,2 минг киши (-6,5 %)га камайган, 2018 йилга нисбатан эса ушбу кўрсаткич 52,6 % га ошган.

## Статистик кўрсаткичларга изоҳ

**Таълим** – таълим олувчиларга чуқур назарий билим, малакалар ва амалий кўникмалар беришга, шунингдек, уларнинг умумтаълим ва касбий билим, малака ҳамда кўникмаларини шакллантиришга, қобилиятини ривожлантиришга қаратилган тизимли жараён.

**Давлат таълим муассасаси** – давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари томонидан давлат мулки бўлган мол-мулк негизида ташкил этилган, давлат таълим стандартларига ва давлат таълим талабларига мувофиқ таълим берадиган муассаса.

**Нодавлат таълим ташкилоти** – давлат таълим стандартлари, давлат таълим талаблари ва ўқув дастурларига мувофиқ таълим хизматлари кўрсатиш фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берадиган лицензия асосида ёки хабардор қилиш тартибида таълим хизматлари кўрсатувчи юридик шахс.

**Давлат таълим стандартлари** – давлат томонидан таълимнинг мазмуни ва сифатига нисбатан белгиланадиган талаблар мажмуи.

**Давлат таълим талаблари** – таълимнинг тузилмасига, мазмунига ва уни амалга ошириш шарт-шароитларига, шунингдек, таълим олувчиларнинг жисмоний, шахсий, интеллектуал, илмий ҳамда касбий сифатларига қўйиладиган мажбурий талаблар.

**Таълим ташкилотларида таълим олаётган ўқувчилар (талабалар) сони** – умумий ўрта, ўрта махсус, профессионал ва олий таълим ташкилотларида ўқиётган ва ўқув йили бошида рўйхатда турганлар сони.

**Ўқитувчи (профессор-ўқитувчи)лар сони** – ўқувчиларга таълим бериш ва касбий тарбияси билан шуғулланувчи, ўрта махсус, олий ёки махсус тайёргарликдан ўтган шахслар сони.

**Таълим ташкилотларига қабул қилиш** – ушбу ўқув йилида ўқишга қабул қилинганларнинг сонини кўрсатади. Қабул қилинган сонига иккинчи йил ўқиётганлар ва аввал ўқиганлар орасидан қайтиб келганлар қўшилмайди.

**Таълим ташкилотларини битирганлар** – таълим ташкилотларида ўқув курсини тўлиқ тугатган ва тегишли маълумот (мутахассислик)га эга бўлган шахслар сони.

**Маълумот учун:** маълумотлар таълим ташкилотлари томонидан тақдим этилган дастлабки маълумотлар асосида тайёрланган.